

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташқил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

4(46).

Қарши – 2020

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир	проф. ШОИМҚУЛОВ Б.А.
Бош муҳаррир ўринбосари	доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.
Масъул котиб	доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

Тахририят ҳайъати аъзолари:

проф. БЎРИЕВ О.Б.	ф.-м.ф.д. ХОЛМУРОДОВ А.Э.
проф. ЁЗИЕВ Л.Х.	проф. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ЖАББОРОВ А.М.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. ЖАББОРОВ Н.А.	проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.
проф. КУЧБОЕВ А.Э.	проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.
и.ф.д. ОЧИЛОВ А.О.	проф. ҒАФҒОРОВА Т.Ғ.
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
акад. ТОЖИБОЕВ К.Ш.	доц. БАХРИДДИНОВА Б.М.
проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т.	доц. БЕРДИМУРОДОВ Э.Т.
проф. ТЎРАЕВ Б.О.	доц. КАМОЛОВ Л.С.
фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.	доц. РАҲМАТОВ М.
пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.	доц. РЎЗИЕВ Б.Х.
ф.ф.д. ШОДМООНОВ Н.Н.	доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети, Бош бино.

Тел.: (99) 056-33-14; (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор	проф. ШАИМКУЛОВ Б.А.
Заместитель главного редактора	доц. ХАЛМИРЗАЕВ Н.С.
Ответственный секретарь	доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

Члены редколлегии:

д.э.н. АЧИЛОВ А.О.	д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д.
проф. БУРИЕВ О.Б.	д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н.
проф. ГАФҒАРОВА Т.Ғ.	д.ф.-м.н. ХАЛМУРАДОВ А.Э.
проф. ДЖАББАРОВ А.М.	проф. ЭРКАЕВ А.П.
проф. ДЖАББАРОВ Н.А.	проф. ЭШОВ Б.Ж.
проф. ЁЗИЕВ Л.Х.	проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х.
проф. КУРБАНОВ Ш.К.	доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.
проф. КУЧБАЕВ А.Э.	доц. БАХРИДДИНОВА Б.М.
проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х.	доц. БЕРДИМУРАДОВ Э.Т.
акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш.	доц. КАМАЛОВ Л.С.
проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т.	доц. РАҲМАТОВ М.
проф. ТУРАЕВ Б.О.	доц. РУЗИЕВ Б.Х.
д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А.	доц. ХАЛИМОВ Ғ.Ғ.

Адрес редакции:

180003, Қарши, Кучабағ, 17. Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.

Тел.: (99) 056-33-14; (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

- Абдирахмонова Б.Х., Мусурмонова М.О., Шукуров А.М.** Радиальное расширение сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью..... 5
- Safarov A.B., O'lmasov Q.N.** Buxoro viloyati hududida quyosh energiyasidan foydalanish imkoniyatlari tadqiqoti..... 8
- Бозоров Ж.Т.** Критерий голоморфной продолжимости в матричный поликруг функций, заданных на его остове..... 12

КИМЁ

- Ахмедов О.Ж., Тожиева С., Камалов Л.С.** *Trichoderma Harzianum* T22 ва T39 микрокўзкорин маҳаллий штаммларининг метаболитлари..... 19
- Якубов Э.Ш., Махмудова Г.А., Тожиев С.М., Шокиров Ж.Н., Бобилова Ч.Х.** Комплексные соединения меди (II) и цинка с 2-аминохиназолоном-4..... 25

БИОЛОГИЯ

- Саматова Ш.А., Ёзиев Л.Х., Бўранова М.О.** Цинния навларининг Қарши воҳаси шароитида гуллаш хусусиятлари..... 29
- Умедова Ш.Н.** Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятларида ўқувчи-ёшларнинг макронутриенларга бўлган физиологик талаби ва унинг кондирилиши..... 33
- Рахимов А.Л., Ёзиев Л.Х.** Турли ёшда *Hibiscus syriacus* L. нинг гуллаш ва мева ҳосил қилиш хусусиятлари..... 36
- Кўзиева С.Ў., Имомова Д.А. Бўронова М.О.** *Spiraea Hypericifolia* L. морфобиологик хусусиятлари ва демографик кўрсаткичлари (Туркистон тизмаси)..... 41
- Ортиков Э.А., Турдиев Д.Э.** *Iris L.* ва *Limnirs L.* ост туркуми (*Iris L., Iridaceae Juss.*) турларининг ўзбекистон баландлик минтақаларида тарқалиш хусусиятлари..... 46
- Абдурасулов Ш., Давронов Б.** Иммунобиологические свойства культурального изолята тейлерий *Th.annulata*..... 51
- Мадумаров М.Ж.** Дафния кўпайтиришда маҳаллий органик ўғитлардан фойдаланиш..... 55
- Рузиев Б.Х., Кучбоев А.Э., Каримова Р.Р.** Экология нематод рода *Metastrongylus molin*, 1861 – паразитов дикого кабана Узбекистана..... 58

ТАРИХ

- Каримов Б.Д.** Манғитлар сулоласи даврида Қарши шаҳри тарихий географияси хориж саёҳатчилари талқинида..... 62
- Тошов К.Т.** Иккинчи жаҳон уруши йиллари Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигининг аҳволи..... 65
- Бурханов Ш.Б.** Современная афганская стратегия США: политические инструменты и их эффективность..... 69
- Жабборова И.Х.** Қашқадарё воҳасида суғориш иншоотларининг барпо этилиши тарихидан..... 73
- Назаров Н.А.** Ўрхун-енисей ёдгорликлари ҳамда тарихий қадриятлар тадқиқи..... 76
- Расулов М.Ф.** Қашқадарё вилоятидаги маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати (XX асрнинг 80-йиллари)..... 81
- Раҳмонкулова О.** Ўзбекистон тараққиётида олималарнинг ўрни (Қашқадарё мисолида)..... 85

ФАЛСАФА

- Яхяева С.А.** Ёшлар эстетик маданиятининг замонавий қадриятлар тизимида тутган ўрни..... 89
- Жамолов Д. Б.** Миллий маданият моҳияти ва хусусиятлари..... 92

Ҳайдаров К.Д. Тасаввуф фалсафасида маънавий-ахлоқий баркамоллик ғоялари.....	95
Қудратов А.М. Ўзбекистонда волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар.....	101
Каноатова Ф. Формирование духа национальной и религиозной толерантности в процессе преподавания общественно-гуманитарных наук.....	106
Тилавов Ў.Ғ. Ҳозирги дунёда глобал барқарор тараққиётнинг асосий омили: ижтимоий-фалсафий таҳлил.....	110
Ашурова С. Беқарорлик ўзгарувчан табиий ва маданий шароитларга мослашиш қобилиятининг йўқолиши сифатида.....	113
Файзуллаев С.А. Етакчи давлатларнинг Эрон Ислам Республикасига нисбатан санкциявий сиёсатининг генезиси.....	117

СИЁСАТШУНОСЛИК

Мусаев У.С. Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари: креатив тафаккур.....	123
Улуғов А.Х. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш тараққиёт омили.....	128
Ниезов С. Экоэстетик тафаккурни шакллантиришнинг регулятив имкониятлари.....	133
Джамиев Б. Кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти.....	137
Нуритдинов Н.А. Демократик ҳуқуқий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	141
Сафаров У.Т. Глобаллашув ва маданий жараёнлар трансформациясининг ўзаро алоқадорлиги.....	147
Хаитов Э.Б. Жамиятнинг янгиланиши жараёнида маънавий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим манбалари.....	151
Мўминов Ж.М. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий коммуникацияларнинг ўрни.....	155

ФИЛОЛОГИЯ

Сапарбаева Г.М. Оғзаки мулоқот актида диктумга субъект муносабатини ифодаловчи воситалар.....	161
Халлиева Г.И. Микрокомпаративистикада ўзбек мумтоз адабиёти талқини.....	164
Тўраева Б.Б. «Қиёмат» романида параллел хронотопнинг хусусиятлари.....	168
Қурбонов П.А. Инглиз шоири Ж.Г. Байрон поэзиясида шарқона образлар.....	174

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

Каримов Б.Б. Ўқувчи ёшларнинг жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш жараёнида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш.....	178
Сорокин А.А., Половникова А.В. Подготовка педагога к организации учебного процесса в логике формирования функциональной грамотности обучающихся.....	182
Мухаммедов Ш.М. Таълимнинг кредит-модуль тизимини Ўзбекистон олий таълимида қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	187
Жабборов А. М., Алимарданова Р.Н. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминловчи миллий-психологик омиллар.....	190

РЕЦЕНЗИЯ

Юнусова Х.Э. Рецензия на монографию Г. Эгамбердиевой «Популяризация историко-культурного наследия и развитие туризма в Узбекистане».....	197
---	-----

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Профессор Шониёз Қурбонов 80 ёшда.....	198
--	-----

РАДИАЛЬНОЕ РАСШИРЕНИЕ СФЕРИЧЕСКОЙ ПОЛОСТИ
В УПРУГО-ПОРИСТОЙ СРЕДЕ, НАСЫЩЕННОЙ ЖИДКОСТЬЮ

Абдирахмонова Б.Х., Мусурмонова М.О., Шукуров А.М. (КарГУ)

Таянч сўз ва иборалар: математик моделлаштириш, зовак-эластик муҳит, сферик бўшлиқ, дифференциал тенгламалар системаси, ностационар тўлқин, кўчиш, кучланиш.

Ключевые слова: математическое моделирование, упруго-пористая среда, сферическая полость, система дифференциальных уравнений, нестационарная волна, перемещение, напряжение.

Key words: mathematical modeling, elastic-porous medium, spherical cavity, system of differential equations, unsteady wave, displacement, stress.

Введение. Проблема распространения и дифракции нестационарных волн в сплошных средах, и в том числе в упруго-пористых средах с препятствиями различного рода является одной из актуальных, фундаментальных и прикладных проблем в динамике деформируемого твердого тела.

В настоящее время существует большое количество публикаций в периодической литературе [3, 5], а также монографии [1, 2, 4], посвященные исследованию распространения и дифракции установившихся и неустойчившихся волн в упругой и акустической средах.

Результаты работы [1] посвящены систематическому исследованию распространения и дифракции нестационарных волн в упругой среде с телом сферической формы, а также проведено широкое параметрическое исследование. Получены точные решения с использованием теории обобщенных сферических волн и методов интегральных преобразований.

В монографии [2] изучены проблемы дифракции установившихся и неустойчившихся упругих волн и определена динамическая напряженность возле концентраторов напряжений различной формы. Приведено большое число конкретных задач дифракции упругих волн.

Задача о дифракции сдвиговых волн на полостях и жестких включениях в полупространстве с защемленной и свободной от сил границей исследована в статье [3]. Расчеты проводились для цилиндрических полостей и жестких включений эллиптического сечения.


В работе [4] исследованы волновые процессы в неограниченной упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью. Получены аналитические решения задач и приведены численные расчеты.

Осесимметричная задача о дифракции нестационарных волн изучена в публикации [5]. В качестве препятствия выбран абсолютно жесткий неподвижный шар в упругом полупространстве. Получена бесконечная система линейных алгебраических уравнений в пространстве изображений преобразования Лапласа по времени. Исследовано напряженно-деформированное состояние среды в окрестности шара.

Данная статья посвящена изучению задачи о радиальном расширении сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью.

Цель работы – построение математической модели для процесса радиального расширения сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью и определение компонент перемещения и тензора напряжения в среде.

1. Постановка задачи. Пусть в неограниченной упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью, расположена сферическая полость радиуса $R = 1$, к поверхности которой приложено равномерно распределенное радиальное давление $p(\tau) = p_0 H(\tau)$, где $H(\tau)$ единичная функция Хэвисайда (рис.1.).



Тогда граничное условие на поверхности полости имеет вид

$$\sigma_{rr}|_{r=1} = -(1-\beta_0)p(\tau), \quad \sigma_m|_{r=1} = -\beta_0 p(\tau) \quad (1)$$

где β_0 - пористость среды.

В этом случае в среде распространяются две продольные волны: первая волна с потенциалом φ_1 в твердой части, а вторая с потенциалом φ_2 в жидкости и движение упруго-пористой среды, насыщенной жидкостью, описывается двумя волновыми уравнениями (точкой обозначено дифференцирование по времени τ):

$$\gamma_k^2 \ddot{\varphi}_k = \Delta \varphi_k, \quad \Delta = \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left(r^2 \frac{\partial}{\partial r} \right), \quad k=1,2. \quad (2)$$

Учитывая центрально-симметричный характер задачи (все искомые функции зависят только от r и τ , потенциал $\varphi_3 = 0$ [1]) получим связи потенциала φ с компонентами вектора перемещения и тензора напряжения

$$u_1 = \frac{\partial}{\partial r} (\varphi_1 + \varphi_2), \quad v_1 = 0, \quad u_2 = \frac{\partial}{\partial r} (\beta_1 \varphi_1 + \beta_2 \varphi_2), \quad v_2 = 0 \quad (3)$$

$$\sigma_{rr} = \eta_1 \frac{\partial u_1}{\partial r} + 2\xi \frac{u_1}{r} + \eta_2 \left(\frac{\partial u_2}{\partial r} + \frac{2}{r} u_2 \right), \quad \sigma_{r\theta} = 0, \quad (4)$$

$$\sigma_m = \eta_1 \left(\frac{\partial u_1}{\partial r} + \frac{2}{r} u_1 \right) + \zeta \left(\frac{\partial u_2}{\partial r} + \frac{2}{r} u_2 \right).$$

где u_1, u_2 радиальные и v_1, v_2 тангенциальные перемещения скелета и жидкости соответственно; $\sigma_{\alpha\beta}$ напряжения в скелете, σ_m давление в жидкости. Параметры $\gamma_k, \eta_k, \beta_k, (k=1,2)$, ξ и ζ определены в [1].

В начальный момент $\tau=0$ времени среда находится в покое

$$\varphi_k|_{\tau=0} = \dot{\varphi}_k|_{\tau=0} = 0 \quad (5)$$

В бесконечности отсутствуют возмущения

$$\lim_{r \rightarrow \infty} \varphi_k = 0. \quad (6)$$

Начально-краевая задача (1) – (6) представляет математическую модель процесса радиального расширения сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью.

2. Метод решения. С учётом условия в бесконечности (6) решения уравнений (2) представим в виде расходящейся волны:

$$\varphi_1(r, \tau) = \frac{1}{r} f[\tau - \gamma_1(r-1)] H[\tau - \gamma_1(r-1)] \quad (7)$$

$$\varphi_2(r, \tau) = \frac{1}{r} g[\tau - \gamma_2(r-1)]H[\tau - \gamma_2(r-1)] \quad (8)$$

где $f(x)$ и $g(x)$ произвольные неизвестные функции.

Если положить $f(0) = \dot{f}(0) = 0$ и $g(0) = \dot{g}(0) = 0$, то начальные условия (5) будут удовлетворены.

Подставляя решения (7) и (8) в (3) и (4), получим выражения перемещения u_1 , u_2 и напряжения σ_{rr} , σ_m через произвольные функции f и g :

$$u_1 = -\frac{1}{r^2} \{ [f(\tau - \gamma_1(r-1)) + \gamma_1 r f'(\tau - \gamma_1(r-1))] H(\tau - \gamma_1(r-1)) + [g(\tau - \gamma_2(r-1)) + \gamma_2 r g'(\tau - \gamma_2(r-1))] H(\tau - \gamma_2(r-1)) \} \quad (9)$$

$$u_2 = -\frac{1}{r^2} \{ \beta_1 [f(\tau - \gamma_1(r-1)) + \gamma_1 r f'(\tau - \gamma_1(r-1))] H(\tau - \gamma_1(r-1)) + \beta_2 [g(\tau - \gamma_2(r-1)) + \gamma_2 r g'(\tau - \gamma_2(r-1))] H(\tau - \gamma_2(r-1)) \} \quad (10)$$

$$\begin{aligned} \sigma_{rr} = & \left[\frac{\gamma_1^2(\eta_1 + \beta_1 \eta_2)}{r} f''(\tau - \gamma_1(r-1)) + \frac{2\gamma_1(\eta_1 - \xi)}{r^2} f'(\tau - \gamma_1(r-1)) + \right. \\ & \left. + \frac{\gamma_1(\eta_1 - \xi)}{r^3} f(\tau - \gamma_1(r-1)) \right] H(\tau - \gamma_1(r-1)) + \\ & + \left[\frac{\gamma_2^2(\eta_1 + \beta_2 \eta_2)}{r} g''(\tau - \gamma_2(r-1)) + \frac{2\gamma_2(\eta_1 - \xi)}{r^2} g'(\tau - \gamma_2(r-1)) + \right. \\ & \left. + \frac{\gamma_2(\eta_1 - \xi)}{r^3} g(\tau - \gamma_2(r-1)) \right] H(\tau - \gamma_2(r-1)), \quad (11) \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \sigma_m = & \frac{\gamma_1^2(\eta_1 + \zeta \beta_1)}{r} f''(\tau - \gamma_1(r-1)) H(\tau - \gamma_1(r-1)) + \\ & + \frac{\gamma_2^2(\eta_1 + \zeta \beta_2)}{r} g''(\tau - \gamma_2(r-1)) H(\tau - \gamma_2(r-1)). \quad (12) \end{aligned}$$

Удовлетворяя граничное условие (1) на поверхности полости, получим начальную задачу Коши для системы неизвестных функций f , g :

$$\begin{aligned} & \gamma_1^2(\eta_1 + \beta_1 \eta_2) f''(\tau) + \gamma_2^2(\eta_1 + \beta_2 \eta_2) g''(\tau) + \\ & + 2\gamma_1(\eta_1 - \xi) f'(\tau) + 2\gamma_2(\eta_1 - \xi) g'(\tau) + \\ & + \gamma_1(\eta_1 - \xi) f(\tau) + \gamma_2(\eta_1 - \xi) g(\tau) = -(1 - \beta_0) p_0 \\ & \gamma_1^2(\eta_1 + \zeta \beta_1) f''(\tau) + \gamma_2^2(\eta_1 + \zeta \beta_2) g''(\tau) = -\beta_0 p_0 \end{aligned} \quad (13)$$

с начальными условиями

$$f(0) = \dot{f}(0) = 0, \quad g(0) = \dot{g}(0) = 0. \quad (14)$$

В качестве примера рассмотрим задачу о распространении волн возмущения от сферической полости, находящейся в безграничном песчанике, поры которого насыщены керосином. В этом случае параметры среды определяются следующими значениями

$$\begin{aligned} \gamma_1 = 1, \quad \gamma_2 = 2.1612, \quad \beta_0 = 0.26, \quad \beta_1 = 0.8757, \quad \beta_2 = -10.3287, \\ \eta_1 = 0.8772, \quad \eta_2 = 0.0287, \quad \xi = 0.3919, \quad \zeta = 0.654, \quad p_0 = 1 \end{aligned}$$

и система (13) принимает следующий вид

$$0.9 \ddot{g}(\tau) + 2.7 \dot{f}(\tau) + 0.97 \dot{g}(\tau) + 2.1 \dot{f}(\tau) + 0.97 g(\tau) + 0.97 f(\tau) = -0.74,$$

$$0.086 \ddot{g}(\tau) - 3.021 \dot{f}(\tau) = -0.26.$$

Эту систему уравнений с начальными условиями (14) решаем с помощью пакета Maple [6] и находим неизвестные $g(\tau)$, $f(\tau)$ функции

$$\begin{aligned} f(\tau) &= 0,0226422e^{-0,5271\tau} \cos(0,86222\tau) + 0,016964e^{-0,5271\tau} \sin(0,86222\tau) + \\ &\quad + 0,041841\tau^2 - 0,02698\tau - 0,0226292, \\ g(\tau) &= 0,794915e^{-0,5271\tau} \cos(0,86222\tau) + 0,59587585e^{-0,5271\tau} \sin(0,86222\tau) - \\ &\quad - 0,041841\tau^2 - 0,09478689\tau - 0,794915. \end{aligned} \quad (15)$$

Подставляя эти функции и их производные в выражения (9) - (12), получим формулы для выражения перемещения u_1 , u_2 и напряжения σ_{rr} , σ_m .

Заключение. Построена математическая модель для процесса радиального расширения сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью и разработан алгоритм решения задачи.

Литература

1. Горшков А.Г., Тарлаковский Д.В. Нестационарная аэрогидроупругость тел сферической формы. – М.: Наука. Гл. ред. физ.-мат. лит., 1990. – 264 с.
2. Гузь А. Н., Кубенко В. Д., Черевко М. А. Дифракция упругих волн. – Киев: Наук, думка, 1978. – 308 с.
3. Назаренко А.М. Динамические задачи о продольном сдвиге полупространства с неоднородностями // Динамические системы, 1990, – 9. – С. 47-54.
4. Наримов Ш. Волновые процессы в насыщенных пористых средах. – Ташкент: Мехнат, 1988. – 303 с.
5. Шукуров А.М. Дифракция нестационарных волн на абсолютно жестком шаре в упругом полупространстве // Доклады Академии наук Республики Узбекистан, 2006. – № 4. – С.48-51.
6. Матросов А. Решение задач математики и механики в среде Maple 6. – СПб.: Питер, 2000. – 526 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада суюклик билан тўйинган ғовак-элатик мухитда сферик бўшлиқнинг радиал кенгайиши масаласи қаралади. Масала икки оддий дифференциал тенгламалар системасини ечишга келтирилган. Кўчиш ва кучланиш тензори компоненталари учун формулалар олинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается задача о радиальном расширении сферической полости в упруго-пористой среде, насыщенной жидкостью. Задача сведена к решению системы двух обыкновенных дифференциальных уравнений. Получены формулы для компонент перемещения и тензора напряжения.

SUMMARY

The article deals with the problem of radial expansion of a spherical cavity in an elastic-porous medium saturated with liquid. The problem is reduced to solving a system of two ordinary differential equations. Formulas for the components of displacement and stress tensor are obtained.

Рекомендовано к печати д. ф.-м. н. А.Холмуродовым

BUXORO VILOYATI HUDUDIDA QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI TADQIQOTI

Safarov A.B., O'Imasov Q.N. (Buxoro muhandislik-texnologiya instituti)

Tayanch so'z va iboralar: quyosh energetikasi, elektr energiya iste'moli, quyosh panellari, quyosh radiatsiyasi, quyosh energiyasining texnik salohiyati, quyosh kollektorlari.

Ключевые слова: солнечная энергетика, потребление электроэнергии, солнечные батареи, радиация солнца, технический потенциал солнечной энергии, солнечные коллекторы.

Key words: solar energy, electricity consumption, solar panels, solar radiation, technical potential of solar energy, solar collectors.

Jahon taraqqiyoti tajribasi ko'rsatadiki, jamiyat hayot sharoitlarining yaxshilanishi energiya iste'molining ortishi undan oqilona foydalanish zaruriyatini tushunish bilan chambarchas bog'liq.

dir. Shuning uchun har qanday davlatning yonilg'i-energetika majmuasi faqatgina xalq xo'jaligi-ning yetakchi sohalarning o'ziga bog'liq bo'lib qolmay, shuningdek, jamiyatning ijtimoiy rivojlanishiga muhim ta'sir ko'rsatadi.


O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 26-may PQ-3012-son "2017-2021-yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi to'g'risida"gi, 2018-yil 28-aprel PQ-3687-son "Qayta tiklanadigan energiya manbalari sohasida investitsiya loyihalarini amalga oshirishda oid qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2019-yil 21-may O'RQ-539-son "Qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish to'g'risida"gi 2019-yil 22-avgust PQ-4422-son "Iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohaning energiya samaradorligini oshirish, energiya tejoychi texnologiyalarni joriy etish va qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishning tezkor chora-tadbirlari to'g'risida"gi qonun va qarorlarga muvofiq mamlakatning energetika xavfsizligini mustahkamlash, yoqilg'i-energetika balansining qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanilgan holda elektr, issiqlik energiyasi va biogaz ishlab chiqarishga doir qismini diversifikatsiyalash, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish sohasiga innovatsion texnologiyalarni, ilmiy-texnikaviy ishlanmalarni joriy etishni, qayta tiklanuvchi energiya manbalari qurilmalarining energiya jihatdan samaradorligini oshirishni, ularning ishlab chiqarilishini kengaytirishni va mahalliyashtirishni rag'batlantirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish sohasidagi preferensiya va imtiyozlar berilishi mintaqamizda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish sohasidagi katta yutuqlardan biri hisoblanadi [1].

Dunyo amaliyotida endilikda an'anaviy energiya manbalari bilan bir qatorda qayta tiklanuvchan, muqobil energiya manbalaridan - quyosh nuri, shamol, biomassa, geotermal, dengiz va okean suvlarining to'liqlaridan foydalanishga ko'proq e'tibor berilmoqda. Ularning ichida qu-yosh muhim o'rin tutadi. Turli texnologiyalardan foydalanish natijasida quyosh energiyasi hozirgi kunning o'zidayoq energiyaga bo'lgan mavjud talabning anchagina qismini qoplashi mumkin.

Buxoro viloyati O'zbekistonning janubiy 39,77⁰ kenglikda va g'arbiy 64,48⁰ uzunlikda joylashgan bo'lib, uning umumiy maydoni 39,4 ming km² ni yoki Respublika maydonining 9 foizini tashkil qiladi. Buxoro viloyati iqtisodiy sohasiga qishloq xo'jaligi, sanoat, transport, quri-lish, kommunal maishiy xizmatlar kiradi. Mintaqaning iqtisodiy sohada yillik elektr energiya iste'moli 3410495 ming kWh ga teng (2018-yil holatiga ko'ra). Buxoro viloyati hududida iqtisodiy sohalarda bo'yicha elektr energiya iste'mol tarkibi 1-rasmda keltirilgan.

1-rasm.

Buxoro viloyatida iqtisodiy sohalarda elektr energiyaning taqsimlanishi



Hududda asosan elektr energiya iste'moli yoz kunlarida ko'proq bo'ladi, bunga asosiy sabab qishloq xo'jaligi yerlarini sug'orishda nasos qurilmalardan keng foydalanishdir. Hududda mavjud suv nasoslarining elektr energiya iste'moli umumiy elektr energiyasining 50 foizdan ko'prog'ini tashkil qiladi. Buxoro viloyatida iqtisodiy sohalarda kichik biznes va tadbirkorlikning rivojlanishi bilan elektr energiyaga bo'lgan talab ham ortib bormoqda. Buxoro viloyati 2018-yilda 3410,5 MWh elektr energiya iste'mol qildi [2]. Bu ko'rsatkich 2014-yilga qaraganda 12 foizga ko'p demakdir.

Buxoro viloyati chekka hududlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishdagi asosiy muammolardan biri bu - elektr energiyasi uzluksizligi va ishonchligi bo'lib qolmoqda. Ushbu hududlarda energiya xavfsizligi va uzluksizligini ta'minlashda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish imkoniyatlarini baholash lozim.

O'zbekiston hududida qayta tiklanadigan energiya manbalari ichida quyosh energiyasi salohiyati umumiy energiya manbalaridan bir necha baravarga ko'pdir.

O'zbekistonning yalpi quyosh energiyasi salohiyati 5073 mln. t.n.e., texnikaviy salohiyati esa 176,8 mln. t.n.e. ga teng deb baholangan. Demak, O'zbekiston zaminiga bir yilda tushuvchi quyosh energiyasi absolyut qiymatiga ko'ra mamlakatning tekshirilgan uglevodorod xomashyo-sidan ancha ko'pdir. Hozirgi vaqtda quyosh energiyasi faqatgina 0,3 foiz o'zlashtirilgan, xolos.

Yil davomida yerga tik tushuvchi quyosh radiatsiyasi miqdori (W/m^2) 1-rasmda keltirilgan [3].

1-jadval.

Yil davomida yerga tik tushuvchi quyosh radiatsiyasining miqdori

kenglik	soat oy	12 ⁰⁰	11 ⁰⁰ -13 ⁰⁰	10 ⁰⁰ -14 ⁰⁰	9 ⁰⁰ -15 ⁰⁰	8 ⁰⁰ -16 ⁰⁰	7 ⁰⁰ -17 ⁰⁰	6 ⁰⁰ -18 ⁰⁰
φ=40 ⁰	yanvar dekabr	823,6	777,2	730,8	624,4	359,6	-	-
	fevral noyabr	870	858,4	798,4	710,8	533,6	-	-
	mart oktabr	904,8	883,2	846,8	777,2	754	371,2	-
	aprel sentabr	928	916,4	887,4	846,8	742,4	598,6	197,2
	may avgust	928	916,4	887,4	846,8	777,2	632,2	394,4
	iyun iyul	930	904,8	883,2	846,8	777,2	678,6	510,4

1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, peshin vaqtda har bir kvadrat metr yuzaga tushadigan quyosh nurlari energiyasi 1kW quvvatli elektr plitkasi ajratadigan issiqlikka tengdir. Qisqa qilib aytganda, quyoshning 1 minutda chiqargan energiyasi yer sharidagi barcha suvlarni bug'lantirib yuborishga yetadi, bu energiya $19 \cdot 10^{14}$ tonna neft yoqilganida ajralib chiqadigan energiya miqdoriga tengdir. Bunday ulkan energiya manbayidan insoniyat yana 40 milliard yil foydalanishi mumkin.

Buxoro viloyati hududi quyoshli o'lka hisoblanib, bu yerda quyosh energiyasidan foydalanishda yetarli darajada salohiyat mavjud.

Mintaqaning quyosh energiyasining yalpi (nazariy) salohiyati - bu mintaqa hududidagi yillik o'rtacha quyosh nurlanishining bir yil ichida hududga tushadigan energiyasi.

Quyosh energiyasining yalpi salohiyati quyidagi ifoda orqali aniqlanadi:


$$W = ES \quad (1)$$

Bu yerda: E – sirtga tushadigan yillik quyosh energiyasi qiymati, S – hududning yuzi.

Mintaqaning quyosh energiyasining texnik salohiyati - bu fan va texnikaning hozirgi rivojlanish darajasida va ekologik me'yorlarga muvofiq ravishda yil davomida quyosh nurlanishidan olinadigan o'rtacha uzoq muddatli jami energiya.

Quyosh energiyasining texnik salohiyatini ikki turga ajratishimiz mumkin:

- 1) issiqlik energiyasining texnik salohiyati;
- 2) quyosh nurlanishining tegishli konversiyasi natijasida olingan elektr energiyasining texnik salohiyati.

Buxoro viloyatining oylar kesimidagi maksimal, minimal va o'rtacha harorati (°C).

Meteostansiyadan olingan ma'lumotlarga asosan Buxoro viloyati hududining gorizontall quyosh radiatsiyasi miqdori taxminan $4,55 \frac{kWh}{m^2 kun}$ ni tashkil qiladi. Yillik o'rtacha harorat 14,2-16,5 °C ga teng. Yoz oylarida harorat yuqori ko'rsatkichga chiqib, 40-50 °C ni tashkil qiladi. Mintaqada quyoshli kunlar 2930-3000 soatga teng. Tahlil qilingan ma'lumotlarga ko'ra yillik quyosh radiatsiyasi $1710-1880 \frac{kWh}{m^2}$ ni tashkil qiladi. Bu esa o'z navbatida quyosh energiyasidan foydalanish samaradorligini oshiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Buxoro viloyati hududlarida foydali ish koeffitsienti 18 foiz bo'lgan quyosh panellaridan to'liq foydalansak, mintaqaning texnik salohiyati yiliga 41 TWh/yil ga teng bo'lar ekan. Bu hozirgi Buxoro hududida ishlatiladigan energiyadan bir necha baravar yuqori ekanligini anglatadi. Viloyatning quyosh issiqlik energiyasining texnik salohiyati (kollektorlarning texnik imkoniyatlari FIK 80 foiz bo'lgan hol uchun) yiliga 184 TWh/yil energiya olish imkoniga egamiz [4].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <https://lex.uz/ru/docs/4486125>
2. <https://buxelektr.uz/?cat=56&lang=uz>
3. Xodjaev M.D. Iqlim o'zgarishlari ta'sirini yumshatish uchun qayta tiklanuvchi energiya manba-lari va energiya tejamkor texnologiyalarni amaliyotda qo'llash imkoniyatlari to'g'risida loyiha tashabbus-korlariga ma'lumotlar yetqazish. – Toshkent, 2018. – B. 4-8.
4. Sadullayev N., Safarov A., Nematov Sh., Mamedov R. Research on Facilities of Power Supply of Small Power Capability Consumers of Bukhara Region by using Wind and Solar Energy". International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. Vol. 8, Issue- 9S2. – July, 2019. pp. 229-236.

PEZIOME

Ushbu maqolada Buxoro viloyati hududining yillik iste'mol qiladigan elektr energiya ko'rsatkichlari va quyosh energiyasidan foydalanish imkoniyatlari tahlili keltirilgan. Mintaqada yil davomida yerga tik tushuvchi quyosh radiatsiyasi miqdori baholandi. Bunga ko'ra gorizontall quyosh radiatsiyasi miqdori taxminan $4,55 \frac{kWh}{m^2 kun}$ ni tashkil qilishi aniqlandi. Agar quyosh panellaridan to'liq foydalansak, mintaqaning texnik salohiyati yiliga 41 TWh/yil, quyosh issiqlik energiyasining texnik salohiyati (kollektorlarning texnik imkoniyatlari FIK 80foiz bo'lgan hol uchun) yiliga 184 TWh/yil energiya olish imkoniga ega ekanligi tadqiq qilingan.

PEZIOME

В данной статье представлен анализ годового потребления электроэнергии и энергии солнца Бухарской области. Было оценено количество солнечной радиации, падающей вертикально на землю в течение года. Согласно этому, количество горизонтальной солнечной радиации составляет около $4,55 \text{ кВтч}/(\text{м}^2 \text{ суток})$. Исследование показало, что при использовании солнечных панелей технический потенциал составит 41 ТВтч/год, а технический потенциал тепловой энергии солнца (для солнечных коллекторов с 80% КПД) составит 184 ТВтч/год.

SUMMARU

This article presents an analysis of the annual consumption of electricity and solar energy in the Bukhara region. The amount of solar radiation falling vertically on the earth during the year was estimated. According to this, the amount of horizontal solar radiation is about 4.55 kWh/(m² day). The study showed that when using solar panels, the technical potential will be 41 TWh / year, and the technical potential of solar thermal energy (for solar collectors with 80 foiz efficiency) will be 184 TWh/year.

Nashrga dots. G` Halimov tavsuya etgan

КРИТЕРИЙ ГОЛОМОРФНОЙ ПРОДОЛЖИМОСТИ В МАТРИЧНЫЙ ПОЛИКРУГ ФУНКЦИИ, ЗАДАННОЙ НА ЕГО ОСТОВЕ

Бозоров Ж.Т. (КарГУ)

Ключевые слова: интегральная формула Бохнера – Хуа Ло-кена, матричный поликруг, остов, голоморфное продолжение.

Таянч сўз ва иборалар: Бохнер – Хуа Ло-кен интеграл формуласи, матрицавий поликруг, остов, голоморф давом эттириши.

Key words: Bochner – Hua Lo-ken integral formula, matrix polydisk, skeleton, holomorphic continuation.

Класс функций, интегрируемых с квадратом по мере Хаара на $S(D)$, обозначим через $L^2(S(D), d\mu)$. Если функция f голоморфна в круговой области D и удовлетворяет условие

$$\sup_{0 \leq r < 1} \int_{S(D)} |f(rZ)|^2 d\mu \leq C,$$

то говорят, что функция f принадлежит классу Харди ([1], [2]) $H^2(S(D), d\mu)$, т.е. $f \in H^2(S(D), d\mu)$.

Рассмотрим матричный единичный круг [1]:

$$\tau = \{Z \in \mathbb{C}[m \times m] : ZZ^* < I^{(m)}\}.$$

Его остовом является множество

$$S(\tau) = \{Z \in \mathbb{C}[m \times m] : ZZ^* = I\}.$$

Если $f \in H^2(S(\tau), d\mu)$, то для произвольной $Z \in \tau$ верна формула Хуа Ло-кена ([1], [3])

$$f(Z) = \int_{S(\tau)} \frac{f(U)}{\det^m(I - ZU^*)} d\mu.$$

Перепишем матрицу $Z \in \tau$ в векторном виде $Z = (z_{11}, z_{12}, \dots, z_{1m}, \dots, z_{m1}, \dots, z_{mm}) \in \mathbb{C}^{m^2}$.

Обозначим через $z^{[\alpha]}$ вектор, компоненты которого выглядят в следующем виде

$$\sqrt{\frac{|\alpha|!}{\alpha_{11}! \alpha_{12}! \dots \alpha_{1m}! \dots \alpha_{m1}! \dots \alpha_{mm}!}} z_{11}^{\alpha_{11}} \dots z_{1m}^{\alpha_{1m}} \dots z_{m1}^{\alpha_{m1}} \dots z_{mm}^{\alpha_{mm}},$$

где α - мульти индекс, $|\alpha| = \sum_{k,l=1}^m \alpha_{kl}$, $\alpha_{kl} \geq 0$. Число компонент такого вектора равно

$$N(\alpha) = \frac{(m^2 + |\alpha| - 1)!}{|\alpha|!(m^2 - 1)!}.$$

Компоненты вектора $z^{[\alpha]}$ обозначим через

$$\psi_\alpha^{(k)}(Z), \quad k=1,2,\dots,N(\alpha), \quad \alpha_j=0,1,2,\dots$$

Известно, что система функций

$$\left\{ \frac{\psi_\alpha^{(k)}(Z)}{\sqrt{\rho_\alpha}} \right\}, \quad k=1,2,\dots,N(\alpha), \quad \alpha_j=0,1,2,\dots, \quad (1)$$

где $\rho_\alpha = \int_\tau |\psi_\alpha^{(k)}(Z)|^2 dv$, $dv = \prod_{p,q} dx_{pq} \wedge dy_{pq}$, $z_{pq} = x_{pq} + iy_{pq}$, которая является полной ортогональной системой на $\mathcal{O}^2(\tau)$ ([1], [3]), т.е. в классе голоморфных функций в τ .

А система функций

$$\left\{ \frac{\psi_\alpha^{(k)}(Z)}{\sqrt{\sigma_\alpha}} \right\}, \quad k=1,2,\dots,N(\alpha), \quad \alpha_j=0,1,2,\dots, \quad (2)$$

где $\sigma_\alpha = \int_{S(\tau)} |\psi_\alpha^{(k)}(\xi)|^2 d\mu$, будет полной ортогональной системой в пространстве $H^2(S(\tau), d\mu)$ на $S(\tau)$ ([1], [3]).

Далее расширим систему функций $\{\psi_\alpha^{(k)}(\xi)\}$. Для этого воспользуемся следующим равенством: при любом значении α и для любых $\alpha_1 \geq \alpha_2 \geq \dots \geq \alpha_m$ имеет место равенство ([1], [3])

$$\psi_\alpha^{(k)}(\xi) = \psi_{\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_m}^{(k)}(\xi) = \psi_{\alpha_1 - \alpha_m, \alpha_2 - \alpha_m, \dots, \alpha_{m-1} - \alpha_m, 0}^{(k)}(\xi) (\det \xi)^{\alpha_m}. \quad (3)$$

Такая определенная ортогональная система $\{\psi_{\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_m}^{(k)}(\xi)\}$ будет полной на пространстве $L^2(S(\tau), d\mu)$ и следовательно, получим ряд Фурье функции $f(\xi)$ в следующем виде

$$f(\xi) = \sum_{\alpha_1 \geq \alpha_2 \geq \dots \geq \alpha_m} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} a_\alpha^{(k)} \frac{\psi_\alpha^{(k)}(\xi)}{\sqrt{\sigma_\alpha}}.$$

Рассмотрим матричный единичный поликруг [1]

$$T_n = \left\{ Z \in \mathbb{C}^n [m \times m] : Z^j (Z^j)^* < I, j=1, \dots, n \right\}.$$

Остов матричного единичного поликруга определяется аналогично:

$$S(T_n) = \left\{ Z \in \mathbb{C}^n [m \times m] : Z^j (Z^j)^* = I, j=1, 2, \dots, n \right\}.$$

Для произвольной функции $f(Z) \in H^2(S(T_n), d\mu)$ верна интегральная формула Бохнера – Хуа Ло-кена ([1])

$$f(Z) = \int_{S(T_n)} \frac{f(\xi) d\mu(\xi)}{\prod_{j=1}^n \det^m (I - Z^j (\xi^j)^*)}, \quad \forall Z \in T_n, \xi \in S(T_n).$$

Так как матричный единичный поликруг является полной круговой областью, по теореме Картана [3] в нем существует система ортогональных функций.

Система функций

$$\left\{ \Phi_\alpha^{(k)}(Z) \right\} = \left\{ \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha, j}^{(k)}(Z^j)}{\sqrt{\rho_{\alpha, j}}}, Z^j \in \tau \right\}, \quad (4)$$

$$\left\{ \Psi_{\alpha}^{(k)}(Z) \right\} = \left\{ \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha,j}^{(k)}(Z^j)}{\sqrt{\sigma_{\alpha,j}}}, Z^j \in S(\tau) \right\} \quad (5)$$

определенная с помощью системы ортогональных функций (1) и (2), является системой ортонормированных функций соответственно на пространствах $\mathcal{O}^2(T_n)$ и $H^2(S(T_n), d\mu)$.

Теперь рассмотрим интеграл типа Бохнера – Хуа Ло-кена

$$F(Z) = \int_{S(T_n)} \frac{f(\xi) d\mu(\xi)}{\prod_{j=1}^n \det^m \left(I - Z^j (\xi^j)^* \right)}. \quad (6)$$

Введем следующие обозначения:

$$\Delta_{\beta} = \left\{ Z \in \mathbb{C}^n [m \times m] : (-1)^{\beta_1} \left(Z^1 (Z^1)^* - I \right) < 0, (-1)^{\beta_2} \left(Z^2 (Z^2)^* - I \right) < 0, \dots \right. \\ \left. \dots, (-1)^{\beta_n} \left(Z^n (Z^n)^* - I \right) < 0 \right\},$$

где $\beta = (\beta_1, \beta_2, \dots, \beta_n)$ – мульти индекс, $|\beta| = \beta_1 + \beta_2 + \dots + \beta_n$, $\beta_j = \overline{0, 1}$, $j = \overline{1, n}$, $F_{\beta}(Z)$ значение интеграла (6) в соответствующих областях Δ_{β} ($Z \in \Delta_{\beta}$). Очевидно, что если $\beta = (0, 0, \dots, 0)$, то $\Delta_{(0,0,\dots,0)} = T_n$.

По определению матричного поликруга и из теоремы Хуа Ло-кена [3] следует, что интегралы типа Бохнера – Хуа Ло-кена вида (6) существуют во всех областях Δ_{β} . Действительно, по построению областей Δ_{β} , все собственные значения каждой матрицы $Z^j (Z^j)^*$ (они вещественны [1]) либо больше, либо меньше единицы в одно время и если вспомнить, что $Z^j \in \tau$, то по теореме Хуа Ло-кена [3] имеем

$$\prod_{j=1}^n \det^m \left(I - Z^j (\xi^j)^* \right) \neq 0.$$

Нетрудно заметить, что отображение

$$W_{\beta}(Z) = \left((Z^1)^{(-1)^{\beta_1}}, (Z^2)^{(-1)^{\beta_2}}, \dots, (Z^n)^{(-1)^{\beta_n}} \right)$$

отображает область $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$ на соответствующие области Δ_{β} .

Все функции $\psi_{\alpha,j}^{(k)}(Z)$ из системы ортонормированных функций (4) и (5), удовлетворяют равенства (3) по каждой j и это дает возможность более широкого изучения функций $F_{\beta}(Z)$.

Если $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$, то с помощью выше изложенного имеем следующее разложение

$$F_{(0,0,\dots,0)}(Z) = \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha}^{(k)} \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1, \dots, \alpha_m, j}^{(k)}(Z^j)}{\sqrt{\sigma_{\alpha,j}}} = \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha}^{(k)} \Psi_{\alpha}^{(k)}(Z). \quad (7)$$

Этот ряд сходится равномерно в области $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$. Так как $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$, то $F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \in H^2(S(T_n), d\mu)$ ([4], [5]).

$$\begin{aligned}
F_\beta(Z) &= (-1)^{m|\beta|} \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha, \beta}^{(k)} \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1 + \beta_j(-\alpha_m - m - \alpha_1), \dots, \alpha_m + \beta_j(-\alpha_1 - m - \alpha_m), j}^{(k)} (Z^j)^{(-1)^{\beta_j}}}{\sqrt{\sigma_{\alpha, j}}} = \\
&= (-1)^{m|\beta|} \sum_{\alpha} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha, \beta}^{(k)} \Psi_{\alpha, \beta}^{(k)}(W_\beta(Z)), \tag{8}
\end{aligned}$$

где

$$\begin{aligned}
A_{\alpha, \beta}^{(k)} &= \left(\frac{(2\pi)^{\frac{m(m+1)}{2}}}{1!2!\dots(m-1)!} \right)^n \int_{S(T_n)} f(\xi) \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1 + \beta_j(-\alpha_m - m - \alpha_1), \dots, \alpha_m + \beta_j(-\alpha_1 - m - \alpha_m), j}^{(k)} (\xi^j)^{(-1)^{\beta_j}}}{\sqrt{\sigma_{\alpha, j}}} d\mu = \\
&= \int_{S(T_n)} f(\xi) \Psi_{\alpha, \beta}^{(k)}(W_\beta(\xi)) d\mu(\xi).
\end{aligned}$$

Как и выше, и здесь ряд (8) сходится равномерно в области Δ_β , функция $F_\beta(Z)$ голоморфна относительно $Z \in \Delta_\beta$. Так как $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$, то отсюда следует, что $F_\beta(Z) \in H^2(S(T_n), d\mu)$ в области Δ_β ([4], [5]).

Систему ортогональных функций, удовлетворяющих для каждого j равенство (3), но не участвующих в разложениях (7) и (8) обозначим через $\{\Psi\}$.

Пусть, нам на остоле матричного поликруга $S(T_n)$ задана функция $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$. Исследуем следующую задачу: при выполнении каких условий, эта функция голоморфно продолжается в матричный поликруг $T_n = \Delta_{(0,0,\dots,0)}$?

Сначала докажем теорему о скачке для интеграла типа Бохнера – Хуа Ло-кена, которую используем при доказательстве основного результата.

Теорема 3. Пусть функция $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$ ортогональна к системе $\{\Psi\}$ на $S(T_n)$. Тогда функция $F_\beta(Z) \in H^2(\Delta_\beta)$ имеет радиальные предельные значения почти всюду на $S(T_n)$, а также имеет место равенство

$$F_{(0,0,\dots,0)}(Z)|_{S(T_n)} + \sum_{\beta} \left[(-1)^{m|\beta|} F_\beta(Z)|_{S(T_n)} \right] = f(\xi).$$

Доказательство теоремы 3. Пусть число $r: 0 < r < 1$. Тогда для произвольной точки $Z \in \Delta_{(0,0,\dots,0)}$ ряд

$$F_{(0,0,\dots,0)}(rZ) = \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha}^{(k)} \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1, \dots, \alpha_m, j}^{(k)} (Z^j)}{\sqrt{\sigma_{\alpha, j}}} r^{n|\alpha|} = \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} r^{n|\alpha|} A_{\alpha}^{(k)} \Psi_{\alpha}^{(k)}(Z)$$

сходится равномерно в области $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$. Поэтому, функция $F_{(0,0,\dots,0)}(Z)$ как сумма равномерно сходящегося ряда, будет голоморфной в области $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$.

Так как по условию теоремы 3 $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$, то отсюда следует $F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \in H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$ ([4], [5]).

Следовательно, функция $F_{(0,0,\dots,0)}(Z)$ почти всюду на $S(T_n)$ имеет радиальные предельные значения и ее сужение $F_{(0,0,\dots,0)}(Z)|_{S(T_n)} \in L^2(S(T_n))$ ([4], [5]).

Пусть теперь $Z \in \Delta_\beta$. Тогда имеем следующий ряд

$$F_{\beta} \left(r^{(-1)^{\beta_1}} (Z^1)^{(-1)^{\beta_1}}, \dots, r^{(-1)^{\beta_n}} (Z^n)^{(-1)^{\beta_n}} \right) =$$

$$= (-1)^{m|\beta|} \sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha, \beta}^{(k)} \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1 + \beta_j(-\alpha_m - m - \alpha_1), \dots, \alpha_m + \beta_j(-\alpha_1 - m - \alpha_m), j}^{(k)} (Z^j)^{(-1)^{\beta_j}}}{\sqrt{\sigma_{\alpha, j}}} r^{-|\alpha| + 2|\alpha||\beta| + m|\beta|}.$$

Это ряд, аналогично предыдущему ряду, также сходится равномерно в области Δ_{β} и ее сумма $F_{\beta}(Z)$ будет голоморфной функцией в области Δ_{β} . Отсюда аналогично в выше изложенному, получаем, что эти функции также имеют граничные (предельные) значения и, следовательно, имеет место равенство

$$F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \Big|_{S(T_n)} + \sum_{\beta} \left[(-1)^{m|\beta|} F_{\beta}(Z) \Big|_{S(T_n)} \right] = f(\xi).$$

Теорема 3 доказана.

Используя теорему 3 докажем следующую теорему.

Теорема 4. Пусть $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$. Для того, чтобы существовала функция $F(Z) \in H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$ совпадающая почти всюду на $S(T_n)$ с функцией $f(\xi)$, необходимо и достаточно, ортогональности функции $f(\xi)$ к системы $\{\Psi\}$ и равенство нулю функций $F_{\beta}(Z)$ в области $\Delta_{\beta}, |\beta| > 0$.

Доказательство теоремы 4. Необходимость. Пусть функция $f(\xi) \in L^2(S(T_n), d\mu)$ голоморфна продолжается до функции $F(Z)$ из класса $H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$ в области $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$, т.е. существует функция $F(Z) \in H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$ такая, что сужении $F(Z)$ на $S(T_n)$ совпадает с функцией $f(\xi)$: $F(Z) \Big|_{S(T_n)} = f(\xi)$.

Рассмотрим интеграл типа Бохнера – Хуа Ло-кена следующего вида

$$\int_{S(T_n)} \frac{f(\xi) d\mu(\xi)}{\prod_{j=1}^n \det^m \left(I - Z^j (\xi^j)^* \right)} = \begin{cases} F_{(0,0,\dots,0)}(Z), & Z \in \Delta_{(0,0,\dots,0)} \\ F_{\beta}(Z), & Z \in \Delta_{\beta}, |\beta| > 0 \end{cases}.$$

Отсюда по условию теоремы (верно равенство)

$$F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \Big|_{S(T_n)} = \left(\sum_{\alpha_1 \geq \dots \geq \alpha_m \geq 0} \sum_{k=1}^{N(\alpha)} A_{\alpha}^{(k)} \prod_{j=1}^n \frac{\psi_{\alpha_1, \dots, \alpha_m, j}^{(k)} (Z^j)}{\sqrt{\sigma_{\alpha, j}}} \right) \Big|_{S(T_n)} = f(\xi).$$

Это означает, что функция $f(\xi)$ ортогонально к системам $\{\Psi\}$ и $\{\Psi_{\alpha, \beta}^{(k)}(W_{\beta}(Z))\}$, которые не участвует в разложении последнем равенстве.

Отсюда следует, что все функции $F_{\beta}, |\beta| > 0$ равны нулю в соответствующих областях Δ_{β} .

Достаточность. Пусть функция $f(\xi)$ ортогональна к системе $\{\Psi\}$ и $F_{\beta}(Z) = 0$, при $Z \in \Delta_{\beta}, |\beta| > 0$.

По теореме 3 имеем

$$F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \Big|_{S(T_n)} + \sum_{\beta} \left[(-1)^{m|\beta|} F_{\beta}(Z) \Big|_{S(T_n)} \right] = f(\xi).$$

Отсюда следует, что почти всюду на $S(T_n)$ верно равенство $F_{(0,0,\dots,0)}(Z)|_{S(T_n)} = f(\xi)$ и также по теореме 3 $F_{(0,0,\dots,0)}(Z) \in H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$.

Это означает, что функция $f(\xi)$ в области $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$ голоморфна и продолжается до функции из класса $H^2(\Delta_{(0,0,\dots,0)})$.

Теорема 4 доказана.

Теперь изменим условия и переформулируем задачу.

Пусть функция задана не на всем остове, а на части остова. При выполнении каких условий, эта функция может быть голоморфна продолжена в матричный единичный поликруг?

Теорема 5. Пусть $\Gamma \subset S(T_n)$ открытое множество, функция $f \in L^2(S(T_n), d\mu)$ ортогонально к системе $\{\Psi\}$ и $F_\beta(Z) = 0$ ($0 < |\beta| < n$). Тогда для того, чтобы функция $f \in L^2(S(T_n), d\mu)$ голоморфно продолжалась в $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$ необходимо и достаточно, чтобы $F_{(1,1,\dots,1)}(Z)$ голоморфно продолжалась из $\Delta_{(1,1,\dots,1)}$ через Γ в область $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$.

Доказательство теоремы 5. Необходимость. Пусть $f(\xi)$ голоморфно продолжается в $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$, т.е. существует голоморфная функция $F(z)$ в $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$ такая, что

$$F(z)|_\Gamma = f(\xi).$$

Рассмотрим интеграл типа Бохнера – Хуа Ло-кена

$$\int_{S(T_n)} \frac{f(\xi) d\mu(\xi)}{\prod_{j=1}^n \det^m(I - Z^j (\xi^j)^*)}, \quad z \in \bigcup_{\beta} \Delta_{\beta},$$

в силу теоремы 3 $F_\beta(z) \in H^2(\Delta_{\beta})$ и почти всюду на Γ

$$F_{(0,0,\dots,0)}(z)|_\Gamma + \sum_{\beta, |\beta| > 0} \left[(-1)^{m|\beta|} F_\beta(z) \right]_\Gamma = f(\xi)$$

по условию теоремы 5 $F_\beta(z) = 0$ ($0 < |\beta| < n$), тогда

$$F_{(0,0,\dots,0)}(z)|_\Gamma + (-1)^{mn} F_{(1,1,\dots,1)}(z)|_\Gamma = f(\xi).$$

Отсюда имеем

$$(-1)^{mn} F_{(1,1,\dots,1)}(z)|_\Gamma = \left(F(z) - F_{(0,0,\dots,0)}(z) \right)|_\Gamma.$$

Поскольку $S(T_n)$ является порождающим многообразием, по теореме об острейшем клине [6] функция

$$\Phi(z) = \begin{cases} (-1)^{mn} F_{(1,1,\dots,1)}(z), & z \in \Delta_{(1,1,\dots,1)} \\ F(z) - F_{(0,0,\dots,0)}(z), & z \in \Delta_{(0,0,\dots,0)} \end{cases}$$

голоморфна на множестве $\Delta_{(0,0,\dots,0)} \cup \Gamma \cup \Delta_{(1,1,\dots,1)}$.

Поэтому $F_{(1,1,\dots,1)}(z)$ голоморфно продолжается из $\Delta_{(1,1,\dots,1)}$ через Γ в $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$.

Достаточность. Пусть $F_{(1,1,\dots,1)}(z)$ продолжается до голоморфной функции $g(z)$ в $\Delta_{(0,0,\dots,0)} \cup \Gamma \cup \Delta_{(1,1,\dots,1)}$. Тогда по теореме 3 функция $h(z) = (-1)^m g(z) + F_{(0,0,\dots,0)}(z)$ голоморфна в $\Delta_{(0,0,\dots,0)}$ и $h(z)|_{\Gamma} = f(\xi)$.

Теорема 5 доказана.

Отметим, что вместо $\Delta_{(1,1,\dots,1)}$ в теореме 5 можно взять любую из областей Δ_{β} ($0 < |\beta| < n$).

Литература

1. Худайбергенов Г., Кытманов А. М., Шаймкулов Б. А. Анализ в матричных областях. (Монография). – Красноярск СФУ, 2017. – 296 с.
2. Кусис П. Введение в теорию пространств H^p . – М: Мир, 1984. – 366 с.
3. Хуа Ло-кен. Гармонический анализ функций многих комплексных переменных в классических областях. – М: ИЛ, 1959. – 163 с.
4. Рудин У. Теория функций в поликруге. – Москва: МИР, 1974. – 160 с.
5. Хенкин Г.М., Чирка Е. М. Граничные свойства голоморфных функций нескольких комплексных переменных // Итоги науки и техн. Сер. соврем. пробл. мат., 1975. Том 4. – С. 13-142.
6. Пинчук С. И. Теорема Боголюбова об "острие клина" для порождающих многообразий // Мат. сб., 1974, Т. 94. – С. 468-486.

РЕЗЮМЕ

В данной работе исследован скачок интеграла типа Бохнера – Хуа Ло-кена и получен критерий голоморфного продолжения в матричный поликруг функций, заданных на остове или на части остова матричного поликруга.

РЕЗЮМЕ

Бу ишда Бохнер – Хуа Ло-кен типдаги интеграл сакраши ўрганилган ва матрицавий поликруг остовида ёки остовнинг бир қисмида берилган функцияларни матрицавий поликруг ичига голоморф давом эттириш мезонлари олинган.

SUMMARY

In this paper, the jump of an integral of the Bochner – Hua Lo-ken type is investigated and a criterion for the holomorphic continuation into a matrix polydisk of functions defined on the skeleton or on a part of the skeleton of a matrix polydisk is obtained.

Рекомендовано к печати д. ф.-м. н. А.Халмурадовым

TRICHODERMA HARZIANUM T22 VA T39 МИКРОҚЎЗИҚОРИН
МАҲАЛЛИЙ ШТАММЛАРИНИНГ МЕТАБОЛИТЛАРИ

Ахмедов О.Ж., Тожиева С., Камалов Л.С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: ЮССХ анализ, гарзион, Триходерма, газ хроматографияси, масс-спектрометрия, хроматограммалар.

Ключевые слова: ВЭЖХ анализ, гарзион, триходерма, газовая хроматография, масс-спектрометрия, хроматограммы.

Keywords: HPLC analysis, garzion, Trichoderma, gas chromatography, mass spectrometry, chromatograms.

Касалликларни назорат қилиш учун биоконтрол агентлар ва уларнинг метаболитларига асосланган янги маҳсулотлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалигидаги синтетик пестицидларга қарамликни камайтиришнинг энг истиқболли усулларида бири ҳисобланади. Ҳар хил биоконтрол агентлар рўйхатга олинган ва улар *Trichoderma* турига тегишли бўлган штаммларни ўз ичига олган тижорат маҳсулотлари сифатида мавжуддир. *Trichoderma* турлари узоқ вақтдан бери ўсимлик касалликларини назорат қилиш ва ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кучайтириш учун биологик назорат қилувчи восита (БНҚВ) сифатида тан олинган [1]. Маълумки, бу замбуруғлар ўсимликлар - мезбонлар ва маҳаллий микробиал уюшмалар билан мураккаб ўзаро алоқада қатнашади. *Trichoderma* нинг фитопатоген замбуруғларга антагонизмида қатнашиш механизми бўйича рақобати, антибиоз, яъни тўғридан-тўғри микопаразитизм ва ўсимликларда патоген микроорганизмларга тизимли қаршилик кўрсатишни ўз ичига олади [2].


Trichoderma турига мансуб қўзиқорин штаммлари иккиламчи метаболитлар сифатида антибиотиклар ишлаб чиқарувчилардир [3]. Уларнинг ишлаб чиқарилиши (I) маълум бирикмаси билан фарқ қилади, (II) штаммлари ва турлари, (III) бошқа микроблар мавжудлиги ва (IV) аниқланган биосинтез ва биотрансформация тезлиги ўртасидаги мувозанат билан фарқ қилади [4]. *Trichoderma* sp. туридаги иккиламчи метаболитларнинг иштирокида ўсимликларни ҳимоя қилиш механизмларини фаоллаштириш ва ўсимликларнинг ўсишини тартибга солиш ўрганилди [5].

Ушбу ишда биз *Trichoderma harzianum* T22 ва T39 штамми ишлаб чиқарадиган метаболитларни ўрганиб чиқдик. Маҳаллий компостланган қаттиқ дарахт пўстлоғидан ажратилган бу штамм фитопатоген агент *Pythium irregulare* учун ҳеч қандай босимсиз таъсир этади. Қўзиқорин асосан гарзион кислотасини (1) ишлаб чиқарган ва у тетраам кислоталари ҳосилаларини тўлиқ бўлмаган ҳолда характерлайди [6].

Trichoderma harzianum культурал суяқликларидан 1-гидрокси-3 – метилантрахинон (8) ва 1,8-дигидрокси-3-метилантрахинон (9) аралашмаси ажратиб олинди. Ушбу молекулалар стандарт намуналар билан солиштирилганда ўхшаш хроматографик ва спектроскопик хусусиятларни кўрсатадилар [4-7]. Олдинги ишда антрахинонлар *Gaeumannomyces graminis* var. *tritici* нисбатан заиф ингибирлашни кўрсатди, *Rhizoctonia solanior*, *P. ultimum* ларга қарши активликни кам намоён қилди [8].

Гарзион кислотаси маҳаллий тупроқ намунасида олинган қўзиқорин штаммининг суяқ культураларидан ажратиб олинган [9].

Тетраам кислоталар ёки пирролидиндионлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, бактериялар, микромицетлар, шунингдек, денгиз ва қуруқлик замбуруғларидан ажратилган. Биосинтези нуқтаи назаридан, табиий тетраметил кислоталар аминокислоталар ва фаоллаштирилган асил объектининг йиғилишидан келиб чиққан деб ҳисобланиши мумкин [10]. Шунинг таъкидлаш керакки, 5S- ёки 5R-конфигурациясига олиб келадиган L- ёки D-аминокислоталар иштирок этадиган мисоллар келтирилган. Баъзи ҳолларда бу бирикмалар калций ёки магний тузлари шаклида ажратишиб, улардан калцийни силикагель ёрдамида ажратиб олинади.



Изоҳ: Гарзион кислотасининг молекуляр структураси (1), ичкимолекуляр Н-боғи ва номерланиш схемаси.

Дастлабки тажрибаларда, гарзион кислотаси бодринг ўсимликларининг ўсишига, лабораторияда ва иссиқхонада *Rythium spp.* қўзқорини туфайли келиб чиқадиган касалликнинг таъсирини камайтириши аниқланди ва ўсимлик ўсишига ёрдам бериши аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида *Trichoderma spp.*нинг иккиламчи метаболитлари мавжудлигини исботлайди ва ўсимлик ўсишини тартибга солишда ҳам, ўсимликларни ҳимоя қилиш реакцияларини фаоллаштиришда ҳам рол ўйнаши аниқланди [11]. Бизнинг ҳозирги натижаларимиз ўсимлик ўсишини тартибга солишда, шунингдек, қўзқорин пато-генларига қарши антагонизмда гарзион кислотасининг ролини кўрсатади.

Trichoderma турига мансуб микромицет штаммлари бутун дунё бўйлаб биопестицид сифатида муваффақиятли ишлатиладиган муҳим биоконтрол агентлари бўлиб, антибактериал фаоллиги билан таниқли иккиламчи метаболит ишлаб чиқарувчилардир [12]. *Trichoderma spp.* кўп жиҳатдан антибиотиклар ва микопаразитизм, озуқавий муҳит учун рақобат каби бошқа механизмларнинг фойдали комбинациясини ўз ичига олувчи ўсимликлар ва микробиал уюшмаларнинг яшовчилари билан мураккаб ўзаро таъсир ўтказади. Ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантириш ва тизимли қаршилик индукцияси аниқланди. *Trichoderma spp.* қобилятига иккиламчи метаболитларнинг жалб қилиниши ўсимликларни ҳимоя қилиш механизмларини фаоллаштириш ва ўсимликларнинг ўсишини тартибга солиш учун яқиндан чуқур ўрганилди.

Микробларнинг иккиламчи метаболитлари микроорганизмларнинг ривожланиши давомида ишлаб чиқади ва уларнинг бажарадиган вазифаси қарама-қарши бўлиб, микробларнинг кўпайишига тўсқинлик қиладиган энг муҳим табиий маҳсулотлар қаторига киради [10]. *Trichoderma* қўзқорини томонидан ажралиб чиқадиган иккиламчи метаболитларнинг спектрлари, моддаларнинг синфларига ва деформацияланишига боғлиқ бўлиб, учувчан ҳамда учмайдиган антифунгал моддаларни ўз ичига олади. Яқинда чоп этилган мақолада *Trichoderma harzianum* T22 ва T39 штаммлари томонидан ишлаб чиқилган асосий иккиламчи метаболитлар, биопестицидлар ва биоўғитларни йиғишда ва очиқ майдонда ишлаб чиқаришда муваффақиятли ишлатилган иккита тижорат штаммлари ажратилганлиги ва тавсифланганлиги ҳақида хабар берилди.

Trichoderma T22 ва T39 штаммлари культурасини филтрлаб олинган асосий иккиламчи метаболитлари (4-7), тозаланган ва характерланган. *Trichoderma* T22 штамми синтез қилган азафилон T22 (4) моддасининг антифунгал таҳлилларида *P. cinnamomi*, *B.cinerea* ва *L.maculan* қўзқоринларининг кўпайишини тўлиқ ингибирлаши ўрганилган. Бу азафилон T22 нинг *Gaeumannomyces graminis* var *tritici*, *R. solani* ва *P.ultimum* қўзқоринларини ингибирлаш таъсирига мос келади. *Trichoderma* T22 штаммидан ажратиб олинган антрахинонлар (8, 9) илгари *R.solani* ва *P. ultimum* қўзқоринларга нисбатан антифунгал фаолликни намоён

этганлиги айтилган бўлса, *R. cinaniomi*, *B. cinerea* ва *L. maculan* замбуруғларга қарши эса аксинча антифунгал фаолликни намоён этмайди. *Trichoderma harzianum* Т39 штаммидан ажратилган иккиламчи метаболитларга келсак, энг самаралиси худди шу таҳлил пластинкасида *L. makulan* ва *P. cinnamomiat* замбуруғларга нисбатан қўллаш орқали 100% ингибирловчи гарзианопиридон (3) моддасини айтиш мумкин эди. Бутенолид (6) *L. maculans*, *P. cinnamomi* ва *G. graminis* var. *tritici*, *R. solaniat*ларнинг ўсишини бутунлай тўхтамайди ва ниҳоят гарзианолид (5) максимал микрограммда ўсишни 25% гача ингибирлашни намоён қилади.

1-жадв.

Компонентлар миқдори (мкг) (µg)					
Намуна-штаммлар	<i>Trichoderma harzianum</i> Т22 штамми			<i>Trichoderma harzianum</i> Т39 штамми	
	Азафилон Т22	1-гидрокси-3-метилантрахинон	1.8-дигидрокси-3-метилантрахинон	Бутенолид Т39	Гарзиано пиридон
Намуна	372±60	260±40	114±30	508±50	52±20
<i>Rhizoctonia solaniat</i>	326±50	114±30	93±30	1700±150	212±30
<i>Pythium ultimum</i>	6 ±1	542±30	260±5	450±50	4±1
<i>Botrytis cinerea</i>	302±40	157±40	88±20	850±60	158±30
Қурук биомасса	Азафилон Т22	1-гидрокси-3-метилантрахинон	1.8-дигидрокси-3-метилантрахинон	Бутенолид Т39	Гарзиано пиридон
<i>Rhizoctonia solaniat</i>	8±2	15±2	8±1	401±70	85±5
<i>Pythium ultimum</i>	nd	1060±200	357±10	475±30	3±1
<i>Botrytis cinerea</i>	nd	134±10	39±20	357±25	169±30

Trichoderma harzianum нинг асосий иккиламчи метаболитларини суяқ культураларда ҳосил бўлиши синовдан ўтган фитопатогенларнинг яшовчан ёки яшовчан бўлмаган биомассаларининг мавжудлигини кўрсатади. *Trichoderma harzianum* Т22 штамми суяқ культураларда ҳосил бўлган азафилон Т22 нинг назорат учун солинадиган намуналарига *R. solani* ёки *B. cinerea* замбуруғ штаммлари билан ишланган намуналар ўртасида жиддий фарқлар борлиги аниқланди. Бунинг ўрнига, патоген микроорганизмларнинг яшовчан бўлмаган биомассасининг мавжудлиги, шунингдек *P. cinnamomiat* нинг тирик мицелласи билан биргаликда экишда ишлов берилмаган назоратга нисбатан азафилон Т22 ишлаб чиқаришни сезиларли даражада камайтирди ёки бутунлай ингибирлайди.










Қизиғи шундаки, антрахинонларнинг секрецияси яшовчан ва яшовчан бўлмаган *P. maksimal* биомассалари билан ўзаро таъсир қилиш натижасида келиб чиққан, аммо бошқа даволаниш усуллари кўлламаган. *Trichoderma harzianum* Т39 ва *R. solani* ёки *B. cinerea* штаммининг қўшма культуралари бутенолид Т39(6) ни ишлаб чиқаришни кучайтирди, аммо яшашга яроқли бўлмаган патогеннинг биомассасини ўз ичига олган назорат гуруҳлари билан солиштирганда ҳеч қандай фарқ йўқ эди.

Худди шундай *R. solani* ва *B. cinerea* микрозамбуруғлар *Trichoderma harzianum* нинг тирик ва ўлик қўзикорин патогенлари билан ўзаро таъсирида гарзианопиридон (3) тўпланишини рағбатлантирганини кўриш мумкин.

Ниҳоят, гарзианолид (5) индукция қилинмаган ва бизнинг тажрибаларимизда аниқланмаган (маълумотлар кўрсатилмаган).

Trichoderma harzianum Т22 ва Т39 штаммлари томонидан қўзикорин патогенлари билан ўзаро таъсирлашганда, иккинчи даражали метаболитларни (мкг) ишлаб чиқариши аниқланди.

Trichoderma микрозамбуруғидан олинган иккиламчи метоболитлар

№	Номи	Химиявий тузилиши	Ажратилган микрозамбуруғлар тури
1.	Гарзиан кислота	 <p>1</p>	T. harzianum
2.	6-пентил- α -пирон (6PP)	 <p>2</p>	T. viride, T. atroviride, T. harzianum, T. koningii
3.	Гарзианопиридон	 <p>3</p>	T. harzianum
4.	Азафилон T22	 <p>4</p>	T. harzianum T22
5.	Гарзианолид	 <p>5</p>	T. harzianum T39
6.	Бутенолид T 39	 <p>6</p>	T. harzianum T39
7.	Дейдро-гарзианолид	 <p>7</p>	T. harzianum T39
8.	1-гидрокси-3-метилантрахинон	 <p>8</p>	T. harzianum T22
9.	1,8-дигидрокси-3-метилантрахинон	 <p>9</p>	T. harzianum T22

Қўзиқоринларда иккиламчи метаболитларни ишлаб чиқариш морфологик ривожланиш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёндир [12]. Иккиламчи метаболитлар биотехнологик дастурларда катта аҳамиятга эга, ammo баъзи ҳолларда ишлаб чиқарувчи микроб учун аниқ функциялар мавжуд эмас. Олдинги ишимизда *Trichoderma harzianum*нинг иккита тижорат штамлари (Т22 ва Т39) томонидан ишлаб чиқарилган асосий иккиламчи метаболитларни таҳлил қилган эдик [4].

Ушбу ишда уларнинг бошқа муҳим фитопатогенларга қарши антифунгал фаоллиги, масалан, *L. maculans* (қора оёқнинг хочга михланган устидаги патогени), *P. cinnamomi* (ўрмон ўлимининг патогенлари), *V. cinerea* (турли кулранг моғорларни кўзгатувчи) касал-ликларига таъсири ўрганилган. Ҳар иккала Т22 – азафилон (4) ва гарзианопиридон (3) *Trichoderma harzianum* Т22 штаммида ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, у паст концентрацияларда ишлатилса (стандарт пластинка таҳлилида ҳар бир тўхташ жойига ўртача 1-10 мкг), бутенолид Т39 (6) эса кенг фаолиятни кўрсатади. Т39 штаммидан чиқарилган гарцианолид фақат юқори концентрацияда ишлатилганда патогенларнинг ўсишини сезиларли даражада сусайтиради. Ушбу маълумотлар тасдиқланди ва ушбу иккиламчи метаболитларнинг анти-фунгал фаоллиги тўғрисидаги маълумотларга ўз хиссасини қўшди [11]. Қизиғи шундаки, *Trichoderma harzianum* Т22 штаммида қўзиқорин патогенлари билан ўзаро таъсири антибиотик бирикмаларининг тўпланиши билан боғлиқ эмас. Аслида, кучли витро антифунгал фаоллигини кўрсатувчи азафилон Т22 (4) секрецияси, айниқса *R. solanior*, *V. cinerea* билан биргаликдаги културасида кўзгалмаган ва эхтимол патогеннинг яшовчан бўлмаган биомассаси ёки *P. untimli* яшайдиган мицелий ёрдамида ҳам бостирилган ва аксинча *P. aralashmasi* билан даволанган намуналарда антрахинонларнинг кўпайиши аниқланди, ammo бу бирикмалар антифунгал хусусиятларга эга эмас эди. Худди шундай, Доннелли ва Шерида (1986) антрахинонларни *T. polysporum* ва *Heterobasidion annosum*нинг аниқланган қўшма маданиятида ажратиб қўйишди, ammo патоген ўсишини сезиларли даражада ингиберлаш кузатилмади. Аслида антрахинонлар пигментлардир ва рангли спорлар, апрессия, склеротия, жинсий аъзолар ва бошқа ривожланиш тузилмаларини яратадиган энг кенг тарқалган қўзиқорин табиий маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, кимёвий тузилиши туфайли антрахинонлар *Trichoderма*да РОС қабул қилувчиси ролини ўйнаши мумкин ва фойдали бирикмаларнинг биотик ёки абиотик стрессларга чидамлилигини ошириш учун тегишли эликатор (яъни қўзиқорин патогенининг биомассаси) ёрдамида рағбатлантирилиши мумкин [13].

V. cinerea ва *R. solani* билан биргаликда культураларда бутенолид ва гарзианопиридон Т39 ишлаб чиқарилиши аниқланди. Бундан фарқли ўлароқ, *T. solzani* билан пластинка қарама-қарши қўйилишида ўтказилган таҳлилларда *Trichoderma harzianum* Т39 штамми ва патоген биомассанинг ўзаро таъсирида қисқарган бутенолид Т39(6) шакли топилмади. [14] 6 пентил-а-пирон (6PP)(2) ишлаб чиқарилиши патоген бўлмаган мицелла билан ўстириш орқали рағбатлантирилганлигини аниқлади, ammo биргаликда этиштириш шартларида эмас. Шунинг учун, улар *R. solanias* сабаб бўлган *Trichoderma harzianum* штммидан 6PP ни ишлаб чиқариш - бу уй эгасининг физиологик ҳолати билан белгиланадиган антагонистик жавобдир. Вирусли фитопатоген замбуруғлар биотрансформацияловчи метаболитларга кодир, улар акс ҳолда токсик бўлиши мумкинлиги исботланди [15-16].

Ушбу стратегия патогенларга организмнинг химоя хусусиятларини (яъни ўсимлик ишлаб чиқарадиган антибиотикларни) енгишга ёки зарарли атроф-муҳит шароитларига, масалан, антагонистлар томонидан заҳарли бирикмалар ишлаб чиқарадиган моддаларга бардош беришга ёрдам беради. Турли хил қўзиқорин патогенлари *Trichoderma* 6PP штаммини моногидроксилланган турининг изомерик аралашмаларига ёки баъзи ҳолларда карбон кислоталарга кейинчалик оксидланиш йўли билан ўзгартириши мумкин. Шунинг учун *Trichoderma* қўзиқорин патогенлари билан қўшилиб културада тўпланган иккиламчи метаболитларнинг миқдори кўзгатувчи таъсир кўрсатадиган индукция эффекти ва биотрансформация тезлиги ўртасидаги мувозанатга боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни тушуниш ва уларни ҳал қилиш антагонистик замбуруғлар ёки бошқа микроблар томонидан чиқарилган табиий бирикмаларнинг ишлаб

чиқариш жараёнини яхшилайдди. Нисбатан индукция қилувчи молекулаларнинг қўлланилиши биоактив бирикмаларга асосланган биопестицидлар ва биоўғитларнинг ривожланишига янги ёндашувни намоёни қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Chet, I.; Inbar, J. Appl. Biochem. Biotechnol. 1994, 48, 37–43.
2. Lorito, M.; Woo, S.; Iaccarino, M.; Scala, F. In *Microrganismi Antagonisti*; Iaccarino, M., Ed.; Idelson-Gnocchi s.r.l.: Naples, 2006. – pp 146-175.
3. Камалов Л.С., Закирова Р.П., Арипова С.Ф. Рост-стимулирующая активность экстракта микроскопического гриба *Trichoderma harzianum* // *Узбекский биологический журнал*, 2019, – № 3. – С. 13-16.
4. Камалов Л. С., Тургунов К. К., Арипова С. Ф., Абдилалимов О. Гиббериллин А-3 из микроскопического гриба *Trichoderma harzianum* // *Химия природ.соедин*, 2018, – № 2. – С. 354-355.
5. Камалов Л.С. Количественное определение гиббереллинов методом высоко производительной жидкостной хроматографии в экстрактах, продуцируемых различными штаммами *Trichoderma* // *ҚарДУ хабарлари*, 2019. – № 4. – Б. 37-42.
6. Ахмедов О.Ж., Турасуннат Ш.К., Камалов Л.С. Низкомолекулярные метаболиты грибов. II. Гарциановой кислоты из *Trichoderma harzianum* uzc-55 // *ҚарДУ хабарлари*, 2020. – № 1. – Б. 28-34.
7. Marra, R.; Ambrosino, P.; Carbone, V.; Vinale, F.; Woo, S. L.; Ruocco, M.; Ciliento, R.; Lanzuise, S.; Ferraioli, S.; Soriente, I.; Gigante, S.; Turr`a, D.; Fogliano, V.; Scala, F.; Lorito, M. *Curr. Genet*, 2006, 50. – pp. 307–321.
8. Vinale, F.; Sivasithamparam, K.; Ghisalberti, E. L.; Marra, R.; Woo, S. L.; Lorito, M. *Soil Biol. Biochem.* 2008, 40 – pp. 1–10.
9. Benitez, T.; Rincon, A. M.; Limron, M. C.; Codorn, A. C. *Int. Microbiol.* 2004, 7. – pp. 249–260.
10. Lorito, M. In *Trichoderma and Gliocladium*; Harman, G. E., Kubicek, C. P., Eds.; Taylor and Francis Ltd: London, 1998; Vol. 2, Chapter 4. – pp. 73-99.
11. Sivasithamparam, K.; Ghisalberti, E. L. In *Trichoderma and Gliocladium*; Harman, G. E., Kubicek, C. P., Eds.; Taylor and Francis Ltd: London, 1998; Vol. 1 – pp 139-191.
12. Sawa, R.; Mori, Y.; Inuma, H.; Naganawa, H.; Hamada, M.; Yoshida, S.; Furutani, H.; Kajimura, Y.; Fuwa, T.; Takeuchi, T. *J. Antibiot.* 1994, 47, 731–732.
13. Betina, V.; Sedmera, P.; Vokoun, J.; Podojil, M. *Experientia* 1986, 42, 196–197.
14. Vinale, F.; Marra, R.; Scala, F.; Ghisalberti, E. L.; Lorito, M.; Sivasithamparam, K. *Lett. Appl. Microbiol.* 2006, 43. – pp. 143–148.
15. Daferner, M.; Anke, T.; Sterner, O. *Tetrahedron* 2002, 58, 7781–7784.
16. Ghisalberti E. L. In *Bioactive Tetramic Acid Derivatives*; Atta-ur-Rahman, Ed.; Elsevier: Amsterdam, 2003; Vol. 28, Part II. – pp 109-163.
17. Ohta E.; Ohta S.; Ikegami S. *Tetrahedron* 2001, 57. – pp. 4699–4703.
18. Sodeoka, M.; Sampe, R.; Kojima, S.; Baba, Y.; Morisaki, N.; Hashimoto, Y. *Chem. Pharm. Bull.* 2001, 49, 206–212.
19. Intana, W. Selection and development of *Trichoderma* spp. for high glucanase, anti-fungal metabolite producing and plant growth promoting isolates for biological control of cucumber damping-off caused by *Pythium* spp. Ph.D. Thesis, Kasetsart University, Thailand, 2003. – pp. 1-202.

РЕЗЮМЕ

Trichoderma T22 ва T39 штамларининг фильтрланган культурал суюқликлари этилацетат билан тўлиқ экстракция қилинди. Экстракциядан олинган қизил қолдиқ градиент элюит билан устунли хроматографияда силикагель орқали ўтказилганда 12 хил фракция олинди. Олинган 6-7 фракциялар ЮСЮҚХ дастандартлар билан солиштирилганда 1-гидрокси - 3 - метилантрахинон ва 1,8-дигидрокси-3-метилантрахинон эканлиги кўрсатди. Бу эса молекулаларни стандарт намуналар билан хроматографик ва спектроскопик солиштириш орқали исботланди. 3-фракция кристалл моддадан иборат бўлиб, улар ^1H ва ^{13}C спектор маълумотлари гарцион кислотаси эканлигини кўрсатиб, бу эса тетрамин кислотасининг ҳосиласи эканлигини кўрсатди. Ушбу бирикма учун таклиф қилинган структура спектроскопик маълумотларга асосланган бўлиб, стереогеник углерод атомларининг конфигурацияси ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Ушбу метаболитнинг тузилиши ва конфигурацияси гарцион кислотасининг монокристаллини рентген нурланишидаги диффракцион тадқиқот ўтказиш орқали исботланди. Замбуруғ асосан тетрамин кислотасининг ҳосиласи бўлган гарцион кислотасини ишлаб чиқарганлиги аниқланди. *Trichoderma* замбуруғининг T22 ва T39 штамлари антифунгал фаоллиги тадқиқотлар асосида исботланди.

SUMMARY

Filtered culture fluids of *Trichoderma* T22 and T39 strains were exhaustively extracted with ethyl acetate. The isolated red residue was subjected to column chromatography (silica gel) with gradient elution, whereby 12 different fractions were obtained. Preparative TLC fraction 6-7 gave a small amount of a mixture of the known compounds of 1-hydroxy - 3 - methylantraquinone and 1,8-dihydroxy-3-methylantraquinone.

These molecules showed chromatographic and spectroscopic properties similar to standard samples. Fraction 3 consisted of a crystalline material that showed the same parameters ^1H and ^{13}C as the parameters of garcianic acid, a derivative of tetraminic acid. The structure proposed for this compound was based on spectroscopic data, and no indication of the configuration of stereogenic carbon atoms was obtained. To characterize this metabolite, an X-ray diffraction study of a single crystal was carried out. The fungus produced mainly garcianic acid, an incompletely characterized tetramic acid derivative. *Trichoderma microsummaria* foraging T22 and T39 antifungal pereligina of *issledovaniya* tested basis.

РЕЗЮМЕ

Отфильтрованные культуральных жидкости штамма *Trichoderma* T22 и T39 исчерпывающе экстрагировали этилацетатом. Выделенный красный остаток подвергали колоночной хроматографии (сикагель) с градиентным элюированием, в результате чего получали 12 различных фракций. Препаративная ТСХ фракции 6-7 дала небольшое количество смеси известных соединений 1-гидрокси-3-метилантрахинона и 1,8-дигидрокси-3-метилантрахинона. Эти молекулы проявляли хроматографические и спектроскопические свойства, аналогичные стандартным образцам. Фракция 3 состояла из кристаллического материала, который показал те же параметры ^1H и ^{13}C , что и параметры гарциановой кислоты, производного тетраминовой кислоты. Структура, предложенная для этого соединения, была основана на спектроскопических данных, и никаких указаний на конфигурацию стереогенных атомов углерода не было получено. Чтобы охарактеризовать этот метаболит, было проведено рентгеноструктурное исследование монокристалла. Гриб продуцировал в основном гарциановую кислоту, не полностью охарактеризованное производное тетрамовой кислоты. Здесь мы сообщаем об изоляции, полном структурном определении и противогрибковой активности *Trichoderma* микроскопическа гриба штамма T22 и T39.

КОМПЛЕКСНЫЕ СОЕДИНЕНИЯ МЕДИ(II) И ЦИНКА С 2-АМИНОХИНАЗОЛОНОМ-4

Якубов Э.Ш., Махмудова Г.А., Тожиев С.М., Шокиров Ж.Н. (КарГУ),
Бобилова Ч.Х. (КарИЭИ)


Ключевые слова: *электродонорный атом, тотомерия, 2-Аминохиназolon-4 ИК-, ПМР- и ЭПР-спектроскопия, g-факторы, бидентатное связывание.*

Таянч сўз ва иборалар: *электродонор атом, тоутомерик ҳолатлар, 2-Аминохиназolon-4, ИК-, ПМР- ва ЭПР-спектроскопиялари, g – факторлар, бидентат бирикши.*

Key words: *electrodonor atom, tautomeric cases, 2-aminoquinazolone-4, IR-, PMR- and ESR-spectroscopy, g-factors, bidentate binding.*

2-Аминохиназolon-4 (АНz) содержит в своем составе три атома азота и карбонильный кислород и является потенциальным коомплексообразующим лигандом. Поэтому синтез и изучение комплексообразования его с переходными металлами представляют определенный интерес. Кроме того, в ряду АНz найдены препараты, обладающие фунгицидным, бактерицидным и др. свойствами [1].

2-Аминохиназolon-4 может существовать в виде нескольких тоутомерных форм: амидоиминной (А), амидоаминной (В), енолиминоиминной (С) и енолиминоаминной (D).



В ИК-спектре 2-аминохиназолона-4 в области $\nu(\text{NH})$ наблюдается несколько полос поглощения разной интенсивности и ширины. Так, полоса при 3400 см^{-1} , в соответствии со спектром хиразолона-4, отвечает $\nu(\text{NH})$ с участием азота 1. Вторая полоса $\nu(\text{NH})$ с участием азота 3 проявляется при 3060 см^{-1} . В этой области остаются две полосы поглощения при 3190 и 3300 см^{-1} . Они отвечают NH_2 -группе ($\nu_s(\text{NH}_2)$ $\nu_{as}(\text{NH}_2)$ соответственно). Кроме того, наблюдается широкая полоса с центром при 2760 см^{-1} . Она относится к $\nu(\text{NH})$ или $\nu(\text{OH})$ других таутомерных форм С и D, причем ширина этой полосы указывает на наличие внутримолекулярной водородной связи. Следовательно, только по анализу ИК-спектра 2-аминохиназолона-4 нельзя говорить однозначно о той или другой таутомерной форме. Вероятно, в твердом состоянии 2-аминохиназолон-4 присутствует в нескольких таутомерных формах. Это предположение подтверждается анализом полос поглощения в области валентных колебаний двойных связей. Так, не наблюдается четкая полоса $\nu(\text{C}=\text{O})$, $\nu(\text{C}=\text{N})$, что может быть в случае смеси таутомерных форм аминохиназолона. Однако, полосы при 1695 и плечо при 1715 см^{-1} можно отнести к $\nu(\text{C}=\text{O})$ таутомерной формы А и В. Размазывание полос поглощения наблюдается и для полос поглощения $\nu(\text{C}=\text{N})$ в области $1640\text{-}1690 \text{ см}^{-1}$. Таким образом 2-аминохиназолон-4 в твердом состоянии находится одновременно в нескольких таутомерных формах.


Шахидоятов Х.М. и сотр. предполагают [2], что в соли 2-аминохиназолон-4 является полиидентным анионом и его электронная плотность делокализована между пятью (фрагмент $\text{O}^4\text{-C}^4\text{-N}^3\text{-C}^2\text{-N}^2$) или тремя (фрагмент $\text{N}^1\text{-C}^2\text{-N}^2$) атомами. В калиевой соли аминохиназолон координируется с металлом через кислород, о чем свидетельствует исчезновение в ИК-спектре интенсивной полосы поглощения $\nu(\text{C}=\text{O})$ при 1695 см^{-1} .

Взаимодействием солей цинка с калиевой солью 2-аминохиназолон-4 в метаноле получены комплексные соединения состава $\text{ZnClANz}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ и $\text{ZnNO}_3\text{ANz}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$. Комплексы с двумя молекулами аминохиназолона не образуются.

В ИК-спектрах комплексов, как и в случае калиевой соли, исчезает полоса $\nu(\text{C}=\text{O})$ АНз при 1695 см^{-1} . В области валентных колебаний $\nu(\text{NH})$ ($3200\text{-}3400 \text{ см}^{-1}$) наблюдается существенное уменьшение ширины полос поглощения, что может быть вследствие отсутствия внутримолекулярных водородных связей с участием NH -групп. Исчезновение полосы $\nu(\text{C}=\text{O})$ можно объяснить миграцией водорода азота 3 к кислороду, который отщепляется при комплексообразовании. Следовательно, АНз должен координироваться через кислород углерода в положении 4. В спектрах комплексов в области $3340\text{-}3330 \text{ см}^{-1}$ наблюдается полоса, соответствующая $\nu(\text{OH})$ координированных молекул воды.

Ацедолиганды (NO_3^- , Cl^-), по данным электропроводности комплексов в растворе ДМСО ($4\text{-}6 \text{ ом}^{-1}\cdot\text{см}^2\cdot\text{моль}^{-1}$), координированы с металлом. Этот факт подтверждается также наличием в спектре $\text{ZnNO}_3\text{ANz}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ полос поглощения при 1470 и 830 см^{-1} , соответствующих колебаниям ν_3 и ν_2 координированного нитратного иона [3]. В спектре комплекса $\text{ZnClANz}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ эти полосы отсутствуют.

Таким образом, в комплексах $\text{ZnXANz}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ($\text{X}=\text{Cl}$, NO_3) анион 2-аминохиназолон-4 вступает как монодентатный лиганд, координированный через кислород депротонированной фенольной формы. Комплексы имеют наиболее вероятную для комплексов цинка тетраэдрическую структуру, образованную координированными анионами аминохиназолона и ацидолиганда (NO_3^- , Cl^-), а также двумя молекулами воды




В ПМР-спектре 2-аминохиназолон-4 протоны ароматического кольца проявляют две группы мультиплетных сигналов в области $7,07\text{-}7,80$ и $7,79\text{-}8,10$ м.д. Сигналы NH - и NH_2 -

групп, в результате быстрого обмена протонов между собой и протонами воды, содержащимися в небольшом количестве растворителя, имеют расширенный сигнал при 5,93 м.д. В спектре комплекса $ZnClANz \cdot 2H_2O$ обнаружено расширение и небольшое смещение в высокопольную область 7,00-7,70 и 7,91-8,00 м.д. сигналов протонов ароматического кольца. Сильное смещение претерпевает сигнал NH-группы. Он наблюдается в более высокопольной области при 3,85 м.д. Такое смещение сигналов (в особенности сигнала NH группы) свидетельствует о координации с металлом через атом кислорода. Отметим, что молекулы воды, входящие в состав комплекса, в результате быстрого обмена дают сигнал, общий с сигналом NH-группы. Относительная интегральная интенсивность сигналов ANz и воды подтверждает наличие в составе комплекса двух молекул воды.

Ацетат меди(II) с калиевой солью ANz в метанольном растворе образует комплексы состава $CuCH_3COOANz \cdot 3H_2O$ и $Cu(ANz)_2 \cdot 2H_2O$. Первый комплекс имеет зеленый, второй – коричневый цвет. Оба растворяются в ДМСО. Растворы – неэлектролиты, следовательно ацетатный ион в первом комплексе непосредственно координирован с металлом.

В ИК-спектре комплекса $CuCH_3COOANz \cdot 3H_2O$ две полосы при 1410 и 1530 cm^{-1} соответствуют $\nu_s(OCO)$ и $\nu_{as}(OCO)$ монодентатно координированной ацетатной группе [4, 5]. Полоса $\nu(C=O)$ ANz в спектре комплекса исчезает. Остальные полосы поглощения ANz наблюдаются в той же области, что и в спектре комплекса цинка. Следовательно, в комплексе $CuCH_3COOANz \cdot 3H_2O$ лиганд координирован монодентатно через кислород. Координированные молекулы воды проявляют две полосы поглощения $\nu(OH)$ при 3400 и 3500 cm^{-1} . Последняя слабая полоса, на наш взгляд, соответствует аксиально координированной молекуле воды, которая по сравнению с экваториально координированными молекулами воды слабо связана с металлом. Поэтому она проявляется в более высокочастотной области.

ЭПР-спектр комплекса $CuCH_3COOANz \cdot 3H_2O$ в ДМСО при $-196^{\circ}C$ представляет характерный для комплексов меди(II) спектр с основным состоянием металла $d_x^2-y^2$. Полученные параметры: $g_z=2,315$, $A=165$ Э, $g_y=2,086$, $B=16$ Э, $g_x=2,044$ и $C=17$ Э подтверждают монодентатную координацию ANz через кислород. Остальные координационные места в комплексе занимают молекулы воды и монодентатно координированная через кислород ацетатная группа.




В ИК-спектре комплексов $Cu(ANz)_2 \cdot 2H_2O$ полоса $\nu(C=O)$ при 1695 cm^{-1} сохраняется. В области валентных колебаний $\nu(OH)$ и $\nu(NH)$ наблюдаются широкая полоса при 2700, полосы при 3070 и 3160, а также отдельно выделяется интенсивная полоса при 3410 cm^{-1} . Положение, интенсивность и ширина этих полос поглощения точно такие же, как и в спектре калиевой соли ANz. Полосы при 3300 и 3190 cm^{-1} , отвечающие $\nu_s(NH_2)$ и $\nu_{as}(NH_2)$, а также полоса при 3060 cm^{-1} , характерная для $\nu(NH)$ NH-группы в положении 3, исчезают. Полоса $\nu(NH)$ NH-группы в положении 1 при 3410 cm^{-1} сохраняется. Следовательно, при комплексообразовании происходит депротонизация NH-группы в положении 3 и ионная координация осуществляется этим азотом. Широкую полосу при 2700 cm^{-1} можно отнести к $\nu(NH)$, участвующей в образовании меж- или внутримолекулярной водородной связи. Полоса при 1660 cm^{-1} отвечает $\nu(C=N)$ [5].


В ЭПР-спектре комплекса $Cu(ANz)_2 \cdot 2H_2O$ в растворе ДМСО разрешаются линии СТС с параметрами $g=2,11 \pm 0,02$ и $A=65$ Э. В замороженном состоянии хорошо разрешается СТС в параллельной и перпендикулярной ориентациях. Параметры: $g_z=2,287$, $A=180$ Э, $g_y=2,079$,

$B=15 \text{ Э}$, $g_x=2,044$ и $C=17 \text{ Э}$ соответствуют обычному квадратно-пирамидальному комплексу с координированными через азот 3 анионами АНз и двумя молекулами воды в плоскости.

Аксиальное положение комплекса занимает молекула растворителя – ДМСО.



ЭПР-спектры $\text{Cu}(\text{АНз})_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ в DMSO при 293 (а) и 77 К (б).



Изотропный параметр, определенный по формуле $g=1/3(g_x+g_y+g_z)=2,137$ из значений g -факторов анизотропного спектра, несколько выше, чем g -фактор при комнатной температуре ($g=2,11$). По-видимому, в замороженном растворе плоско-квадратное строение комплекса достраивается до квадратно-пирамидального строения за счет координации молекулы растворителя, что приводит к возрастанию g -фактора.

Список использованной литературы

1. Шахидоятов Х.М. Хиназолон-4 и их биологическая активность. – Ташкент: ФАН, 1988. – 138 с.
2. Э.Ш.Якубов, И.Нахатов, Б.Р.Норматов Координационные соединения меди (II) с хиназолоном-4 и его производными. - Ташкент. Узбекский химический журнал. – 2019. – №4. – С. 44-51.
3. Якубов Э.Ш., Назаров Ф.Ф., Назаров Ф.С., Дустов Х.Б. Смешаннолигандные комплексы меди (II). – Бухара. Развитие науки и технологий. – 2019. -№5. – 117-121 с.
4. Якубов Э.Ш., Гулбоева Д.Р., Сафарова М.А., Чориев А.У. Комплексные соединения кобальта(II), меди(II) и цинка с хиназолоном-4. – Москва. Universum: Химия и биология. – 2019. 3(57). – С. 72-76.
5. Nakamoto K., Fujita J., Tanaka S., Kobayashi M. Comparison of the Infrared Spectra of unidentate and bidentate metallic complexes // J. Amer. Chem. Soc., - 1957. – Vol. 79. – P. 4904.

REZYUME

Mis(II) va rux tuzlarining 2-aminoxinazolone-4 bilan yangi 4 ta kompleks birikmalari sintez qilingan. Kompleks birikmalarning fazoviy tuzilishlari IQ-, PMR- va EPR-spektroskopiyalari yordamida o'rganilgan.

РЕЗИОМЕ

Синтезировано 4 новых комплекса меди(II) и цинка с 2-аминохиназолоном-4. Строение комплексов идентифицировано с помощью ИК-, ПМР- и ЭПР-спектроскопии.

SUMMARY

4 new complexes of copper(II) and zink with 2-aminoquinazolone-4 one have been synthesired. The structure of synthesired has been identifisated by IR-, PMR- and ESR-spectroscopy.

Рекомендовано к печати доц. Л.Камаловым

ЦИННИЯ НАВЛАРИНИНГ ҚАРШИ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ГУЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Саматова Ш.А., Ёзиев Л.Х., Бўранова М.О. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: интродукция, нав, биоморфология, вегетация, шохланиш, тўпгул, гуллаш интенсивлиги.

Ключевые слова: интродукция, сорт, биоморфология, вегетация, ветвление, соцветие, интенсивность цветения.

Key words: introduction, variety, biomorphology, vegetation, branching, inflorescence, flowering intensity.

Маҳаллий флорани интродукцион синовдан ўтказилган ўсимликлар ҳисобига бойиш орқали кўкаламзорлаштиришда етарлича самарага эришиш мумкин. Агар интродуцент бир йиллик манзарали гул бўлса, қисқа фурсат ичида сезиларли натижа олиш имкони туғилади.

Цинния (*Zinnia*) туркуми вакиллари Ўзбекистонга режали интродукция қилинган биринчи гулли-манзарали ўсимликлардан ҳисобланади [1, 2]. Бу ўсимлик кўп сонли, узок гуллайдиган, ёрқин ранглардаги саватчалари ҳисобига дунёнинг кўплаб мамлакатларида бир йиллик манзарали гул сифатида кенг тарқалган. Ўсимликнинг табиий келиб чиқиши Марказий ва Шимолий Америка ҳисобланиб, айрим турлари Жанубий Америкада ҳам учрайди. Туркум вакиллари мўл ва давомли гуллайди. Қурғоқчиликка етарлича бардошли, иссиқсевар. Ҳаво ҳарорати қисқагина муддат пасайса ҳам, зарарланади. Ёз ойлари сернам ва салқин бўладиган мамлакатларда уларнинг ўсиши ва ривожланиши ёмонлашади [3].

Яқин йилларгача *Z. elegans* Jacq. деб номланувчи турдан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида фойдаланилар эди. Бўйининг узунлиги кўкаламзорлаштириш талабларига жавоб бермаганлиги сабабли ушбу тур кўкаламзорлаштиришдан чиқиб кетди. Охириги йилларда савдо йўли билан Ўзбекистонга кириб келган *Z. marylandica* ва *Z. Linearis* лар асосида яратилган навларнинг биоморфологик хусусиятлари кўкаламзорлаштириш талабларига тўла мос келганлиги боис, салкам унутилаётган циннияларни кўкаламзорлаштиришга қайтишига сабаб бўлди.

Бу навларнинг декоратив имкониятлари кенг бўлиб, тик ва ихчам шох-шабба ҳосил қилади, мўл ва давомли гуллайди. Қурғоқчиликка ва иссиққа бардошли. Шуларни ҳисобга олиб, Қарши воҳаси шароитида уларнинг биоморфологик хусусиятлари ўрганилди. Объект сифатида *Z. marylandica* 'Zahara Coral Rose' ва *Z. linearis* 'White Star' навлари танланди.

Z. marylandica 'Zahara Coral Rose' 1980 йилларда Мэриленддаги университетда *Z. Angustifolia* ва *Z. violacea* иштирокида яратилган дурагай ҳисобланади. Бўйи 40-50 смгача ўсадиган ихчам ва тик шох-шабба ҳосил қилади. Пушти рангда очиладиган саватчасининг диаметри 6-8см. Саватча четидаги тилсимон гуллари икки-уч қатор бўлиб жойлашган.

Z. linearis 'White Star' тик ўсувчи, кўп шохланувчи нав. Шох-шаббалари юқоридаги навга нисбатан ҳам ихчамроқ. Бўйи 40 см гача етадиган четлари текис думалоқ шакли туп ҳосил қилиб ўсади. Саватча тўпгулининг четидаги тилсимон гуллари оқ, бир қават бўлиб жойлашган. Саватчанинг маркази эса сариқ рангда. Тўпгул диаметри 5-6 см. Барглари ўтрок, узайган.

Тадқиқот иссиқхона шароитида етиштирилган ва март ойининг охириги ўн кунлигида ярим соя (куннинг ярмигача қуёш тушадиган) жойга экилган кўчатлар устида олиб борилди. Ўсимликларни парваришлаш ва агротехник тадбирлар улар учун тавсия этилган қоидаларга кўра амалга оширилди [4]. Ҳар бир навдан 10 тадан ўсимлик танланди ва ҳар 10 кунда кузатиш ва ўлчаш ишлари ўтказилди.

Ўсимликнинг шохланишини ўрганиш мақсадида 'White Star' нави танланди. Гул-


лаш хусусиятлари эса иккала навда ҳам ўрганилди.

Қарши воҳаси шароитида 'White Star' нави апрел ойидан кузгача – ҳаво ҳарорати 1⁰С га тушгунга қадар гуллаб туради. Кузгача ҳар бир туп IV тартиблигача шохланади. Ҳар битта шохи 4-5 та бўғим ҳосил қилиб ўсади. Саватчалар шохларнинг учки қисмида шаклланади.

Кўчатлар экилганидан 10-15 кун ўтиб асосий поянинг учинчи бўғимидан ўсган I тартибли шохлар гуллади (1-расм). Навбатдаги тартибли шохлар ҳам, асосан, ўзидан олдинги тартибли шохнинг учинчи бўғимидаги куртаклардан ривожланиди. Кўпчилик тупларда асосий поянинг иккинчи бўғинидаги куртакларнинг ҳам ўсиб ривожланганлиги кузатилди.

1-расм.

Қарши воҳаси шароитида *Zinnia linearis* тупининг ривожланиши.



А) апрел ойининг иккинчи ўнқунлигидаги; Б) май ойининг биринчи ўнқунлигидаги; С) июнь ойининг иккинчи ярмидаги; Д) июль ойининг биринчи ярмидаги ҳолати.

а – асосий поя, б – барг, о – очилиб турган саватча, о.т. – очилиб тугаган саватча; I биринчи тартибли новда, II иккинчи тартибли новда.

Кўчат экилгандан бир ой ўтиб II тартибли шохлардаги саватчалар очила бошлади. Бу пайтга келиб асосий ва биринчи тартибли шохлардаги саватчалар қуриб, навбатдаги тартибли шохлардаги барглари ва саватчалари остидан кўринмай қолди.

Июнь ойининг иккинчи ўнқунлигидан III тартибли шохлар гуллаш бошлади. Айни вақтда асосий поянинг иккинчи бўғинидаги куртакдан шаклланиб, I тартибли шохлардаги саватчалар ҳам очила бошлади. Натижада бўйи 20-25 см ли ўсимлик туплари оппоқ рангдаги саватча тўпгуллар билан батамом қопланиб, ўта манзарали эффект ҳосил қилди. Июль ойигача IV тартибли шохлар ҳам гуллашга улгурди ва шундан сўнг гуллаш сезиларли даражада секинлашди. Кейинги 30-35 кун мобайнида ўсимликда янги шохлар ва саватчалар ҳосил бўлмади. Натижада ўсимликнинг манзаралилик эффекти бироз пасайди. Аммо IV тартибли шохлардаги 5-8 тагача очилиб турган саватчалар ва яшил барглари ҳисобига ўсимлик манзараличилигини батамом йўқотмади.

V тартибли шохларнинг ҳосил бўлиши август ойининг ярмидан бошланди ва ойнинг учинчи ўнқунлигидан улардаги саватчалар очила бошлади. Сенябрнинг охириги ўнқунлигидан VI тартибли шохларда ҳам гуллаш бошланди.

Битта саватча тўпгулнинг 15 кундан 26 кунга қадар очилиб туриши кузатилди. I ва II тартибли шохлардаги саватчалар 15-18 кун очилиб турган бўлса, V ва VI тартибли шохларда бу кўрсаткич 20-26 кунни ташкил этди. Битта тупда бир вақтнинг ўзида 45 тагача саватча очилиб турганлиги кузатилди.

Гуллаш хусусиятларини ўрганиш асосида қуйидагилар аниқланди. Вегетация мобайнида иккала нав ҳам мўл гуллади. Қарши воҳаси шароитида *'Zahara Coral Rose'* нави 45-60 та саватча ҳосил қилган бўлса, *'White Star'* навида бу кўрсаткич 75-85 тани ташкил қилди (жадвал). *'Zahara Coral Rose'* навининг битта саватчасининг очилиб тури-ши мавсумга боғлиқ ҳолда 10 кундан 20 кунгача давом этди. *'White Star'* навида бу кўрсаткич 15-25 кунни ташкил қилди. Бу навнинг I, II ва V тартибли шохларида ҳосил бўлган саватчалар 25 кунгача очилиб турди. *'Zahara Coral Rose'* навининг I ва II тартибли шохларида ҳосил бўлган саватчалар 18 кунгача очилиб турди. III ва IV тартибли шохларда ҳосил бўлган саватчалар 10-15 кун мобайнида очилиб туриши кузатилди.

Гуллаш кузда тушадиган дастлабки совуққа (-1°C) қадар давом этди. Қарши воҳаси шароитида *'Zahara Coral Rose'* навининг V тартибгача, *'White Star'* нинг эса VI тартиб-гача шохланиши кузатилди. Тупдаги очилган саватчалар сони июл ойининг ярмига қадар ўсиб борди (2-расм). Августнинг иккинчи ярмига қадар бу кўрсаткичнинг пасайиши куза-тилди. Августнинг иккинчи ярмидан бошлаб иккала навда ҳам очилган саватчалар сони кўпая бошлади. Сентябрнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида бу кўрсаткич энг юқори даражага етди.


Жадв.

Қарши воҳаси шароитида Цинния навларининг айрим морфологик кўрсаткичлари

Нав	Шохланиши	Тўпгул сони, дона	Бир вақтда очилиб турган саватчалар сони, дона			
			20 май	10 июль	1 август	25 сентябрь
<i>'White Star'</i>	VI тартибгача	78,14±1,66	7,71+0,42	19,0+0,37	10,0+0,21	43,2+0,64
<i>'Zahara Coral Rose'</i>	V тартибгача	52,57±1,70	5,71+0,28	15,28+0,42	8,28+0,28	25,28+0,42

2-расм.

Цинния навларида мавсум давомида бир вақтда очилиб турган гуллар сони



Ўсимликнинг битта тупида бир вақтда *'Zahara Coral Rose'* навида 28 та саватча очилиб туриши кузатилган бўлса, *'White Star'* да бу кўрсаткич 45 тани ташкил этди. Ёз ойларида *'Zahara Coral Rose'* нави саватчаларининг куёшнинг нури таъсирида хиралашгани, айрим тупларда уларнинг бироз куйиб қолганлиги кузатилди. Ёзги куёш нури *'White Star'* нави саватчаларининг манзаралилик сифатига (гуллаш интенсивлигининг пасайишини ҳисобга олмаганда) деярли таъсир кўрсатмади.

Кун давомида куёш нури тушадиган жойга экилган ўсимликларда июл ойигача очилган саватчалар сони ярим сояда ўсганлардагига нисбатан бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди. Аммо куёшли жойда ўсаётган тупларда (етарлича парваришланганлигига қарамай) ёзнинг иссиқ ва қуруқ иқлимидан *'Zahara Coral Rose'* навида кўпроқ, *'White Star'*

навида камроқ даражада зарарланиш белгилари кузатилди.

Шундай қилиб, ўрганилган *'White Star'* навининг биоморфологик кўрсаткичлари уларнинг Қарши воҳасининг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитига нисбатан бардошли эканлигини кўрсатади. *'Zahara Coral Rose'* нави саватчаларининг манзаралилик сифати ва гуллаш мўллигининг пасайиши боис Қарши воҳасининг иссиқ ва қуруқ ёзи шароитига нисбатан бардоши етарли эмас деб ҳисобланди. *'White Star'* нави эса Қарши воҳасининг иссиқ ва қуруқ ёзи шароитига нисбатан бардошли эканлигини кўрсатди. Шу сабабли Ўзбекистоннинг бошқа арид ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда *'White Star'* навидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ремискевич И.Т. Озеленение города Ташкента. – Ташкент: Гос. изд. Уз ССР, 1955. – 176 с.
2. Кузьмичев И., Печеницын В. Озеленение городов и сел Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1979. – 165 с.
3. Агафонов, Н. Д. Декоративное садоводство / Н.В.Агафонов, Е.В.Мамонов, Н.В.Иванова. – М.: Колосс, 2003. – 320 с.
4. Интродукция многолетних и однолетних цветочных растений. – Алма-Ата: Наука, 1989. – 260 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада *Zinnia marylandica 'Zahara Coral Rose'* ва *Z. linearis 'White Star'* навларининг Қарши воҳаси шароитида биоморфологияси ва гуллаш хусусиятлари ўрганиш натижалари келтирилган. Ўсимликнинг битта тупида бир вақтда *'Zahara Coral Rose'* навида 28 та саватча очилиб туриши кузатилган бўлса, *'White Star'* да бу кўрсаткич 45 тани ташкил этганлиги аниқланган. Ёз ойларида *'Zahara Coral Rose'* нави саватчаларининг қуёшнинг нури таъсирида хиралашгани, айрим тупларда уларнинг бироз қуйиб қолганлиги кузатилган. Ёзги қуёш нури *'White Star'* нави саватчаларининг манзаралилик сифатига (гуллаш интенсивлигининг пасайишини ҳисобга олганда) деярли таъсир кўрсатмаганлиги келтирилган. Қун давомида қуёш нури тушадиган жойга экилган ўсимликларда июль ойигача очилган саватчалар сони ярим сояда ўсганлардагига нисбатан бирмунча юқори бўлганлиги кузатилган. Аммо қуёшли жойда ўсаётган тупларда (етарлича парваришланганлигига қарамай) ёзнинг иссиқ ва қуруқ иқлимидан *'Zahara Coral Rose'* навида кўпроқ, *'White Star'* навида камроқ даражада зарарланиш белгилари кузатилган. Қарши воҳасининг иссиқ ва қуруқ ёзи шароитида *'White Star'* навининг бардошли эканлиги, саватчаларининг манзаралилик сифати ва гуллаш мўллигининг пасайганлиги сабабли *'Zahara Coral Rose'* навининг бардошсиз эканлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг арид ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда *'White Star'* навидан фойдаланиш тавсия қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены результаты изучения биоморфологии и особенностей цветения сортов *Zinnia marylandica 'Zahara Coral Rose'* ва *Z. linearis 'White Star'* в условиях Каршинского оазиса. Выявлено, что в одном экземпляре сорта *'Zahara Coral Rose'* одновременно открывались 28 корзинок, тогда как в *'White Star'* данный показатель составил 45 корзинок. В летние месяцы наблюдалась частичная потеря цвета в некоторых корзинках сорта *'Zahara Coral Rose'* под воздействием солнечного света, а в некоторых растениях они были слегка обожжены. Отмечено, что летний солнечный свет практически не влияет на декоративное качество (если не учитывать снижение интенсивности цветения) корзинок сорта *'White Star'*. Выявлено, что до июля количество раскрывающихся корзинок у растений, посаженных на участках, подверженных воздействию солнечного света в течение дня выше, чем у растений, выращенных в полутени. Тем не менее, несмотря на адекватный уход у растений сорта *'Zahara Coral Rose'*, растущих в солнечном месте, наблюдалось больше признаков повреждений от жаркого и сухого летнего климата, а у сорта *'White Star'* меньше. Определена устойчивость сорта *'White Star'* в условиях жаркого и сухого лета Каршинского оазиса, а сорт *'Zahara Coral Rose'* оказался неустойчивым из-за снижения декоративности и количества цветков в корзинах. Сорт *'White Star'* рекомендуется использовать для озеленения аридных районов Узбекистана.

SUMMARY

The article presents the results of studying the biomorphology and peculiarities of flowering varieties *Zinnia marylandica 'Zahara Coral Rose'* and *Z. linearis 'White Star'* in the conditions of the Karshi oasis. It was revealed that in one plant of the *'Zahara Coral Rose'* variety 28 baskets opened simultaneously, while in *'White Star'* this index was 45 baskets. During the summer months, there was partial color loss in some *'Zahara Coral Rose'* baskets due to exposure to sunlight, and in some plants they were slightly burnt. It is noted that summer sunlight has practically no effect on the decorative quality (if

we do not take into account the decrease in flowering intensity) of 'White Star' baskets. It was found that until July the number of opening baskets in plants planted in areas exposed to sunlight during the day is higher than in plants grown in partial shade. However, despite adequate care, 'Zahara Coral Rose' plants growing in a sunny location showed more signs of damage from hot and dry summer climates, while 'White Star' variety showed less. The resistance of the 'White Star' variety in the hot and dry summer of the Karshi oasis was determined, and 'Zahara Coral Rose' was unstable due to a decrease in decorativeness and the number of flowers in the baskets. The 'White Star' variety is recommended for landscaping arid regions of Uzbekistan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ЎҚУВЧИ- ЁШЛАРНИНГ МАКРОНУТРИЕНЛАРГА БЎЛГАН ФИЗИОЛОГИК ТАЛАБИ ВА УНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ

Умедова Ш.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: соғлом овқатланиш, нутрициология, макронутриент, микронутриент, пластик материал, фаст-фуд, атеросклероз.

Ключевы слова: здоровое питание, нутрициология, макронутриенты, микронутриенты, пластические материалы, фаст-фуд, атеросклероз.

Key words: healthy nutrition, nutrition, macronutrient, micronutrient, plastic material, fast food, atherosclerosis.

Мавзунинг долзарблиги: Соғлом ёки тўғри овқатланиш инсоннинг сиҳат-саломатлигини таъминлашда, серунум меҳнат қилишида, иқлим шароитларига мослашишида, турли хил касалликлардан ҳимояланишида ҳамда узоқ умр кўришида алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар, хусусан, ўсмирлар учун тўлақонли ва тўғри овқатланиш юқорида қайд қилиб ўтилганлар билан бир қаторда ўсувчи организмнинг соғлом ўсиб ривожланишида ҳамда фанларни ўзлаштиришида муҳим ўрин тутади [6,7,9].

Бу борада республикамызда таълим олувчиларга таълим беришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, тарбиялаш ва касбга йўналтириш мақсадида “Таълим тўғрисида” ги қонун (2020 йил 23 сентябрь) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил 29август) яратилган. Унда ўқувчига белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш учун оқилона ташкил этилган кун тартиби ҳамда ўсмирлар ўртасида соғлом ва қулай руҳий муҳит яратилган бўлиши лозим, деб таъкидланади. Чунки ўсмирлик даврида ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган физиологик жараёнлардан бири нейрогуморал тизим бўлиб, у овқатланиш рационали мувозанати бузилишига сезгир бўлади. Академик лицей ўқувчилари орасида қишлоқларда яшаб келган ўғил ва қиз болалар шаҳар шароитида ўзгача ташқи муҳит омилларига дуч келади, шулардан овқатланиш омили (овқатларнинг миқдори, сифати ва қабул қилиш тартиби) уларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади [5,6,7,8,9]. Ўсмирлар организми катталарникидан фарқ қилиб, уларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддаларга бўлган талаби истеъмол таомларининг, яъни оксиллар, ёғлар, углеводлар ҳамда витаминлар, минерал моддаларнинг қанча, қандай ва қачон истеъмол қилинишига жуда сезгир бўлади. Чунки уларнинг истеъмол таомлари таркибидаги ўсимлик маҳсулотлари ўрнини олий навли ун, колбаса, сосиска ҳамда фаст-фуд маҳсулотлари (ход-дог, гамбургер, чизбургер, лаваш, донар, шаурма ва ҳоказолар) эгаллай бошлайди. Бу эса овқат ҳазм қилиш тизимининг меъёрий ишига салбий таъсир этиб, кўп ҳолларда ичак моторикаси сусайишига ва қабзиятга олиб келади. Аксарият ўсмирлар ўқиш даврида овқатланиш тартибига риоя қилмаслиги натижасида уларда ҳазм тизими касалликлари ривожланади. Қайд қилинган асосий ва қўшимча озиқ моддаларнинг тегишли меъёрдан кўп ёки камлиги ҳам ўсмирларнинг меъёрий ўсиб ривожланишига салбий таъсир этмасдан қолмайди. [7;8;9;10].

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шаҳар ва қишлоқ шароитида истиқомат қиладиган ўсмир-ёшларнинг амалдаги овқатланиши қуйидаги жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади:

- 1) озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси;
- 2) озиқ-овқатларнинг захиралари;
- 3) экологик шароитлар ҳамда маҳаллий урф-одатлар.

Ўсмир организми ҳар қандай шароитда бўлмасин озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган физиологик эҳтиёжлари кондирилгандагина вужудда кечадиган барча ҳаётий жараёнлар меъёрида боради [3;5;8;9].

Тадқиқоти объекти ва предмети: Кузатувлар 2019 йилнинг баҳор мавсумида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Тадқиқотларимизда Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ва юқори синф ўқувчилари кунлик таомномасидаги макронутриентлар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) ўрганилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили Ўқувчилар кундалик овқатидаги макронутриентларнинг миқдори озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби берилган махсус жадваллар асосида ҳисобланди [1,2,3].

Бу ўринда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш жоизки, қуйидаги жадвалда келтирилган меъёрлар собиқ иттифок даврида умумий қилиб тузилган ва унда кўпгина миллий ва маҳаллий таомларнинг таркиби ва миқдори аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳол эса ўз навбатида аҳоли турли гуруҳларининг амалдаги овқатланишини ўрганишда баъзи хатоликларга олиб келиши табиий. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчилар кунлик истеъмол таомлари таркибида жадваллар асосида ҳисобланган асосий озиқ моддалар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) миқдори Қашқадарё вилояти Санитария эпидемиология осойишталик маркази озиқ-овқатларни таҳлил қилиш бўлимида аниқланди. Кузатувларимизда таомлар таркибидаги асосий озиқ моддалардан оқсилларни Кельтран аппаратида Кельдал усули-да, ёғларни Гербер методи билан, углеводларни эса истеъмол таомлари таркибидаги оқсиллар, ёғлар, минерал моддалар ва қуруқ моддалар орасидаги фарқига қараб махсус формула ёрдамида аниқладик [4].

Қуйидаги жадвалларда ўқувчилар истеъмол қиладиган таомлар таркибидаги қайд қилинган асосий озиқ моддалар миқдори келтирилган.

1-жадв.

Баҳор мавсумида 17-18-ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги оқсиллар миқдори (г)

№	Озиқ-овқатлар номи	Меъёр *	Натижа
1	нон (булка)	8,7	9,3± 0,85
2	тухум	12,7	12,3±0,45
3	манти	7,7	8,8± 0,85
4	палов	13,9	11,7± 0,38
5	сомса	8,9	7,8± 0,21
6	пирашка	11,8	10,6± 0,25
7	ширгуруч	6,1	4,9± 0,56
8	мошхўрда	13,1	11,7± 0,26
9	маржумак	10,8	7,1± 0,17
10	макарон	7,7	2,1± 0,1
11	чучвара	9,5	5,0± 0,42
12	шўрва	2,8	3,7± 0,33

Изоҳ: Жадвални тузишда И.М. Скурихин., М.Н. Волгарев (М.1987) томонидан тавсия этилган озиқ-овқатларнинг кимёвий таркиби берилган махсус жадваллар ҳисобга олинди.

1-жадвалда истеъмол таомлари таркибидаги оқсил миқдори келтирилган. Унда кўришиб турганидек, меъёр ва биз олган натижалар ўртасида сезиларли даражада фарқ мавжуд, яъни палов, сомса, пирашка, мошхўрда, маржумак, макарон ва чучвара таркибидаги оқсил миқдори белгиланган меъёрга нисбатан (16,12,10,20,11,34,32,36 фоизга) кам

бўлса, нон, манти ва шўрва таркибида оксил миқдори меъёрга нисбатан тегишли равишда (7, 14 ва 32 фоизга) кўп эканлиги қайд қилинди.

2-жадв.

Баҳор мавсумида 17-18-ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги ёғлар миқдори (г)

№	Озиқ-овқатлар номи	Меъёр *	Натижа
1	нон (булка)	1,1	1,4± 0,45
2	тухум	11,5	10,8± 0,73
3	манти	13,2	15± 1,14
4	сомса	8,9	7,9± 0,37
5	палов	10,6	12,4± 0,99
6	пирашка	19,6	11,2± 1,68
7	ширгуруч	12,1	10,9± 1,26
8	мошхўрда	7,7	5,3± 0,45
9	маржумак	3,2	4,6±0,05
10	макарон	4,7	2,7±1,62
11	чучвара	5,2	4,4±0,42
12	шўрва	8,1	7,3±0,12

Изоҳ: Жадвални тузишда И.М. Скурихин., М.Н. Волгарев (М.1987)томонидан тавсия этилган озиқ-овқатларнинг кимёвий таркиби берилган махсус жадваллар ҳисобга олинди.

Жадвалда кўриниб турганидек, мактаб ва лицей ўқувчилари томонидан истеъмол қилинган аксарият маҳсулотлар таркибидаги ёғ миқдори белгиланган меъёрга нисбатан сезиларли даражада кам, нон, манти ва палов таркибидаги ёғ миқдори эса меъёр даражасидан тегишли ҳолда, 27, 14 ва 17 фоизга кўп. Жадвалда биз таҳлил ўтказган макронутриентлардан фақатгина тухум таркибидаги оксил ва ёғ миқдорини белгиланган меъёр атрофида деб ҳисоблаш мумкин.

3-жадв.

Баҳор мавсумида 17-18-ёшли ўқувчиларнинг истеъмол таомлари таркибидаги углеводлар миқдори (г)

№	Озиқ-овқатлар номи	Меъёр *	Натижа
1	нон (блка)	52,8	53,1± 0,13
2	тухум	0,7	0,9± 0,45
3	манти	36,9	38,4± 0,44
4	сомса	29,7	30,9±0,35
5	палов	13,5	14,3±0,03
6	пирашка	54,3	58,7±0,07
7	ширгуруч	52,8	55,5±0,45
8	мошхўрда	13,5	14,6± 1,41
9	маржумак	54,4	57,1±0,79
10	макарон	22,2	25,1± 1,12
11	чучвара	22,5	18,1±0,07
12	шўрва	10,3	8,6±0,28

Изоҳ: Жадвални тузишда И.М. Скурихин., М.Н. Волгарев (М.1987)томонидан тавсия этилган озиқ-овқатларнинг кимёвий таркиби берилган махсус жадваллар ҳисобга олинди.

3-жадвалда ўсмирлар кунлик таомномасидаги қарийб барча озиқ моддалар таркибидаги углеводлар миқдори меъёр даражасига нисбатан сезиларли даражада кўп бўлса, чучвара ва шўрва таркибидаги ёғ миқдори эса меъёр даражасидан 20 ва 17 фоизга кам эканлиги аниқланди.

Хулоса. Шундай қилиб, ўқувчилар истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибидаги оксил ва ёғлар миқдорини лабораторияда аниқлаш, ўсувчи организмнинг ушбу озиқ моддалар билан қай даражада физиологик таъминланганлигини ўрганиш, баҳолаш ва тегишли хулоса чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Методические рекомендации по вопросам изучения фактического питания и состояния здоровья населения в связи с характером питания / Зайченко А.И., Волгарев М.Н., Бондарев Г.И и др. Москва. 1986. – 86 с.
2. Химический состав пищевых продуктов: Книга 1: Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов / Под ред. проф., д-ра техн. наук И.М. Скурихина, проф., д-ра мед. наук М.Н. Волгарева – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ВО «Агропромиздат», 1987. – 224 с.
3. Смоляр В.И. Рациональное питание. – Киев: Наукова Думка, 1991. – 368 с.
4. Искандаров Т.И., Бабаходжаев Н.К., Ким С.Г. Руководство по лабораторному контролю качества пищи. – Ташкент, 1992. – 160 с.
5. Раҳматуллаев Ё.Ш., Қишлоқ мактаби ўқувчиларининг озиқ моддалар билан физиологик таминланиши ва уни меъёрлаштириш // биол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.ЎзФА ФБИ, 2009. – 123 с.
6. Қурбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.
7. Қурбонов Ш.Қ., Дўсчанов Б.О., Қурбонов А.Ш., Каримов О.Р. Соғлом овқатланиш физиологияси. – Қарши, 2018. – 436 б.
8. Шайхова Г. Овқатланиш сабоқлари. – Тошкент, 2015. – 424 б.
9. Методология изучения питания различных групп населения: / Учебное пособие / В.Петров. – Владивосток: Медицина Д В, 2015. – 287 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қарши ва Термиз шаҳридаги академик лицей ва юкори синф ўқувчиларининг кунлик таомномаси таркибидаги макронутриентлар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) миқдори махсус жадвалларга асосланиб таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ўқувчилар кунлик таомномасидаги қарийб барча озиқ моддалар таркибидаги оқсиллар ва ёғлар меъёр даражасидан сезиларли даражада кам, углеводлар миқдори эса аксарият таомлар таркибида меъёрга нисбатан кўп.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализировано содержание макронутриентов (белки, углеводы, жиры) в рационе учащихся старших классов школ и академических лицеев городов Карши и Термез с использованием специальных таблиц. Согласно результатам анализа, содержание белков и жиров в суточном рационе учащихся значительно ниже нормальных значений, в то время как содержание углеводов – существенно выше.

SUMMARY

The article analyzes the content of macronutrients (proteins, carbohydrates, and fats) in the diet of high school students and academic lyceums in Karshi and Termez using special tables. According to the results of the analysis, the content of protein and fat in the daily diet of students is significantly lower than normal values, while the content of carbohydrates is significantly higher.

Наишга проф. Ш.Қурбонов тавсия этган

ТУРЛИ ЁШДА *HIBISCUS SYRIACUS L.* НИНГ ГУЛЛАШ ВА МЕВА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимов А.Л., Ёзиев Л.Х. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *интродукция, Hibiscus syriacus L., адаптация, генератив, фенология, гуллаш, гунча, гул, тропик, субтропик.*

Ключевые слова: *интродукция, Hibiscus syriacus L., адаптация, генератив, фенология, бутон, цветок, тропический, субтропический.*

Keywords: *introduction, Hibiscus syriacus L., adaptation, generative, phenology, bud, flower, tropical, subtropical.*

Сирия гибискуси (*Hibiscus syriacus L.*) Гулхайридошлар оиласи (*Malvaceae L.*) ва Гибискус (*Hibiscus L.*) туркумига мансуб бута ўсимлиги бўлиб, мазкур оила 85 га яқин туркум ва 1600 турни, гибискус туркуми эса 250 турни ўз ичига олади [1]. Ватани Хитой, Ҳиндистон, эҳтимол Кичик Осиё. Гултожининг ранглари билан фарқланувчи кўплаб манзарали шакллари мавжуд. Жуда қадимда иқлимлаштирилган ва шу сабабли маданий

холда кенг тарқалган. Африка, Америка, Япония, Хитой, МДХ мамлакатлари ҳудудида, жумладан, Қрим, Кавказ, Ўрта Осиё, Беларусия ва Қораденгиз бўйлари - Батуми, Сухуми, Гагра, Адлер каби шаҳарларда кенг тарқалган [2:734-737]. Карл Линней бу ўсимликни дастлаб Сирияда учратганлиги сабабли унга *Hibiscus syriacus L.* деб ном берган.

Hibiscus syriacus L. эрамизгача ёки эрамизнинг бошида Ўрта Осиё ва Тибет орқали Шимолий Хитойдан Европага келтирилган [3:28-29]. Самарқандга 1894 йилда, Денов дендрарийсида 1930 йилда, Қаршига 1980 йилларда келтирилган [4]. Бу ўсимлик Жанубий Кореянинг миллий гули сифатида қабул қилинган бўлиб, ушбу давлатнинг байроғи, герби, тангаларида гулнинг шакли акс эттирилган.

Ўсимликларнинг янги шароитда гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш хусусиятлари уларнинг эволюцион адаптация жараёнидаги муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Ўсимликнинг экологик омилларга бўлган талаби янги шароитга мос тушгандагина улар гуллайди, уруғ ҳосил қилади ва пировардида тўлақонли авлод қолдиради. Кўплаб ўтказилган тадқиқотларда ўсимликнинг гуллаш фазаси муҳим кўрсаткичлиги, унинг янги шароитга мослашганлиги [5, 6], генотипик ўзгаришлар иқлим омилларига боғлиқлигини исботланган [7:94-167; 8].

Hibiscus syriacus L. табиий шароитда 3-4 ёшида гуллаб, уруғ ҳосил қилади. Аксарият иқлимлаштирилган жойларда ҳам унинг худди шу ёшда генератив фазага кирганлиги қайд қилинади. Тошкент шароитида эса вегетациянинг иккинчи йилидан гуллаб, уруғ беради. Қарши шароитида тез ўсадиган айрим кўчатлар бир ёшлигида гуллашни бошлайди, лекин уруғ ҳосил қилмайди. Кейинги йилги гулларда уруғ ҳосил бўлади. Гуллари йиллик навдалари ўсишдан тўхтагандан кейин, уларнинг юқори қисмида ҳосил бўлади ва бу гуллардан ҳосил бўлган мевалар август ойининг ўрталарида пишиб бошлайди. Шундай қилиб, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ва вегетация даврининг узоклиги *H. syriacus L.* ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишини тезлатади, бу ўз навбатида ўсимликнинг онтогенез даврини қисқартиради.

Икки ёшли ўсимликларнинг йиллик новдаси шаклланиб, асоси ёғочланиб бошлаганда уларда ғунчалар шаклланишни бошлайди. Ҳар битта генератив шохда ўрта ҳисобда 5-6 тадан ғунчалар ҳосил бўлади. Бу даврда ғунчаларнинг ўлчами кичик, уларнинг эни 1-2, бўйи 2-2,5 см бўлади.

Баҳор эрта келган йилларда ғунчалар апрелнинг иккинчи, кечроқ келганда эса – учинчи декадасида пайдо бўлади. Улар апрель ойининг салқин ва беқарор ҳароратида секин ривожланади. Орадан 1-1,5 ой ўтганидан сўнг улар гуллашни бошлайди. Гуллар ялпи гуллаш даврини бошлагунга қадар ҳам тахминан худди шунча вақт ўтади (1-жадвал).

Hibiscus syriacus L. иссиқсевар ўсимлик бўлишига қарамасдан гуллаш фазаси бошланиши даврида бу омилга нисбатан жуда сезгир. Баҳорда намгарчилик кам ва ҳарорат юқори келган йиллари унинг гуллари май ойининг ўрталарида очилса, баҳор серёгин ва салқин келганда улар июннинг биринчи декадасида очилиши қайд қилинган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики *H. syriacus L.* ўсимлиги Тошкент шароитида аксарият ҳолларда май ойининг охирида гуллашни бошлайди. Ҳаво ҳарорати турғун бўлганда орадан 15-20 кун ўтиб улар ёппасига гуллаш даврига киради. Шундай қилиб, *H. syriacus L.* Тошкент шароитида кўпчилик ҳолларда июнь ойининг биринчи ярмида, айна саратоннинг иссиқ ва жазирама кунлари бошланган пайтда ялпи гуллаш даврига киради. Қарши шароитида бу муддат 8-10 кун олдин кечади.

Ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиши *H. syriacus L.* гулларининг очилишига салбий таъсир қилади. Кузатишларимизда ҳаво ҳарорати +38°C дан ошганда ўсимликда гулларнинг очилиши тўхтайдди. Бу Тошкент шароитида июнь ойининг ўрталарига, Қаршида эса шу ойнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда пайдо бўлган ғунчалар, очилишга улгурган гуллар ва ҳосил бўлган кўсакчаларнинг аксарияти ёппасига тўкилиб кетади. Кўпчилик тадқиқотларда бу ҳолатни ўсимликка стресс-омилнинг таъсири, адаптациянинг муҳим элементи сифатида баҳоланади [9, 10, 11].

Экстремаль даврнинг ўтиши ва ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши билан *H. syriacus* L. ўсимлигининг гуллари яна очилишни бошлайди. Юқорида келтирилган хусу-сиятлар бошқа ўсимликларда ва бошқа иқлим шароитларида ҳам кузатилган. Хусусан, ўсимликлар физиологияси устида олиб борилган қатор тадқиқотларда ҳаво ҳароратининг кескин ошиб кетиши уларнинг фотосинтез активлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ-ланган [12]. Ўзбекистон шароитида Malvaceae L. оиласига мансуб ғўза ўсимлигида ҳам, гарчи у жуда иссиқсевар бўлсада, саратондаги иссиқлик ўртача кўрсаткичдан юқори бўлганда гуллаш секинлашиши ва ҳосил элементларининг тўкилиб кетиши тадқиқот-ларда кўп марта исботланган.

1-жадв.

Тошкент шаҳри шароитида *Hibiscus syriacus* L. нинг гуллаш фенологияси (2011-2014)

Кузатилган йиллар	Ғунчалаш муддати	Гуллаш даври			
		бошланиши	ёппасига	туғаши	давомийлиги, кун
2011	12.04	24.05	9.06	28.10	158
2012	24.04	6.06	25.06	20.10	137
2013	22.04	25.05	10.06	20.10	154
2014	23.04	25.05	11.06	24.10	153

Hibiscus syriacus L. нинг гуллари оддий, асоси серяпроқ, баъзилари катма-кат, барг қўлтиғида якка-якка ҳолда жойлашади. Гуллари йирик, уларнинг диаметри 8-10 см, айримларида 13 см гача етади. Йирик гуллар ўсимликнинг манзаралилик даражасини оширади, унга алоҳида колорит бағишлайди.

Кузатишлар давомида *H. syriacus* L. гуллари кечқурун очилишни бошлаши ва уни ярим кечада якунлаши аниқланди. Кундуз кунлари ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлган пайтда ғунчалар етилади, бу пайтда уларнинг ўлчами тез катталашади ва новдадаги дастлабка гул ҳаво ҳарорати бироз пасайганда, кўпинча соат 16⁰⁰ атрофида гуллашни бошлайди. Гуллар ўрта ҳисобда 12 соат давомида, яъни кечаси соат 4⁰⁰ га қадар тўлиқ очилиб улгуради. Бу гуллар кейинги кун кундуз пайтида тўлиқ очилиб туради ва чангланиб улгуради. Кечга томон тахминан соат 16⁰⁰ лар атрофида улар гуллашни тамомлайди, яъни роса 1 сутка давомида гуллаб туради.

Атмосферада суткалик ҳаво ҳарорати бироз пасайиб бориши билан гулнинг гуллаш муддати узайиб боради. Апрель-май ойларида очилган гулнинг гуллаш муддати 1 суткага тенг бўлгани ҳолда, экстремаль даврнинг ўтиши билан уларнинг очилиб туриш муддати анча узаяди. Хусусан, август ойининг 2-декадасида очилган битта гул 2-3 сутка давомида гуллайди. Кузнинг ўрталарига келиб очилган кечки гулларда гуллаш муддати 4-6 суткагача давом этади. Шундай қилиб, *H. syriacus* L. гуллашидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундай иборатки, гуллар жуда қисқа муддат гуллайди ва уларнинг гуллаш миқдори ҳаво ҳароратига боғлиқ.

Ёзиев Л.Ҳ. томонидан жанубий Ўзбекистонда интродукция қилинган 224 таксонга мансуб дарахт ва буталарнинг 201 тасида мева ва уруғ ҳосил қилиши қайд қилиниб, уларнинг 164 тури экстремал давр бошлангунига қадар гуллаб уруғ ҳосил қилишга улгуриши, 16 тури уруғ ҳосил қилишга улгурмаслиги, 17 тури эса уруғларини шу давр тугаганидан кейин ҳосил қилиши аниқлаган. Сўнгги гуруҳ ўсимликлар одатда узоқ муддат гуллайдиган ўсимликлар эканлиги қайд қилинган [13]. *H. syriacus* L. ҳам айнан шу гуруҳ ўсимликларга мансуб.

Манзарали ўсимликларнинг узоқ муддат гуллаши уларнинг қимматли хусусиятларидан бири ҳисобланади. Гибискуснинг айрим турларида гуллар атиги бир неча соат очилиб туради [14]. Хорижий университет олимлари томонидан *H. syriacus* L. нинг гуллаш муддатини ошириш устида олиб борилган тадқиқотларда кальцийни бу жараёнда ижобий таъсири борлиги [15], бошқа тадқиқотларда гибискус гулининг очилиши олдидан этиленнинг ажралиб чиқиши унинг гуллаш даврини узайишига хизмат қилиши [16] аниқланган. Япон олимлари эса сирия гибискусининг тожбарларида гуллаш даврида тар-

кибий ўзгаришлар содир бўлиши, гуллашнинг 4-фазасида митохондрийнинг емирилиши натижасида цитоплазманинг суюлиши, оқибатда гултожлар тургор ҳолатини йўқотиб, гуллашнинг навбатдаги фазасида уларнинг қуриб қолиши кузатилган [17].

Hibiscus syriacus L. нинг алоҳида олинган гуллари жуда қисқа муддат гуллашига қарамадан ўсимликнинг умумий гуллаш муддати жуда узоқ. Баҳорни охирида гуллашни бошлаган ўсимлик уни кузнинг ўрталаригача давом эттиради. Битта ўсимликнинг гуллаш муддати 137-154 кун давом этади. Бундай узоқ муддат гуллашни таъминлаш учун ўсимлик вегетация давомида сон-саноксиз гуллар ҳосил қилади (2-жадвал).

2-жадв.

Турли ёшдаги *Hibiscus syriacus L.* ўсимлигининг гуллаш ва мева ҳосил қилиш кўрсаткичлари

Ўсимликнинг ёши	Ўсимлик шоҳида новдалар сони	Новдадаги гунчалар сони	Новдада гуллар сони	Ўсимликдаги жами гуллар сони	Ҳосил бўлган мевалар сони	Мева ҳосил бўлиш коэффициенти, %
2 ёшли	2-3	5-6	16	82	33	40,0
3 ёшли	3-5	7-11	37	370	161	43,3
5 ёшли	5-7	10-15	89	1234	580	47,0
10 ёшли	7-8	15-18	192	3148	1536	48,8
20 ёшли	6-7	12-14	98	1274	584	45,9

Hibiscus syriacus L. ўсимлигига аралаш типдаги, яъни вегетатив-генератив қуртак ҳосил бўлиш хос. Йиллик новдалар апрель ойининг 1-декадасида ўсишни бошлайди. Ўсиш муддат ўрта ҳисобда 2-2,5 ой давом этиб, июнь ойининг 2-декадасида ўсиш тўх-тайди. Новданинг ўсиш асносида унинг узунлиги бўйлаб акропеталь тартибда генератив қуртаклар ҳосил бўлади ва асосидан учига қараб навбат билан гунчалар ҳосил бўлиб, улар етилгач шу тартибда гуллаш бошланади. Ўсишни тамомлаган новда бўйига қайта ўсмайди, лекин унинг учки қисмида генератив қуртакларнинг ҳосил бўлиши узоқ давом этади. Бу эса *H. syriacus L.* нинг узоқ муддат гуллашини таъминлайди. Дастлаб гуллар йиллик новданинг учки қисмида, гуллашнинг кейинги тўлқинида шу новданинг учки қисмида ривожланган генератив қуртаклардан гуллар қийғос очилади ва уларнинг кўпчилигида уруғ ҳосил бўлади (1,2 расм). Генератив новданинг ўсиши ва ривожланиши яна 3-4 ой муддат давом этади, уларда кўплаб гул ва мевалар шаклланади.



1-расм. Йиллик новдада дастлабки гуллардан ҳосил бўлган мевалар



2-расм. Экстремал даврдан кейин ҳосил бўлган генератив новдадаги мевалар

Новдада гулларнинг сони ўсимликда жойлашган ўрнига боғлиқ. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликнинг ёши ошиб бориши билан ундаги гунчалар ва гулларнинг сони ортиб боради. Шунингдек, очилган барча гулларда ҳам уруғ шаклланавермайди. Мева ҳосил бўлиш коэффициенти 40-48,8% ни ташкил қилади (2-жадвал).

Бунга ташқи омилларнинг таъсири, ўсимликнинг уруғ ҳосил қилиш имкониятига боғлиқ. Ўсимликнинг ёши ошиб бориши билан мева ҳосил қилиш коэффициенти сезиларли ошиб боради ва 10 ёшли ўсимликларда энг юқори даража қайд қилинади. Демак, ўсимликнинг ёши ортиб бориши билан унинг атроф муҳит таъсирига ҳам бардоши ошиб боради ва бу унинг генератив ривожланишида ҳам ўз аксини топади. 20 ёшли ўсимликларда бу кўрсаткич қисман пастлиги кузатилади.

Кўпчилик тадқиқотларда дарахт ва буталар интродукция шароитида тез қариши кузатилган. *H. syriacus* L. бута ўсимлиги сифатида бизнинг шароитимизда ўрта ҳисобда 18-20 ёшларида қариш аломатлари кузатилганган. Бу ўз навбатида унинг генератив қобилятида ҳам акс этганлиги қайд қилинди.

Экстремал давр бошлангунига қадар ҳосил бўлган гул ва гунчаларнинг кўпчили-гида уруғлар тўлиқ шаклланмайди ва катта қисми тўкилиб кетади. Шаклланган уруғлар эса август ойининг ўрталарида пишишни бошлайди, лекин уларнинг сифати ўртача кўрсаткичдан анча пастлиги қайд қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тахтаджян А.Л., Федоров А.А., Курсанов А.А. и др. Жизнь растений. Том пятый. Часть вторая. – М.: Просвещение, 1981. – 511 с.
2. Артюшенко З.Т. Род Гибискус – *Hibiscus* // Деревья и кустарники СССР. М.-Л.: Изд-ва АН СССР, 1958. – С. 734-737.
3. Вильданова К.Д. Декоративные кустарники. – Ташкент: Шарк. 2006. – С. 28-29.
4. Ёзиев Л.Х. Опыт интродукции древесных растений в Южный Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2001. – 210 с.
5. Левина Р.Е. Репродуктивная биология семенных растений. – М., 1981. – 96 с.
6. Карпун Ю.Н. Субтропическая декоративная дендрология: Справочник. – СПб, 2010. – 580 с.
7. Пономарев А.П., Русаков М.Б. Суточная ритмика опыления и видообразования у злаков // Бот. журн. 1968. Т. 53. – №10. – С. 94-167.
9. Генкель П.А. Жаро-и засухоустойчивость растений. – М.: Колос, 1982. – 280 с.
10. Жученко А.А. Адаптивное растениеводство. – Кишинев: Штиница, 1990. – 32 с.
11. Ёзиев Л.Х., Бойсунов Б.Х. Жанубий Ўзбекистонга мелия дарахтини интродукция қилиш натижалари ва истикболлари. – Тошкент, 2009. – 125 б.
12. Камер П., Козловский Т. Физиология древесных растений. – М.: Гослесбумиздат, 1963. – 626 с.
13. Ёзиев Л.Х. Итоги интродукции деревьев и кустарников в Южный Узбекистан. Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. – Ташкент, 1999. – 48 с.
14. Kim J.H. Anthocyanin pigmentation patterning in petals of *Hibiscus syriacus* L. // J.H. Kim, H. Okubo, K. Fujieda, S. Uemoto/ Journal Of The Faculty Of Agriculture Kyushu University, 1989; vol. 33, Is. 3/4, p. 253-258.
15. Kwon S., Kwon H.J., Kim K.S. Calcium Extends Flower Life in *Hibiscus Syriacus* L.. Horticulture environment and biotechnology, 2010; vol.51, p. 275-283.
16. Seo S. Effects of various chemical agents and early ethylene production on floral senescence of *Hibiscus Syriacus* L.//S. Seo, S. Kang, I. Shim, W. Kim, S. Fujihara. Plant Growth Regulation. 2009; vol. 57, p. 251-258.
17. Kwon H.J., Kwon S., Kim K.S. Ultrastructural Changes of *Hibiscus Syriacus* L. during of the Petal Senescence. Horticulture environment and biotechnology, 2010; vol. 51, p. 135-140.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистоннинг шароитида иклимлаштирилган Malvaceae оиласи мансуб *Hibiscus syriacus* L. ўсимлигининг генератив ривожланиш биологияси устида кўп йиллик олиб бо-рилган тадқиқотлар натижаси келтирилган. Жанубий Ўзбекистоннинг экстремал иқлим шароитида бу ўсимликнинг гуллаш биологиясидаги ўзига хос жиҳатлари қайд қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты многолетних исследований биологической особенности генеративного развития *Hibiscus syriacus* L. из сем. Malvaceae L., интродуцированный в условиях Узбекистана. Установлено, что в экстремальных условиях южного Узбекистана у интродуцентов проявляются новые особенности генеративного развития.

SUMMARY

The article presents the results of long-term studies of the biological features of the generative development of *Hibiscus syriacus* L. from family Malvaceae L. introduced in Uzbekistan. It was found that in the extreme conditions of southern Uzbekistan new features of generative development are manifested in introduced species.

**SPIRAEA HYPERICIFOLIA L. MORFOБИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**
(Туркистон тизмаси)

Қўзиёва С.Ў., Имомова Д.А. (ЖДПИ), Бўронова М.О. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Spiraea hypericifolia* L., морфология, ценопопуляция, демографик кўрсаткичлар, тип, Туркистон тизмаси.

Ключевые слова: *Spiraea hypericifolia* L., морфология, ценопопуляция, демографические показатели, тип, Туркестанский хребет.

Keywords: *Spiraea hypericifolia* L., morphology, coenopopulation, demographic indexes, type, Turkestan ridge.


Кириш. Туркистон тоғ тизмаси – Хисор Олой тоғ системасига кировчи тоғлар бўлиб, худудий жиҳатдан Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари худудида жойлашган. Мазкур тизма Сирдарё ва Зарафшон оралиғидаги сувайриғич хисобланиб, Шарқдан ғарбга Мастчоҳ тоғ тугунидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимиғача 350 кмга чўзилган бўлиб, эни 60 км ни ташкил қилади. Шарқда, Сўх дарёсининг бошланиш қисмида, Олой тоғларидан Мастчоҳ тоғ тугуни орқали ажралади ва ғарбда Пармонтепа қалъаси яқинида тугайди. Туркистон тоғ тизмаси шарқда Фарғона водийсини, ғарбда эса Мирзачўл худудини ўраб туради. Шарқий қисми баланд (5000–5400 м), қор ва музликлар билан қопланган. Ғарбий қисми (Чумқартов) паст (2600–3400 м) [1:264]. Тизманинг энг баланд жойи шарқда 5680 м (Пирамида чўққиси), ғарбда Бозорхоним чўққиси (3405м), шимоли-ғарбий қисми Молғузар тоғларидан иборат. Мазкур худудларнинг чегараси бир-биридан Сангзор дарёси водийси билан ажралган. Айрим адабиётларда келтирилган маълумотлар-га кўра, баъзи бир олимлар Нурота тоғларини ҳам Туркистон тизмасининг давоми деб хисоблайдилар. У Молғузардан Илонўтти тоғ йўлаги орқали ажралган. Туркистон тизмасида кўплаб доволар мавжуд [2:44].

Spiraea L. туркуми борасидаги дастлабки маълумотлар 1753 йилда швед табиатшуноси Карл Линнейнинг «*Species Plantarum*» асарида келтирилган. Мазкур асарда туркумнинг муаллифи сифатида Линней номи келтирилган. *Spiraea* L. - раъноғулдошлар (Rosaceae) оиласининг йирик туркумларидан бўлиб, ҳозирги кунгача олимлар томонидан туркум турларининг миқдори борасида бир қанча баҳс-мунозаралар мавжуд. Хусусан, дунё миқёсида Render (1949) 80 та, С.Я. Соколов ва О.А. Связевалар 90 та, А.А. Гроссгейм (1934) 40 та, М.С. Александрованинг 100 та, О.А. Панас маълумотларига кўра эса 130 тур эканлиги қайд этиб ўтилган. Бу эса туркум турларининг систематикаси борасидаги тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади [3:268].

Тадқиқот объекти ва методлари. Тадқиқотларимиз 2018-2020 йиллар давомида Туркистон тоғ тизмасининг Ўзбекистон қисмида олиб борилди (1-расм).

Тадқиқот объекти *Spiraea hypericifolia* L. хисобланади. Турнинг биоморфологик хусусиятлари И.Г. Серебряков [4:377] методлари бўйича ўрганилди. Ўсимликларнинг морфологик белгилари Ал.А. Федоров ва бошқалар [5:204] классификациясига асосланиб тавсифланди.

Ценопопуляцияларнинг (ЦП) демографик кўрсаткичлари ва зичлигини аниқлашда трансект ташлаш (20x1) методидан фойдаланилди. Ценопопуляция типларини тадқиқ этишда Л.А. Животовский [6:3-7] томонидан тавсия этилган классификациядан фойдаланилди. Турнинг экологик зичлиги Одум [7:6-8], турнинг тикланиш кўрсаткичи даражаси А.Р. Ишбирдин [8:113-120], ценопопуляцияларнинг қариш коэффициенти даражаси Н.В. Глотов [9:146-149] таклиф этган метод ёрдамида аниқланди. Турнинг харитаси ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усуллари ёрдамида шакллантирилди (1-расм).

***S. hypericifolia* ценопопуляцияларининг тарқалиш харитаси**

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Туркум вакилларининг баландлиги 1-2,5 м атрофида бўлади. Тобулғи туркумининг кўплаб турлари – унчалик баланд бўлмаган, ёппасига гуллайдиган буталар бўлиб, бир-биридан гуллаш муддати, тўпгулининг шакли ва гулларининг ранги билан фарқ қилади. Тобулғилар ҳар қандай тупроқда яхши ўсади ва жуда кўркам куюк баргли буталар ҳосил қилади. Туркум вакилларининг аҳамиятли томони шундан иборатки, улар вегетациясининг 3-йилидан бошлаб гуллаш босқичига ўтади. Бу эса ўз навбатида худудларнинг тез ва самарали кўкаламзорлаштиришда асқота-ди. Бундан ташқари туркум вакилларини ерости қурилиш бор жойларга ҳам экса бўлади, чунки ўсимлик жуда кичик илдиз системасига эга. Улар узок яшайди, маданий шароитда ўртача 15—20 йил, баъзи турлари эса етарлича парвариш қилинганда 40 йилгача яшаши мумкин. Айниқса, уларнинг ёввойи турлари билан гибрид формаларини олиш етарлича самара беради. *Spiraea* L. туркумининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг совуқ қиш ва қуруқ ёз об-ҳаво шароитларига жуда чидамли бута бўлиб, шаҳар ва қишлоқларни манзарали ўсимликлар гуруҳини яратишда алоҳида ўрин тутаяди. Туркум вакилларининг аксарияти гуллашини баҳор ойидан бошлаб, то кеч кузгача давом эттиради [10:226].

Туркум вакилларининг илдиз тизими толали бўлиб, саёз жойлашган ҳамда кўп тармоқланувчан. Поялари оч-қуюк жигар ранггача, бўйлама пўстлоқ билан текисланади.

S. hypericifolia – бўйи 0,5-2 м баландликдаги бута ҳисобланади. Ўсимликнинг барглари чўзинчоқ эллипсимон ёки ланцетсимон бўлиб, уларнинг узунлиги 10-25 мм ни ташкил қилади. Ўсимлик вегетациясининг бошланиши бевосита ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ. Хусусан, намлик юқори ҳамда ҳаво ҳароратининг ошиб бориши натижасида Туркистон тоғ тизмасида тарқалган турнинг куртак ҳосил бўлиши март ойининг охирларидан бошлайди. Апрель-май ойларида ҳаво ҳароратининг ошиб бориши натижасида ўсимликнинг фаол вегетацияси кузатилади. Мазкур худудда май ойларидан бошлаб ҳавонинг кескин исиб кетиши кузатилади. Май ойининг охири ҳамда июнь ойининг бошларида ўсимликнинг ғунчалаш босқичига ўтишини кузатишимиз мумкин. Июнь ойининг 1-2 декадасидан бошлаб ўсимликнинг гуллаш босқичи бошланади. Июль ойининг охирларига бориб, ўсимликнинг ялпи гуллаши қайд этилди. Ўсимлик гуллаганидан кейин, 11-16 кундан сўнг унинг ялпи гуллаш босқичи кузатилади. Гуллаш босқичининг якуни август ойининг ўрталарига келиб ниҳоясига етади. Август ойининг бошларидан ўсимликнинг мева ҳосил қилиши кузатилди. Сентябрь ойининг ўрталарида ўсимликнинг ялпи мевалаш босқичига ўтиши кузатилди. Октябр ойининг бошларидан ўсимликнинг барглари қурий бошлайди. Гуллари оқ, узунлиги 5-8 мм ни ташкил қилади. Ўсимлик вегетациясининг давомийлиги 210-250 кун атрофида бўлиши кузатилди.

Ценопопуляцияларнинг демографик кўрсаткичлари. Тадқиқотлар давомида *S. hypericifolia* ценопопуляцияларининг демографик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Туркистон тоғ тизмасидан ажратилган ўсимлик жамоаларида *S. hypericifolia* доминант ёки субдоминант сифатида қайд этилмади. Маълумки, ценопопуляцияларда туллар миқдори

уларнинг популяциялари ҳолатини баҳолашда асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар давомида *S. hypericifolia* ценопопуляцияларида тупларнинг умумий ва экологик зичлиги, қатор популяцион индекслари ўрганилди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўсимликлар жамоаларида тупларнинг улуши юқори кўрсаткичга эга эмас. Турли фитоценотик шароитлардан ажратилган ценопопуляцияларда тупларнинг сони 13 тадан 39 тагача бўлиши қайд этилди. Ценопопуляцияларда тупларнинг зичлиги трансект ташлаш методи орқали аниқланди (20x1). Хусусан 1м² майдонда тупларнинг зичлиги 0,65-1,95 тани ташкил этган бўлса, уларнинг экологик зичлиги 0,81-2,29 та оралиғида бўлиши қайд этилди.

Ценопопуляцияларнинг демографик ҳолатини баҳолашда уларнинг тикланиш ҳамда қарилик индекслари таҳлили катта аҳамиятга эга. Тур тикланиш даражаси – ценопопуляциялардаги генератив туплар улуши билан баҳоланади (Глотов, 1998; Ишбирдин, 2004). Тур тикланиш даражасининг энг юқори улуши 3 ва 8 ценопопуляцияларда қайд этилиб, турнинг тикланиш даражаси 3 - 4,25 атрофида бўлиши кузатилди. Марказлашган спектрга хос бўлган мазкур ценопопуляцияларда генератив босқичдаги тупларнинг улуши 75-80,95 фоиз атрофида эканлиги қайд этилди.

Маълумки, ценопопуляциялардан тупларнинг ҳудудда муқим ўрин эгаллаши ҳамда демографик кўрсаткичларининг юқори бўлишида уларнинг тикланиш даражаси муҳим ўрин эгаллайди [11: 1243-1248]. 1 ҳамда 7 ценопопуляцияларнинг тикланиш даражаси 1,0 нисбатда эканлиги қайд этилди. Чап томонлама онтогенетик спектрга хос бўлган мазкур ценопопуляцияларда генератив давргача ва генератив даврдаги туплар микдори тенг эканлиги кузатилди (50 фоиз). Турларнинг қариш индекси асосий кўрсаткичлари сифатида, уларнинг онтогенезнинг тўлиқ аъзоли бўлиши эътироф этилади. Туркум вакиллари-нинг аксарият туплари онтогенезнинг сенил босқичига етиб бормайди. Бу ҳолат бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз ифодасини топди. Ўрганилган барча ценопопуляцияларда қариш индексининг деярли ноль (0-0,3) қийматга эга бўлиши, тупларнинг аксарияти генератив даврининг узок давом этиши ҳамда сенил даврига етиб бормаслиги билан боғлиқ. Фақатгина 5, 6 ҳамда 9 ценопопуляцияларда сенил босқичдаги тупларнинг учраши кузатилди (1 –жадвал).

Туркситон тоғ тизмасида тарқалган *Spiraea hypericifolia* ценопопуляцияларининг демографик кўрсаткичлари ва ценопопуляция типлари


№ ЦП	Туплар зичлиги, 1м ²	Р _{экол.} 1м ²	Умумий туплар сони, донд	I _T	I _K	Дельта (Δ)	Омега (ω)	Ценопопуляция типлари
1	0,8	1,06	16	1,0	0	0,27	0,64	Етилаётган
2	0,65	0,81	13	2,25	0	0,34	0,77	Етилаётган
3	1,05	1,23	21	4,25	0	0,36	0,82	Етилган
4	1,35	1,68	27	0,68	0	0,22	0,56	Ёш
5	1,95	2,29	39	1,71	0,02	0,33	0,67	Етилаётган
6	1,45	1,81	29	2,11	0,03	0,34	0,68	Етилаётган
7	0,7	0,82	14	1,0	0	0,28	0,63	Етилаётган
8	1,2	1,5	24	3	0	0,40	0,80	Етилган
9	1,65	1,94	33	1,36	0,03	0,31	0,66	Етилаётган

Изоҳ: Р_{экол.} – экологик зичлик, I_T тикланиш индекси, I_K қариш индекси; Δ – ёш ҳолатини кўрсатувчи коэффициент, ω – самарадорликни кўрсатувчи коэффициент.

Маълумки, ценопопуляцияларнинг типларини аниқлаш, уларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш имконини беради. Ҳозирги кунгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, *S. hypericifolia* ценопопуляцияларининг типлари борасидаги маълумотлар адабиётларда қайд этилмаган. Тадқиқотлар давомида Животовский (2001) томонидан тақлиф этилган дельта-омега классификацияси ёрдамида ценопопуляцияларнинг типлари аниқланди. Мазкур келтирилган жадвалда ёш ҳолатини кўрсатувчи коэффициент (дельта) ҳамда самарадорликни кўрсатувчи (омега) коэффициент натижаларининг таҳлили амалга оширилди.

Животовский таклиф этган (2001) классификациясига кўра, ценопопуляциялар 6 типга бўлинади (ёш, етилаётган, ўтувчи, етилган, қари ва қариётган). Мазкур хилдаги типлар бевосита ўсимликларнинг демографик кўрсаткичлари асосида, хусусан онтогенез босқичларининг таҳлили асосида шаклланади (2-расм). Ценопопуляция типлари тадқиқ этиш маълум ҳудуддаги тарқалган алоҳида аҳамиятга молик, камёб ва йўқолиб ўсимликлар юзасидан келажакда аниқ хулосаларга келиш имконини беради. Бу классификация асосида муҳофазага муҳтож бўлган ҳудудлар тизимида ҳам амалий тавсиялар бериш мумкин.

2-расм.



Тупларнинг ёш ҳолати ва унинг самарадорлигини кўрсатувчи дельта-омега классификацияси шуни кўрсатадики, аксарият ценопопуляциялар етилаётган (ЦП 1, 2, 5, 6, 7, 9) қолганлари етилган (ЦП 3, 8) ва ёш (ЦП 4) типга хос эканлиги қайд этилди. Мазкур ценопопуляцияларда дельта (Δ) 0,22-0,40 омега (ω) 0,56-0,80 оралиғида бўлиши кузатилди. Тадқиқотлар Туркистон тоғ тизмасининг турли эко-фитоценотик шароитларида олиб борилди. Қайд этилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ценопопуляцияларида *S. hypericifolia* нинг доминант ёки субдоминант сифатида иштирок этиши қайд этилмади (2 – расм).

Хулоса. Ҳозирги кунгача турнинг интродукция шароитида ўсиш ва ривожланиши борасида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Туркум вакилларида кўкаламзорлаштириш ишларида кенг миқёсда фойдаланилади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги кунгача турнинг табиий шароитда тарқалиши, уларнинг морфологик кўрсаткичлари ҳамда турли фитоценотик шароитларда демографик кўрсаткичларини ўрганиш борасида етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Тадқиқотлар давомида Туркистон тоғ тизмасида тарқалган *S. hypericifolia* турнинг морфобиологик хусусиятлари ҳамда 9 та ценопопуляциядаги демографик кўрсаткичлари аниқланди. Ўрганилган ценопопуляцияларнинг аксарияти етилган типга хос эканлиги қайд этилди. Ўрганилган ценопопуляцияларнинг географик координаталари ҳамда замонавий ГАТ хариталарининг аниқ тарзда берилиши, келгу-сида мазкур ценопопуляциялар устида узоқ йиллик мониторинг ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Турнинг интродукциясини амалга оширишда, мазкур ҳудудлар ва улардан олинган намуналар бирламчи материаллар сифатида фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 264 б.
2. Азимова Д.Э. Молгузар ботаник географик райони флораси. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 44 б.
3. Петрова А.Е., Романова А.Ю., Назарова Е.И. Интродукция деревьев и кустарников в Центральной Якутии. – Якутск: Изд-во ЯНЦ СО РАН, 2000. – 268 с.
4. Серебряков И.Г. Экологическая морфология растений. – М: Высшая школа, 1962. – 377 с.
5. Федоров Ал.А., Артющенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Семья. – Л.: Наука, 1990. – 204 с.
6. Животовский Л. А. Онтогенетические состояния, эффективная плотность и классификация популяций растений. Экология, 2001, – №1. – С. 3–7.
7. Одум Ю. Экология. Мир, 1986. Т.2. – С. 6-8
8. Ишбирдин А.Р., Ишмуратова М.М. Адаптивный морфогенез и эколого-ценотические стратегии выживания травянистых растений // Методы популяционной биологии: материалы VII Всерос. популяционного семинара. – Сыктывкар, 2004. Ч. 2. – С. 113-120.
9. Глотов Н.В. 1998. Об оценке параметров возрастной структуры популяции растений // Жизнь популяций в гетерогенной среде. Ч. I. – С. 146-149.
10. Александрова, М.С. Аристократы сада: красивоцветущие кустарники / М.С. Александрова. М.: ЗАО «Фитон», 2000. – 226 с.
11. Kuzieva S.U, Imomova D.A. Ontogenetic Structure Cenopopulations of *Spiraea hypericifolia* L. in Turkestan Ridge (Uzbekistan). International Journal of Science and Research (IJSR). Volume 8 Issue 9, September 2019. – P. 1243-1248.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Туркистон тоғ тизмасида тарқалган *Spiraea hypericifolia* L. турининг морфобиологик хусусиятлари ва 9 та ценопопуляциясидаги демографик кўрсаткичлари ўрганилган. Бута ҳаётий шаклига эга бўлган *Spiraea hypericifolia* L. вегетациясининг давомийлиги 210-250 кунни ташкил этади. Ценопопуляцияларнинг демографик кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатадики, 1м² майдонда тупларнинг зичлиги 0,65-1,95 та, уларнинг экологик зичлиги 0,81-2,29 тани ташкил этади. Тур тикланиш даражасининг юқори эканлиги (0,68-4,25), ценопопуляцияларда генератив тупларнинг улуши кўплиги билан боғлиқ. Қариш индексининг деярли ноль (0-0,3) қийматга эга бўлиши, тупларнинг аксарияти генератив даврининг узок давом этиши ҳамда сенил даврига етиб бормаслиги билан боғлиқ. Тупларнинг ёш ҳолати ва унинг самарадорлигини кўрсатувчи дельта-омега классификацияси шуни кўрсатадики, аксарият ценопопуляциялар етилаётган (ЦП 1, 2, 5, 6, 7, 9) қолганлари етилган (ЦП 3, 8) ва ёш (ЦП 4) типга хос эканлиги қайд этилди.

РЕЗЮМЕ

В статье изучены морфобиологические особенности *Spiraea hypericifolia* L. и демографические показатели 9 ценопопуляций вида, распространенного на Туркестанском хребте. Вегетационный период *Spiraea hypericifolia* L., имеющий кустарниковую жизненную форму, составляет 210-250 дней. Демографические данные ценопопуляций показывают, что плотность особей в 1м² составляет 0,65-1,95 штук, а экологическая плотность 0,81-2,29 штук. Высокое значение степени восстановления вида связано с высокой долей генеративных особей ценопопуляции. Индекс старения показывает почти нулевое значение (0-0,3), что связано с длительностью генеративного периода, и не доходит до сенильного периода. Классификация дельта-омега, свидетельствующая возрастное состояние и эффективность особей, показывает, что большинство ценопопуляций относятся к зреющим (ЦП 1, 2, 5, 6, 7, 9), зрелым (ЦП 3, 8) и молодым (ЦП 4) типам ценопопуляций.

RESUME

The article studied the morphological of the species *Spiraea hypericifolia* L., distributed in the Turkestan ridge and the demographic characteristics of 9 ceonopopulations. The duration of vegetation of *Spiraea hypericifolia* L., which has a life form of the bush, is 210-250 days. Analysis of demographic indicators of ceonopopulations shows that the density of bushes per 1m² is 0,65-1,95, their ecological density is 0,81-2,29. The high rate of species recovery (0,68-4,25) is due to the high proportion of generative tufts in ceonopopulations. The aging index is almost zero (0-0,3) due to the fact that most of the tufts have a long generative period and do not reach the senile period. The delta-omega classification, which indicates the age status of the tubers and its efficacy, suggests that the majority of ceonopopulations (CP 1, 2, 5, 7, 9) are specific to the remaining type (CP 3, 8) and young (CP 4).

Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

**IRIS L. VA LIMNIRIS L. ОСТ ТУРКУМИ (IRIS L., IRIDACEAE JUSS.) ТУРЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН БАЛАНДЛИК МИНТАҚАЛАРИДА ТАРҚАЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ортиқов Э.А., Турдиев Д.Э. (ЎЗР ФА Ботаника институти)

Таянч сўз ва иборалар: *баландлик минтақаси, гербарий намуналари, ботаник-географик район, хариталаш.*

Ключевые слова: *высотный пояс, гербарные образцы, ботанико-географические районы, картирование.*

Key words: *altitude zones, herbarium, botanical-geographical region, mapping.*

Кириш

Iris L. (Iridaceae Juss.) туркуми вакиллари Африканинг шимолий қисми, Евросиё ва Шимолий Америкада учратиш мумкин бўлиб, 270 турни ўз ичига олади [5]. Ўрта Осиёда мазкур туркум турларини ўрганишга Б. А. Федченко [15], О. В. Чернева [16] лар катта ҳисса қўшганлар [1]. Ўзбекистон ҳудудида ҳам мазкур туркум турларининг 36 тури эндемик эканлиги билан ажралиб туради [7]. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида туркумнинг 47 тури учрайди [11]. Кейинги вақтларда Марказий Осиёнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган тоғли қисмлари Фарбий Тиёншон ва Помир-Олой тоғ тизмаларида олиб борилган экспедициялар давомида бир қанча янги турлар топилди [10]. Илмий адабиётларда келтирилган сўнгги маълумотларга кўра, *Limniris* ост туркуми 75 турни ва *Iris* ост туркуми 110 турни ўз ичига олади [12].

Ушбу ост туркум турларини морфологияси ва экологияси хилма-хил бўлган чўллар, ботқоқ ерлар, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда кенг тарқалган геофит ўсимликлар ташкил этади [6, 12].

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур татқиқот ишида Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган 140 та, Самарқанд давлат университети гербарий фондида сақланаётган 28 та, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (MW) фондида сақланаётган 29 та, Россия Фанлар Академиясининг В.Л. Комаров номидаги Россия ботаника институти (LE) фондида сақланаётган 1 та, жами 198 та гербарий намуналари ва олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган материаллар асосида *Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларини Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалишини баландлик минтақаларига боғланган ҳолда тақсимланиши ўрганилди.

Ўзбекистон флорасида ўсимликларнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалишини ифодалашда, флорист олимлар томонидан табиатда тарқалган ўсимликлардан терилган гербарий намуналари жойлари асос қилиб олинган. Унга кўра чўл, қуйи тоғ, ўрта тоғ ва баланд тоғ атамалари ишлатилади [13].

Баландлик – бу муҳим омиллардан бири бўлиб, ўсимликларнинг тарқалиши, морфологияси, физиологияси ва ўсишига таъсир кўрсатади [2, 4]. Маълумотларга кўра, баландликнинг ортиши атмосфера босими ва ҳароратнинг пасайишига ҳамда қуёш нурларининг кўпайишига олиб келади [9]. Ёмғир, мавсумийлик, шамол тезлиги каби бошқа абиотик омиллар баландликка қараб фарқ қилади [3].

Олинган маълумотлар асосида туркумнинг *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари баландлик минтақаларида турлича тақсимланишини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот объекти ва методлар

Турларнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши академик К. Ш. Тожибаев ва бошқалар системасига асосан амалга оширилди [14]. TASH, MW, LE ва СамДУ фондида сақланаётган, шунингдек, Плантариум электрон атласида (<https://www.plantarium.ru>) келтирилган 7 та турнинг 198 та гербарий ёрликларида келтирилган маълумотлар кўрсаткичлари бўйича жамланди.

Таксонларнинг қабул қилинган илмий номлари POWO (<http://www.plantsoftheworldonline.org>) бўйича келтирилган. Шунингдек International Plants Names Index, Catalogue of

Life ва бошқа халқаро электрон ресурслардан фойдаланилди. Ўрганилган барча намуналарнинг географик координаталари Google Earth дастури асосида аниқланиб, ArcGIS 10.0 бўйича турнинг тарқалиш харитаси тузилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Олиб борилган илмий тадқиқот ишидан кўзланган асосий мақсад, *Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris_ost* туркуми турларини Ўзбекистон ботаник-географик районлари баландлик минтақалари бўйича тақсимланишини ўрганиш.

Марказий Осиёда стандарт баландлик минтақалари қуйидагича келтирилади: текислик (400-500 м), тоғ олди (500-1000 м), қуйи тоғ минтақаси (1000-1500 м), ўрта тоғ минтақаси (1500-2500 м), юқори тоғ минтақаси (2500 м дан юқори). Юқори тоғ минтақасининг пастки қисми, субальп минтақаси, 2500 дан 3500 м гача, альп минтақаси 3500 м дан юқори [13].

Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудуди ғарбдан шарққа томон текисликдан тоғларга кўтарилиб боради. Бу эса албатта тупроқ-иқлим хусусиятлари, рельеф, ўсимликлар қоплами каби омилларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Биз ўрганаётган туркумнинг *Iris* ва *Limniris_ost* туркуми турлари 13 округ ҳудуди таркибига кирувчи 27 ботаник географик районларда тарқалган. Қуйида берилган 1-жадвалда *Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris_ost* туркуми турларини бир неча округ ва ботаник географик районларда тарқалишини кўришимиз мумкин. Бу эса бир хил турдаги ўсимликларнинг турли округ ва ботаник географик районларда учраши, ушбу ҳудудларда иқлим шароитлари ва бир қатор абиотик фактор кўрсаткичларнинг ўхшаш эканлигини англатади[8].

1-жадвал

***Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris_ost* туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник географик районларида тарқалиши (Тожибоев ва бошқ., 2016)**

№	Тур номи	Тарқалган округ	Тарқалган ботаник географик район	Намуна сони	Кенглик/узунлик	Денгиз сатҳидан баландлик (Ўрт)
1	<i>Iris loczyi</i> Kanitz	Ғарбий Тиёншон	Чоркесар	1	40.997695/ 70.742262	1066 м
		Фарғона-Олой	Шарқий-Олой	1	41,072173/ 70,363493	1680 м
		Кўхистон	Ургут	2	39,372392/ 67,221379	1550 м
		Ғарбий-Ҳисор	Қашқадарё	2	39,112713/ 67,049823	1073 м
			Қухитанг	2	39,01507/ 67,296142	1350 м
Ҳисор-Дарваз	Сангардак-Тўпаланг	1	38,895008/ 67,440916	2952 м		
2	<i>Iris songarica</i> Schrenk	Ғарбий-Тиёншон	Чоркесар	1	41.091927/ 71.103282	900 м
		Нурота	Нурота	3	40.776920/ 65.950975	500 м
			Актаув	4	40.483845/ 65.197783	650 м
		Кўхистон	Ургут	1	39.306616/ 67.148338	1936 м
			Зиёвиддин-Зирабулок	2	39.651623/ 66.284916	537 м
		Ғарбий-Ҳисор	Қашқадарё	1	38.890095/ 65.146206	300 м
			Тарқачиғай	2	38.568718/ 66.252168	571 м
			Сурхон-Шеробод	1	38.430231/ 66.560244	1350 м
		Бухоро	Ўрта-Зарафшон	1	39.529888/ 67.235377	800 м
			Қуйи-Зарафшон	17	40.048232/ 65.351159	500 м
Қарши-Қарнобчўл	6		39.305631/ 65.181592	300 м		


		Қизилкум	Қизилкум текиклиги	12	41.055828°/65.276603	163 м	
		Жанубий Оролбўйи	Амударё делтаси	2	42.307406/ 60.103515	103 м	
		Устюрт	Шимолий Устюрт	3	44.164557/ 56.260187	142 м	
3	<i><u>Iris longisca</u> <u>pa</u> <u>Ledeb</u></i>	Нурота	Нурота	2	40.494858/ 70.457510	400 м	
		Ғарбий-Ҳисор	Сурхон-Шеробод	4	37.302091/ 67.401771	350 м	
		Қизилкум	Ўрта Сирдарё	Мирзачўл	2	41.112301/ 68.543628	160 м
				Қизилкум текислиги	16	43.176441/ 64.274297	100 м
				Қизилкум қолдиқ тоғлари	18	40.667021/ 64.594994	240 м
		Бухоро	Ўрта-Зарафшон	Қуйи-Зарафшон	2	39.823394/ 65.503789	345 м
				Қарши-Қарнабчўл	1	39.005339/ 65.570195	357 м
				Жанубий-Оролбўйи	Амударё делтаси	1	43.060337/ 60.305857
		4	<i><u>Iris falcifolia</u></i> <u>Bunge</u>	Ғарбий-Ҳисор	Сурхон-Шеробод	3	38.187083/ 67.098776
Қизилкум	Қизилкум текислиги			2	40.007450/ 40.940313	351 м	
	Қызылкумско-қолдиқ тоғлари			2	40.327718/ 65.151623	350 м	
Бухоро	Қарши-Қарнабчўл			6	38.734058/ 65.608352	350 м	
5	<i><u>Iris alberti</u></i> <u>Regel</u>	Ғарбий-Тиёншон	Чоркесар	1	41.192485/ 71.746099	760 м	
		Фарғона	Жанубий-Чотқол	2	40.858747/ 70.725417	770 м	
6	<i><u>Iris korolkowii</u></i> <u>Regel</u>	Ғарбий-Тиёншон	Уғом-Пском	2	41.700345/70.143366	1110 м	
			Чимён	20	41.269241/69.710193	894 м	
			Арашан	5	41.195063/ 70.675176	3000 м	
			Оҳангарон	7	40.777321/ 70.037770	1750 м	
			Чоркесар	4	41.008270/ 70.738163	1200 м	
7	<i><u>Iris stolonifera</u></i> <u>Maxim</u>	Қўхистон	Ургут	7	39.385996/ 67.262817	1250 м	
			Қашқадарё	26	38.919671/ 67.253946	1600 м	
		Ғарбий-Ҳисор	Бойсун	18	38.460476/ 67.384441	2715 м	
			Қўхитанг	4	37.704429/ 66.595745	1350 м	
		Ҳисор-Дарваз	Сангардак-Тўпаланг	15	38.582258/ 67.613647	2150 м	
		Пяндж	Боботоғ	3	38.243570/ 68.306482	1100 м	

Олиб борилган изланишлар натижасида *I. loczyi* Kanitz тури Ғарбий Тиёншон, Фарғона-Олой, Ғарбий-Ҳисор ва Ҳисор-Дарваз округларида денгиз сатҳидан 1000 м дан 3000 м гача бўлган баландликдаги тоғли зоналарда учраши қайд этилди, шу билан бирга *I. songarica* Schrenk тури эса Ғарбий Тиёншон, Қўхистон, Ғарбий-Ҳисор, Нурота, Бухоро, Қизилкум, Жанубий Оролбўйи ва Устюрт округларида денгиз сатҳидан 100 м дан 1500 м гача бўлган баландликлар, яъни чўл, адир ва қуйи тоғ минтақаларида учрайди. *I. longiscapa*

Ledeb тури қолган турларга нисбатан денгиз сатҳидан пастрокда, яъни Республикамизнинг текислик қисмида баландлик 60 м дан 300 м гача бўлган Ғарбий-Ҳисор, Нурота, Бухоро, Қизилқум, Жанубий-Оролбўйи ва Ўрта Сирдарё округларида тарқалган. Табиийки, бу баландликда асосан чўл минтақаси жойлашган. *I.falcifolia* Bunge тури Ғарбий-Ҳисор, Бухоро ва Қизилқум округларида тарқалган бўлиб денгиз сатҳидан 300-700 м оралиғида тарқалганлигини кўришимиз мумкин. *I.alberti* Regel тури Ғарбий Тиёншон ва Фарғона округларининг 700-800 м баландликдаги тоғ олди ҳудудларида тарқалган бўлса, *I.korolkowii* Regel турини фақатгина Ўзбекистоннинг Ғарбий Тиёншон округи ботаник географик районларининг 1500 м баландлигидан бошлаб учратиш мумкин. *I.stolonifera* Maxim тури Кўхистон, Ғарбий-Ҳисор,

Расм 1.


Округларда тарқалган *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг учраш баландлиги (метр ҳисобида)



Юқорида келтирилган жадвал ва диаграммадан кўринадики, туркумнинг *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларини асосий тарқалиш марказлари ҳақиқатдан ҳам Ғарбий Тиёншон ва Помир Олой тоғ тизмаларига тўғри келар экан. Шу билан бирга *I.songarica* Schrenk ва *I.longiscapa* Ledeb турлари қолган турларга нисбатан кенг тарқалганлиги ва тарқалиш ареалининг кенглиги билан қолган турлардан фарқ қилади. *I.korolkowii* Regel ва *I.alberti* Regel турлари фақатгина ғарбий Тиёншон округларида учрашини кўришимиз мумкин (2-расм).

2-расм.

***Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник географик районларида тарқалиши**



Таҳлил натижаларидан маълум бўладики: Чоркесар, Шарқий-Олой, Сангардак-Тўпа-ланг ботаник географик районларидан *I.loczyi* Kanitz, *I.alberti* Regel турларининг, Чоркесар, Ургут, Қашқадарё, Сурхон-Шеробод ботаник географик районларидан *I.songarica* Schrenk, Қарши-Қарнобчўл ва Амударё дельтаси ботаник географик районларидан *I.longis-*

сара Ledeb турларининг гербарий намуналари сони TASH гербарий фондида кам сонли эканлиги аниқланди. Олиб борилган дала тадқиқотлари ва адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра таҳлил қилиниб, *Limniris* ва *Iris* кенжа туркуми турлари вакиллари 13 округ, 27 ботаник географик район ҳудудларида тарқалганлиги аниқланди.

Шу билан бирга *I.songarica* Schrenk ва *I.longiscapa* Ledeb турлари тарқалиш ареалининг кенглиги, денгиз сатҳидан 60 м дан бошлаб то 1500 м гача бўлган оралиқларда ўсиши аниқланди. Бунга сабаб қилиб мазкур турларнинг қуруқ ва кескин континентал бўлган чўл иқлим шароитларига ўзида мосланишлар ҳосил қилганлигини ва узоқ давом этган эволюция жараёнини кўрсатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Alexeeva N.B. A taxonomic revision of *Iris* section *Psammiris* (*Iridaceae*) in Russia //Phytotaxa. – 2018. – Т. 340. – №. 3. – С. 201-216.
2. Arila K.E., Gupta A. Life forms and biological spectrum along the altitudinal gradient in Montane forests of Senapati district of Manipur in Northeast India //Journal of Pleione. – 2016. – Т. 10. – №. 1. – С. 80-89.
3. Ghafari S. Composition and structure of species along altitude gradient in Moghan-Sabalan rangelands, Iran //Journal of Mountain Science. – 2018. – Т. 15. – №. 6. – С. 1209-1228.
4. Ghorbani A. Investigation on ecological characteristics of *Festuca ovina* L. in south-eastern rangelands of Sabalan //Iranian Journal of Range and Desert Research. – 2013. – Т. 20. – №. 2. – С. 379-396.
5. İkinci N. Tony Hall, M. Dolores Lledó, James J. Clarkson, Nico Tillie, Arnis Seisums, Takeshi Saito, Madeline Harley and Mark W. Chase. Molecular phylogenetics of the *juno* irises, *Iris* subgenus *Scorpiris* (*Iridaceae*), based on six plastid markers //Botanical Journal of the Linnean Society. – 2011. – Т. 167. – №. 3. – С. 281-300.
6. Kandemir N. Foliar epidermal anatomical characteristics of taxa of *Iris* subg. *Scorpiris* Spach (*Iridaceae*) from Turkey //Microscopy research and technique. – 2019. – Т. 82. – №. 6. – С. 764-774.
7. Khassanov F.O., Rakhimova N. Taxonomic revision of the genus *Iris* L. (*Iridaceae* Juss.) for the flora of Central Asia. – na, 2012.
8. Malik Z.H., Hussain F., Malik N.Z. Life form and leaf size spectra of plant communities Harboursing Ganga Chotti and Bedori Hills during 1999-2000 //Int. J. Agric. Biol. – 2007. – Т. 9. – №. 6. – С. 833-838.
9. McCain C.M., Grytnes J.A. Elevation gradients in taxa richness //Journal of Encyclopedia of Life Sciences: <https://doi.org/10.1002/9780470015902.a0022548>. – 2010.
10. Tojibaev. K.Sh., Turginov O.T. A new species and a new combination of *Iris* subgenus *Scorpiris* (*Iridaceae*) from Central Asia (Hissar Range, Pamir-Alai) //Phytotaxa. – 2014. – Т. 158. – №. 3. – С. 224-228.
11. Turgunov M.D. Biological features of rare species of *Iridaceae* Juss. Family in flora of Uzbekistan ex situ //Acta Biologica Sibirica. – 2019. – Т. 5. – №. 2. – С. 17-22.
12. Wilson C.A. Phylogenetic relationships among the recognized series in *Iris* section *Limniris* //Systematic Botany. – 2009. – Т. 34. – №. 2. – С. 277-284.
13. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан, ч. 2.; Конспект флоры //Ташкент: АН УзССР. Институт ботаники. – 1955.
14. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1130.
15. Федченко Б.А. Флора Азиатской России. С. Питербург. Дворянская 19, 1913, №. 1.– С. 19.
16. Чернева О.В. Определитель конспект флоры. Издательство “Фан”. Ташкент. 1971. 2 том.– С. 132-139.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада *Iris* L. (*Iridaceae* Juss.) туркумининг *Limniris* (Tausch) Spach ва *Iris* B. Mathew кенжа туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районларида баландлик минтақалари бўйича тақсимланиши ўрганилди. Мазкур таҳлиллар илк бор амалга оширилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проведён анализ распространения видов подродов *Limniris* (Tausch) Spach и *Iris* B. Mathew рода *Iris* L. (*Iridaceae* Juss.) в соответствии с высотными поясами ботанико-географических регионов Узбекистана. Эти анализы проводились впервые.

SUMMARY

In this article, the distribution of the species from *Iris* L. (*Iridaceae* Juss.) and *Limniris* (Tausch) Spach subgenera of the *Iris* B. Mathew genus in the botanical and geographical regions of Uzbekistan according to altitude zones was studied. These analyzes were performed for the first time.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ИММУНОБИОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА КУЛЬТУРАЛЬНОГО ИЗОЛЯТА ТЕЙЛЕРИЙ *Th.annulata*.

Абдурасулов Ш. (НПЦ МСВХ РУз), Давронов Б. (КарГУ)

Ключевые слова: профилактика, акарициды, иммунопрофилактика, вакцина, реактогенность, тейлериоз, шизонт, супернатант, антиген.

Kalit so'zlar: profilaktika, akaritsidlar, immunoprofilaktika, vaksina, reaktogenlik, teilerioz, shizont, o'ta yuqori darajadagi, antigen.

Key words: prophylaxis, acaricides, immunoprophylaxis, vaccine, reactogenicity, theileriosis, schizont, supernatant, antigen.

Для профилактики тейлериоза крупного рогатого скота применяется комплекс мероприятий, включающий обработку животных акарицидами, различными химиопрепаратами и иммунопрофилактику, где основную роль играют специфические методы, то есть вакцинация животных.

К сожалению, в настоящее время Россия прекратила производство настоящей вакцины, поэтому Узбекистан и другие центральноазиатские государства вынуждены или разрабатывать ее сами, или покупать за рубежом. При разработке живых вакцин против заболеваний животных особое внимание уделяют иммунобиологическим характеристикам применяемых при изготовлении вакцин штаммов или изолятов возбудителей, а именно иммуногенности и реактогенности.

Проблема иммунизации крупного рогатого скота против тейлериоза издавна интересовала многих исследователей. В различное время для иммунизации скота против тейлериоза применяли: кровь переболевших или больных животных; суспензию клеток селезенки, лимфатических узлов и других органов больных тейлериозом животных, содержащую гранатные тела - тканевую стадию развития тейлерий (шизонты); слабовирулентные штаммы паразита, полученные путем пассирования тейлерий через теплокровного хозяина без участия клещей-переносчиков; инактивированные вакцины; дозированную суспензию клеток слюнных желез инвазированных клещей и, наконец, живые вакцины, изготовленные из гранатных тел тейлерий, выращенных в культурах лимфоидных клеток крупного рогатого скота.

МАТЕРИАЛ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

Культуру шизонтов *Theileria annulata* получали путем выделения инфицированных лимфоидных клеток от животного, зараженного *Theileria annulata*, в виде супернатанта из измельченных клещей или в виде консервированной культуры. Культивирование зараженных клеток осуществляли в ростовых питательных средах, которые представляли собой питательную среду RPMI 1640, дополненную эмбриональной сывороткой теленка в количестве 10%, раствором антибиотиков, содержащим бензилпенициллин натрия 100 МЕ на мл, сульфат стрептомицина 100 мкг на мл и микостатин 10 МЕ на мл, а также 200 мМ L-глутамином на мл, при этом все компоненты предварительно стерилизованы фильтрацией и очищены от любого загрязнения микроорганизмами стандартными методами. Размножение культивированных клеток *in vitro* производили методом серийных пассажей, причем осуществляли до 120 пассажей с периодичностью два или три раза в неделю.

В своих экспериментах, учитывая свои данные и сведения литературных источников, мы использовали для вакцинации 120 пассажей культуры шизонтов *Theileria annulata*. Для этого 5 телят опытной группы вакцинировали путем подкожного введения 1 мл инфицированных клеток в концентрации 2×10^6 Б, а 3 теленка были в контрольной группе. За вакцинированными телятами вели клинические наблюдения, в этот период никаких отклонений отмечено не было. Через 2 месяца после вакцинации всех телят заражали полевым изолятом *Theileria annulata*, выделенным от инвазированных клещей.

У вакцинированных телят определяли количество иммунокомпетентных клеток в реакциях розеткообразования и титр специфических антител в РДСК.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ И ИХ ОБСУЖДЕНИЕ.

Результаты исследований представлены в таблице 1, из которой видно, что у вакцинированных телят опытной группы на 10-14 день после заражения отмечалось незначительное повышение температуры тела до 38,5, длившееся 1-2 дня, снижение количества гемоглобина и гематокрита, тогда как в контрольной группе телят эти показатели были ярко выражены. С целью предотвращения падежа этих животных лечили бупарваквоном, согласно инструкции по его применению.

Следует отметить, что вакцинную культуру шизонтов *Theileria annulata* получали путем последовательного пассирования инфицированных клеток и при этом, начиная с 80 пассажа, они утрачивали свои вирулентные свойства.

Табл.1

Группы животных	Продолжительность лихорадки (дни)	Максимальная паразитемия (%)	Снижение Hb (%)	Снижение Гематокрита (%)
Опытная группа	1-2	1-2	20-25	16-30
Контрольная группа	5 и 6	5 и 80	45 и 22	46 и 30

Основные показатели иммунитета у животных опытной и контрольной групп характеризовались снижением относительного и абсолютного количества иммунокомпетентных клеток, в частности Т-лимфоцитов, в период разгара болезни, причем эти значения были ярко выражены в контрольной группе телят, которых ранее не подвергали иммунизации. Здесь следует подчеркнуть, что увеличение количества В-лимфоцитов, по-видимому, связано со становлением гуморального иммунитета. Титр специфических антител в опытной группе изначально был несколько выше, что связано с иммунизацией, после заражения телят титры антител также нарастали намного быстрее у телят опытной группы. (табл.2-3-4).

Табл.2

Группы животных	Начальный (инкубационный) период болезни				Титр специфических антител в РДСК
	Содержание Т-лимфоцитов		Содержание В-лимфоцитов		
	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	
Опытная группа	40	1,5	22	0,8	1\40
Контрольная группа	35	1,2	18	0,5	1\10

Табл.3

Группы животных	Период разгара болезни				Титр специфических антител в РДСК
	Содержание Т-лимфоцитов		Содержание В-лимфоцитов		
	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	
Опытная группа	45	1,2	25	1,5	1\80
Контрольная группа	35	0,6	20	0,8	1\20

Табл.4

Группы животных	Период выздоровления				Титр специфических антител в РДСК
	Содержание Т-лимфоцитов		Содержание В-лимфоцитов		
	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	Отн. Кол-во %	Абс. Кол-во тыс./мкл	
Опытная группа	55	2,1	25	1,1	1\160
Контрольная группа	40	0,8	23	0,5	1\40

Таким образом, культуральная вакцина против тейлериоза крупного рогатого скота, вызванного *Theileria annulata*, обеспечивает защиту животных от заболевания, является иммуногенной, не обладает реактогенными свойствами и может применяться в качестве вакцины.

Образование специфических антител при тейлериозе и наличие реакции с тейлерийным антигеном признаны повсеместно. Антитела в сыворотке крови R.Schidler, R.Wocatsch, М.И.Тутушин, А.А.Марков и др. обнаруживали с помощью РСК; М.И.Тутушин - реакции геммагглютинации; методом флюоресцирующих антител - E.Pipano, Э.М.Аскарлов - с помощью иммуноферментного анализа. Использованы эритроцитарные формы паразита и шизонты.

Н.И.Степанова и др. обратили внимание на наличие прямой корреляции между титром комплементсвязывающих антител и степенью паразитемии. Впоследствии она подтвердила это положение на спленэктомированных животных. На наличие клеточного фактора иммунитета при тейлериозе впервые обратили внимание J.Wilde, E.Pipano *et.al.*, G.Rehbein *et.al.*, A.Samad *et.al.*, Hooshmand-Red, R.Hashemi-Feshaki. Поддержали данное мнение S.Dhar *et.al.*, которые отмечают, что сыворотка крови больных тейлериозом животных, введенная здоровым животным, не защищает их от заражения *Th.annulata*. Иммунитет при тейлериозе, по-видимому, является клеточно-опосредованным.

S.J.Muhammed, R.Mzee, изучив влияние гуморальных антител на тяжесть клинического течения болезни у животных, больных восточно-береговой лихорадкой, заметили отсутствие иммунитета на контрольное заражение через клещей. Авторы полагают, что иммунитет, отмечаемый у переболевших животных, по-видимому, является клеточным.

D.Singh *et.al.* двум больным тейлериозом животным и двум здоровым двукратно, внутривенно ввели по 0,1 мл антигена. Интервал между инъекциями - 48 часов. В результате у животных с наличием паразитов в крови на месте инъекции появилась инфильтрация ткани монокулярными клетками. У здоровых (контрольных) животных морфологических изменений не наблюдали. Этим и было доказано наличие клеточного иммунитета против *Th.annulata*.

E.Eugui, D.L.Emery высказывают мнение, что в развитии иммунитета основным фактором является лизис инвазированных шизонтами лимфобластов цитотоксическими клетками, и этот лизис генетически ограничен.

D.L.Emery *et al.* создали устойчивость к заражению *Th.parva* у двух пар телят-близнецов в результате введения $5-9 \times 10^6$ сингенных лимфоцитов из грудного протока иммунного партнера интактному теленку. Контрольное заражение телят-реципиентов показало, что у одного из них отмечено кратковременное повышение температуры тела, а другой переболел без заметных клинических признаков. Следовательно, рециркулирующие лимфоциты обеспечивают невосприимчивость к тейлериозу иммунных животных.

Клеточный ответ формируется у привитых животных против индуцированных паразитами антигенов в комбинации с полиморфными антигенами на мембране лейкоцитов хозяина.

P.Pearson *et al.* считают, что лейкоциты периферической крови выздоровевших телят (возбудитель *Th.annulata*) способны *in vitro* лизировать трансформированные шизонтами клетки. Авторы заметили, что цитотоксичность при этом наблюдалась как после первичного, так и после контрольного заражения иммунных телят. Цитотоксические клетки активно лизировали не только аутологичные, инвазированные лимфобластами, но и аллогенные, инвазированные шизонтами. Таким образом, анализируя исследования приведенных выше авторов, можно заключить, что в защите животных от тейлериоза основную роль играет клеточный фактор иммунитета.

E.Innes *et al.* иммунизировали лимфобластами клеточных линий, полученных от животных-доноров, инвазированных выделенным в Марокко штаммом *Th.annulata*, 32 телят голштинофризской породы в возрасте 8-14 дней. При контрольном заражении спорозоидами гемологического штамма тейлерий установлено, что испытанный метод вакцинации создает в 100% случаев напряженный иммунитет. Заражение контрольных (непривитых) животных вело к их гибели в течение 20 дней после заражения.

E.A.Innes *et al.* прививали две группы телят, инвазированных штаммом *Th.annulata*. В различные сроки после вакцинации и последующего контрольного заражения вирулентным штаммом возбудителя у привитых животных определяли динамику появления в крови

цитотоксических лимфоцитов, используя в качестве клеток-мишеней инвазированные и неинвазированные тейлериями лимфобласты крупного рогатого скота с заведомо известными лимфоцитарными антигенами. В поствакцинальный период у животных сравнимых групп заметили различия, как в клиническом ответе, так и в специфичности цитотоксического действия лимфоцитов крови.

У животных, инвазированных тейлериями аллогенной клеточной линии, наблюдали появление слабого клинического и интенсивного цитотоксического ответов. У телят, привитых последними, напротив, наблюдали тяжелые симптомы тейлерииоза и низкий уровень цитотоксического ответа. Цитотоксические лимфоциты этой группы животных в течение 3-х недель после прививки лизировали инвазированные клетки-мишени вне зависимости от их основного комплекса гистосовместимости. Животные обеих групп проявили напряженный иммунитет к контрольному заражению вирулентными штаммами тейлерий, и на 10-й день после заражения у них выявили пик цитотоксичности лимфоцитов к инвазированным аутологичным клеткам-мишеням.

Литература

1. Бадалов Э.Т., Нораев Р.Х., Сахимов М.Р. Пути ликвидации тейлерииоза крупного рогатого скота // Сельское хозяйство Таджикистана. 1988. – №4, – С. 38-39.
2. Досжанов Д.Т., Хван М.В., Ананьев О.П. и др. Специфическая биопрофилактика, тейлерииоза крупного рогатого скота на юге Казахстана // Тез. докл. и сообщ. 1 V съезда Всес. о-ва протозоологов. – Л., 1987/ – С. 170.
3. Заблоцкий В. Т. Использование культуры тканей при изучении возбудителя тейлерииоза. Ветеринария, 1967, и 9, – С. 66-69.
4. Мутузкина З.П. Методика получения антигена из культуральных тейлерий для РДСК. Бюллетень ВИЭВ, 1977, в.31/ – С. 20-21.
5. Нораев Р.Х. Результаты испытания культуральной противотейлерииозной вакцины на молодняке 2-3 месячного возраста // Сб. науч. тр. ТаджНИВИ-Душанбе, 1987.-С.24-27.
6. Расулов И.Х. Профилактика и терапия пироплазмозов (тейлерииоз, пироплазмоз, бабезиоз) крупного рогатого скота в Узбекистане: автореф. дис. . докт. вет. наук. – Самарканд, 1992.– 30 с.
7. Dolan T.T . Theileriosis: A comprehensive review Тейлерииоз крупного рогатого скота в различных странах мира. Обзор. (Кения) . 1989, 8 (1) p. 1136 Rev. scient. techn. Off. Intern. Epizoot, 1989; T. 8. – N 1. 1989, 8.
8. Morzaria S.P. Nene V. Bovine theileriosis: Progress in immunization methods.- Intern . J. anim Sc. 1990. Vol.5, N1 P1-14.
9. Pipano E. Bovine theileriosis in Israel Тейлерииоз крупного рогатого скота в Израиле. p. 79-87 Rev. scient. techn. Off. Intern. Epizoot, 1989; T. 8. N 11,31(3/4).
10. Tsur I., Adler S. Cultivation of Theileria annulata schizonts in monolayer tissue cultures. Refuah vet, 1962, N 19, p.224-225.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы профилактики тейлерииоза крупного рогатого скота. Экспериментально доказано, что культуральная вакцина против тейлерииоза крупного рогатого скота, вызванного *Theileria annulata*, обеспечивает защиту животных от заболевания, является иммуногенной, не обладает реактогенными свойствами и может применяться в качестве вакцины.

РЕЗЮМЕ

Мақолада йирик шохли молларнинг тейлерииози профилактикаси масалалари кўрилган. Эксперимент йўли билан *Theileria annulata* келтириб чиқарадиган йирик шохли молларнинг тейлерииозида культурал вакцина самарали эканлиги исботланган, реактоген хусусиятларга эга эмас ва иммуноген вакцина сифатида фойдаланиш мумкин.

SUMMARY

The article discusses the issues of prevention of theileriosis in cattle. It has been experimentally proven that the cultural vaccine against bovine theileriosis caused by *Theileria annulata* provides protection of animals against the disease. It is immunogenic and does not possess reactogenic properties, and can be used as a vaccine.

Рекомендовано к печати доц. Б.Рузиевым

ДАФНИЯ КЎПАЙТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ОРГАНИК ЎГИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мадумаров М.Ж. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: қисқичбақасимонлар, дафниялар, *Daphnia magna*, партеногенез, гўнг, ачитқи, ҳовуз, биомасса.

Ключевые слова: ракообразные, дафнии, *Daphnia magna*, партеногенез, навоз, дрожжи, бассейн, биомасса.

Key words: crustaceans, daphnia, *Daphnia magna*, parthenogenesis, manure, tremors, pool, biomass.

Кириш. Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, балиқчилик ва балиқ овлаш ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш мақсадида, ушбу тармокни ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилишида табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш талаб қилинмоқда [1,2].

Планктон қисқичбақасимонлиларнинг *Daphniiformes* туркуми *Daphniidae* оиласига мансуб *Daphnia* авлоди турлари ер юзида кенг тарқалган чучук сув зоопланктон организмидир. У балиқлар ва балиқ чавокларининг табиий озукасида, сув экотизимида биофильтр организм сифатида жуда муҳим роль ўйнайди. Шу билан биргаликда сувнинг кимёвий таркибини аниқлашда биоиндикатор хусусияти ҳам кўп олимлар томонидан ўрганилган.

Дафния яшаши учун қулай бўлган қулай ҳарорат ва летал ҳарорат чегаралари уларнинг ёшига ва сув муҳити шароити сабабларга қараб ўзгариб бориши мумкин. Мўътадил иқлимда ишлаган муаллиф Шпетнинг аниқлашича, *Daphnia magna* 34-35° С да нобуд бўлади [3]. М.К.Аскеров дафнияни очик ҳаводаги идишда ўстиради ва уларнинг етук организмлари учун летал чегара 39,2° С, кичик ёшдагилари учун эса 40,4° С эканлигини аниқлайди [4].

Чет эллик олимлар томонидан *Daphnia* урғочисининг йириклиги ва эфиппия йириклиги ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда, йирик урғочилар йирик эфиппияни етиштириши кузатилган. Йирикрок эфиппия ўз навбатида бошқаларига қараганда кўпроқ ҳосил беради [5].

М.В.Мичукова ва бошқалар томонидан биотест объекти сифатида *Daphnia magna* Str. тавсиф бериш билан биргаликда, унинг озукавий хусусиятлари, сув ҳавзаларини тозалаш жараёнлари, балиқ озукалари учун ҳамда саноат усулида ёш балиқлар учун озука сифатида етиштиришга эътибор қаратган [6].

Республикамиз гидробиологик тадқиқотлар йўналишида А.Мухамедиев, И.Мирабдуллаев, Е. Гнатуллина, Н.Холматова, А.Кузметов, Х.Абдиназаровлар [7, 8, 9, 10] тадқиқотлар олиб борганлар ва зоопланктон организмларининг табиий озука базасининг ахамияти, морфо-экологик хусусиятлари, кўпайтириш усуллари, озукавий қиймати ва мавсумий сукцессиясини аниқлашга доир ишларни амалга оширганлар.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. Тадқиқотлар давомида дафнияни кўпайтиришда асосан сув ўтлардан фойдаланиш тавсия этилган, уларнинг афзал томонлари сув муҳитини кислород билан таъминлайди. Сув ўтларининг биомассасининг ортиши бир томондан салбий, яъни сувда ёруғлик ўтишини камайтиради, бу эса дафниянинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишнинг мақсади тажрибалар орқали маҳаллий органик ўғитлар ва ачитқидан фойдаланган ҳолда дафниянинг биомассини ошириш ва партеногенез даврини узайтиришдан иборатдир.

2018-2019 йиллари Фарғона водийсининг Андижон вилоятида “Асатилла асл кўли” балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида тадқиқотлар олиб борилди.

Тажрибаларимиз давомида ҳавзаларда энг кўп зоопланктон кўпайтиришда (*Daphnia magna* мисолида) қўлланиладиган усуллардан бири ҳавза четига органик гўнг ташланди.

Балиқ чавоқлари учун янада кўпроқ зоопланктон организмларни ривожлантириш ишлаб чиқилди. Бунинг учун ҳавза четларига бир нечта кичик ҳовузчалар қовланди. Ҳовузларга (похол, сомон, ўсимликларнинг барги ва бошқалар билан бирга) янги парранда ва от гўнги ташланди, назорат учун қорамол гўнгидан фойдаланилди.

1-тажриба: Дафния учун ҳовузлар тайёрланди. Биринчи ҳовуздаги гўнг идишига қорамол гўнги (4 кг дан 1 м³) ва похол (ёки сомон)ни кетма-кет солиб тўлдирилади. Тўлдириш жараёнида тайёрланган ачитқидан 1 м³ учун 20 гр қўшиб борилди. Тайёр ҳолатдаги ҳовуздаги сувга иккинчи кун дафниянинг урғочиси (20-30 г) қўйиб юборилди. Шундан сўнг ҳовуз деворларига 1 м³ учун 20 гр дан ачитқи қўйилади.

2-тажриба: Дафния учун махсус тайёрланган 2-ҳовуз ҳам сув кириш қисмига фильтр қўйилиб сув билан тўлдирилади. Ҳовуздаги гўнг идишига парранда гўнги (4 кг дан 1 м³) ва похол (ёки сомон)ни кетма-кет солиб тўлдирилади. Тўлдириш жараёнида тайёрланган ачитқидан 1 м³ учун 20 гр қўшиб борилади. Тайёр ҳолатдаги ҳовузга иккинчи кун урғочи дафния (20-30 г) сувга қўйиб юборилди. Шундан сўнг ҳовуз деворларига 1 м³ учун 20 гр дан ачитқи қўйилади.

Сув ҳавзаларида сув сифати ва сатҳини сақлаб қолиш учун тоза сувни кунига (мавсумга кўра) кўпи билан 10-15 % таъминлаш талаб этилди.

Ҳовузларга мавсум давомида апрелдан октябргача дафния билан тўйинтиришдан олдин, ачитқи ҳар куни ёки кунора 8 г/м³ ҳовузга сепиб турилди.

Ушбу амалга оширилган тажрибалар орқали йилнинг (2018 ва 2019 йиллар) 1-апрелдан 15-сентябргача 168 кун биринчи 14 кун оналик даври, қолган 154 кунда 22-23 та авлод олишга эришилган.

Гўнг идиш, бу 1,5х1х0,40 (бўйи, эни, баландлиги) метр ҳажмда гўнг солиш мосла-маси ҳисобланиб, унинг таг қисми зич маҳкамланган, ён атроф томони эса 15 см баланд-ликда маҳсулот тушмаслиги учун ўралади. Ундан юқори қисми 1х1 см ҳажмли тўр билан ўралади. Дастлаб похол ёки сомон ёзилади, унинг устидан гўнг (10 см қалинликда) ва яна похол ёки сомон ёзилиб, идиш тўлгунга қадар шу ҳолат такрорланади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Биз тажриба давомида парранда, от ва қорамол гўнгларида фойдаланилди. Тажриба натижасида парранда гўнги таркибида органик моддалар кўплиги сабабли дафниянинг маҳсулдорлиги юқори бўлди. Сомон ёки похол органик моддалар ҳосил бўлишида кислород билан таъминлашдан ташқари сув ҳарорати пасайганда дафниялар учун иссиқ жой вазифасини ҳам бажаради. Ушбу идишнинг оғирлиги ўртача 40 кг атрофида (тара 10 кг, сомон ёки похол ва гўнг 30 кг) бўлишини ҳисобга олсак, уни алмаштиришга қийинчилик туғдирмайди. Бундан ташқари очиқ майдонда фойдаланилганда сувнинг юза қисмини тўсиб сув ҳароратининг кескин кўтарилиб кетишининг олдини олади.

Гўнг билан ишлов беришда сувнинг ифлосланиши кам, бу эса партеногенетик даври узоқ вақт бўлишини таъминлади. Дафниянинг зичлиги ортганда ҳовуз суви балиқ кўлига чиқарилиб турилди. Ҳовузнинг пастки чуқур қисми ҳовуз сувининг 5/1 қисмини олиб қолиш имконини беради. Қолган сувдаги биомасса келгуси авлод учун оналик вазифасини бажарди.

Муаллиф М.К.Аскеров тадқиқот ишида 1 кг дафния етиштириш учун 200 гр ачитқи талаб этилишини маълум қилган. Ҳозирги кунда саноат ачитқисидан фойдаланиш кўп маблағ талаб этади. Тажриба давомида 200 гр саноат ачитқиси олиниб, уни 5 кг ун билан ҳамир қилинди. Ҳамир кўпчигандан сўнг қуритиб қуруқ массага келтириб майдаланди (музлаткичда сақланади) ва ундан озиклантириш жараёнида фойдаланилди. Бизнинг усулда саноат ачитқисига нисбатан 20 баробар кўп ачитқи олиш имкониятини беради. Тажриба давомида ушбу тайёрланган ачитқилардан фойдаланилди.

Дафниянинг катталигини ўлчаш учун шиша трубкача ёрдамида ушлаб, буюм ойначасига қўямиз. Ортикча сувларни фильтр қоғози ёрдамида камайтираемиз. Лекин ҳаддан ташқари қуриб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Буюм ойначасини бинокляр лупа остига қўйиб, окуляр линейка ёрдамида, 2 х 8 катталиқда кўзи линияси бўйича дум игнасигача бўлган масофани ўлчаб, ёзиб оламиз. Ўлчаб бўлганимиздан сўнг ойначани идишга тушириб, қайтариб оламиз. Шундай қилиб ўсишни кузатиш мумкин бўлади.

Дафнияни озука муҳитида тана катталигининг ўзгариши (мм), n-10

№	Озука тури	1 кун	2 кун	3 кун	4 кун	5 кун	6 кун	7 кун
1	Қорамол гўнги	0,95±0,01	1,15±0,09	1,4±0,07	2,0±0,02	2,40±0,01	2,9±0,06	3,3±0,03
2	От гўнги	0,95±0,01	1,20±0,09	1,45±0,01	1,95±0,03	2,3±0,04	2,8±0,06	3,4±0,04
3	Парранда гўнги	0,9±0,01	1,15±0,09	1,55±0,02	2,35±0,03	2,8±0,04	3,1±0,04	3,55±0,05

Жадвалдан кўриниб турибдики, озуканинг турига қараб дафния ўсиши турли хил эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Озука таркибида органик моддаларнинг миқдори кўп бўлган шароитда дафниялар бироз тезроқ ўсди. Лекин бунга акс таъсир кўрсатувчи омиллар дафниянинг тур сони зичлигидир. Бундан ташқари сувнинг ифлосланиш даражасининг ортиши ва сув ҳароратининг кўтарилиши ҳам дафниянинг биомассасига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олиб борилган тажрибалар натижасида дафниянинг насл бериши жуда тез ва яхши ўсди. Қорамол гўнгига нисбатан от ва парранда гўнгидан фойдаланилганда, парранда гўнгида органик модданинг юқори бўлиши дафния турларини сон ва биомасса жиҳатдан юқорилигини кўрсатди. Парранда гўнгига нисбатан от гўнгида эса биомасса нисбатан кам етиштирилди. Лекин авлодлар сониди фарқ деярли кузатилмади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ №2939- сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озука базасини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Шпет Г.И. К сравнительной продуктивности водных (и др.) животных // Журн. общей биологии. 1965. – Т. 26. Вып. 2. – С. 201-211.
4. Аскеров М.К. Биотехника разведения дафний на рыбоводных заводах. – Москва, 1958. – С. 19-22.
5. Voersma M., Borissl H., Mitchell S.E. Maternal effects after sexual reproduction in *Daphnia magna* // Journal of Plankton Research, 2000, 22 (2): pp. 279-285.
6. Мичукова М.В., Канарский А.В., Канарская З.А.. Области использования культуры *Daphnia magna* Str. // Технология и аппараты пищевых производств. 2017. – С. 109-126.
7. Абдиназаров Х.Х. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктони: Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 110.
8. Мухамедиев А.М. Новые виды ветвистоусых (Cladocera, Crustacea) с рисовых полей Ферганской долины // Узб. биол. ж. 1960. – № 3. – С. 35-38.
9. Мирабдуллаев И.М., Гинатуллина Е.Н., Кузметов А.Р., Мусаев А.К., Сапаров К.А., Мустафаева З.А. Планктонные сообщества гидрозкосистем ветланда судочье (Приаралье Узбекистан) // Сборник научных статей. Научные труды Дальрыбвтуза. – Москва, 2016. Том, 39. – С. 38 – 48.
10. Холматова Н., Урманова Г., Кузметов А. Шохдормўйловли қисқичбақасимонларни кўпайтиришнинг айрим усуллари // Ўзбекистон хайвонлар биохилма-хиллигини сақлашнинг назарий ва амалий муаммолари республика илмий конференция материали. – Тошкент, 2013. – Б.88-89.

РЕЗЮМЕ

Дафниянинг кўпайиши ва партеногенез даврининг узок бўлиши сув муҳити ва ундаги озука манбасига боғлиқ. Қорамол, от ва парранда гўнглари органик таркиби бўйича бир-биридан фарқ қилиб, дафниянинг кўпайиш биомассасига таъсир қилди. Тажриба давомида озука муҳитига қараб дафния тана ҳажмининг катталашиши ўрганилди.

РЕЗЮМЕ

Размножение дафнии и продление партеногенеза зависят от водной среды и источника питательных веществ в ней. Органический состав помета крупного рогатого скота, конского и птичьего помета значительно отличается, влияя на биомассу дафнии. В ходе экспериментов размеры дафнии увеличивались в зависимости от питательной среды.

SUMMARY

For breeding daphny and prolongation of parthenogenesis depend on the aquatic environment and the source of nutrients in it. The organic composition of cattle, horse and bird droppings varied significantly, affecting the daphnia biomass. During the experiments, the sizes of daphnia increased depending on the nutrient medium.

Наширға проф. А.Э.Кучбоев тавсия этган

ЭКОЛОГИЯ НЕМАТОД РОДА *METASTRONGYLUS* MOLIN, 1861 – ПАЗАРИТОВ ДИКОГО КАБАНА УЗБЕКИСТАНА

Рузиев Б.Х. (КарГУ), Кучбоев А.Э., Каримова Р.Р. (Институт зоологии АН РУз)

Ключевые слова: нематода, метастронгилы, дикий кабан, дождевые черви, интенсивность инвазии, экстенсивность инвазии.

Таянч сўз ва иборалар: нематода, метастронгиллар, ёввойи чўчқа, ёмгир чувалчанги, инвазия интенсивлиги, инвазия экстенсивлиги.

Key words: nematoda, metastrongylus, wild boars, earthworms, the intensity of infection, extent of infection

Введение

В настоящее время из-за ряда паразитарных болезней в животноводческих и охотничьих хозяйствах имеет место снижение ряда количественных и качественных показателей животных. В этом плане интересно проводить исследования по экологии нематод рода *Metastrongylus* Molin, 1861, встречающихся на территории Узбекистана. Имеющие материалы по этим нематодам имеют фрагментарный характер и отражены в работах ряда авторов [1, 3, 6, 7]. Паразиты дикого кабана в Узбекистане изучены недостаточно

Среди беспозвоночных животных существенная роль в эпизоотологии ряда гельминтозов, в том числе метастронгилидозов, принадлежит дождевым червям. Однако их роль в циркуляции метастронгил в условиях Узбекистана не изучена.

С этой точки зрения, целью наших исследований является изучение экологии и жизненных циклов видов рода *Metastrongylus* Molin, 1861 в условиях Узбекистана.

Материал и методы исследований

В 2012-2020 гг. в Институте зоологии АН РУз были подвергнуты гельминтологическому вскрытию легких 33 диких кабана (отстрелянных и павших), исследованы 46 проб их фекалий (с мест ночлега и кормежки), доставленных из горных, предгорных и равнинных поясов Ташкентской, Джизакской и Кашкадарьинской областей. Для изучения видового состава метастронгил использовались работы В.Л.Контримавичус и др. [2]. Морфология половозрелых и личиночных нематод изучалась в режиме проходящего света микроскопа ML 2000 (Meiji, Япония) с цифровой камерой.

Исследовано 438 экземпляров дождевых червей как промежуточных хозяев метастронгил. Сбор дождевых червей проводили в арчевых лесах возле родников и камышовых зарослей – мест лежбищ и питания диких кабанов - на территории юго-западных отрогов Чаткальского хребта (Ахангаранский район), Далверзинского гослесохозяйства (Бекабадский район) Ташкентской области, заповедника «Заамин» Бахмальского района Джизакской области и заповедника «Гиссар» Шахрисабзкого района Кашкадарьинской области.

Дождевых червей собирали и исследовали по методу И.И.Малевича [8]. Наличие личинок метастронгилид определяли компрессорным методом.

Результаты исследований

По результатам исследований, у дикого кабана Узбекистана обнаружено три вида нематод из рода *Metastrongylus* Molin, 1861:

Metastrongylus elongatus Dujardin, 1846

M.pudentotectus Wostokov, 1905

M.salmi Gedoelst, 1923

В условиях естественного заражения метастронгилы встречаются в ассоциативной форме, т.е. животное заражается несколькими видами гельминтов.

Ниже приведены результаты научно-исследовательских работ по степени зараженности дикого кабана метастронгилами в различных природных зонах Узбекистана и сезонам года (таблица 1).

Табл. 1.

Зараженность дикого кабана метастронгилами в природных зонах Узбекистана

Зона	Обследовано животных	Видовой состав метастронгил и степень инвазированности								
		<i>Metastrongylus pudentotectus</i>			<i>Metastrongylus salmi</i>			<i>Metastrongylus elongates</i>		
		Заражено	ЭИ, %	ИИ, экз.	Заражено	ЭИ, %	ИИ, экз.	Заражено	ЭИ, %	ИИ, экз.
Горная	9	6	66,6	192±9,0	6	66,6	101,6±7,7	6	66,6	69,5±6,2
Предгорная	11	8	72,7	160,3±8,4	7	63,6	66,4±6,9	8	72,7	63,3±4,5
Равнинная	13	12	92,3	130,7±5,8	11	84,6	56,4±4,3	11	84,6	49,6±4,2

Примечание: ЭИ – экстенсивность инвазии ИИ – интенсивность инвазии

Из материалов, представленных в таблице 1, видно, что заражение дикого кабана происходит, преимущественно, в равнинных зонах.

Экстенсивность инвазии *M.pudentotectus* составила 92,3%, *M.salmi* и *M.elongatus* – по 84,6%, а интенсивность инвазии по видам – в горной зоне в среднем 192; 101,6 и 69,5 экз., соответственно. При этом максимальная ЭИ и ИИ приходятся на вид *M.pudentotectus*.

Степень зараженности животных по сезонам года колеблется в пределах 50-92,3%, а интенсивность инвазии - в среднем от 75 до 506,5 экз.

Необходимо отметить, что наиболее высокая степень ЭИ животных метастронгилами составила: осенью – 92,3% и зимой 88,8%, а ИИ – осенью (506,5 экз.) и весной – 358,8 экз., летом она была минимальной и составила 75 экз. (таблица 2).

Табл. 2.

Сезонная динамика зараженности дикого кабана метастронгилами

Сезоны года	Обследовано животных	Инвазировано	ЭИ, %	ИИ, экз.
Весна	5	4	80	461 ± 15,9
Лето	6	3	50	75 ± 12,4
Осень	13	12	92,3	506,5 ± 9,1
Зима	9	8	88,8	358,8 ± 8,5

Возрастная динамика ЭИ метастронгил колеблется в пределах 78,5-80,0%, а интенсивность – 326-348,2 экз. (таблица 3).

Табл. 3.

Возрастная динамика зараженности дикого кабана метастронгилами

Животные	Обследовано голов	Заражено голов	ЭИ, %	ИИ, экз.
Молодняк	5	4	80,0	326 ± 12,9
Взрослые	28	22	78,5	348,2 ± 12,9
Всего	33	26	79,2	337,1

Гельминтологическим исследованиям подвергнуто 6 видов дождевых червей (*Apporectodea caliginosa trapezoides*, *A.jassyensis*, *Eisenia fetida*, *Dendrobaena veneta*,

D.byblica, *Octolasion lacteum*), из них 3 вида: *A.caliginosa trapezoides* (16,6 %), *Eisenia fetida* (12,8 %) и *Octolasion lacteum* (10,4 %) оказались зараженными личинками метастронгил (таблица 4).

Следует отметить, что эти виды дождевых червей впервые отмечаются как промежуточные хозяева метастронгил в условиях Узбекистана. Обнаружение личинок *Metastrongylus* sp. у дождевых червей свидетельствует о наличии на данной территории у кабанов метастронгилезной инвазии.

Табл. 4.

Зараженность дождевых червей личинками метастронгил

Вид дождевого червя	Исследовано	Заражено личинками <i>Metastrongylus</i> sp.	
		ЭИ	%
<i>Apporectodea caliginosa trapezoids</i>	96	16	16,6
<i>Apporectodea jassyensis</i>	46	-	-
<i>Octolasion lacteum</i>	48	5	10,4
<i>Eisenia fetida</i>	64	8	12,8
<i>Dendroboena vendetta</i>	96	-	-
<i>Dendroboena byblica</i>	88	-	-

В заключение следует констатировать то, что высокая зараженность кабанов зависит их образа жизни, условий угодий и наличия миграций.

Заражение кабанов метастронгилами происходит преимущественно в равнинных зонах. Степень экстенсивности инвазии метастронгилами дикого кабана по сезонам года колеблется в пределах 50-92,3%, а интенсивность инвазии в среднем от 75 до 506,5 экз. Интенсивное заражение метастронгилами кабанов в осеннем сезоне является результатом высокой инвазированности дождевых червей летом. В качестве промежуточных хозяев зарегистрированы три вида лямблицид: *A.caliginosa trapezoides*, *Eisenia fetida* и *Octolasion lacteum*.

Список литературы

1. Каримова Р.Р., Кучбоев А.Э., Умаров Д.К. Легочные нематоды диких млекопитающих Узбекистана // Актуальные проблемы изучения и сохранения животного мира Узбекистана: Матер. респ. науч. конф., посвященной 60 летию Института зоологии АН РУз. – Ташкент, 2011. – С. 87.
2. Контримавичус В.Л., Делямуре С.Л., Боев С.Н. Основы нематодологии // Метастронгилоидеи домашних и диких животных. – М.: Наука, 1976, т. 26. – 239 с.
3. Кошанов Е.К. Гельминты диких млекопитающих Узбекистана: автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1972, – 36 с.
4. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975, – 184 с.
5. Султанов М.А., Муминов П.А., Сарымсаков Ф.С., Гехтин В.И., Кабилов Т.К., Давлатов Н., Тухманянц А.А., Шахурина Е.А., Зимин Ю.М., Кошанов Е.К. Паразитические черви животных Ферганской долины. – Ташкент: Фан, 1971, – 266 с.
6. Шаполатов Ж.Ш. Гельминтозы свиней, их эпизоотология и меры борьбы с ними в условиях Самаркандской области: автореф. канд. дисс. – Самарканд, 1965. – С. 25.
7. Шаполатов Ж.Ш. Паразиты свиней в Узбекистане (гельминты). – Ташкент: Узбекистан, 1979, – 118 с.
8. Малевич И.И. Собираение и изучение дождевых червей-почвообразователей. – М.: Изд-во АН СССР, 1950, – 40 с.

РЕЗЮМЕ

Высокая зараженность кабанов метастронгилами зависит их образа жизни, условий угодий и наличия миграций. Заражение кабанов метастронгилами происходит преимущественно в равнинных зонах. Степень экстенсивности инвазии дикого кабана по сезонам года колеблется в пределах 50-92,3%, а интенсивности инвазии в среднем 75-506,5 экз. Интенсивное заражение кабанов в осеннем сезоне является результатом высокой инвазированности дождевых червей в летнем сезоне. В качестве промежуточных хозяев отмечены *A.caliginosa trapezoides* (1,7%), *Eisenia fetida* (4,6%) и *Octolasion lacteum* (1,4%).

РЕЗЮМЕ

Ёввойи чўчқаларнинг метастронгиллар билан юқори даражада зарарланганлиги бу ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи ва миграцияси билан боғлиқдир. Ёввойи чўчқалар метастронгиллар билан асосан пасттексислик зонасида зарарланади. Инвазия экстенсивлиги йил фаслларига қараб ўзгариб туради ва ўртача 50-92,3% ни, инвазия интенсивлиги эса ўртача 75-506,5 экз. ни ташкил этади. Ёввойи чўчқаларнинг куз мавсумида юқори даражада зарарланиши ёмғир чувалчанглариининг ёз мавсумида ушбу нематода личинкалари билан интенсив зарарланганлиги натижасидир. Мазкур гельминтларнинг оралик хўжайини сифатида ёмғир чувалчанглариининг *A.caliginosa traperoides* (1,7%), *Eisenia fetida* (4,6%) ва *Octolasion lacteum* (1,4 фouz) каби турлари кайд этилди.

SUMMARY

High infestation of wild boars with metastrongylus depends on their lifestyle, environment and land availability migration. Infection of wild boars with metastrongyl occurs mainly in lowland zones. The degree of extent of infestation of wild boar seasons of the year varies between 50-92,3 %, and the intensity of infestation of 76 - 506,5 pieces. The intensity of infection in boars is the result of the fall season infection earthworms in the summer season. As intermediate hosts are marked *A.caliginosa traperoides* (1,7%), *Eisenia fetida* (4,6%) and *Octolasion lacteum* (1,4%).

МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ҚАРШИ ШАҲРИ ТАРИХИЙ
ГЕОГРАФИЯСИ ХОРИЖ САЁХАТЧИЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Каримов Б.Д. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: мангит, сақлов дарвозаси, Чорсу, Регистон, Сардоба гумбази, верст, “Қаландархона”, Керки, Бухоро дарвозаси, Амир Темур дарвозаси.

Ключивые слова: мангит, ворота для хранения, Чарсу, Регистан, купол сардобы, верст, “Каландер-хане”, Керки, Бухарские ворота, ворота Амир Темура.

Keywords: mangit, storage gate, Charsu, Registan, sardaba dome, verst, “Kalander-xane”, Kerki, Bukhara gate, gate of Amir Temur.

XVIII аср иккинчи ярмидан 1920 йилгача Манғитлар сулоласи даврида Бухоро амирлигининг қўшни давлатлар билан алоқалари сезиларли ривожланган бир паллада, амирлигининг марказий шаҳарларидан бири Қарши шаҳри шарқий ва ғарбий Бухоро шаҳарларини боғловчи ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб келган. Қарши шаҳрининг географик жиҳатдан қулай ва муҳим савдо йўлида жойлашганлиги, Бухоро амирлигини қўшни - Афғонистон, Эрон каби давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар олиб боришига имконият яратган. Шунингдек, шаҳар ҳарбий стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашганлиги сабабли, Россия империясининг ҳарбий нуқтаи назардан диққат марказида бўлиб келган.

Қарши шаҳрига турли йилларда ташриф буюрган рус ва бошқа тадқиқотчилар шаҳарнинг тузилиши, географик жойлашуви масаласида турли маълумотларни келтириб ўтишган.

1841-1842 йилларда Бухоро амирлигига бир қатор элчилар билан муҳим топшириқларни бажариш учун ташриф буюрган шарқшунос Н.Хаников ўзининг “Бухоро хонлиги тавсифи” асарида Қарши шаҳри тузилиши тўғрисида тўхталиб: “Шаҳар умумий марказга эга бўлиб, 3 та девор билан ўраб олинган. Биринчиси, ўрдани эски шаҳардан, иккинчиси, эски - шаҳар, яъни кўрғонни, учинчиси эса янги шаҳар - қалъани ўраб олган”, - деб тасвирлайди. [1:108] Қарши шаҳри тузилиши жиҳатидан Ўрта Осиё шаҳарларига хос тарзда уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳар ўрдаси нотўғри тўртбурчак кўринишидаги девор билан ўралган бўлиб, битта Сақлов дарвозага эга эди. Ўрда 2,5 га майдонни эгаллаган ва катталиги бўйича Шаҳрисабз ўрдаси ҳамда Бухоро аркидан каттароқ бўлган. [2: 33]

1879 йилда шаҳарга ташриф буюрган Н. Маев эса шаҳар ҳозир Хаников давридаги мавжуд деворлардан анча ташқарига силжиганлигини, учинчи деворлардан ном-нишон йўқлигини, шаҳар катта эмаслиги боис, бир неча соатда унинг барча эгри - бугри ва тор кўчаларини айланиб чиқишга улгурганлигини таъкидлайди. “Икки тарафда бозор катта кўча Чорсу орқали тўғри тўрт бурчак шаклидаги Регистонга олиб чиққан. Регистоннинг икки қарама-қарши томонида Абдуллахон мадрасаси ва Катта Жомеъ масжиди жой олган. Регистонга бутун шаҳарнинг жон томири бўлган тўртта кўча келиб қўшилади. Уларнинг биридан юриб, Гули мадрасаси ёнидан ўтсангиз яқингинада қурилган Шермухаммад мадрасасини кўрасиз. Ундан яна сал юрилса, Ўрда ёки Арк дарвозаси жойлашган бошқа майдонга чиқиб қоласиз “, деб тасвирлаб берган. [3:№24; 65]

1894 йилда шаҳарда бўлган Б. Литвинов кундаликларида: “Жанубдан катта Керки йўли бўйлаб Қарши боғлари 3 верст масофага чўзилиб кетган. Кенг ва камоннинг ўқидай тўппатўғри (кенглиги 50 сажен) бозор жойлашган кўчага чиқиш учун чапдан еттита ва ўнгдан саккизта кесишган кўчани босиб ўтиш керак, кескин ўнгга қайрилганда катта ёпиқ бозорга дуч келасиз. Унинг чап тарафидан баъзи жойларини қабристон туртиб чиққан. Бозорнинг узунлиги 0.5 верст ва бу бозор кўча шаҳар девори дарвозасига бориб тақалади. Шу жойдан кўча ажралиб, бир верстга яқин ўнгга ва чапга қайрилади. Шаҳар марказида жойлашган “элчихона”га боргунингизча чапдан бешта ва ўнгдан ҳам шунча кўча унга келиб қўшилади. Бу ерда энг зич жойлашган иморатлар кўрғонда-шаҳарнинг энг обрўли кишилари ва боёнлари яшайдиган қисмидир”, деб таърифлайди. Қарши нотўғри, эгилган, синиқ ва умумий марказга

эга тўртта девор билан ўралган. Марказида тўртта мадраса, хаммом, масжид жойлашган майдон, тўражон ва бекнинг ўрдаси бор. Ўрда гиштин минорали девор ва ёпиқ йўлаклар билан қуршалган. Бутун шаҳарнинг маркази мана шу,”- деб тасвирлаган.[3№115; 67]

1863 йилда Қаршига ташриф буюрган Ҳерман Вамбери шаҳар ҳақида муфассал маълумотларни келтириб, шаҳарнинг девори бўлмаганлиги сабабли, кўприкдан ўтишинг биланок, шаҳарга келиб қолганингни ҳис қиласан, деб таъкидлайди. [9:162]

Шунингдек, Ҳ. Вамбери Қарши шаҳрида дам олиш жойини нафақат Самарқандда, ҳатто Эронда ҳам учрамайдиган, “Қаландархона” деб аталадиган каттакон боғни ҳайратланиб тилга олади.

Бухоро амирлигининг савдо ва иқтисодий алоқаларида Қарши муҳим ўрин тутган. Чунки бу салоҳиятли шаҳар ҳам йирик қарвон йўлларининг кесишган чорраҳасида жойлашган эди. Хитой, Еттисув ва Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари Хуросон, Эрон билан Бухорони Афғонистон ва Ҳиндистондаги савдо шаҳарлари билан боғловчи қарвон йўллари бутун сўнгги асрларда Қарши орқали ўтганлиги шаҳарнинг савдо маркази сифатида юксалтирган.

Қаршида мавжуд бўлган бозорлар ҳақида фикр юритганда, XVIII аср ўрталаридаёқ катта аҳамиятга эга бўлиб келган мол бозори муҳим аҳамият касб этади. Бу бозорда ҳатто Амударё бўйларида яшовчи туркманлар ҳам ўз қўйларини ва машҳур туркман отларини сотиш учун олиб келишган. Манбаларда Қаршидаги жун ва жундан тайёрланган маҳсулотлар сотиладиган савдо расталари катта майдонни эгаллаганлиги қайд этилади [1:109].

Қарши атрофидаги, яъни ўтроқ араблар томонидан етказиб бериладиган қорамол терилари Қарши бозорида йиғилиб, у ердан Бухоро орқали Россияга олиб чиқилган. Қарши шаҳри куйи Қашқадарёдаги барча чорвадорлар учун энг асосий савдо маркази ҳисобланган.

1894 йилги маълумотларга кўра, савдо ва хунармандчилик Қаршига ўша давр нарҳида 1 млн. 800 минг сўмлик қўшимча соф фойда келтирган.

Қарши бозори орқалигина кўплаб пахта, қуруқ мева, ипак, тамаки чиқарилган. П.И.Демезон Қарши тамакисини аъло навга эга эканлиги ҳам алоҳида таърифлаган.[8:524]

Қарши шаҳри катта қарвон йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги туфайли бу йўл орқали воҳа шарқ ва ғарб, жануб ва шимолий ўлкалар ва мамлакатлар билан доимий алоқада бўлган.

Шу боис Қарши Бухоро шаҳрининг савдо-сотик, иқтисодий ва маданий алоқаларида асосий ўринлардан бирида турган. Хитой, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларини Хуросон ва Эрон билан ҳамда Бухоро шаҳрини Афғонистон ва Ҳиндистондаги савдо шаҳарлари билан боғловчи қарвон йўллари сўнгги ўрта асрлар давомида Қарши орқали боғланувчи йўл бўлган. Бухоро шаҳри дарвозаларидан ҳамда қарвонсаройларидан бири Қарши номи билан аталиши бежиз эмас, албатта. Ўз навбатида Қарши шаҳри дарвозаларидан бири ҳам Бухоро дарвозаси деб аталган. Амирлик бошқарув тизимида ҳам қаршилиқ амалдорларнинг нуфузи анча баланд бўлган.

XVIII аср ўрталарида Қарши йирик савдо шаҳри бўлиб, кўрғоннинг барча бош кўчаларида савдо дўконлари фаолият кўрсатган, лекин уларнинг асосий қисми шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган.

Самарқанд жанубидаги халқаро савдо йўли ҳам Насаф ва Кеш орқали ўтган. Фарғона, Тошкент воҳаси ва Самарқанддан чиққан қарвонлар Жом дашти орқали Насафга келишган. Бу ердан Келиф, Керки ёки Амир Темур дарвозаси орқали Термизга элтувчи йўлларга боғланган. Насаф Термиз савдо йўли Субаҳ, Киндик қишлоғи ва Темир дарвоза орқали ўтган. Киндик қишлоғи Насафдан уч кунлик йўл масофада жойлашган бўлиб, бу ерда Самарқанддан Кеш орқали келувчи савдо йўли Насаф Термиз савдо йўлига қўшилиб кетган. [10:77-79]

XVIII асрнинг охирида, Ҳайдар Тўра Қаршига ҳокимлиги вақтида, кўрғондан ташқарида савдо дўконлари қуришни тақиқловчи фармон чиқаради. XIX асрнинг бошларига келиб, Қарши шаҳар аҳолиси кўпайиб, худуди кенгайганлиги боис бу фармон ўз-ўзидан бекор қилинади. Аста-секин кўрғон атрофида ўз бозорларига, савдо дўконларига эга бўлган янги шаҳар пайдо бўлади, кўрғон эса “эски шаҳар” номини олади.

Ўрта Осиё шаҳарлари аҳолисининг асосий қисми бевосита савдо-сотик билан машғул бўлишганлиги сабабли, Қуйи Қашқадарё воҳасидаги йирик савдо марказлари Қаршидан ташқари Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ каби шаҳарларда ҳам мавжуд бўлган. Бу шаҳарлар бир-бирлари, катта бозорлар ҳамда атрофдаги қишлоқлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаб борган.[11:97] Шу ўринда фикримизнинг исботи сифатида Н.Маевнинг Қарши ҳақида билдирган фикрларини келтириб ўтиш жоиздир. Муаллиф Қарши шаҳар сифатида маъмурий жиҳатдан эмас, кўпроқ савдо-сотик йўлари учун қулай географик жойлашган шаҳар бўлгани учун тез тараққий этаётганлигини қайд этади: “Қарши кўчаларидан айланиб ўтсангиз шовқинли бозорда ҳамиша ишлаб турган ва нима биландир банд одамларни кўрасиз. Бу ерда сиз юзидан муғомбирлик билиниб турган тожикни ҳам, ўзбекни ҳам қўй жунидан тайёрланган катта қора телпак кийиб олган дашт фарзанди туркманни ҳам кўрасиз”,-дея таъкидлайди у.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, шаҳарга ташриф буюрган барча сайёҳ ва тадқиқотчилар Қарши шаҳрининг қулай тарихий географик ҳудудда жойлашуви сабаб, улкан дашту чўл ҳудуди зонасидаги ягона йирик савдо маркази сифатида аҳамиятга эга бўлганлигини (шаҳар атрофидаги ҳудудларларда яшайдиган туркманларнинг бозорига ва улкан Бухоро бозорининг энг муҳим транзит масканига айланган), шаҳар ўзининг бозори билан аллақачон девордан ташқарига чиқиб, шаҳар аҳолисининг ўсиб борганлиги, Бухородан шарққа ва жануби-шарққа қараб кетаётган ҳар бир нарса Қаршини четлаб ўта олмаслиги, шу сабабли шаҳар Бухоро шаҳарларига нисбатан тез ўсиб бораётганлиги, айниқса, муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, яъни шаҳар Бухоро водийсини Шаҳрисабз ва Ҳисор билан боғлаб турувчи Бухоро амирлигидаги муҳим аҳамиятга эга шаҳар эканлиги, Қарши шаҳри амирликнинг йирик савдо хунармандчилик маркази сифатида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С. 108.
- 2.Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 33.
- 3.Маев Н. Город Карши. Туркестанские ведомости, 1879. – №24.
4. Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 65 бет.
4. Маев Н. Бухоро хонлиги очерклар. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 44 б.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи. – Т., 1973. – С. 73.
6. Литвинов Б. Карши. Туркестанские ведомости. 1910 г. – № 115. Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 67 б.
- 7.Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80-е годы XIX в). – Т., 1990. – С. 23-24.
8. Равшанов П. Қарши тарихи. – Т.: Янги аср авлоди., 2006. – Б. 523–524.
- 9.Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990. – 162 б.
10. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. –Т.: Академия, 2004. – Б. 77-79.
11. Ҳасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги (XVI-XIX асрлар). – Т.: Ворис, 2019. – Б. 97 .

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Манғитлар ҳукмронлиги давридаги Қарши шаҳрининг тарихий географияси, жойлашуви, шаҳарнинг географик жиҳатдан қулай ва муҳим савдо йўлида жойлашганлиги, Бухоро амирлигини қўшни - Афғонистон, Эрон каби давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар олиб боришга имконият яратган шаҳар эканлиги асосланган. Қарши шаҳрига турли йилларда ташриф буюрган рус, инглиз ва бошқа тадқиқотчилар (Н. Хаников, Н.Маев, Б.Литвинов, А. Борнс, П. Демезон, Ҳ.Вамбери ва бошқа) шаҳарнинг тузилиши, географик жойлашуви масаласидаги турли маълумотлар таҳлил этилиб, шаҳарнинг тарихий географияси шарҳланди.

РЕЗЮМЕ

Статья, основываясь на данных исторической географии, описывает расположение города Карши во времена правления Мангытов как географически удобное на важном торговом пути, который позволил Бухарскому эмирату установить всеобъемлющие отношения с соседними странами, такими как Афганистан и Иран. Российские, английские и другие исследователи (Н. Хаников, Н. Маев, Б.

Литвинов, А. Борнс, П. Демезон, Х. Вамбери и др.), посетившие Карши в разные годы, проанализировали различные данные о его структуре и географическом положении, прокомментировали историческую географию города.

SUMMARY

This article is based on the historical geography, location of the city of Karshi during the reign of the Mangits, its geographically convenient and important trade route, the city of Bukhara, which allowed the Emirate to establish comprehensive relations with neighboring countries such as Afghanistan and Iran. Russian, English and other researchers (N. Khanikov, N. Maev, B. Litvinov, A. Borns, P. Demezov, H. Vamberi and others) who visited Karshi in different years analyzed various data on the structure and geographical location and the historical geography of the city was commented.

Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

Тошов К.Т. (ТерДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *уруш йиллари, фронт орти, қишлоқ хўжалиги, мутахассис, оташин қаҳриқлар, хомашё, пахтачилик, чорвачилик, пиллакор, озиқ-овқат, орден ва медаллар, захиралар.*

Ключевые слова: *годы войны, тыл фронта, сельское хозяйство, специалист, призывы, сырьё, хлопководство, животноводство, шелководство, продукты питания, ордена и медали, запасы.*

Key words: *years of war, front of the front, agriculture, specialists, calls, raw materials, cotton growing, animal husbandry, sericulture, food products, ordens and medals, stocks.*

Иккинчи жаҳон уруши шароитида кўпгина соҳалар сингари Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигини ҳарбий изга солиб, қайта қуриш ишини амалга оширишда қатор қийинчиликлар юзага келди. Албатта, ушбу қийинчиликларни вилоят аҳлининг метин иродаси, чексиз сабр-бардоши, мардонавор меҳнати енгиб чиқди. Асосан пахтачиликка ихтисослашган вилоят дехқончилигида пахтадан ташқари дон, картошка, қанд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга катта эътибор берилди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида қатор муаммо ва қийинчиликлар юзага келди. Аввало, техника ва минерал ўғитларнинг етишмаслиги, малакали мутахассисларнинг йўқлиги ҳамда кўплаб йигитларнинг фронтга сафарбар қилиниши эса ишчи кучининг танқислигидан иборат эди. Лекин вилоятнинг меҳнатсевар халқи бу қийинчиликларни имкон қадар енгиб, фронт учун кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноат учун эса кўплаб хомашё етказиб беришга эришдилар. Йигитларнинг фронтга кетиши муносабати билан жойлардаги бутун иш аёллар, ўсмир болалар, қолаверса, қарияларнинг зиммасига тушди.

Ўша машҳум уруш йиллари кўплаб аёллар фронтга кетган эркакларнинг ҳамда ўзларининг ўрнига ишлашига тўғри келди, шунингдек, улар техника сирларини ўрганишга ва фронтга кўплаб қўшимча маҳсулот етказиб беришга азми қарор қилдилар. Кўплаб шижоатли аёллар трактор рулини тутди, яна кўплаб ташкилотчи аёллар эса раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатдилар, мисол учун вилоят бўйича 527 нафар хотин-қиз қишлоқ кенгашлари раиси ва жамоа хўжаликларининг раиси ўринбосарлари каби вазифаларда фаолият юритди [1].

Яна шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтиш лозимки, ўша даврда даладаги ишларнинг барчаси қўлда бажариларди. Уруш бошланган даврда МТС ларда 850 га яқин трактор бўлиб, тракторлар вилоят миқёсидаги 197 минг 300 гектар ердаги қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бера олар эди. Уруш бошланиши муносабати билан ёқилғи ҳамда эҳтиёт қисмларнинг танқислиги натижасида ишлаб турган кўплаб тракторлар тўхтаб қолди. Қийинчиликлар эвазига вилоят дехқонларининг мардонавор меҳнатлари натижасида 1,4 минг гектар ерга экилган донли экинлардан 573718 центнер ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектарига 5,3 центнерни ташкил қилди, шунингдек, вилоятнинг ноз-неъмат бунёдкорлари ўша йили 847 гектар ердан 62010 центнер сабзавот, 264 гектар ердан 8475 центнер картошка ҳамда 5,5 гектар ердан эса 7750 центнер ҳар хил мевалар етиштириб олдилар.

Вилоят меҳнаткашлари далаларда иш унумини ошириш учун ўзаро мусобақаларни авж олдириб юбордилар. Масалан, Сариосиё тумани “Тортувли” кишлоқ кенгашига қарашли «Ғалаба» жамоа хўжалиги аъзоси И. Қурбонова 1942 йилда 400 меҳнат куни ишлаган бўлса, 1943 йилда 600 меҳнат куни ишлашга эришди. Шеробод тумани МТСнинг О. Илҳомов бошлиқ тракторчилар бригадаси аъзолари 600 гектардан иборат ер ҳайдаш режасини 800 гектар қилиб бажардилар ва 300 гектар ерга ғалла эқдилар. Ишларни амалга ошириш мобайнида МТС тракторчилари томонидан 750 кг ёнилғи тежалди. Бригада тракторчиларидан С.Рўзиёев ва Р.Холлиевлар алоҳида ўрناق билан ишлаб, ер ҳайдаш режасини 350-400 фоизга бажардилар [3].

Воҳа ёшлари фронтча ишлаш бир ойлигида 192 та трактор, 660 та сеялка ва бошқа кишлоқ хўжалиги асбобларини таъмирлашди ҳамда 129 минг сўмлик ҳар хил эҳтиёт қисмлари тўпланди. Жарқўрғон тумани МТСнинг тракторчилар бригадаси аъзолари ер ҳайдаш режасини 143 фоизга, пахта экиш режасини эса 195 фоизга бажардилар. Умуман олганда, воҳа ёшларининг 18633 нафари Охунбобоев хотирасига ўтказилган фронтча ишлаш ойлигида фаол қатнашдилар [4]. Воҳа меҳнаткашларининг мардонавор меҳнатлари натижа-сида 1943 йилда деҳқончилик соҳасида кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди. Вилоят ғаллакорлари 1943 йилда давлатга 223 минг тонна дон топширдилар, бу эса 1941 йилдагига нисбатан 43000 центнер кўпроқ дон маҳсулотларини ташкил қиларди [5].

Воҳа пахтакорлари урушнинг биринчи йилида ҳар гектар ердан 17,1 центнердан пахта етиштириб, давлатга 698658 центнер пахта топширдилар [7]. 1943 йилга келиб пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига жамоа хўжаликларида эса 7,2 центнер, давлат хўжаликларида 5,4 центнерга тушиб қолди. Оқибатда вилоят пахтакорлари уч йил мобайнида давлатга 39223 тонна пахтани кам берди [8], вилоятда пахта топшириш режаларининг бажарилмай қолиши ва ҳосилдорликнинг камайиб кетишига олиб келган сабаблар бор эди. Албатта, аввало воҳа пахтакорлари кўпчилигининг урушга кетиши муносабати билан далаларда меҳнат қиладиган ишчи- хизматчиларнинг сони ниҳоятда камайиб кетди. Масалан, биргина 1943 йилда пахта майдонларининг ҳажми 1942 йилдагига нисбатан 6095 гектарга қисқариб кетди, урушнинг бошланиши билан пахтакорларга мунтазам келтириб турилган техника ва ўғитлар келтирил-май кўйди.

Вилоятда 1944 йил давомида вилоят жамоа хўжаликларида ёшларнинг ташаббуси би-лан 134 та клуб ташкил қилиниб, клубларда 670 нафар тарғиботчи омма ўртасида тушунти-риш ишларини олиб бордилар. Вилоятда ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш мақсадида 1944 йил 10 июнидан 10 июлигача вилоят ёшлари ташаббуси билан пахта далаларида зарб-дорларча ишлаш ойлиги ўтказилди. Ушбу ойликда вилоят бўйича 3450 ёш ва 4472 ўспирин фаол қатнашди, шижоатли ёшлар томонидан пахта далаларида ишлаш учун 464 звено ва 157 бригада тузилди. Ўтказилган зарбдор ойлигида ёшлар кучи билан вилоятдаги 4789 гектар ердаги ғўза сифатли чопиқ қилинди, 6842 гектар ердаги ғўза эса культивация қилинди ҳамда тракторлар учун 279 дона эҳтиёт қисмлар йиғилди. Зарбдорчасига ишлаш ойлигида шижоат-кор ғайратли ёшларнинг 3282 нафари кунлик режани 1,5-2 баравар қилиб бажардилар [9].

Термиз туманидаги Паттакесар кишлоқ кенгашига қарашли Тўрахўжаев номли жамоа хўжалигининг пахтачилик звеноси бошлиғи Марям Худойназарова ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашни қиздириб юборди. Ушбу жамоа хўжалигининг кўп минг килограммчи теримчиси И.Қиличева бир мавсумда 4000 кг пахта терди. Шеробод тумани «Социализм» жамоа хўжалиги илғор теримчиси К.Турдимуродова мавсум давомида 3500 кг пахта теришга муваффақ бўлди.

Пахта ҳосилини йиғиб олишда ўқувчи ёшларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор, вилоят ёшларининг кучи билан пахта теримида кишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини жойлаш иши-да 741 арава таъмирланди ва 25685 дона қоп тикилди, 4633 ёшлар эса кунлик пахта териш режасини 2-3 баравар қилиб бажардилар. 1944 йил вилоят ўқувчилари кучи билан 7373 тонна пахта териш олинди. Бу вилоят бўйича 1944 йилги пахта мавсумида давлатга топширилган пахта ҳосилига нисбатан 6099 тонна кўп эди. Натижада давлат қабул пунктларига вилоят

пахтакорлари 1944 йилдагига нисбатан 1945 йилда 4500 тонна кўп пахта топшириб, душман устидан қозонилган ғалабани ўз меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар [10].

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришдаги муносиб хизматлари учун вилоятнинг бир гуруҳ пахтакорлари давлат ордени ва медалларини олишга муваффақ бўлдилар. Узун туманидаги Ворошилов номли жамоа хўжалиги раиси Самат Курбонов ва Шеробод туманидаги «Қизил қаҳрамон» жамоа хўжалиги пахтачилик звеноси бошлиғи Ризвон Умировлар «Ленин ордени» билан тақдирландилар. Вилоятнинг 12 нафар пахтакор ва соҳибкор деҳқонлари «Қизил байроқ» ордени билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасидан Термиз туманидаги «1 Май» жамоа хўжалиги раиси Абдулла Омонов ва Узун тумани МТСнинг директори Улаш Шамиевлар номини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шунингдек, деҳқонлардан 35 нафари эса «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Улар орасида Жарқўрғон туманидаги «Қизил карвон» жамоа хўжалиги раиси Маматқул Азизов ва Термиз туманидаги «Қизил байроқ» жамоа хўжалигининг раиси Очил Ортиқовлар бор эди.

Шундай курслар Жарқўрғон туманида ҳам ташкил этилган бўлиб, ушбу курсни 1943 йил сентябрь ойида 30 нафар хотин-қиз тамомлаб чиқди. 1942 йил 27 январда вилоят ижроия кўмитаси ва вилоят партия кўмитасининг кўчма йиғини бўлиб, йиғилишда вилоят миқёсида 7700 нафар қишлоқ хўжалик ишчилари тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 545 нафар механизатор тайёрланди. Вилоятнинг 213 нафар ўғил-қизлари эса ипакчилик соҳаси бўйича Тошкент ва Бухорода очилган курсларда таълим олиб келдилар. Шу билан бир қаторда Бойсун туманида чорвачилик билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам йўлга қўйилди ва курсни 1943 йил 5 октябрда 24 нафар киши тамомлади, ана шулардан 20 нафари хотин-қизлар эди [11].

Уруш йилларида вилоят пиллакорлари ҳам кўплаб миқдорда ипак етиштириб, алоҳида фидойилик билан меҳнат қилдилар. Уруш йилларида вилоят пиллакорлари давлатга 350 тонна пилла етказиб бердилар, бу даврда вилоятда ажойиб қурт боқар усталар етишиб чиқди. Масалан, Сариосиё туманидаги «Телпакчинор» қишлоқ кенгашига қарашли «Янги рўзғор» жамоа хўжалиги пиллабоқари Аминов Ўринбой ҳар бир қути ипак қуртидан 115 килограммдан ипак топширишга эришди. Пиллачилик соҳасидаги бундай ҳосилдорлик ўша даврда республикадаги энг юқори кўрсаткич эди. Термиз туманидаги «Социализм» жамоа хўжалиги ипакчилик звеноси бошлиғи Т.Аллаева 1943 йилда давлатга 315 кг пилла топширди, топширилган пилла ҳосилининг 148 килограмми 1-сортга қабул қилинди.

Термиз туманининг Молотов номли қишлоқ хўжалик артели пиллабоқарлари пилла топшириш йиллик режасини 255,6 фоизга, «Большевик» жамоа хўжалиги пиллакорлари 142,5 фоизга, «Намуна» жамоа хўжалиги ипакчилари эса йиллик режани 119,1 фоизга бажаришга эришдилар. Ушбу туманнинг «Иттифок» жамоа хўжалигининг ипакчилик бригадаси бошлиғи Тунук Мустафоқулова ҳар бир қути ипак қуртидан 70 кг пилла топширди, вилоят пиллачилигини ривожлантиришда Жарқўрғон ва Шеробод тумани пиллакорларининг алоҳида ҳиссалари бор.

Жарқўрғон тумани «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пиллабоқарлари ҳар бир қути пилла қуртидан 40 кгдан пилла топширди ва режадан ташқари 60 кг пиллани мудофаа фондига топширишди. Шеробод тумани «Оққўрғон» қишлоқ кенгашига қарашли В.И.Ленин номли жамоа хўжалигининг Қундуз Шаханова бошлиқ пиллачилик звеноси пиллабоқарлари 7 қути ипак қуртидан давлатга 238 кг пилла ўрнига 330 кг пилла йиғиб топширдилар. СССР Олий Кенгашининг 1945 йил 1 октябрдаги қарори билан Республикадаги моҳир пиллачилардан 427 киши, шу жумладан, 210 нафар хотин-қиз ордени ва медаллар билан мукофотландилар. Тақдирланганлар орасида сурхондарёлик моҳир пиллакор Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг ипакчилик бригадаси бошлиғи Ҳуринисо Имомалиева ҳам бор эди.

Уруш йилларида чорвачилик соҳаси ҳам энг зарбдор соҳалардан бири эди, чунки жангчилар ҳамда мамлакатнинг тинч аҳолисининг озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш бевосита чорвачилик соҳаси билан боғлиқ эди. Мамлакатдаги ана шу вазиятни ҳисобга олган вилоят чорвадорлари мамлакатга кўплаб миқдорда гўшт, сүт ва сүт

маҳсулотлари, тери, жун ҳамда шунга ўхшаш бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона меҳнатни қиздириб юбордилар. Натижада вилоят миқёсида чорвачиликдан олинаётган маҳсулотлар миқдори ҳамда чорва моллари туёқ сонининг кўпайиши ҳам йилдан-йилга ошиб борди. Жумладан, вилоятнинг Бойсун туманидаги «Халқажар» қишлоқ кенгашига қарашли «Бажарувчи» жамоа хўжалиги чорвадорлари 1941 йилда фермадаги ҳар бир бош совлиқдан 130 тагача кўзи олишга эришдилар [12].

1942 йилда вилоят чорвадорлари давлатга 34000 кг жун топширишб, жун топшириш соҳасида республикада биринчи ўринни эгаллаб, Республика жун тайёрлаш идорасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Вилоят чорвадорлари 1942 йилда ҳам чорва молларининг туёқ сонини кўпайтиришда алоҳида фидокорлик кўрсатиб йирик шохли моллар сонини 34928 бошга, кўй ва эчкилар сонини эса 358304 бошга етказишга муваффақ бўлдилар. 1943 йилда вилоят чорвадорлари қора моллар сонини 1940 йилдагидан нисбатан 12488 бошга кўпайтирдилар, кўй ва эчкилар сонини 414646 бошга етказдилар [13].

Бу даврда мамлакат учун ниҳоятда зарур бўлган йилкичиликни ривожлантиришда муҳим ишлар амалга оширилди ва вилоятда отларнинг сони 34867 бошга етказилди [14]. 1944 йилда Термиз гўшт қобинати ишчи ва хизматчилари йиллик режани 101 фоизга бажаришиб, янги йилгача яна давлатга режадан ташқари 101 тонна гўшт топширдилар [15].

1944 йилда вилоятда чорва молларининг умумий сони 642081 бошга етказилди, шундан 557364 боши кўй ва эчки, 42282 боши эса қора моллардан иборат эди [16]. Вилоят чорвадорлари чорва моллари туёғини урушдан олдингига нисбатан анча кўпайтирдилар, қорамолларни 49 фоизга, қорақўл кўйларни 72 фоизга, бошқа хил кўйларни 38 фоизга, эчкиларни 52 фоизга кўпайтирдилар. Ўша суронли йилларда вилоят чорвадорлари мамлакатга 15000 тонна гўшт, 170000 дона қорақўл тери ва минглаб литр сут маҳсулотлари топширдилар, фронтдаги жангчиларга 300 тонна гўшт ва 30 тонна ёғ жўнатдилар. Уруш йилларида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари ўзига хос синов даврини босиб ўтдилар. Бу йилларда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатга кўплаб миқдорда озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотларини етказиб бердилар.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоят қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари ўша жанговар йилларда фронтчасига меҳнат қилдилар, уларнинг шижоатини уруш даври етишмовчиликлари, йўқотишлари ва танқисликлари қайтара олмади. Улар ёруғ кунлар келишига ишонч билан қараб, қанчалик оғир ва қийин давр бўлса-да, барча қийинчиликларга қарши сабр-бардош, чидам ва матонат билан мардонавор туриб кураш олиб бориб, мамлакатга кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга, фронтда душман билан жон олиб, жон бераётган жангчиларга ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан мадақкор бўлиб турдилар. Урушни ғалаба билан якунлаш, фронт ортини мустаҳкамлаш ишида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг муносиб улуши бор. Уруш йилларидаги фидокорона ва машаққатли меҳнатнинг илҳомчиси халқнинг хоҳиш-иродаси улкан яратувчанлик фаолияти, умумий душманга бўлган нафрати, келажакка ишонч ва эътиқоди асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, “2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бизнинг мард, энгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари бу қонли урушда тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки ҳар доим эъзозлаб ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини тиклаш учун қулай шароитлар яратамиз. Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни – кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса,

ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шахрининг Олмазор туманида мухташам “Ғалаба боғи” бунёд этилмоқда. Хотира ва кадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Илғор Сурхон учун” газетаси, 1944 йил 8 март сони.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 361- фонд, 1 ёзув, 26- иш, 23-24 бетлар.
3. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1943 йил 1 январь сони.
4. “Ленинское знамя” газетасининг 1943 йил 23 май сони.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви 361 фонд, 1 ёзув 36 иш, 23 –24 бетлар.
6. “Ленинское знамя” газетасининг 1943 йил 4- январь сони
7. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 361 фонд, 1 ёзув, 2-иш, 1 бет.
8. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Тошкент: Шарқ, Б.73.
9. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1944 йил 30 июль сони.
10. Саидмуродов Н. Сурхондарё вилояти партия кўмитасининг Улуғ ватан уруши йиллари фаолияти: Тарих фан.номз. ...дисс. автореферати. - Т., 1974. - Б. 25.
11. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1945 йил 15 декабрь сони.
12. “Ленинское знамя” газетасининг 1943 йил 5 октябрь сони
13. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-ёзув, 137-иш, 15-17 бетлар.
14. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 361-фонд, 1-ёзув, 29-иш, 1-бет.
15. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 316-фонд, 1-ёзув, 29-иш, 1-бет.
16. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1945 йил 1 январь сони.
17. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-ёзув, 149-иш, 147 бет.
18. Турсунов С. ва бошқалар. Кўрсатилган асар. -Б.30.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигининг Иккинчи жаҳон уруши шароитига мослаштирилиши, урушни ғалаба билан яқунлашда ва фронт ортини мустаҳкамлаш ишида вилоят қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларининг фаолияти архив материаллари асосида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается состояние сельского хозяйства Сурхандарьинской области в условиях Второй мировой войны, а также излагаются архивные материалы, где демонстрируется деятельность трудящихся по укреплению тыла фронта для быстрого завершения войны.

SUMMARY

The article describes the adaptation of Surkhandarya region agriculture to the benefits of World War II. The work of all the agricultural workers of the region in the victory of the war and the strengthening of the rear is based on archival materials.

Наишга проф. О.Бўриев тавсия этган

СОВРЕМЕННАЯ АФГАНСКАЯ СТРАТЕГИЯ США: ПОЛИТИЧЕСКИЕ ИНСТРУМЕНТЫ И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ

Бурханов Ш.Б. (Самостоятельный соискатель)

Ключевые слова: *международная отношения, геополитическая изменения, конфликт, «Аль-Каида», ООН, США, НАТО, Центральная Азия, Б.Обама, Афганистан, Х.Карзай, Д.Трамп.*

Таянч сўз ва иборалар: *халқаро муносабатлар, геосиёсий ўзгаришлар, зиддият, Ал-қоида, БМТ, АҚШ, НАТО, Марказий Осиё, Б. Обама, Афғонистон, Х. Карзай, Д. Трамп.*

Key words: *international relations, geopolitical changes, conflict, al-Qaeda, UN, USA, NATO, Central Asia, B. Obama, Afghanistan, H. Karzai, D. Trump.*

На фоне меняющейся конъюнктуры в современных международных отношениях и геополитических изменений, в числе которых стремительное распространение пандемии коронавирусной инфекции, усиление политико-идеологических и экономических разногласий между политическими полюсами мира, афганский конфликт и касающиеся его вопросы продолжают сохранять свою особую актуальность.

Перед раскрытием нынешнего состояния афганской стратегии США, конечно же, является уместным сделать краткий исторический экскурс. Так, взгляд на эволюцию афганской политики США свидетельствует, что Афганистан после окончания второй мировой войны занимал особое место в орбите американских жизненно важных и геостратегических интересов. Однако, активная фаза вовлечения Вашингтона в афганские дела началась после терактов 11.09.2001 года, произошедших на территории США.

На этом фоне основным драйвером для американского военного присутствия в Афганистане в большей степени послужили политические лозунги и послы в официальных речах тогдашнего президента США **Дж.Буша** младшего, который утверждал о необходимости нанесения превентивного удара по военно-теократическому режиму Движения «Талибан» и группировкам международной террористической организации «Аль-Каида».

Начиная с того момента по настоящее время, афганский вектор американской внешней политики корректировался исходя из смены власти в США и приоритетности её тех или иных жизненно важных интересов на Ближневосточном, южном и центральноазиатском направлениях.

Наличие обоснованного повода и резолюции СБ ООН № 1386 от 20.12.2001 года, практически обеспечило легитимность военному присутствию США и их союзников в лице членов НАТО и внеблоковых партнеров (*имеется в виду Пакистан*) на территории Афганистана.¹ Вследствие этого США полноценно закрепились в Южной и Центральной Азии, имеющих стратегическое значение в вопросах сдерживания нарастающих геополитических амбиций региональных игроков.

В 2001-2009 гг. в период президентства Дж.Буша младшего афганская стратегия США, в основном опиралась на военную мощь и поддержку проамериканско настроенных внутриафганских сил (*в основном окончившее западные ВУЗы пуштунское сословие*). В указанный период на расходы Пентагона и иные затраты в афганском направлении США были выделены финансовые ассигнования в размере чуть больше **100** млрд. долларов США.²

Определенная часть указанных денег была направлена на формирование временного правительства во главе с **Х.Карзаем**, что считалось главным успехом афганской стратегии США в период президентства Дж.Буша младшего.³

Первый президентский срок Б.Обамы, начавшийся в 2009 году, ознаменовался переосмыслением афганской стратегии США. Четкое очертание контуры политики США в отношении Афганистана эпохи Б.Обамы получили после его речи в декабре 2009 года в Вест-Пойнте, где он обозначил следующие **3** основные составляющие:⁴

- концептуальные новации, а именно разработка концепции «Аф-Пак», которая базируется на признании неразрывности Афганистана и Пакистана;
- практические действия, направленные на ответственное завершение войны и помощь гражданскому населению;
- углубление сотрудничества с Пакистаном в борьбе с терроризмом.

Столь двойственная позиция Б.Обамы в вопросах взаимодействия с официальным Исламабадом, восприятия Пакистана и Афганистана через призму единого пространства, вызвали ревностную реакцию как одной, так и другой стороны.

Данные действия также послужили обострению пакистано-афганских отношений, закрепив на повестке дня пограничные споры между этими государствами, проблему т.н. «Пуштунистана» и негласное поддержание пакистанской стороной иррегулярных сил.⁵

При этом решение Б.Обамы в рамках своей афганской стратегии по сокращению военного контингента привели к усилению эскалации конфликта на территории Афганистана.

Изменение оперативной обстановки в таком ракурсе вынудило администрацию Б.Обамы в 2014-2015 гг. заморозить процесс вывода войск из Афганистана и расширить функции американских военных. Действия Б.Обамы сопровождались критикой в его адрес в невыполнении обещания об ответственном завершении войны в ИРА. Решения главы Белого дома интерпретировались его политическими конкурентами в качестве полумера, неспособных придать позитивный импульс в деэскалации конфликта.

Примечателен тот факт, что оппоненты Б.Обамы не предлагали конструктивно-альтернативных мер на афганском треке. Весь набор предложений противников Б.Обамы сводился к необходимости сохранения американского военного контингента в Афганистане на уровне 2015 года (9.800 военнослужащих) или его обратному наращиванию. Полностью игнорировалась вероятность нового витка конфликта в случае увеличения военного присутствия США на территории Афганистана.

Указанные мнения высказывались с опорой на умозаключения американских аналитических кругов, которые отмечали, что в условиях партизанской, вялотекущей и изнуряющей войны уровень американского присутствия недостаточен для преодоления патовой ситуации (англ. «*stalemate*»), где ни одна из сторон не имеет решающего перевеса.⁶

На этом фоне, стремясь предотвратить деградацию военно-политической обстановки в Афганистане, Б.Обама пролонгировал присутствие американского военного контингента в Афганистане с уклоном на реализацию инструкторских и контртеррористических задач совместно

с Афганской национальной армией. При этом, признавая усталость американцев от растянувшегося афганского гамбита, Б.Обама подчеркивал, что военная миссия в Афганистане имеет особый характер в защите жизненно важных интересов США в регионе.

В указанный период был заложен фундамент для установления политического диалога с противоборствующими сторонами в Афганистане, в том числе с Движением «Талибан», в рамках «Четырехсторонней координационной группы» (США, Афганистан, Пакистан и Китай).⁷

Касаясь современной афганской стратегии США, стоит отметить, что она была обнародована 21 августа 2017 года в процессе выступления нового президента Д.Трампа на базе Форт-Майер в Арлингтоне, где он обозначил 5 основных положений в данном направлении.⁸

1. Современная стратегия США будет корректироваться не конкретными временными рамками, а с учетом складывающейся обстановки. В данном контексте администрация Д.Трампа не собирается анонсировать сроки начала и окончания военных операций на территории Афганистана, что называется рядом американских экспертов главным отличием подхода нынешней администрации США в афганской кампании.

По сути, своим решением Д.Трамп отчасти удовлетворил запрос определенных сегментов американской политической элиты и военного истеблишмента, выступающих за бессрочное присутствие в Афганистане.

2. Новая стратегия США предусматривает использование комплекса невоенных средств. Со слов Д.Трампа, терпение США не безгранично и правительство Афганистана, должно нести свою часть военного, политического и экономического бремени.

3. В рамках стратегии пакистанской стороне дается четкий сигнал о неприемлемости поддержания иррегулярных формирований. В случае продолжения данной практики, США в дальнейшем намерены лишить Пакистан статуса основного союзника вне НАТО (англ. *Major Non-NATO ally*) и сократить экономическую помощь.⁹ Несмотря на такую резкую риторику американской стороны, данные меры, носят, скорее всего, косметический характер, поскольку Пакистан был и будет оставаться основным проводником американской политики в регионе.

4. Наращивание стратегического партнерства с Индией является одним из приоритетов США, что будет использоваться ими в качестве противовеса Китайской активности в Южной и Центральной Азии, а также в сбалансировании пакистано-китайских взаимоотношений. Кроме того, Белый дом в рамках новой стратегии признает важный вклад Индии в стабилизацию ситуации в Афганистане, но отмечает о нереализованном потенциале на данном направлении, в том числе в экономической сфере. Отчасти видно, что Вашингтон, вовлекая в афганские дела Нью-Дели, пытается разгрузить свою экономику от нежелательных финансовых ассигнований, предназначенных для постконфликтного восстановления Афганистана.

5. В отличие от Б.Обамы нынешний президент Д.Трамп снял ограничения на ведение боевых действий (*были введены Б.Обамой в 2014-2015 гг.*) и расширил свободу маневрам военного контингента в Афганистане, мотивируя это тем, что жесткий контроль со стороны Вашингтона препятствует достижению победы.¹⁰

В целом, опираясь на результаты ретроспективно-сравнительного анализа, можно констатировать о том, что американский истеблишмент, как это странно не звучит, испытывает определенные трудности в формировании четкой политики на афганском треке. Позиции Д.Трампа в его афганской стратегии не являются полноценными путями достойного выхода США из афганского тупика.

Неясность отдельных положений афганской стратегии Д.Трампа оставляет простор для интерпретаций. Несмотря на установленный политический диалог с ДТ при посредничестве спецпредставителя **З.Халилзада**, остается открытым вопрос устойчивости и необратимости достигнутых в данном направлении результатов. При этом ужесточение давления на Пакистан, с большей долей вероятности окажет негативное влияние на переговорные процессы между США и «Талибаном».

В контексте регионального сотрудничества по Афганистану в новой стратегии не учтены интересы таких важных игроков, как Китай, Россия, Иран и государства Центральной Азии. Понятно, что Д.Трамп как и его предшественники не желает войти в историю как президент, потерпевший поражение в Исламской Республике Афганистан. В этом свете его отказ от полного вывода войск из Афганистана и стремление кардинально переломить ситуацию в афганском конфликте путем использования политических инструментов считаются вполне объяснимыми.

Однако, администрация Д.Трампа по сей день не представила широкой публике конкретный план действий на этом направлении. Фактически, декларируя изменения коренного характера в стратегии по Афганистану, на деле нынешнее руководство США вносит коррективы в подходы прежних американских президентов (*Дж.Буш и Б.Обама*).

Список использованной литературы

1. Шапиро И. Новый этап афганского кризиса и альтернативы внешнеполитической стратегии США. // Международная аналитика. – М.: НИ ИМЭМО им. Е.Примакова, 2017. – №3.
2. Интернет-статья. Сколько денег США потратили в Афганистане, на что и зачем. <https://zen.yandex.ru/media/id/5b87e19716027100aaeb8848/skolko-deneg-ssha-potratali-v-afganistane-na-cto-i-zachem>.
3. Ермилова А. Политика США на афганском направлении (2001-2013 гг.) // – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 2014. – №2.
4. Remarks by the President in Address to the Nation on the Way Forward in Afghanistan and Pakistan. West Point, N.Y., 2009. www.whitehouse.gov.
5. Thomas C. Afghanistan: Background and U.S. Policy in Brief, Congressional Research Service, 2019 – P. 8.
6. G.Jaffe, M.Ryan. Obama Considering Plan to Leave Significant Force in Afghanistan. The Washington Post. October 5, 2015. URL: <http://www.washingtonpost.com>.
7. U.S. – Afghanistan Joint Statement. The White House. March 24, 2015. URL: <http://www.washingtonpost.com>.
8. Михайлов С. Д.Трамп и «афганский проект» США: в поисках выхода из тупика // Проблемы национальной стратегии. – М.: 2018. – № 5.
9. Secretary of State Rex Tillerson Press Availability. U.S. Department of State. August 22, 2017. URL: <https://www.state.gov/secretary/remarks>.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проведен краткий ретроспективный анализ афганской политики США с плавным переходом к её современному состоянию. Рассмотрены системообразующие элементы афганской стратегии нынешнего президента США Д.Трампа и перспективы её реализации. Исследована динамика развития афганского кризиса с учетом меняющейся конъюнктуры в современных международных отношениях.

SUMMARY

This article provides a brief retrospective analysis of USA policy in Afghanistan with a smooth transition to its current state. It looks at the systemic elements of the current USA president D.Trump's afghan

strategy and the prospects for its implementation. It examines the dynamics of the afghan crisis taking into account the changing situation in contemporary international relation.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada AQSHning Afgʻoniston yoʻnalishidagi siyosatining qisqacha retrospektiv tahlili va zamonaviy holati yoritilgan. AQSHning sobiq prezidenti D.Tramp tomonidan olib borilgan afgʻon strategiyasining asosiy tizim hosil qiluvchi elementlari va uni amalga oshirish istiqbollari koʻrib chiqilgan. Oʻzgarib borayotgan xalqaro munosabatlar konyunkturasi sharoitida afgʻon konflikt rivojlanish dinamikasi tadqiq qilingan.

Рекомендовано к печати проф. Б.Эшовым

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СУҒОРИШ ИНШОТЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

Жабборова И.Х. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Қашқадарё воҳаси, Қашқадарё вилояти, Қашқадарё, Қарши чўли, канал, сув омбори, суғорилиш, деҳқончилик, сув тармоқлари.*

Ключевые слова: *река Кашкадарья, Кашкадарьинский оазис, Кашкадарья, Каршинская степь, канал, водохранилище, орошение, земледелие.*

Key words: *the Kashkadarya oasis, Kashkadarya region, Kashkadarya, Kashkadarya desert, canal, water reservoir, river, irrigated, agriculture, water branches.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини холислик, илмийлик, тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди ва қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур” [1] лигини алоҳида таъкидладилар.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва сув ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш” [2] каби вазифаларни бажариш зарурати кун тартибига қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг тури ва сифатини яхшилаш ва кўпайтириш натижасида мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти янада яхшиланади. Ишлаб чиқаришда етиштирилаётган маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ошади.

Деҳқончиликнинг интенсив ривожланиш жараёнида, хусусан, экин майдонларини сув билан таъминлашда суғориш иншоотларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам Қашқадарё худудида ўтган асрнинг 50 - йилларидан бошлаб сув иншоотлари: сув омборлар, каналлар, насос станцияларининг кенг суръатда қурилишига катта эътибор қаратилди ва янада кучайтирилди.

Қашқадарё воҳаси марказнинг республикани пахта хом ашёсини етиштириб берувчи худуди сифатида танланиб, ўлкада суғориш иншоотларининг қурилиши кескин кўпайтирилди. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1954 йил 9 февралдаги “1954 – 1958 йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши [3:131] асосида республика худудида, жумладан, Қашқадарё вилоятида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш ишлари анча жадаллаштирилди.

1952 йилда академик, муҳандис Л.В. Дудин-Барковский схемаси бўйича узунлиги 184 километр бўлган “Эскианҳор” канали қурилиши бошланди. 1955 йил апрель ойида Зарафшон сувидан Қашқадарё дарёсига қуйиладиган қадимги “Эскианҳор” канали қайта тикланди. 1966

йилга келиб бу канал Ўзбекистон ССРдаги йирик суғориш каналларидан бири сифатида воҳани сув билан таъминлашга хизмат қилди.

Қашқадарё воҳасида янги ерларни ўзлаштириш Қашқадарё дарёси ва унинг ирмоқлари оқимини тартибга солиш асосида суғориладиган экин майдонларини кенгайтиришда сув омборларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, куйи Қашқадарё худудларидаги суғориладиган ерларнинг сув танқислигига барҳам бериш мақсадида Чимкўрғон сув омбори бунёд этилди. Қашқадарё воҳасида дастлабки сув иншоотларидан бири ҳисобланган Чимкўрғон сув омборининг қурилиши 1954 йилда Қамаш тумани марказидан 18 километр узоқликдаги Қирғизсарой қишлоғида бошланди. “Средазгипроводхлопок” институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа бош муҳандислари А. В. Петров ва Г.И. Прозоровлар бўлган [4:61]. Сув сиғими 500 млн куб м бўлган бу сув омбори 1959 йил ноябрида тўғон билан тўсилди. Сув омбори қурилишида Йўлдош Диёров, Ибодулло Рўзиев, Аликул Ўринов, Худоёр Эшонқулов, Ўрол Пардаев, Бобоназар Эшонқуловлар жонбозлик кўрсатдилар [5]. 1960 йилда сув омборида 82 млн куб м сув йиғилиб, қурилишнинг биринчи навбати ишга туширилди. Чимкўрғон сув омбори умумхалқ хашари билан бунёд этилди. Бироқ сув оқими билан туманни сув билан таъминлаш қийин кечди. Кейинчалик Ўнг ва Чап қирғоқ каналларнинг қазилиши ва насос билан ишлайдиган иншоотлар воситасида ерларни сув билан таъминлашга эришилди. Қамаш туманининг 30 километрлик Ўнг қирғоқ канали туманнинг ўрта ва куйи Жонбузой даштларига сув етказиб турди. 1962 йил Чап қирғоқдан сув олиб 33 метр баландликка кўтариб берадиган Қорабоғ-1 насос станцияси қурилди [6:27]. Чимкўрғон сув омборининг 1962 йилда тўла қуриб тугалланиши Қарши, Косон, Касби туманларини сув билан таъминланишига ёрдам берди [7:14].

СССР Министрлар Советининг 1967 йил 8 апрелда “Қарши чўлини ўзлаштиришни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори асосида ЎзССР КП ва Министрлар Советининг “Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштиришни ривожлантириш тўғрисида” [10] ги махсус қарори янги ерларни ўзлаштириш ва сув билан таъминлаш ишлари кўламини кескин равишда кенгайтди.

1967 йилда Қамаш туманида Нўғайкўл, Белдовкўл, Туякўл табиий сув омборлари кенгайтирилди, Маданият кўли реконструкция қилиниши натижасида 1-бўлим далаларига сув таъминоти яхшиланди. Қорабоғ канали бетонлаштирилиб, 7,5 километр Туёқли канали қурилди [11]. Яккабоғ худудини сув билан таъминлашга хизмат қиладиган Бешариқ канали 11 километрдан ортиқ масофада қурилди [12]. Қашқадарё ва унинг ўзанида жойлашган Чимкўрғон сув омборидан ташқари, Ҳисор тоғ тизмалари юқори оқимидан келадиган Лангарсой ва унинг ўзанида қурилган Лангар, 18,5 миллион куб метр сувни ўзида жамлаган Лўқликўл [13] сув омборлари ҳамда Қорабоғ, Лангар, Янгиқўрғон, Каттакўл, Шўрансой селхоналари [14] воҳани сув билан таъминлашга хизмат қилди.

1965-1967 йиллар давомида Шаҳрисабз туманида Оксув дарёсининг Ўнг қирғоқ каналдан бошланувчи Оқиш канали, шунингдек, Мўминобод, Посмон, Чоршанбе, Мудин, Нарисон каналлари, Яккабоғ районида Ўнгқирғоқ ва Чапқирғоқ, Хабар – 1, Хабар – 2 канали, Қамаш туманида Қорабоғ канали, Ғузор районида Ғузор магистрал канали, Қарши туманида Комсомол, Денов, Миришкор, Худойзод каналлари, Касби туманида Маймоноқ канали қурилди ва бетонлаштирилди. Косон туманида Пўлати-Бўлмас, Косон, Янгиариқ, Оброн каналлари, Қарши туманида Денов, Шакаржўй, Бос, Фазли каналлари, Қамаш туманида Ниёзий, Чим, Қамай канали, Чирокчи туманида Қайирма каналлари қайта таъмирланди [15:2]. Яккабоғ худудидаги сув танқислигини олдини олиш учун Хабар – 3 ва Бешариқ каналлари қазилди, Қарши туманида Фазли, Файзобод, Айрум, Денов, Миришкор каналлари барпо қилинди. Қисқа вақтда 300 километрлик каналлар қайта қурилди, 202 километрлик каналлар бетонлаштирилди [16]. Шу ўринда айтиш лозимки, бундай сув иншоотларининг барчаси воҳадаги мавжуд экологик, иқтисодий ва ижтимоий вазиятларни ҳисобга олмасдан амалга оширилди. Биргина 1968 йилнинг ўзида Қашқадарё вилоятида колхоз ва совхозлар учун каналларини бетонлаштириш ишлари режадаги 59 километрдан ортиғи билан 61,1 километр этиб бажарилганлиги [17:3] ҳам фикримиз исботидир.

1967-1976 йиллар давомида энг йирик Қарши Магистрал канали қурилди. 1970-1972 йилларда Эскианхор канали тўла фойдаланишга топширилди. 1970-1973 йилларда Миришкор канали барпо этилди. 1972 йил 35-40 километрлик Чап қирғоқ канали бунёд этилди. Оқиш, Турмуши каналлари халқнинг кучи ва маблағи эвазига бунёд этилди [18]. Вилоятда Косон, Муборак, Мироқи, Ғузор, Таллимаржон, Пулизиндон, Макрид ва Паландарада янги шаҳарчалар қурилди [19]. 1973 йилга келиб 30 километрли Косон туманидаги Пистали канали қурилди [20].

XX асрнинг 70 йиллари ўрталарига қадар Чирокчи туманида ЎзССР нинг 50 йиллиги, Шаҳрисабз туманида Дам, Косон туманида Пистали, Қамаш туманида Қоратепа ва Ниёзий, Яккабоғ туманида Сандаг магистрал каналлари, Шаҳрисабз туманида Пахтакор насос станциясининг 2-навбати ва кўплаб суғориш иншоотлари, коллектор ва дренаж тармоғи қурилишлари охирига етказилди [21:2]. Қашқадарё вилоятида 1955 йилда пахта майдонлари 69,7 гектарни, жами пахта ҳосили эса 97,7 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1974 йилга келиб пахта майдонлари 127 гектарга, пахта ҳосили эса 305 минг тоннани ташкил қилди [22:8]. 1975 йилга келиб вилоятда сув хўжалиги қурилиш-монтаж ишлари 1966-1970 йилга нисбатан 2,5 бараварга ошди [23:18].

Хуллас, ўлкада суғориш иншоотларининг қурилиши суғориш учун сув захираларини тўплаш ва сақлаш ҳамда ўзлаштирилган кўриқ ва бўз ерларни суғориш, экин майдонларини кенгайтириш, аҳоли яшаш шаҳарчаларини яратиш ва кенгайтириш имконини берди. Аммо янги ерларни ўзлаштириш жараёнида жиддий хатоларга ҳам йўл қўйилди, пахта ҳосилини сунъий равишда кескин кўпайтириш мақсадида тинимсиз сув омбор сувларидан нотўғри фойдаланиш, тармоқни ривожлантиришда экстенсив усулларни қўллаш воҳада ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва яроқсизлигига сабаб бўлди.

Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бу соҳага алоқадор мутасадди ташкилотлар, энг аввало, сув иншоотларидан тўғри, оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ҳамда уни амалда жорий қилишлари бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган талабларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-28-12-2018>
2. https://lex.uz/law_collection
3. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар) Биринчи китоб 1917 – 1939 йиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.131.
4. Ирригация Узбекистана. Т III. – Тошкент: Фан, 1979. – С. 61.
5. Қашқадарё ҳақиқати, 1973 йил 8 февраль.
6. Имомназаров О., Тилолов Н. Оби ҳаёт заҳматкашлари. – Қарши: Насаф, 2000. – Б. 27.
7. Тошев Х. Қашқадарёда ирригация ишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – Б. 14.
8. Пардаев А. Возрожденный край. – Тошкент: Узбекистан, 1984. – Б. 44.
9. Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 30 июль.
10. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 3 май.
11. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 3 июнь.
12. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 27 январь.
13. Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 10 декабрь.
14. Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 18 декабрь.
15. Қашқадарё вилоят ҳокимлик архиви. 1-фонд, 2-рўйхат, 489-йиғма жилд, 2-бет
16. Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 27 январь.
17. ҚВДА 528-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 3-бет.
18. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 7 январь
19. Қашқадарё ҳақиқати, 1967 йил 22 март.
20. Қашқадарё ҳақиқати, 1973 йил 22 февраль
21. ҚВДА 561-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 2-бет
22. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви. 119-фонд, 2-рўйхат, 8-б
23. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви. 1-фонд, 7-рўйхат, 169-йиғма жилд 18-б

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX асрнинг 50-йилларидан то 70-йилларигача бўлган даврдаги Қашқадарё воҳаси худудида янги ерларни ўзлаштириш ва уларни сув билан таъминлаш учун бунёд этилган суғориш иншоотлари тарихи ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Чимқўрғон, Пачкамар сув омборлари, каналлар қурилиши мисолида пахта яккахокимлигига эришиш марказнинг мустамлакачилик сиёсати эканлиги таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация об истории ирригационных сооружений, построенных в Кашкадарьинском оазисе в период с 50-х по 70-е годы XX века для освоения новых земель и их водоснабжения. На примере строительства Чимкурганского, Пачкамарского водохранилищ и каналов подчеркивалось, что хлопковая монополия является достижением колониальной политики центра.

SUMMARY

The article provides information on the history of irrigation facilities built in the Kashkadarya oasis in the period from the 50s to the 70s of the XX century for the development of new lands and their water supply. On the example of the construction of the Chimkurgan and Pachkamar reservoirs and canals, it was emphasized that the colonial policy of the center was the achievement of the cotton monopoly.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ЎРХУН-ЕНИСЕЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ҲАМДА ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАДҚИҚИ

Назаров Н.А. (Тошкент Архитектура-қурилиш институти)

Таянч сўз ва иборалар: *Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, турк рунологияси, тошбитик, тарих, тадқиқот, Марказий Осиё, тарихий қадриятлар, кўчманчилик, манба, тарихий онг.*

Ключевые слова: *Орхон-Енисейские памятники, тюркская рунология, надпись, история, исследование, Центральная Азия, исторические ценности, кочевничество, источник, историческое сознание.*

Key words: *Orkhon-Yenisei monuments, Turkic runology, inscription, history, research, Central Asia, historical values, nomadism, source, historical consciousness.*

Ўрхун-Енисей ёдгорликлари қадимги туркий ёзув сифатида Сибир, Олтой, Ўрхун хавзаси (Мўғулистон), умуман Марказий Осиё кенгликларида милоднинг VII-IX асрларида туркий тиллардаги сўзларни ифодалаш учун қўлланган ёзув шакли. Қадимги туркий ёзув сиёсий-ҳарбий жараёнларда етакчи қабила диалекти сифатида ўша даврдаги давлат тили, яъни адабий тил мақомида бўлганлиги ва туркология фанига Ўрхун-Енисей ёзувлари тили деб танилганлиги билан аҳамиятлидир. Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари асосан эпиграфия сифатида, тошбитиклар ҳолатида Марказий Осиё, жумладан шарқий Туркистон, Сибир, Олтой ва Мўғулистон худудида яратилган бўлиб, ушбу ёзувлардан дастлабки ўрта асрларда Шарқий ва Ғарбий турклар, тургешлар, қарлуклар ва уйғурлар томонидан фойдаланилган.

Қадимги турк ёзуви намуналари хонлар, сардорлар, қабила бошлиқлари, қахрамонлар ва турли мансабдорлар қабрлари устига тикланган устунларда, тошларда, метал идишларда, кулолчиликда ва бошқа майда буюмларда ва ниҳоят, кейинги давр қўлёзмаларида сақланиб қолган.

Маълумки, инсон ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда тарихий жараёнларни ўрганиб, унинг таҳлилига эътибор қаратиш аҳамиятлидир. Чунки ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўрганиб, ундан хулоса ва сабоқлар чиқариш шахс, миллат ва жамият аъзоларида ўз аждодларига ҳурмат ҳиссининг юксалиши билан бир қаторда ўзликни англаш хусусиятларини ривожлантириб, туркий халқларнинг шаклланиш жараёни муштарак эканлигини идрок этишни ҳам таъминлаб боради. Ўтмиш меросларига эътибор қаратиш тарихий илдизлари бир бўлган халқлар, умуман инсоният тақдири учун масъуллиқ ҳиссини юксалтириб боради. Тарихий онг – бевосита аждодлар руҳи олдидаги масъулиятни идрок этиб, ўтмишнинг ижобий жиҳатларидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш, унинг камчилик ва мағлубиятидан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги билан аҳамиятлидир. Демак: «Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирув-

чи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради» [1; 274]. Маълумки, тарихни ҳаракатлантирувчи куч – бу халқ ҳамда шу халқни улугвор зафарларга чорлашга қодир бўлган маҳоратли етакчидир. Шу боис, тарихда шахс омилини, жамоа ва жимиятга хос хусусият бўлган этник шаклланиш жараёнларини ўрганиш тарихий онгнинг ривожида муҳим. «Тарих ва миллат: хаёлий ўтмиш ёки объектив ҳақиқат. Бу ерда биз маълум бир этник гуруҳни шакллантирувчи тарихий хотиранинг моҳияти ҳақида муҳим саволга мурожаат қиламиз» [2; 7]. Инсониятни ташкил этувчи миллат ҳамда унинг қуйи тузилмалари бўлган элат, этник гуруҳ ва уруғлар экан, уларнинг тарихий шаклланиш жараёни, миллат таркибидаги ўрни ҳамда этнотарихий жараёнлардаги иштирокини ўрганиш муҳим бўлиб, тарих фани бунинг имкониятларини кенгайтиради. Машҳур француз тарихчиси Эрнест Ренан: «Унутишни ёки ўз тарихини нотўғри талқин қилиш (ўз фойдасига – Н.Н) ҳам миллатни шакллантириш жараёнидаги ўзига хос омилдир, - деб атаган бўлардим» [3; 18], - деган эди.

Албатта, кўчманчилик цивилизацияси инсониятга ўтов шаклидаги гумбазли иншоотлар, йилқиччилик маданияти, қимиз в ҳоказо ютуқларни берган ўзига хос цивилизация бўлиши билан бир қаторда, муайян тарих, урф-одат, анъана ва маънавиятни ўзида мужассам этувчи цивилизация сифатида эътиборлидир. Тарихий-археологик ёдгорликлар буни тасдиқлаб турибди.

Византия элчиси Прискус шундай дейди: "Баъзи дарёлардан ўтиб, биз Аттила саройи жойлашган улкан бир қишлоққа етиб келдик, у ёғоч ва тахталардан моҳирлик билан қурилган. Шоҳ саройининг томи чодирлар билан ёпилган бўлиб, томлари миноралар ва минорачалар билан безатилган. Мана туркий меъморчилик! Европа бундай меъморчилик ҳақида билмас эди. Прискус эса уни кўрган европаликлардан бири эди» [4].

Турклар моҳир металлурглари сифатида темирни эритишни ихтиро қилиб, ундан зарурий воситалар яшашни йўлга қўйди. Металлга ишлов бериш турклар моддий ҳаётидаги тараққиётни жадаллаштирди. Ва бундай ихтиролар инсоният томонидан ўзлаштирилиб, башарият мулкига айлана бошланди.

Туркий халқлар аجدодларига хос бўлган ушбу жиҳатларни моддий ёдгорликлар тасдиқлаб турибди. Албатта, тарихий манба сифатида ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўрганиш XVIII ва XIX асрларда илмий жамоалар орасида анъанага айлана бошлади. Ушбу мақсад билан 1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими унинг аъзоси Н. Ядринцевни Мўғулистонга юборди, у Ўрхун водийсида Енисей ёзувларига ўхшаш ёзувларни топди. Албатта, бунгача Енисей ҳавзасида худди шундай белгилар билан нақшланган ўнлаб ёзувлар топилган эди. 1891 йилда В.В.Радлов экспедиция таркибида Мўғулистондаги Ўрхун воҳаси ёзувларини ўрганиб чиқди. 1893 йил ноябрда Дания олими Вилгелм Томсон Ўрхун-Енисей ҳарфлари талқинига эришди. Яъни, асрлар давомида сирли моҳият касб этиб келган белгиларни тилга киритиб, айтиш мумкинки, алфавитини ихтиро этди. В.Томсон ихтиросига суянган ҳолда Россияда В.В.Радлов биринчи бўлиб йирик ёзувларни таржима қилиб, сирли битиклар моҳиятини очиб берди.

Даниялик олим Вилгелм Томсон 1893 йил декабр ойида ушбу ёзув ёдгорликларини аниқлаш бўйича ишларни яқунлаганлиги ҳақида академик жамоага илмий ҳисобот берди. У билан бир вақтда Россияда В. Радлов текстлар моҳиятини талқин этишда машаққатли, шунинг баробарида шарафли ишларни олиб бориб, туркий қадриятлар намуналарини тилга киритди. Ўрхун битиктошларида аجدодларимизнинг туркий давлатни шакллантириш ва уни юксалтиришдаги машаққатлари ва заҳматли курашлари тасвирланганлиги билан эътиборни тортади. Унда аждодларимизга хос бўлган хислатлар тўғрисида тадқиқотчилар шундай фикрларни илгари суришади: «Илтериш ҳоконнинг Марказий Осиёда туркий давлатчилиқни тиклашдаги роли аён. У Билга ҳоконнинг отаси бўлиб, унинг номи Билга Ҳокон ва Кул Тегин ёдгорликлари ёзувларида, шунингдек, унинг энг яқин шериги ва маслаҳатчиси бўлган Тўнюкук билан бир неча бор тилга олинади. Шунингдек, у Унгин ёзувида кўп маротаба эслатиб ўтилган. Ҳеч шубҳа йўқки, тарихий аҳамияти жиҳатидан Илтериш ҳокон Биринчи Турк ҳоконлиги асосчилари Бумин ҳокон ва Истеми ҳоконлар билан бир сафда туради. Айнан шунинг учун ҳам

кучли рақибларга қарши фаол қуролли кураш иқтисодий ва маданий иттифоқ шакллари ни жадал излаш билан бирлаштирилиши – бу ақл бовар қилмас ҳодисадир" [5; 87].

Маълумки, VI - VIII асрларга оид қадимий туркий (Ўрхун-Енисей) ёдгорликларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш муаммоси, уларнинг индивидуал ёки баъзи бир турк тилларига муносабати туркологиянинг энг амалий ва илмий аҳамиятга эга бўлган мураккаб ва жуда қизиқ мавзуларидан биридир. Шу боис, улар талқинига аҳамият қаратиш қадриятларимиз сарчашмаларига эътибор берилаётган бугунги кунда аҳамиятлидир. Шунингдек:

1. VIII аср Тўнжук ёдгорлигининг нафақат тили ёки луғавий ва грамматик тузилиш нуқтаи назаридан, балки тарихий шаклланиш жараёнлари ҳам умумий бўлган туркий халқларнинг ўтмишини ифодалаб, аждодлар тарихининг муайян қисми сифатида аҳамиятлидир.

2. Тарих ўтмишдаги лисоний жараёнлар билан мустаҳкам алоқадор. Шу маънода қадимги тошбитиклар тили ҳам туркий тилларнинг ибтидоий сарчашмаси сифатида эътиборли. Лексик нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ёдгорликларнинг луғат тузилишидаги ва замонавий туркий тиллардаги сўзларнинг аксарияти товуш ва маъно жиҳатидан деярли ўхшаш.

3. Фонетика соҳасида бир хил умумий турк сўзларида хос бўлган товушлардаги умумий қонуният ва мутаносиблик кузатилади. Бунга боис, қадимги туркларнинг ҳозирги туркий халқлар билан ўзаро муносабатлари нафақат генетик, балки маданияти, маънавияти, демакки, тили жиҳатидан ҳам яхлит умумийликка эгадир.

4. Морфология соҳасида, ҳозирги турк тилларида бўлгани каби, сўзга ва унинг турли шаклларида ўзакка ҳар хил лотин аффикслари қўшилиб шакллантириш ҳолатлари кузатилади. Ёдгорлик жумлаларидаги турланиш ва тусланиш ҳолатлари замонавий туркий тиллардаги ҳолатларга мос бўлиб, аксарият ҳолларда улар бир хил ёки жуда ўхшаш аффикслардан фойдаланадилар.

5. Тошбитиклардаги текстларнинг синтаксиси, яъни сўз тузилиши замонавий туркий тиллардаги жумла тузиш қоидаларига жуда ўхшашлиги туркий халқлар тадрижий такомил босқичларида маданий-маънавий жараёнларнинг ворисийлик асосида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётганлигини тасдиқлаб, тарихий жараёнлар, тарихий онг нафақат ворисийликда моддий омилларнинг, балки маънавий омилларнинг ҳам устуворлигини таъминлаб боради.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, демак, ҳар қандай муваффақиятнинг асосида яхлит фаолият ётади. Ва бундай умумийлик ижтимоий-маданий муваффақиятларни таъминлаб боради. Турк ҳоконлигининг фаолияти ҳам бевосита ўзаро бирлик ва яхлитликнинг ҳосиласи эди. "Маданий унсурлар, қариндошлик алоқалари, кўчманчилик иқтисодиётига асосланган умумий ҳаёт тарзининг асоси туркий кўчманчи жамиятнинг ижтимоий бирлигини таъминлади" [8; 124]. Унда ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик барча муваффақиятларнинг асоси сифатида эътироф этилиб, этник консолидациялашув жараёнлари туркий халқлар бирлашувида етакчи омил сифатида майдонга чиққанлиги кузатилади. Умуман олганда, ижтимоий-тарихий жараёнлардаги бунёдкорлик ва муваффақиятларнинг барчаси ўзаро бирлашув ва яхлитликнинг ҳосиласидир. Шунинг билан бир қаторда, ушбу ёзувларнинг ижтимоий-тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда аждодларимизнинг тафаккур имкониятлари ҳам намоён бўлиб, воқеа ва жараёнлар таснифи кейинги авлодларга сабоқ бўлиши учун ҳам тошларга ўйиб ёзилган. "... қадимда бу чўл жойларда айланиб юриб, шунчаки ўйин-кулги учун эмас, балки ибтидоий аҳолининг садоқати билан, улар ушбу белгилар орқали, эсда қоларли нарсалар воситасида кейинги авлодларга етказишлари учун қолдирилган" [9; 72].

Ўрхун-Енисей тошбитиклари тарихий манба бўлиши билан бир қаторда уларнинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг ўзаро бирлиги, ҳамжиҳатлиги, ижтимоий-маданий ҳамкорликлари муваффақиятларни таъминлаш омили сифатида муҳим эканлигини ижтимоий тафаккурга сингдириб туради. Зеро, «Маълумки, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграциялашув ва интенсивлашув билан характерланади» [10;

9]. Ва бу ҳамкорлик жараёнлари ҳар қандай тараққиётнинг бош омили сифатида ўзлигини намоён этади. Инсоният, шунингдек, туркий халқлар тадрижий такомиллидаги барча муваффақиятлар бевосита ўзаро бирлик ва ҳамкорликнинг натижасидир.

Туркий халқларнинг илк тарихи ҳақида гап кетганда бу борадаги дастлабки маълумотларни хитой манбаларидан, яъни уларнинг илк тарихий даврларга оид хронологик маълумотлари, саёҳатчилари томонидан қолдирилган маълумотлардан топсақда, лекин ҳақиқий турк тарихининг илк ёзма ёдгорликлари бевосита Ўрхун-Енисей битиктошлари билан боғлиқ. Ва бу манбалар туркология фанининг жаҳон миқёсида шаклланишини таъминлаб, фanning асосчиси сифатида ушбу битиктошлардаги мазмун-моҳиятни тўлалигича талқин этган таниқли туркийшунос В.В. Радлов эътироф этилди. Лекин, Хитой манбалари, яъни йилномалари ва ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи тарихий маълумотлари таққосланган ҳолда, танқидий усулда ўрганилганда туркий қабилалар тарихи ҳақида муҳим маълумотларни беришини ҳам инкор этмаслигимиз лозим.

Турк ҳоконлиги даври (V – VIII - асрлар) бой тарихий-археологик меросга эга бўлиб, ўз тадқиқотларини кутмоқда. Булар:

1. Археологик манбалар бўлиб, уларнинг аксарияти ҳали изланмаганлигида, хусусан Олтой, Енисей ҳавзаси ва Ўрхун воҳаси бўйлаб туркий қабила ва элатлар маданияти, урф-одати ва умуман тарихий тараққиётга мансуб бўлган ёдгорликлар ва моддий ашёвий далиллар тўлиқ изланмаган ҳамда топилганлари ҳам тўлиқ тадқиқ этилмаган;

2. Қадимги турк ёзувидаги тошбитиклар, уларнинг ҳам барчаси ўқилиб, тарихий ва фалсафий моҳияти талқин этилмаган. Айримлари музейларда, айримлари Олтой ва Мўғулистон кенгликларида ҳалиям ўз тадқиқотчиларини кутаётган экан, улар фақатгина ёдгорлик сифатида эмас, балки қадимги туркларнинг тарихини, туркий тафаккурнинг тадрижий босқичини, тил ва лисоний имкониятларини тасдиқловчи эмпирик материал сифатида ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда;

3. Кўчманчи халқларда мавжуд узок ўтмиш меросини ўзининг этноижтимоий ва маданий организмда мужассам этган жиҳатлари бўлиб, булар туркий ментал хусусиятлар, фольклор намуналарида ўзининг ифодасини топган оғзаки тарих, анъаналар, ўтов ва йилқичилик, чорвачилик маданияти ва ҳ.к.лардир;

4. Асосан Хитой тилидаги қадимги турклар ҳаётига оид тарихий манбалар, шунингдек юнон, византия, ҳинд, форс, араб, арман ва славян тилидаги манбалар маълумотлари чоғиштириш асосида ўрганишни талаб этиб келаётганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим;

5. Қадимги туркий ҳоконлик даврининг иқтисодий асосини анъанавий кўчманчиликка асосланган йилқичилик ва чорвачилик ташкил этиб, туркий турмуш тарзининг тарихий моҳияти бевосита ушбу омил билан боғлиқ. Йилқичилик, чорвачилик, яйловларга кўчиб, ўтовлар тикиш зарурияти, дастлабки иқтисодий эҳтиёждан этноижтимоий маданиятга ҳам айландики, ушбу жиҳат анъанавий туркий социум (жамият)да номадизмнинг барқарор моҳиятини таъминлаб, умуминсоний цивилизациялар тизимида туркий цивилизациянинг муҳим бир бўғини сифатида алоҳида тадқиқотларни талаб этиб келаётганлигини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз лозим;

6. Этнографик маълумотлар ҳам муайян халқлар тарихининг муҳим қирраси сифатида даврнинг моҳиятини ўзида мужассамлайди. Шу нуқтаи-назардан тарихий кийим-кечак, уй безаш, отни абзаллаш (эгар, жабдуқ, узанги, қуюшкон ва ҳ.к.), урф-одат, анъана ва қадриятлар, хусусан, овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш маданияти, хуллас ушбу жиҳатлар ҳам ворисийлик асосида такрорланиб келаётганлиги тарих учун, яъни шаклланиш жараёнининг умумийлигини тасдиқловчи жиҳат сифатида муҳим бўлиб, бугунги туркий тафаккур доирасида янгиланишлар шароитида позитив ёндашув асосида ўз тадқиқотларини кутмоқда;

7. Қадимий битиктошларнинг тили бугунги туркий халқлар тили билан ҳамоҳанглиги, ундаги стилистик, морфологик, синтактик умумийлик жиҳатлари ҳам тарихий моҳиятга эга бўлиб, маданий анъаналарнинг ворисийлик асосида бугунги авлодларга етиш келганлигини тасдиқлайдики, ушбу жиҳатлар тадқиқи ҳам тарихий лингвистиканинг, шунингдек тарихий шаклланиш жараёнининг умумийлигини тасдиқлашга хизмат қилади;

8. Битиктошлардаги фалсафий моҳият талқини ва тарғиби ҳам туркий тафаккурда ғоявий омилларнинг тадрижий такомил босқичларини ифодалаб, бугунги ғоявий дунёқарашнинг тамал тошлари ҳамда туркий тафаккурга хос бўлган умумий дунёқараш қадимги турк ҳоконликлари шароитида қўйилганлигини тасдиқлайди;

9. Юқорида санаб ўтилган жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда бугунги туркология фани қадимги турк ҳоконлиги даврини ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий тузилишини теранроқ тадқиқ этишни тақозо этадики, ушбу жиҳатларнинг барчаси аждодларимизнинг босиб ўтган зафарли ва сабоқ олишга арзигулик тарихий йўлининг тарғибига хизмат қилади.

10. Туркий эл тарихини отсиз тасаввур қилиш ғайриимкондир. Инсон ва от орасидаги позитив муносабатларни ифодаловчи тадрижий жараёнлар бевосита Евроосиё кенгликларида аждодларимиз томонидан амалга оширилганлиги аҳамиятли. Қимиз, қази-қарта истеъмоли маданияти ҳам бевосита туркийлар ижтимоий-маданий турмуш тарзи билан боғлиқ.

11. Илмий доираларда турклар ҳақида кўчманчи дейиш фикри гарчи устувор аҳамиятга эга бўлса-да, туркларнинг тарихий саҳнага кўтарилиши бир томондан йилқичилик маданияти, яъни йилқиларни қўлга ўргатиб, учқур ҳарбий восита сифатида ҳар қандай рақиб қароргоҳини яқсон қила олиш имкониятларини юксалтирганлигида бўлса, иккинчи муҳим омил метал ишлаб чиқариб, ҳарбий жабҳада қурол-яроғ сифатида фойдалана билиш салоҳияти билан ҳам боғлиқлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Олтой кенгликлари қадимда турклар темир, мис, олтин қазиб олишиб, эритиб, безаклар, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари яшаш билан бир қаторда қурол-яроғлар ҳам яшашганликлари тарихдан маълум. Олтой, Хақасия, Тува, Минусинск хавзалари қадим замонлардан бери металл ишлаб чиқариш билан машҳур бўлиб, туркий илдизлар бевосита ўша ҳудудлар билан боғлиқ. Тарихнинг муайян палласида, яъни VI-асрнинг бошларида турклар темир буюмлари билан жужанларга солиқ тўлаган бўлсалар-да, бевосита от ва темирнинг имкониятларидан кенг фойдалана олиш маҳоратлари билан аждодларимиз жужанларни мағлуб этиб, нафақат уларнинг асоратидан, балки жужанларни ўлпон тўлашга мажбур этиб, Евроосиёнинг бепоён кенгликларида мустақил ҳоконлик тузишга эришдилар. Ушбу жиҳатлар тарих, философия, филология, этнология, маъданшунослик, ипнология (отшунослик) ва бошқ фанларнинг тадқиқот объекти сифатида ўрганишни тақозо этади.

Тарихимизнинг манбаси сифатида Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тадқиқи ва тарғиби асосида жамият аъзоларининг ҳоконлар ҳукмронлиги ёки қадимги даврнинг ҳарбий саркардалари бошчилигида озодлик учун курашлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлиши ижтимоий дунёқарашнинг юксалишига хизмат қилади. Қадимги турклар тарихий онгининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, уларнинг ўтмиш воқеаларини умумий жараёнлардан ажратиб олиб, аждодлар босиб ўтган шарафли ва сабоқ берувчи йўллар масъулияти ўз вужудларида ҳис этишларига улкан имконият яратади. Тарихий онгни шакллантириш масъулиятли вазифа бўлиши билан бир қаторда туркий руник ёзувлар тарихий жараёнлар субъекти сифатида, яъни тарихнинг муайян давр замиридаги боғловчи халқ сифатида муҳимдир. Зеро, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тарихий қадрият сифатида бир томондан ўтмишни англашиб турса, иккинчи томондан, жамият аъзолари, хусусан, ёшлар тафаккурини юксалтириб, Ватан ва халқ тақдири учун масъуллик ҳиссини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2004. –704 б.
2. Исхаков Д.М., Измайлов И.Л. Этнополитическая история татар. – Казань: Школа, 2007. – 368 с.
3. Renan E. Qu'est-ce qu'une nation? Nationalism. Ed. By J.Hutchinson and A.D.Smith. Oxford; New York, 1994. – 172 p.
4. <http://uhhan.ru/news/2019-02-05-16468>
5. Щербак А.М. Тюркская руника: происхождение древнейшей письменности тюрков. – Санкт-Петербург: Наука, 2001. –152 с.
6. Кузнецов Ю.Ф. Философские проблемы этнопсихологии. //Социальная психология и философия. Ленинград, 1973. – 136 – 148 с.

7. Спасский Г. Древности Сибири //Сибирский вестник, издаваемый Григорием Спасским. 1818. Часть первая. Часть первая. – Санкт-Петербург. В типографии Иос Иолинесова, 1818. – 348 с.
8. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал.Ун-та, 2006. – 152 с.
9. Спасский Г. Древности Сибири //Сибирский вестник, издаваемый Григорием Спасским. 1818. Часть первая. Часть первая. – Санкт-Петербург. В типографии Иос Иолинесова, 1818. – 348 с.
10. Миллий ғоя – хавфсизлик ва барқарорлик омили /М.Жакбаров ва бошқ. – Тошкент: Turonza-minziyo, 2014. – 144 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, умуман тарихий қадриятлар тадқиқиға эътибор қаратилиб, тарихимизға алоқадор ёдгорликларни ўрганиш жамият аъзолари, хусусан, ёшлар тафаккурининг юксалишиға хизмат қилишиға эътибор қаратилади. Айниқса, тарихий-археологик ёдгорликларни ўрганиб тарғиб этиш миллий фанимизнинг ривожига хизмат қилиши таҳлил этилади. Қадимда турклар кўчманчилик билан бир қаторда ўтроқ маданият вакиллари сифатида туркий цивилизация ривожини таъминлаб келганлиги таъкидланади.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the Orkhon-Yenisey written monuments, historical values in general, which the study of monuments associated with our history will serve to raise the consciousness of members of society, especially young people. In particular, the study and promotion of historical and archaeological monuments is analyzed as an aspect of contributing to the development of our national science. It is noted that in ancient times the Turks, along with nomadism, as representatives of a sedentary culture, ensured the development of the Turkic civilization.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению Орхон-Енисейских письменных памятников и в целом исторических ценностей, которые связаны с нашей историей и служат повышению уровня сознательности членов общества, особенно молодежи. В частности, анализируется изучение исторических и археологических памятников как аспекта, способствующего развитию отечественной науки. Отмечается, что в древности тюрки, наряду с кочевничеством, обеспечивали развитие тюркской цивилизации и как представители оседлой культуры.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ (XX асрнинг 80-йиллари)

Расулов М.Ф. (ФарДУ)

Таянч сўзлар ва иборалар: *меъморий ёдгорликлар, мадраса, масжид, урф-одат, дахрийлик, маъмурий-буйруқбозлик тизими, маданий-маърифий ҳаёт, сардоба, Шуллауктепа, Тупрақтепа, Одина масжиди.*

Ключевые слова: *архитектурные памятники, медресе, мечеть, нововведение, атеизм, административно-командный режим, культурно-духовная жизнь, сардоба, Шуллауктепа, Тупрактепа, мечеть Адина.*

Key words and phrases: *architectural monuments, madrasah, mosque, innovation, atheism, administrative command regime, cultural and spiritual life, sardoba, Shulluktepa, Tupraktepa, Adina mosque.*

Жаҳонда тарихий-маданий ёдгорликлар ва меъморий обидаларни сақлаш, консервация ва реставрация қилиш, уларнинг умрини узайтириш ҳамда келажак авлодга етказиш халқаро микёсдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жараён қадимий меъморий обидаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва инсоният цивилизациясининг маданий мероси сифатида сақлаб қолиш нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, миллий қадриятлар ва маданий меросга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга бўлган муносабат ўзгарди. Жумладан, маданий мерос объектларини сақлаш, реставрация ва консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, “тари-

хий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири”¹ сифатида эътироф этилмоқда. Республикамиз ҳудудида сақланиб қолган маданий мерос объектлар (меъморий иншоотлар, археология объектлари ва бошқалар)ни сақлаш, муҳофаза қилиш, улардан ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда ҳамда маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиш алоҳида илмий ёндашувни талаб қилади.

Ҳозирги кунда Республикада 8208 та ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2250 таси меъморчилик, 4748 таси археологик ёдгорликлар, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) объектлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир². Шунингдек, 4000 дан ортқ моддий-маданий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Республикадаги тарихий-маданий ёдгорликларга беписандларча муносабат Россия империяси ҳукмронлиги даврига бориб тақалади. Бу ҳақда ўша давр олимларининг асарларида етарлича маълумотлар бор. Жумладан, Туркистон тарихининг билимдони, профессор В.Л.Вяткин Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга Самарқанд обидаларини кўрсатиб, қаровсизликдан нураб бораётган Улуғбек мадрасаси, Бибихоним масжиди ва бошқа иншоотларни таъмирлаш учун земство маблағларидан пул ажратишни таклиф этганда, генерал-губернатор унга: “Менимча, Василий Лаврентьевич, бунинг ҳеч ҳожати йўқ, буларнинг ҳаммаси қанчалик тез бузилиб кетса (у қўли билан Регистонни кўрсатди), рус идора усули учун шунча яхши бўлади”³, – деб айтган.

Маданий мерос объектларига бўлган бундай муносабат нафақат чор Россияси, балки совет даврида ҳам сақланиб қолди. Масалан, РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1922 йил 8 сентябрдаги мажлисида Туркистон ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва музейларга ёрдам бериш ҳақидаги таклифга М.К.Владимиров⁴ ва Ф.Э.Дзержинскийлар қарши чиқишди. Улар “Мусулмон меъморчилигининг қадим ёдгорликлари масаласи арзимас нарса ва у РСФСР сиёсатидан олиб ташланиши керак”⁵, – деб баёнот бердилар.

Совет даврида маданий мерос объектларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари ҳам коммунистик мафкура руҳида яратилган эди⁶. ЎзССР “Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун тарих ва маданият ёдгорликларининг халқ мулкилигини эътироф этган ҳолда, қуйидаги иборалар билан бошланади: “Совет давлати маданий меросга нисбатан ленинча муносабат тамойилларига амал қилиб, ёдгорликларни сақлаш ва улардан коммунистик қурилиш манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратади”⁷.

Мазкур Қонун маданий меросни халқнинг тарихий хотираси маҳсули сифатида келажак авлодлар учун сақлаб қолишликни, эҳтиёт қилиб асрашликни, ҳар хил ташқи таъсирлардан муҳофаза қилишликни таъминлаш (гарчи мазкур ғоялар қонунда ўз аксини топган бўлсада) ўрнига, улардан мафкуравий мақсадлар йўлида фойдаланиб, аёвсиз эксплуатация қилинишига кенг ҳуқуқий шароит яратиб берди. Ушбу қонунда маданий ва меъморий объектларни замонавий ҳаётга мослаштириш кўзда тутилди”⁸. Унда тарихий ва маданий ёдгорликлар сақланиши ва муҳофазаси кафолатланмади, балки ёдгорликлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ҳуқуқий асос яратди. Натижада кўплаб қадимий меъморчилик иншоотлари

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. ИХТ Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи // <https://uz24.uz/politics/>

² Маълумот <https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-ro'yxati-tasdiqlandi> сайтдан олинган.

³ Массон М.Е. Самарқанд осори атиқаларига оид уч воқеа. –Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – Б. 17; Мурод Мирзо. Туркистон обидалари – мустамлакачилик қурбони // Гулистон, 1994. – № 1. – Б. 56-57.

⁴ Мирон Константинович Владимирова (Шейнфинкель) – партийный и государственный деятель. В 1922–1924 годах нарком финансов РСФСР и заместитель наркома финансов СССР. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

⁵ Қар.: Мирзаев М. Олимхоннинг олтин қиличи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 12 март.

⁶ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун: IX чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг V сессиясида 1977 йил 21 декабрда қабул қилинган. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

⁷ Ўша жойда. – Б. 5.

⁸ Салимов А.М. Приспособление памятников архитектуры Бухары для современных функций // Строительство и архитектура Узбекистана, 1980. – № 4. – С. 28-31.

емирилиши, шакл-шамойилининг ўзгариши, лойиҳаларининг бузилиши, тарихий кадр-қим-матининг йўқотилиши каби ҳолатлар юз берди.

Қашқадарё вилоят Маданият бошқармаси маълумотига кўра, 1983 йилда вилоятда 756 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 188 таси – меъморчилик, 254 таси – ҳайкалтарошлик санъати, 314 таси – археология ёдгорликлари¹ эди.

Вилоятнинг Уल्याнов (ҳозирги Миришкор) тумани Майманоқ ва Қамашаи қишлоқларида жойлашган 3 та сардобада кимёвий моддалар сақланганлиги боис бу меъморий объектлар жиддий зарар кўрди ва бузилиш ҳолатига келди. Косон туманидаги “Ударник” жамоа хўжалиги худудида жойлашган Шуллауктепа археологик ёдгорлигида ферма қурилди. Уल्याнов номли жамоа хўжалиги худудида жойлашган республика миқёсидаги ёдгорлик бўлган Тупроқтепада “Каршистрой”га қарашли ДСУ-4 (Йўл қурилиш бошқармаси – Р.М.) отряди томонидан йўл қурилиш ишлари олиб борилган².

1980 йилда республика бўйича 7056 та тарихий-маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасида бўлгани ҳолда, 1980–1983 йиллар мобайнида фақат 54 та (0,8 фоиз) меъморий обидаларда (Шахрисабзда 1 та ёдгорликда) таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилган, холос.

Кўрилаётган даврда тарихий ёдгорликларнинг муҳофазасига ва таъмирлаш ишларига етарли даражада эътибор берилмаган бир шароитда, совет даври тарихи, унинг раҳнаmolари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, саналар кенг миқёсда нишонланди. Улар шарафига турли иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари ва ҳайкалтарошлик асарлари яратилди. Жумладан, бутун “совет халқи” 1980 йилда В.И.Ленин таваллудининг 110 йиллигини танта-нали равишда нишонлади. Меъмор ва ҳайкалтарошлар томонидан фақат охириги икки йил ичи-да Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида “дохий” га 15 та ёдгорлик ва бюстлари ўрнатилди³.

1985 йил ҳолатига кўра, Қашқадарё вилояти бўйича 74 та (20 таси бюст) В.И.Ленин, 17 та К.Маркс ва Ф.Энгельс, Октябрь тўнтариши раҳнаmolарига бағишланган ёдгорликларнинг рўйхати берилган ҳолда, республика бўйича атиги 6 та тарихий-археологик ёдгорликлари рўйхати берилган⁴.

КПСС МК томонидан 1986 йил 18 августда “Ислоҳ таъсирига қарши кураш тўғрисида” қарор⁵ қабул қилинади. Бу қарор вазифаларини бажариш бўйича республика худудида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида қурилган 61 та масжид диний маросимлар иншооти сифатида, давлат сақловидаги ёдгорликлар рўйхатидан чиқарилади⁶. Биноларни рўйхатдан чиқариш учун қуйидагича асос келтирилади: “...уларнинг катта қисми авария ҳолатида бўлишига қарамай, бу “қадамжолар” ҳар хил жамиятга зид шахсларнинг меҳнатсиз даромад топиш манбаи сифатида сақланиб келмоқда”⁷. Бу ҳол мазкур масжидларни бузиб ташлаш ёки бирор ташкилот учун омборга айлантириш мумкин, деган гап эди. Ўша пайтда республикада 300 дан ортиқ диний маросимлар учун бинолар, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 82 та мавжуд эди⁸. Бу биноларнинг аксарияти давлат рўйхатига киритилган бўлишига қарамадан, бўш (ташландик), ярим вайрона ҳолатда ташлаб қўйилган, айримларидан эса бирор корхона ёки хўжаликнинг омбори сифатида фойдаланилар эди. Айрим масжид биноларидан, ҳатто, қамоқхона сифатида фойдаланилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, Қарши шаҳридаги Одина масжиди (XIV аср)дан қамоқхона сифатида фойдаланилган⁹.

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда (хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам) совет даврида ҳам қадимий ёдгорликлар муҳофазаси ва сақлаш, таъмирлаш бора-

¹ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 10^а-иш, 116-варақ.

² ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 10^а-иш, 117-варақ.

³ Монументальная скульптура в современном градостроительстве Узбекистана // Строительство и архитектура Узбекистана, 1980. – № 4. – С. 4-7.

⁴ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 10^а-иш, 92-101-варақлар.

⁵ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 53^а-иш, 128-варақ.

⁶ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 53^а-иш, 135-140-варақлар.

⁷ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 53^а-иш, 67-варақ.

⁸ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 53^а-иш, 67-варақ.

⁹ Яркулов А. Қайта кадр топган обидалар // Мозийдан садо. 2018. № 4. – Б. 37-39; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архивидан. Ф 7475/А – 81.

сида сезиларли ишлар амалга оширилган. Масалан, 1920 йилдан то 1980 йилга қадар жами 240 та меъморчилик ёдгорликларида консервация ва таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилган¹.

“Меъмор” бирлашмаси томонидан 1977 йилда 2 млн 983 минг рубллик (совет давридаги пул маблағлари ўша давр пул бирлиги – рубль билан белгиланади), 1979 йилда 5 млн 926 минг рубллик ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари бажарилган, 1980 йилда эса 6,5 млн рубллик таъмирлаш ишлари режалаштирилган². “Меъмор” бирлашмасининг маълумотларига кўра, 1979 йилда Шахрисабзда Кўк гумбаз масжиди таъмирланди.

ЎзССР ФА Археология институти томонидан Қашқадарё вилоятининг археологик харитаси тузиб чиқилди. Унга 500 дан ортиқ қадимий ёдгорликлар киритилди³.

1980 йил 8 сентябрда Ўзбекистон КП МК ва Министрлар Советининг ёдгорликлар тўпламини нашр қилиш тўғрисидаги 604-сонли қарори чиқди. Ушбу қарорни бажариш юзасидан Ўзбекистон КП МК ва Министрлар Советининг 1980 йил 17 сентябрда чиқарилган 164“П”-сонли буйруғига биноан Қашқадарё вилояти ёдгорликлари жилди тайёрланганлиги кўрсатиб ўтилади⁴. Бу ишларда Г.Пугаченкова, Л.Маньковская, П.Зоҳидов, З.Ҳакимов ва бошқа кўплаб санъатшунос олимлар жонбозлик кўрсатдилар⁵.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, совет тузуми даврида ҳаётнинг барча жабҳалари катори, миллий кадриятларимизнинг моддий асоси бўлган тарихий-маданий ёдгорликлар ҳам мафкура қурбони бўлди. Республикамиздаги кўплаб меъморий обидалар батамом йўқ қилинди, айримлари тарихий қимматини йўқотиб, “замонавий” иншоот тусига кирди. Мустақиллик натижасида эришган бебаҳо ютуқларимиздан бири – бу ҳаққоний тарихимизнинг, миллий кадриятларимизнинг тикланганлиги, жумладан, тарихий-маданий меросимизнинг барча соҳаларига муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши бўлди. Тарихий-меъморий обидалар ўз асл ҳолатига қайтарилиб, тарихий қиммати ва жозибаси билан нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1980 гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. – № 2.
2. Массон М.Е. Самарқанд осори атиқаларига оид уч воқеа. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973; Мурод Мирзо. Туркистон обидалари – мустамлакачилик қурбони // Гулистон. 1994. – № 1.
3. Мирзаев М. Олимхоннинг олтин қиличи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. 12 март.
4. Монументальная скульптура в современном градостроительстве Узбекистана // Строительство и архитектура Узбекистана, 1980. – № 4.
5. Обидаларга умр бағишлаб (“Меъмор” бирлашмаси бош директори Қ.А.Абдуллаев билан суҳбат) // Совет Ўзбекистони, 1980. 22 январь.
6. Обидалар мулкимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1983, 15 апрель.
7. Салимов А.М. Приспособление памятников архитектуры Бухары для современных функций // Строительство и архитектура Узбекистана, 1980. – № 4.
8. Ярқулов А. Қайта кадр топган обидалар // Мозийдан садо, 2018. – № 4; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти архивидан. Ф 7475/А – 81.
9. ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 10^а-иш, 92-101-варақлар, 116-варақ, 117-варақ.
10. ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 52-иш, 16-17-варақлар.
11. ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 53^а-иш, 67-варақ, 128-варақ, 135-140-варақлар.
12. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Қонун: IX қақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг V сессиясида 1977 йил 21 декабрда қабул қилинган. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.
13. ЎзТАГ муҳбири. Муҳофазага олинди // Ўзбекистон маданияти. 1980. 11 март.
14. <https://uz24.uz/politics>.

¹ Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1980 гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана, 1991. – № 2. – С. 12.

² Қар.: Обидаларга умр бағишлаб (“Меъмор” бирлашмаси бош директори Қ.А.Абдуллаев билан суҳбат) // Совет Ўзбекистони, 1980. 22 январь.

³ ЎзТАГ муҳбири. Муҳофазага олинди // Ўзбекистон маданияти. 1980, 11 март.

⁴ ЎзМА, 2296-фонд, 7-рўйхат, 52-иш, 16-17-варақлар.

⁵ Обидалар мулкимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983. 15 апрель.

15. <https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-royxati-tasdiqlandi>.

16. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон Республикасидаги (Қашқадарё вилояти мисолида) тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси ва улардан фойдаланиш масалаларининг айрим жиҳатлари ҳамда совет тузумининг уларга бўлган муносабати бой далилий материаллар асосида очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе богатого фактического материала раскрыты некоторые стороны охраны и использования памятников истории и культуры Республики Узбекистан (на примере Кашкадарьинской области) в 80-х годах XX века, отношения к ним в период советского режима.

SUMMARY

On the basis of rich factual material, the article reveals some aspects of the protection and use of monuments of history and culture of the Republic of Uzbekistan (on the example of the Kashkadarya region) in the 80s of the XX century, attitudes towards them during the Soviet regime.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ОЛИМАЛАРНИНГ ЎРНИ (Қашқадарё мисолида)

Раҳмонқулова О. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: олима, хотин-қизлар, илм-фан, таълим, тарбия, ижтимоий фаоллик, интеллект, фаолият, даража, унвон, семинар, анжуман.

Ключевые слова: ученая, женщины, наука, образование, воспитание, социальная активность, интеллект, деятельность, степень, звания, семинар, конференция.

Key words: Scientist, women, science, education, upbringing, social activity, intelligent, activity, degree, title, seminar, conference.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ҳаётда муносиб ўринларини эгаллаши, ўзларидаги салоҳиятни намоён этишлари ва жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга шароит яратилди. Бу шароитлар ҳуқуқий асослар билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат бошқаруви ва қарорлар қабул қилишдаги ўрнини кучайтириш, аёлларнинг жамият ва оиладаги аҳволини тубдан ўзгартириш ислохотлар амалга оширилдики, бу эса аёлларга ғамхўрлик сиёсати, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинишида ўз ифодасини топди¹.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар “Олима” уюшмаси 1992 йилда ташкил қилинган нодавлат, ноижорат жамоат ташкилоти бўлиб, у “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ иш олиб боради. Уюшма ирки, миллати, диний эътиқоди ҳамда сиёсий қарашлари, ёшидан қатъи назар илмий даражаси ва унвони бўлган, фаннинг муайян соҳаларида илмий-тарбиявий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизларни ўз атрофига бирлаштиради.

“Олима” уюшмасининг асосий мақсади - илмий даража ва унвонларга эга бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олдида турган иқтисодий, ижтимоий, миллий, экологик,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони; “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ-4235-сонли қарори // lex.uz.

хуқуқий муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш учун илмий-тарбиявий фаолият билан шуғулланаётган, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларида халқаро инсонпарварлик йўлидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшаётган аёлларнинг куч ғайратларини бирлаштиришдан иборат.

ЎзФА академиги, кимё фанлари доктори, профессор С.Ш.Рашидованинг саъй-ҳаракатлари билан “Олима” уюшмаси тузилди ва республика миқёсида илмий фаолият олиб бораётган иқтидорли аёлларнинг илмий изланишлари рағбатлантирилди.

2009 йилдан бошлаб уюшмага тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазоева раис этиб сайланди. У ижтимоий-гуманитар билим соҳасида “Миллатлараро муносабатлар ва толериантлик” бўйича илмий мактаб яратган, 20 нафардан ортиқ фан номзоди, 3 нафар фан доктори тайёрлаган. Бугунги кунда уюшма томонидан олима аёлларнинг нафақат республика, балки халқаро майдондаги фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш иши давом эттирилмоқда¹.

Шу йиллар давомида “Олима” уюшмаси томонидан ўтказилган тадбирларда Ўзбекистонда яшаётган барча аёлларнинг, хусусан олималарнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий камолотга эришиш билан бир қаторда фарзанд тарбиясига эътибор қаратиш, халқаро алоқаларни такомиллаштириш республикада олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий, маънавий, сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини ёшлар онгига синдириш бўйича мақсадли фаолият олиб борилмоқда ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан олималарга, илм-фан аҳлига алоҳида эътибор қаратилмоқда, илм-фан билан шуғулланиш учун сезиларли равишда шароитлар кенгайган. Аёл-қизлар бошқа касбу корлар қатори фан чўққиларини ҳам забт этиб келишмоқда. Улар ватанимизнинг таълим ва илм-фан соҳаси ривожига салмоқли улуш қўшмоқдалар. 2013 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар” тўғрисида резолюцияда ушбу соҳаларда гендер тенгликни таъминлаш масаласи кўтарилган бўлиб, бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновациялар ютуқлари ривожидан тенг ва тўлақонли фойдаланишларига кенг имкониятлар яратилишига чақирилган.

Эътироф этиш керакки, юртимиз илмий ва таълим муассасаларида 7 нафар академик, 700 нафар фан доктори ва 7000 дан зиёд фан номзоди турли соҳаларда илмий фаолият олиб бормоқдалар². Уюшма аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан республика бўйича мамлакатни модернизациялаш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, маънавий янгиланиш, касбий камолот, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни тарбиялаш каби мавзуларда давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказилмоқда.

2010 йилдан буён “Олима” уюшмасининг ташаббусига биноан республиканинг иқтидорли ёш олималари ўртасида “Илм юлдузлари” интеллектуал кўрик-танловининг ташкил қилиниши қизлар учун яна бир имконият бўлди. Унда республиканинг барча олий ўқув юр்தларида таҳсил олаётган тадқиқотчи хотин-қизларнинг кашфиётлари намоён қилинди ва “Янги юлдузчалар”нинг ижодий изланишлари турли номинациялар бўйича тақдирланиб келинди.

Сўнгги йилларда олималарнинг ижодий имкониятлари доираси вилоятларда ҳам кенгайди. Барча вилоятлардаги олий ўқув юр்தларида олима уюшмасининг бошланғич ташкилоти фаолият олиб бориб, унда асосий эътибор ёш олималарнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тадбирларни ўтказишда намоён бўлмоқда. Илм йўлида юқори чўққиларга эришаётганини кўриб кўнглимиз ғурурга тўлди.

Ёшлар ўртасида илмга қизиқишнинг тобора кенг тус олмоғи учун ҳам тизимли иш ташкил этилди. “Олима” уюшмаси талабаларнинг илмга қизиқишини ошириш борасида анча ишларни амалга оширди. Иқтидорли талаба-қизлар олий ўқув юр்தлари кафедралари қошида алоҳида мавзулар устида илмий тадқиқот ишларини бажармоқдалар. Уларни келгусида

¹ Ўзбекистон Республикаси “Олима” уюшмаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Гаффорова М. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 13.

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, жамиятимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишга тайёрланмоқда.

Вилоятимиз олималари илм-фан янгиликларини аҳолига етказиш ва илм-фанни ривожлантириш соҳасида катта ишларни амалга оширдилар. Вилоятимиз олималари томонидан яратилган 1-синф “Она тили”, “Ўқиш китоби”, 2-синф “Ўқиш китоби”, 5-синф “Немис тили” дарсликлари тендерда ғолиб бўлиб, умумтаълим мактабларида ўқитилмоқда. Шунингдек, олималар томонидан 700 дан ортиқ услубий қўлланма, рисоалар, бадиий асарлар, роман, илмий ва оммабоп мақолалар яратилди.

1997 йилда Европа Иттифоқининг Таъсис дастури бўйича “Аёл ва демократия” лойиҳасида Англиянинг Лондон шаҳрида 2 нафар олима аёл - Т. Ғаффорова, С. Абдуназаровалар қатнашдилар ва натижада Темпус дастури доирасида “Ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда инновацион технологияларидан фойдаланиш” гранти қўлга киритилиб бажарилди. “Олима” уюшмаси долзарб мавзуларда бир қанча анжуманлар ташкил этди. Жумладан, 2006 йилда “Фан ва техника тараққиётида Қашқадарё олималарининг роли”, “Савоб – адолат устуни”, 2007 йилда “Муқаддас аёл”, “Олим бўлсанг, олам сеники”, 2009 йилда “Аёл маънавияти – жамият таянчи”, 2012 йилда “Аёл, жамият – тараққиёт: муаммо ва ечимлар” мавзусида илмий-амалий анжуманлар, олималар форумлари ўтказилди.

Олима аёлларнинг илмий-педагогик ишлари билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида 2006 йилда Қашқадарёлик олималарнинг илмий педагогик ишларини ўз ичига олган “Қашқадарё олималари” номли 8,24 босма табоқдан иборат лавҳалар тўплами нашрдан чиқди. Шунингдек, олималар иш фаолияти вилоят оммавий ахборот воситаларида ҳам ёриштириб борилди.

Уюшма аҳоли ўртасида катта тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида вилоят телевидениеси “Назокат” тележурнали билан ҳамкорликда бир қанча кўрсатувлар ташкил этилди. “Оила”, “Аёл бахти”, “Аёл ва замон” каби мавзуларда олима аёллар фаолияти ҳақида кизиқарли кўрсатувлар олиб борилди.

Вилоят телевидениесида “Оналар мактаби” телекўрсатуви ташкил этилиб, унда оила ва никоҳ масалалари, оилада бола тарбияси, оналар ва болалар саломатлиги муаммоларида телекўрсатувлар ташкил этилди.

Шунингдек, вилоят телевидениесида кўплаб давра столи атрофида суҳбатлар ташкил этилди. Жумладан, “Диний экстремизм - жаҳолатдир”, “Оила – жамият таянчи”, “Ёшлар келажагимиз” мавзуларида ўтказган суҳбатларимиз, “Бевосита мулоқот”лар телетомошабинларнинг эътирофига сабабчи бўлди.

Аёллар - жамиятда катта куч, уларнинг илмий салоҳиятидан ўринли фойдаланиш жамиятга катта фойда келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам “Олима” уюшмаси ижтимоий тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратди.

2012 йил 30 март куни Қашқадарё вилояти “Олима” уюшмаси раиси этиб профессор Ю.А.Эргашева сайланди¹. Уюшма ўз таркибига Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари институти Қарши филиали, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият юритаётган илмий даражага эга хотин-қизларни ҳамда илмий тадқиқотчиларни ўз ичига қамраб олди. Уюшма аҳоли, жумладан, хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш борасида катта ишларни амалга оширди.

2012-2019 йилларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда вилоятнинг барча туманларида ҳуқуқий, маънавий - ахлоқий мавзуларда семинар кенгашлар, халқаро ва республика илмий анжуманлари ташкил этилди.

Шунингдек, олима-аёллар билан вилоятнинг барча маҳаллаларида, турли ташкилот ва корхоналарида, аҳоли билан учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этилди. Бундай суҳбатлар “Оила - жамият таянчи”, “Жамият, оила, аёл”, Аёл-жамият таянчи”, “Болалар - бизнинг келажагимиз”, “Аёл бахти нимада?”, “Хушёр бўлинг”, “Мустақил Ўзбекистонга хизмат қилайлик”, “Баркамол авлод тарбияси йўлида”, “Мустақиллик неъматлари”, “Фан инновациялари

¹ Қашқадарё, 2019, 7 март.

нинг такомиллашувида Ўзбекистон олималарининг роли”, “Ёшлар камолотида маърифий-ахлоқий тарбиянинг ўрни”, “Ўзбекистон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари” ва бошқа бир қатор мавзуларда бағишланган.

Қолаверса, уюшма томонидан анъана сифатида ҳар йили илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиниб, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳада олиб бораётган фаолиятлари кенг оммага таништирилди ҳамда оила ва жамият мустаҳкам-лигини таъминлашда аёлларнинг мавқеи алоҳида ўринга эга эканлиги кўрсатилади. Бунинг натижада ҳозирги кунда вилоятда 6 нафар фан доктори ва 98 нафар фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олималар фаолият олиб бормоқдалар¹ ва фаннинг турли соҳаларида ўзларининг илмий мактабларини яратиб, янги авлод олималарига ўрнак бўлмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз вилоятлари, хусусан, Қашқадарё воҳаси олима-аёллари “Олима” уюшмаси илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш билан биргаликда хотин-қизларнинг маънавий тарбиясини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Ёшлар орасида хотин-қизларнинг илм-фанга қизиқиши ўрганилиб, маънавий-маърифий ишлар борасида кенг фаолият олиб бормоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси “Олима” уюшмаси жорий архивининг маълумот папкаси.
3. Қашқадарё вилояти “Олима” уюшмаси жорий архивининг маълумот папкаси.
4. Қашқадарё, 2019, 7 март.
5. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 22 июнь.
7. Гаффорова Т., Ашурова Ш. Қашқадарё олималари. – Қарши: Насаф, 2006. – 150 б.
8. Гаффорова М. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 24.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ аёлларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган нодавлат, нотижорат ташкилоти “Олима” уюшмасининг ташкил этилганлиги ва фан ривожини учун хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги янада оширилганлиги хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается создание ассоциации женщин-ученых – неправительственной, некоммерческой организации, направленной на поддержку творческой активности женщин в нашей стране в первые годы независимости и дальнейшее повышение социальной активности женщин в целях развития науки.

SUMMARY

This article discusses the creation of the Association of Scientists, a non-governmental non-profit organization aimed at supporting the creative activity of women in our country in the early years of independence and further increasing the social activity of women in order to develop science.

Нашрга проф. О.Бўриев тавсия этган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 22 июнь.

ЁШЛАР ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Яхяева С.А. (СамДУ)

Таянч сўз иборалар: эстетик маданият, маънавият, қадриятлар, фалсафа, сиёсат, мафкура, давлат, эстетик онг, ахлоқий идеал.

Ключевые слова: эстетическая культура, духовность, ценности, философия, политика, идеология, государство, эстетическое сознание, нравственный идеал.

Key words: aesthetic culture, spirituality, values, philosophy, politics, ideology, state, aesthetic consciousness, moral ideal.

Ўзбекистонда ёшларнинг замонавий фалсафий тафаккурини шакллантириш борасида маънавий-мафкуравий жараёнларда доимий изланишлар олиб борилиши йўлга қўйилди. Жамиятнинг маънавият соҳасидаги ислохотларда ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу тафаккурида воқеликнинг реал ҳодисаларига асосланиш кўзда тутилди. Ҳар бир соҳадаги миллий тараққиёт йўналишларидаги сингари, бу борада ҳам Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтириш, жамиятда эстетик идеални қарор топтириш муҳим эстетик объект сифатида танланди. Тафаккур ривожига “эстетик идеал инсон, шахс ва жамиятнинг эстетик тажрибасидан вужудга келади. Инсон дунёни ана шу тажриба воситасида эстетик идрок этади. Шу сабабли эстетик идеал гўзаллик, улуғворлик, мўъжизавийлик ва бошқа эстетик хусусиятларни белгиловчи мезон сифатида юзага чиқади”¹. Бу жараёнда аждоқларимизнинг асрлар давомида синовдан ўтган фалсафий дунёқараши ва мафкуравий иммунитетга эътибор қаратилди.

Ёшларнинг эстетик маданиятини тадқиқ этиш масаласи юртимизда маънавий-мафкуравий жараёнларнинг инновацион ғоялар асосида ривожланишига йўл очиб берди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тараққиёт ривожига таъсир этувчи инсон омилини завқий муносабатлар негизида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга таъсир кўрсатишга чорлади. Инсонларни ташқи оламга бўлган интилишларида эзгулик, гўзаллик, комиллик каби туйғулар билан яшашга, инсониятнинг излаган идеалини топишида ижобий ғояларга таяниш долзарб масала сифатида кун тартибига чиқди. Чунки жаҳонда бўлаётган ёшлар ўртасидаги айрим мафкуравий тазйиқлар, миллатлар ўртасидаги хунуклик касб этувчи ноодатий урфлар, миллий қадриятларга қарши қаратилган эгоистик дунёқараш эстетик маданиятни чуқур тадқиқ этишни талаб этмоқда. Бунда биз юртимизда тадқиқотчиларнинг айрим ғоя ва қарашларини илмий тадқиқ этишимиз лозим.

“Эстетик маданият” тушунчасини фалсафий тадқиқ этиш жараёни илмий баҳсларга сабаб бўлиб, турлича тарзда таърифлар бериб келинган. Эстетикшунос олим М.Абдуллаев фикрича, “эстетик маданиятга ижтимоий субъект сифатидаги инсоннинг эстетик эҳтиёж ва қобилиятларини моддий, социал, сиёсий ва маънавий соҳаларда рўёбга чиқаришнинг тарихан шаклланган ва доимо ривожланувчан хилма-хил шакллари деб таъриф бериш мумкин”². Бунда эстетик маданиятга асосан қадриятлар йиғиндиси нуқтаи назаридан ёндашилган бўлиб, инсон эстетик эҳтиёжларига нисбатан ворисийлик асосида завқий муносабат акс этган. Жамиятнинг воқеликка ўзаро алоқадорлик негизида турли-туман ижтимоий ҳолатларнинг уйғунлашуви сифатида мослашиши, янгича ижод жараёнининг ривожланувчи ҳодисалар билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Фалсафий фанлар тизимида эстетик маданиятга хилма-хил ёндашишлар негизида таърифлар берилган. Жумладан, «Эстетик маданият - эстетик қадриятлар, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усуллари»³. Ушбу таърифнинг асосида аксиологик қарашлар

¹ Шер А. Гўзаллик ёғдуси. –Тошкент: Файласуфлар, 2017. – Б. 52.

² Абдуллаев М. Эстетик маданият: назарий-методологик жиҳатлар. –Тошкент: Фан, 2007. – Б. 32.

³ Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. – 466 б.

ишлаб чиқариш муносабатлари билан узвийликда ифодаланган. Бу эса эстетик маданиятнинг доимий равишда янгилашиб, табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши асносида янгича завқий муносабатлар пайдо бўлишига олиб келиши, миллий кадриятларнинг замона билан параллел равишда гўзаллик қонуниятларини келтириб чиқаришига сабаб бўлишини кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи З.Собирова ҳам бу тушунчага таъриф берар экан, “эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти, эстетик онг мазмуни билан боғланган муносабат ва кадриятлар тизимини ифодалайди”¹, деб айтади. Бу таърифда ҳам юқоридаги қарашлар билан боғлиқ бўлиб, эстетик ҳис-туйғу, эстетик фаолият ва қарашларнинг кадриятлар тизимида тутган ўрнига эътибор қаратилади. Кадриятларнинг инсон маънавий камолоти даражасини белгилувчи муҳим жиҳатларини эстетик онг билан боғлаб тушунтиради.

Ушбу таърифларда эстетик маданиятнинг умумий белгилари, жамият ривожидagi маънавий жиҳатлари очиб беришга қаратилган. Лекин бу тушунчанинг илмий моҳиятини теранроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бу таърифларни ўрганган ҳолда мазкур тушунчага фалсафий-эстетик таъриф бериш лозим. Жумладан, эстетик маданият бу – инсонларнинг воқеликка завқий муносабатларини ўзида ифодаловчи эстетик қийматга эга бўлган маънавий, мафкуравий, диний, ахлоқий, умуминсоний ва миллий кадриятларни ривожлантириб боровчи гўзаллик элементлари йиғиндисидир.

Кишилиқ жамияти ривожидa доимо маданиятнинг ривожланиш тенденциялари кадриятлар билан узвий равишда ўзини намоён этиб келган. Натижада жамиятнинг ғояларига нисбатан инновацион тафаккурнинг шаклланиши, ижтимоий воқеликка янгича нуқтаи назардан ёндашувлар вужудга келган. Биринчидан, инсоннинг ижодий фаолияти маҳсулининг давр руҳиятига мос кадриятларни яратишга қодир куч сифатида эстетик фаолиятни намоён этади. Бунда ишлаб чиқариш кучларининг янгича маънавий кадриятларни яратишга интилиши натижасида замонага мос моддий ва маънавий неъматлар яратилишига олиб келади. Иккинчидан, бу жараёнга инсоннинг янгича кадриятларни яратувчи эстетик қобилият ва эҳтиёжларидан оқилона фойдаланиш лозим бўлади. Инсон мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, воқеликдаги табиий ресурслардан гўзаллик дунёсини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби фаолиятини ривожлантиради. Учинчидан, жамиятнинг миллий тафаккур маданиятини вужудга келтиради. Шу аснода воқеликка илмий ёндашув асосида иккиламчи табиат ва эстетик муҳитни вужудга келтиради. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар яратади, инсоннинг эстетик эҳтиёжларига мослаштиради. Тўртинчидан, реалликда мавжуд бўлмаган виртуал оламни яратиш, инсонни ахборот технологиялари орқали мазкур жараёнга мослаштириш йўллари излаб топади. Бунда нано-технологияларни қўллаган ҳолда инновацион борлиқ ва виртуал эстетик олам шаклланади.

Жамиятда ёшларнинг эстетик маданиятини юксалтиришга интилар эканмиз, барчамиз уларнинг онгида гўдаклигидан бошлаб юксак инсоний нафосат туйғуларни камол топтиришимиз, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни нисбатан ижобий эстетик ҳиссиётни тарбиялашимиз лозим. Бу эса ўз навбатида ёшларда аввало ўтмиш маънавий меросга бўлган ихлосмандликни, аждодларимизнинг яратган кадриятларига оптимистик нуқтаи назардан ёндашишга олиб келади. Инсон ўз меҳнати орқали яратган эстетик муҳитни бойитиб бориш асосида миллий ва умуминсоний кадриятларни вужудга келтириб боради. Бунда асрлар давомида шаклланган кадриятларни замонавий қиёфада ривожлантиришга, инсон интеллектуал салоҳиятининг ноёб қирраларини очиб беришга интилади.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида ёшларнинг замонавий кадриятларга фалсафий ёндашуви вужудга келиб, у жамиятда мавжуд маданият ва кадриятларни янгилашга интилиб боради. Бунда инсон кадриятларнинг яратувчиси эмас, балки уларни ривожлантирувчи, мукамаллаштирувчи куч сифатида майдонга келади. Шу боисдан ҳар бир даврда яратилган эстетик маданият дурдоналари ўзидан олдинги ва кейинги даврларда амал қилган кадриятлардан фарқланиб боради. Шу боисдан жамиятда “фалсафий онгнинг янгилашиш жараёни нафақат

¹ Собирова З. Жамият янгилашиши ва бадиий-эстетик омиллар. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – Б. 108.

умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Бу буюк аллома боболаримиз орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган жараёндир”¹. Замоनावий кадриятларни ўзлаштириш жараёнидаги бундай фалсафий янгилашни масалалари ўзбек фалсафасининг ривожланишига, унда ўзига хос эстетик маданиятнинг янги авлодлар томонидан тараққий эттирилишига хизмат қилади. Эстетик маданиятнинг ёшлар фалсафий тафаккурига таъсири ижтимоий онгнинг ўзгаришига, жамиятда плюрализмнинг вужудга келишига олиб келади. Айниқса, аждодлар томонидан яратилган бой маънавий мерос ва кадриятларни келажак авлодларга холисона етказиб беришга йўл очади. Бундай ворисийлик негизида ёшларнинг юксак эстетик диди, идеаллари, қарашлари ва маданияти замоनावийлашиб боради. Бунда кадриятларнинг ўзлаштирилиши ва сайқалланиб бориши натижасида эски кадриятлар ўз ўрнини янги кадриятларга бўшатиб беради.

Жамият тараққиёти жараёнида эстетик маданият ўзини кўп қиррали ходиса сифатида намоён этиб боради. Бунда ёшлар эстетик маданиятига назарий-методологик ёндашув асосида ўзига хос хусусиятлар шаклланади. Биринчидан, ёшлар эстетик маданияти жамиятнинг кичик хужайралари сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ва қатламларига кириб бориб, ходисанинг моҳиятини чуқур англашга хизмат қилади. Ҳатто ёшларнинг табиий хусусиятлари маданийлик билан уйғунлашиб, уларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб боради. Эстетик маданиятнинг жамият барча соҳаларига кириб бориши универсал маданий ходиса, ўзига хос маънавий-мафкуравий омилларни вужудга келтиради. Иккинчидан, эстетик маданият жамиятда полифункционаллик вазифасини бажаради. Бунда ёшларни замоनावий миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, табиат ва жамият ўртасидаги гўзаллик оламида завқий муносабатларни шакллантириш, инсонга лаззат бахш этиш, тарихий тараққиётда эришилган тажрибаларни маънавий мерос сифатида келажак авлодларга етказиб бериш кабилар акс этади. Масалан, эстетика – гўзаллик ва санъат фалсафаси, этика – ахлоқ фалсафаси, аксиология – кадриятлар фалсафаси, гносеология – билиш фалсафаси сифатида полифункционал ходисалардир. Учинчидан, эстетик маданият ёшларни борлиқда, табиат ва жамиятда завқий муносабатини шакллантиради. Шу боисдан эстетик маданиятнинг табиат ва жамият билан боғлиқлиги умумфалсафий характерга эга бўлиб, инсоннинг воқелиқдаги моҳиятини очиб беради. Ёшлар нафосат оламида мавжуд гўзал ҳис-туйғуларни англаб етиши асосида борлиқдаги нарса ва ходисаларга нисбатан эстетик тафаккури камол топади. Тўртинчидан, эстетик маданият ёшлар валеоэстетик тарбияси билан узвий равишда ҳаётнинг методологик моҳиятини ифодалайди. Инсон фаолиятининг назарий жиҳатларини амалиётга татбиқ этишда фалсафий дунёқарашни шакллантиради. Инсоннинг ҳаётда туғилишдан мақсаднинг моҳияти, нафосат оламида яшаши, воқелиқда ўз ўрнини топиши, қандай гўзал амаллар билан ном қолдириши каби фалсафий эстетик мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси маданиятнинг иштирокисиз мавжуд бўлмаслиги ва муаммони ечиш йўллари тавсия этилади. Бешинчидан, эстетик маданият жамиятда ўзини кадриятлар кўринишида яхлит феномен сифатида намоён қилади. Ўз навбатида жамиятнинг универсал атрибути сифатида аксиологик муаммоларни ечишга хизмат қилади. Бунда эстетик маданият бошқа ижтимоий фанлар билан параллел равишда кадриятларни тадқиқ этади, уларнинг объектив ва субъектив томонларини очиб беради. Олтинчидан, эстетик маданият фалсафа билан уйғунлашган ҳолда нафосат оламидаги диалектик жараёнларни вужудга келтиради. Шу асосда борлиқдаги нарса ва ходисаларнинг уйғунлиги ва мукамаллигини шакллантиради.

Кишилиқ жамияти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, муайян миллий кадриятларнинг вужудга келиши, тараққий этиб бориши ва таназзулга юз тутиши жараёнида уларнинг ўрнига янгилари вужудга келишини кўрамыз. Бу жараёнда кадриятлар инкорнинг инкор қонуни асосида ўрин алмашинади ва айрим омиллар сақланиб қолади. Ёшлар эстетик маданиятининг шаклланиши жараёнида миллий кадриятларнинг ҳам улар эстетик онгида намоён бўлиши содир бўлади. Янгидан вужудга келадиган кадриятлар ўзида тарих ва янги замон руҳида ифодалаб, миллий хусусиятларни акс эттиради. Бунда:

¹ Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013. – Б. 184.

ёшлар эстетик маданияти табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган ижтимоий маконда шаклланиб, хилма-хил ва ранг-баранг шаклларда намоён бўлади, инсон онгига, турмуш тарзига, маънавий ҳаётига миллий тарзда таъсир қилади;

эстетик маданиятнинг муҳим хусусияти жамиятда турли миллатлараро муносабатларда яққол кўзга ташланиб, ёшларда эртанги кунга нисбатан завқий эҳтиёжларни шакллантиради ва улардаги қизиқиш, мақсад, фаолият ва интилишлар учун асос вазифасини ўтайди;

эстетик маданиятнинг замонавийлик касб этиши учун моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, диний, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги инновацион ғоялар долзарб саналиб, атроф-муҳитнинг ҳам таъсири намоён бўлади;

ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий кадриятлар симбиоз ҳолати вужудга келиб, натижада авлоддан-авлодга ўтиш палласида замонавий кўринишга ўтиб боради.

Кадриятларнинг бундай хусусиятлари ҳар бир давр оралиғида ўзининг такомиллашиш босқичини миллий ғоя ва миллий руҳда ифодалаб келади. Шу зайлда миллий кадриятлар тарих сахнасида вужудга келадиган қарама-қаршиликлар натижасида сақлаб қолишга интилади. Аждодлар томонидан яратилган миллий кадриятлар қанчалик халқнинг эстетик тафаккур ва миллий туйғусига айланиб кетган бўлса, улар шунчалик кўп элементларини кейинги даврларга мерос сифатида қолдириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда эстетик маданиятни аждодларимиз яратган бой илмий мерос билан такомиллаштириб, замонавийлаштириб бориш ўзига хос фалсафий қиёфани ифодалайди. Биз халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий кадриятларини ёшлар эстетик олами билан боғлиқлигини тадқиқ этарканмиз, нафақат ўзбек миллий кадриятларини, балки умуминсоний кадриятларнинг ҳам юртимизда кенг миқёсда ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар эстетик маданиятининг раванқ топиб бориши, миллий кадриятларимиз тизи-мида замонавий кўринишда намоён бўлиши акс этган. Унда ёшлар эстетик маданиятига замонавий кадриятларнинг таъсири, жамиятда анъана ва маросимларнинг миллий тафаккурга боғлиқлиги масалалари фалсафий-эстетик таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражено развитие эстетической культуры молодежи, ее современное проявление в системе национальных ценностей. В ней представлен философский и эстетический анализ влияния современных ценностей на эстетическую культуру молодежи, отношения традиций и обрядов в обществе к национальному мышлению.

REZUME

The article reflects the development of aesthetic culture of young people, their modern manifestation in the system of national values. It provides a philosophical and aesthetic analysis of the impact of modern values on the aesthetic culture of young people, the relationship of traditions and ceremonies in society to national thinking.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамолов Д. Б. (ЎзМУ)

Таянч сўз ва иборалар: маданият, миллий маданият, миллий маданият хусусиятлари, миллий маданиятнинг консерватив жиҳати, миллий маданиятнинг инновацион жиҳати, модерн миллий маданият, постмодерн миллий маданият.

Ключевые слова: культура, национальная культура, особенности национальной культуры, консервативный аспект национальной культуры, инновационный аспект национальной культуры, современная национальная культура, постмодернистская национальная культура.

Key words: culture, national culture, peculiarities of national culture, conservative aspect of national culture, innovative aspect of national culture, modern national culture, postmodern national culture.

Инсоният маданиятининг мазмуни ва моҳияти, тараққиёти қонуниятлари билан боғлиқ масалалар ижтимоий фалсафанинг энг нодир муаммоларидан бири саналади. Дарҳақиқат, ижтимоий фалсафанинг бирор категорияси дефиницияси бу қадар турли-туманлик билан характерланмайди, бирор феномен моҳияти ва таркиби маданиятчалик баҳс-мунозара объектига айлангани йўқ. Бир қарашда, бундай плюралистик талқин ва интенсив тадқиқотлар масаланинг моҳиятига оидлик киритмоғи даркор эди. Лекин йиллар ўтгани, илмий изланишлар кўпайгани сайин “маданият” тушунчасининг талқини тобора кўпайиб бораётир, холос. Аслида маданиятни назарий тушунишдаги бундай турфахиллилик мазкур феноменнинг ниҳоятда мураккаб моҳиятга эгалигидан далолат беради.

Аммо биз бу мунозаралар шарҳига берилмоқчи эмасмиз. Боз устига, “маданият” тушунчасининг мазмуни ва компонентлари ҳақидаги мулоҳазаларга ҳам тўхталиб ўтирмаймиз. Бу ўринда маданият ҳақидаги илмий тасаввурларнинг таянч нуқтаси унинг моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидан иборатлигини эътироф этиш билан чекланамиз. Миллий маданият эса маданиятнинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади. Миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ишлар талайгина. Ушбу масаланинг турли аспектларига доир асар ва мақолалар хорижда ҳам,¹ мамлакатимизда ҳам² мунтазам равишда илмий жамоатчиликка маълум қилиб келинаётир. Миллий маданиятнинг моҳияти ва таркибий тузилишини ўрганишда бу манбалар мустаҳкам назарий-методологик асос вазифасини ўтайди.

Миллий маданият деганда муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакаси тушунилади. Унинг моддий ва маънавий шакллари мавжуд. Миллий маданиятнинг моддий жиҳати, биринчи навбатда, ижтимоий борлиқ таркибидан жой олган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат объектларини ўз ичига олади. У миллат томонидан табиатни амалий ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичидир. Миллий маданиятнинг маънавий жиҳати эса фан, унинг ютуқларининг ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётга татбиқ этилиши, таълим даражаси, миллат маърифатининг ҳолати, тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, санъат, жамият аъзоларининг хулқ-атвори, кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатлари характери ҳамда ривожланганлиги даражасидан таркиб топади.

Миллий маданият – миллат онги ва тафаккурининг маҳсули, тажассумидир. Унинг таркибидан жой олган элементлар, артефактлар нафақат маълум бир тарихий давр доирасида сақланиб қолади, балки аждодлардан авлодларга ўтиб боради. Айтайлик, фалсафий мероси аллақачонлар миллий маданият мулкига айланган Афлотун ғоялари бугун икки минг йил аввалдаги каби қадридир. Миллий маданият миллатнинг маънавий тажрибалари, муваффақиятлари, ютуқлари йиғиндисидир, у индивидуал-субъектив ва конкрет-тарихий феномен сифатида юзага келади ва аста-секинлик билан ижтимоий-объектив характер касб этади ҳамда умуммиллий маданий анъанага айланади.

Миллий маданиятнинг қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, у - объектив воқелиқдир. Миллий маданият миллатни шунчаки кишилар йиғиндиси сифатида эмас, ижтимоий жиҳатдан ривожланган яхлитлик тарзида тасаввур қилиш имконини беради. Миллатдан

¹ Журавлева Н. Продвижение культуры малых народов для зарубежных аудиторий: принципы, методы, особенности // Вестник бурятского государственного университета, 2007, – №11. – С. 240-244; Козелько В. Национальная культура: сущность, структура, компоненты // Новые технологии, 2008, – №5. – С. 136-139; Межуев В. Национальная культура как явление и понятие // Личность. Культура. Общество, 2005, – №2. – С. 83-95; Новосельская А. Национальная культура как объект культурной политики // Государственное управление и развитие России: модели и проекты: Сборник статей международной научно-практической конференции. – М.: ИГСУ, 2017; Розенберг Н. Национальные культуры как вызов глобализации // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Гуманитарные науки, – №3. – С. 111-117.

² Қаранг: Амирова Г. Миллий ўз-ўзини англаш миллий ўзига хосликни сақлаш омили сифатида // Замоनावий таълим, 2016, – № 8. – Б. 3-8; Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008; Эркаев А.П. Маънавиятшунослик. – Т.: Маънавият, 2018; Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. – Т.: Маънавият, 2011.

³ Кант И. Антропология с прагматической точки зрения // Сочинения в шести томах. Философское наследие. Т. 6. – М.: Мысль, 1966. – С. 541.

айро маданият бўлмагани каби маданиятдан мосуво миллат ҳам бўлиши мумкин эмас: миллий маданият шу миллатга мансуб кишиларнинг умумий мулкидир.

Иккинчидан, миллий маданият - миллат тарихий фаолиятининг натижасидир. Ибтидодан тайёр маданияти билан пайдо бўлган миллат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай миллатнинг маданияти унинг тарихий тараққиёти давомида шаклланиб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Миллат деб аталмиш этник бирликни сунъий яратиш мумкин бўлмагани каби унинг маданиятини ҳам сунъий равишда шакллантириб бўлмайди. Бу ўринда машҳур немис файласуфи Иммануил Кантнинг мисолини эслаш мақсадга мувофиқ: “Англия қироли Жеймс I га уни тарбиялаган энагаси ўғлини жентльмен қилишни сўраб мурожаат қилди. Бунга Яков шундай жавоб берди: “Мен буни қила олмайман; уни графга айлантиришим мумкин, лекин у ўзини ўзи жентльмен қилиши керак”¹.

Учинчидан, миллий маданият нафақат ўтмиш ва бугунни, балки кела-жакни ҳам ижтимоий ҳодисадир. Ўтмиш билан йўғрилган миллий маданиятнинг энг яхши намуналари бугунги замон кишида намоён бўлади, унинг инсон сифатида шаклланишига таъсир кўрсатади. Бироқ миллат ўз маданиятининг келажагига ҳам бефарқ эмас: ҳар қандай миллатнинг бугунги кунда яшаб, ижод қилаётган етук вакиллари ўз ғоя ва меҳнатлари маҳсулини тарихий даврон оқимида уларнинг ўрнини босадиган авлодларга етказишга интиладилар.

Миллий маданиятни образли равишда тасвирлайдиган бўлсак, у миллат борлигининг ўзига хос қобиғидир, у, биз таъкидлаб ўтганимиздек, миллат билан бирга пайдо бўлади ва у билан бирга ривожланади. Миллий маданият табиатининг бундай тасвири маданиятга доир турли тасаввурларга зид эмас. Масалан, антик даврда (лоақал қадимги Юнон логосларини эсга олайлик) ҳам, ўрта асрларда ҳам, Янги даврда ҳам инсоният маданиятига доир шундай тасаввурлар мавжуд бўлган. В.И. Вернадскийнинг ноосфераси² ва П. Тейяр де Шарден инсон фалсафасидаги культурологик пафос ҳам шундай тасаввурлар билан ҳамоҳанг.³ Бир қарашда бундай тасаввур мистицизм билан йўғрилгандек кўриниши мумкин, аслида эса бундай эмас. Мазкур тасаввурлар маданиятнинг материя ва руҳ уйғунлигини ўзида мужассам қилган, ижтимоий тараққиётнинг табиий маҳсули бўлган воқелик сифатида талқин қилиш имконини беради, холос.

Миллий маданият ўзининг барқарор, консерватив жиҳатига ҳамда ўзга-рувчан, инновацион томонига эга. Унинг консерватив томони миллий анъаналарда намоён бўлади. Айнан анъаналарнинг шарофати билан миллатнинг тарихий тажрибаси жамланиб боради ва аждодлардан авлодларга трансляция қилинади. Миллатнинг ҳар бир янги авлоди мазкур тажрибаларни ўз мақсад-муддаолари ва манфаатларига монанд равишда фаоллаштириб боради.

Миллий маданиятнинг инновацион томони ундаги ижодий негизни характерлайди. Ушбу негиз нақадар такомиллаша борса, миллий маданият ҳам шу қадар ривожланади. Бу ҳолат Европада Уйғониш давридан то Янги давргача бўлган тарихий босқичда айниқса ёрқин намоён бўлди. Бу давр чуқур маънавий инқилоблар даври эди. Теоцентризмга асосланган ўрта аср диний маданияти ўз ўрнини табиатни тажриба ва тафаккур ёрдамида объектив билишга, воқеликни оқилона тушунишга йўналтирилган маданиятга бўшашиб берди. Бундай алмашинув капиталистик ишлаб чиқаришга асосланган жамият учун ғоявий асос вазифасини ўтади. Илмий билим ривожига, техник тараққиётга туртки берилди, фалсафий ва гуманитар билим, санъатда воқелик ҳақидаги янги тасаввурлар шакллана бошлади. Янги ерларнинг очилиши ва ўзлаштирилиши ҳам кишилар дунёқарашини ўзгартирди. Давр фаол, мустақил ва ташаббускор одамларни шакллантирди. Кишилар қадриятлари тизимидаги ва дунёқараши асосларидаги ўзгаришлар илмий-техник инновацион фаолиятни жадаллаштирди, бу фаолият эса, ўз навбатида, янгилик яратиш ёки кашф этишни институционал меъёр даражасига кўтарди.

¹ Кант И. Антропология с прагматической точки зрения // Сочинения в шести томах. Философское наследие. Т. 6. – М.: Мысль, 1966. – С. 541.

² Қаранг: Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М.: Наука, 1989.

³ Қаранг: Чесноков В. С., Прокопенко Е. Е. Пьер Тейяр де Шарден о человеке, ноосфере и космосе // Культура и время, 2005, – № 3.

Хуллас, муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисини, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўлларини, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакасини ифодаловчи миллий маданият динамик характерга эга феномен бўлиб, қатор ўзига хос хусусиятларга эга. У давр нафасига монанд равишда ўзгариб ва такомиллашиб борадики, бугуннинг воқелиги ҳам бундан мустасно эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Журавлева Н. Продвижение культуры малых народов для зарубежных аудиторий: принципы, методы, особенности // Вестник бурятского государственного университета, 2007, – №11. – С. 240-244.
2. Козелько В. Национальная культура: сущность, структура, компоненты // Новые технологии, 2008, – №5. – С. 136-139.
3. Межуев В. Национальная культура как явление и понятие // Личность. Культура. Общество, 2005, – №2. – С. 83-95.
3. Новосельская А. Национальная культура как объект культурной политики // Государственное управление и развитие России: модели и проекты: Сборник статей международной научно-практической конференции. – М.: ИГСУ, 2017.
4. Розенберг Н. Национальные культуры как вызов глобализации // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Гуманитарные науки, – №3. – С. 111-117.
4. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения // Сочинения в шести томах. Философское наследие. Т. 6. – М.: Мысль, 1966. – С. 541.
5. Қаранг: Чесноков В. С., Прокопенко Е. Е. Пьер Тейяр де Шарден о человеке, ноосфере и космосе // Культура и время, 2005, – № 3.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф миллий маданият моҳияти ва асосий хусусиятлари тўғрисида фикр юритади. Миллий маданият деганда, муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакаси тушу-нилади. Мақолада миллий маданиятнинг асосий хусусиятлари, модерн ва постмодерн миллий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор рассматривает сущность и основные черты национальной культуры. Под национальной культурой понимается совокупность материальных и духовных ценностей, созданных представителями нации в процессе исторического развития, способы их создания и трансляции последующим поколениям. В статье раскрыты особенности современной и постмодернистской национальной культуры.

SUMMARY

In the state, the author examines the dryness and basic character of the national culture. National culture is understood as the totality of material and arc values created by the representatives of the nation in the process of historical development, the methods of their creation and transmission by the next generation. In the state, the features of modern and postmodern national culture are revealed.

Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев нашрга тавсия этган

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ҒОЯЛАРИ

Ҳайдаров К.Д. (СамДУ)

Калит сўзлар: тасаввуф, калом, тариқат, эманация (жилоланиш), экстаз (жазава), тарбия.

Ключевые слова: суфизм, слово, течение, эманация, экстаз, воспитание.

Key words: sufism, word, flow, emanation, ecstasy, education.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиш баробарида жорий йилда буюк муҳаддис Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафий мероси, шунингдек, диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар, буюк аллома Баҳовуддин Нақшбанднинг 700 йиллик

таваллуд айёми ўтказилишини таъкидлади[1.1]. Зеро, Марказий Осиё халқларининг бой ва бетакрор илмий ва фалсафий мероси дунё халқлари эътиборини тортаётгани бежиз эмас.

Ўлка тарихидан маълумки, XII асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида тасаввуф (сўфийлик) фалсафаси кенг тарқалди. Ушбу оқим Шарқ халқлари ижтимоий фикри тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Минтақа ҳаётида сўфийлик ўзига хос мистик-аскетик йўналиш сифатида майдонга келди. Машҳур шоир Абдурахмон Жомийнинг фикрича, “сўфий» сўзи куфалик Абу Ҳошимга (778 йилда вафот этган) нисбатан айtilган. Сўфийлик таълимотини дастлаб мисрлик Зунун (796-861) ифодалаб берган, бағдодлик Жунайд томонидан тартибга келтириб, ишланган ҳамда Шибай деган аллома томонидан тарғиб қилина бошланган. Филипп Хитти деган тадқиқотчи ўзининг “Араблар тарихи” деган китобида мисрлик Зунун сўфийликка доимий шакл берди, деб ёзади. Зунуннинг фикрича, худони фақат яққаю ягона йўл - экстаз (жазава) орқали ҳақиқий билиш мумкин.

X аср охири XI аср бошларига келиб сўфийлик таълимоти хуросонликлар томонидан нисбатан кенг қўламда ишлаб чиқилди, у тез ва фаол тарғиб қилинди. Ушбу гуруҳда *Абу Абдурахмон Муҳаммад ас-Сулабий* (1021 йилда вафот этган), унинг шогирди *Абу ал-Қосим ал-Қушайрий* (986-1072), *Абу Саййид* (967-1049), *Абу Ҳасан Хораконийлар* бор эди.

Бу даврда аҳоли турли қатламларининг вакиллари сўфийликка келиб қўшила борди. Давр шу қадар нотинч эдики, салжукийлар таъсирида тарқоклик ва бўлиниш кучли эди. Ашъарийларнинг нозик фаолияти ҳам, перипатетикларнинг неоплатончилик билан мурасага келиш йўлидаги ҳаракатлари ҳам фойда бермади. Илғор кишиларнинг эртанги ёруғ кунларга, ёрқин дунёқарашга бўлган ишончлари ҳам сўна борди. XI асрга келиб сўфийлик серқирра ва зиддиятли таълимотга айланди. Унда кўплаб оқим ва йўналишлар юзага келди.

Мустақилликдан олдин, совет фалсафий адабиётида сўфийлик бир ёқлама, хусусан, таркидунёчилик фалсафаси сифатида олиб қаралар эди. Бошида сўфийлик зулмга қарши курашнинг энг “кулай” шаклига айланди. Ундаги хилма-хил ва қарама-қарши оқимлар ташқи кўринишидан “сўфийлик ниқоби”ни кийишга уриндилар. Шу боисдан сўфийлар орасида феодал давлатга қарши фикрларни илгари сурган довюррак вакиллари ҳам бор эди. Айниқса, инсонпарварлик ва илмий ғояларни тараннум этган сўфийлар феодал мусулмон реакцияси тазйикига учраб, ҳатто қатл этилдилар. Бундай сўфийлар даҳрий деб эълон қилиниб, қораландилар. Юқорида номи зикр этилган Мансур Халлож: “Мен ҳақман! Менинг қалбимда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ!” деб хитоб қилгани учун қатл қилинди.

Шайх Мансур Халложнинг ихлосманд ва шогирдлари кўп эди. Улардан бири Абул Фузайл Ибн Муҳаммад даҳрий деб эълон қилиниб, 1138 йилда Ҳамадондаги ўзи сабоқ берган мадраса дарвозасига осиб ўлдирилди. Ҳиротлик шайх *Абдуллоҳ Ансорий* (1006-1088) тақдири ҳам ана шу тариқа фожиали яқунланди. Насаби ансорларга доир бўлганлиги учун Ансорийнинг таҳаллуси шундай эди (ансор – арабча – ёрдамчилар). Ансорий араб ва форс тилларида ижод қилди. Асарларининг аксарияти дидактик характерга эга бўлиб, уларда вужудиюнга мойиллик сезилиб туради. Маълумки, вужудиюн ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқида кенг тарқалган пантеистик таълимот бўлиб, Аллоҳ ва реал борлик бутун бир вужуд – мавжудотни ташкил этади. Аллоҳ билан реал борликни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди – улар ўзаро сабаб-оқибат занжири билан боғланган.

Ансорий ўз асарларида одамларнинг илму маърифатга, гўзалликка интилишини улуғлаган, ҳукмдорларни адолатга чақирган, халққа таянч бўлиш, унинг хизматида бўлиш, инсонийлик каби фазилатларни тарғиб қилган. Шу сабаб Ҳиротда Ансорийнинг обрў-эътибори янада ошиб кетади ва Шайх ул-ислом даражасигача қўтарилади, халқ орасида “Пири Ҳирот” деб аталади. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий уни “Муқарраби борий” (Гангрининг яқини) деб тилга олади. Бойсунгур Мирзо Ҳиротда унинг қабрига мухташам мақбара бунёд этган, Навоий у ерда хонақоҳ қурдириб, атрофини янада обод қилган”[2.61-62].

Таниқли шайхлардан бири бўлган *Ибн Арабий* (1165-1240) сўфийликда ўзига хос доктрина ишлаб чиқди. Унга кўра дунё икки хил бўлади – нарсалар ва ғоялар дунёси. Нарсалар дунёси ғоялар дунёсининг маҳсулидир. Ғоялар дунёси ягона, ўзгармас ва абадий дунё. Ибн Арабий Андалусия ва Шимолий Африка бўйлаб қилган сафар чоғларида ўша даврнинг

машхур аллома ва мутафаккирлари билан суҳбатда бўлган. Шарқнинг машхур сўфий алломаларидан бўлмиш Харроз, Ҳақим Термизий, Ҳаллож, Ғаззолий ва бошқаларнинг асарларини ўрганган. Унинг “Футуҳот ал-Маккийя” (Макка илҳомлари) номли асарини “Сўфийликнинг комуси” деб аташган. Замонасининг комусий билим эгаси сифатида танилган Ибн Арабий “Фусус ал-ҳикам” (Ҳикматлар дурдонаси) номли асари билан янада машхур бўлди.

Исломда сўфийликни “қонунийлаштирган” ва мусулмон оламида катта обрўга эга бўлган *Абу Ҳамид Зайниддин Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийни* (1058-1112) етакчи сўфийлар “Ислом исботчиси” деб атар эдилар. Ғаззолий анча йиллар мутакаллимлар ғояларини ҳимоя қилиб, Форобий ва Ибн Сино қарашларига қарши бўлиб келди, ашъарийча илоҳиётни ёқлади. 1091 йилда салжуқийлар вазири Низомулмулк уни Бағдоддаги машхур “Низомия” мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Мадрасада тезда обрў-эътиборга эришди. Сўнгра Ҳаж сафарини адо этгач, роса ўн бир йил дом-дараксиз, ҳеч кимга кўринмай зоҳидликда яшади. Ўн бир йилдан сўнг узлатдан қайтиб келган Ғаззолийни 1106 йилда Низомулмулкнинг вазир бўлган ўғли Фахрулмулк яна “Низомия»га мударрис этиб тайинлади.

Унинг асосий асарлари “Ал-Мунқиз мин-аз-залал” (Залолатлардан қутқарувчи китоб), “Таҳофут ул-фалосифа” (Файласуфларга раддия), “Мақосид ул-фалосифа” (Файласуфларнинг мақсадлари), 5 жилдлик “Ихйа алулум ад-дин” (Диний илмларни тирилтириш), “Кимёи-саодат” (Саодат кимёси), “Ар-Рисолат ал-қудсия” (Қудсия рисоласи), “Қавоит ал-Ақоид” (Ақидаларнинг қоидалари), “Жавоҳир ул-Қуръон”, “Мушкот ул-анвор” ва б. Европа олимлари (Жон Беньян, Франческо Петрарка, Август Толук ва б.лар) нинг эътирофи этишларича, Ғаззолий дин ва фалсафада шундай юксак фазилатларни топдики, улар ёрдамида барча ҳақ динларнинг замири, ички маъно, моҳиятидан келиб чиқиб, дин – барча файласуфларга сув ва ҳаводай зарур маънавий озик беришини далиллаб, илми ғайб, тасаввуф ва фалсафанинг умумий илдизларини очиб берган. Ғаззолий талқин ва тафсир этган Қуръон ғоялари яҳудий ва масиҳийлик динлари учун ҳам азиз эканини исботлаб берди.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишча, Ғаззолийнинг “Жавоҳир ул-Қуръон” ва “Мушкот ул-анвор” асарлари атоқли авлиёлар, сўфийларнинг хонақоҳларида асосий сабоқ китобларидан ҳисобланган. Ғаззолийнинг жаҳон фалсафа тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган “Таҳофут ул-фалосифа” (Файласуфларга раддия) асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб файласуфлари ва илоҳиётчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У сўфийлик йўлидаги камолот фақат танланган, нодир инсонларга хосдир, барча мусулмонлар Ҳаққа яқинликка муносиб эмас, деб ҳисоблади. Шу сабабли, у авом халққа бошқа сўзларни айтади ва ҳол илмига доир билимларни барчага айтишга руҳсат йўқ, деб тушунтиради. Чунки, Ғаззолий фикрича, авом одамлар олий ҳақиқатларни билишга тоқатлари етмайди. Айни вақтда у, тасаввуфга кириш учун барча йўл очиқ, лекин кўпчилик бу йўлнинг машаққат-риёзатларига чидамайди, дейди мутафаккир.

Ғаззолий ислом илоҳиётини фалсафий жиҳатдан асослашга уринди. Суннийлик ақидаларини тасаввуф ғоялари бирга қўшиб талқин қилиш баробарида Ғаззолий ислом фалсафий тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшди. Шу боис замондошлари уни “Ҳужжат ул-ислом” (Ислом далили) деб аташган.

XIII аср Эрон илоҳиётчиси *Шаҳобуддин Яҳё Ҳабаш (Сухравардий)* сўфийлик қоидаларини янада бойитди. Сухравардий ғоялари “ишрок (вахийлик) фалсафаси” деган ном қозонди ва, асосан, перипатетиклар ғояларига қарши қаратилди. Унингча, ҳақиқатга эришиш манбаи ақл ҳам эмас, интуиция ҳам эмас, балки ички ваҳийдир. У баъзи руҳонийларни диний лўттибозликка айблаб, ёлғон ва шубҳали хулосаларни исботлашда эпчил эканлигига шаъма қилди. Шу боис Сухравардий бидъатда айбланиб, 1191 йилда 36 ёшида халқ кўзи ўнгида қатл этилди. Сухравардийнинг қарашлари Эрон файласуфлари орасида кенг тарқалиб кетди. Таъкидлаш жоизки, Эроннинг шимоли-шарқидаги Сухравард шаҳридан икки буюк сўфий аллома чиққан, уларнинг бири буюк дипломат, ҳуқуқшунос *Шаҳобуддин Умар Сухравардий* (1144-1235) бўлиб, Шайх Саъдий “Бўстон” номли асарида уни “ўзининг устози деб атаган, сўз мулкисининг султони Мир Алишер Навоий ҳам у ҳақда илиқ фикрларни келтирган”[4.269].

Сўфийлик тарғиботида Аҳмад Жон тахаллуси билан машҳур бўлган *Абу Наср Аҳмад ан-Намиқий*нинг (1141 йилда вафот этган) ўзига хос ўрни бор. Унинг “Ёруғ йўлга равона бўлган биродар” деган 45 бобдан иборат каттагина асарида сўфизм шариати ва тариқати қоидалари баён қилиб берилган.

Шундай қилиб, XII асрга келиб сўфийлик ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш инсоннинг маънавий етуклик гарови, деб тушундилар. Нафс ва ғазабнинг кушандаси – билим. Билим инсонни барча бало-қазолардан қутқаради. Ҳақиқий, чинакам билимга эга бўлмоғи учун инсон ўзини ўзи бошқариши, турли номаъқулчиликдан ўзини ўзи тия олиши зарур. IX асрдаги сўфийлардан бири Абу Бакр аш-Шаълий айтганидек, сўфий ёлғон гапирмаслиги, ўғирлик ва зино қилмаслиги, рўза тутиб жонини қийнаши, жисмини тоза тутиши, бойликка интилмаслиги, Тангрини улуғлаб, доимо тоат-ибодат қилиши зарур. Булар туфайли инсон танаси покланади, ҳиссиёти нозиклашиб, хайвоний одатлардан тозаланади.

Тариқатнинг ўнта шартларига тавба-тазарру, пири ёки устозига қўл бериш, худодан кўрқиш, тангрининг марҳаматига ишонч, роҳат-фароғат ва шахвоний нафсдан ўзни тийиш, пирга хизмат қилиш, пирнинг рухсати билан гапириш, пирнинг панд-насихатларига амал қилиш, тарки дунёчилик, узлатда бўлиб туриш киради.

Маърифатнинг ўнта шартлари эса фано, зоҳидлик, сабр-чидам, барча соф ва рухсат этилган нарсаларни излаш, билимли бўлиш, шариат ва тариқатнинг барча қоидаларига амал қилиш, дунё роҳатларидан тийилиш, келажак ҳаёт ҳақида қайғуриш, экстаз босқичига эришиш, ҳақиқатга интилишдан иборат.

Мусулмон Шарқи фалсафаси тарихида Хожагон ҳаракати катта ўрин тутади. Ушбу ҳаракатнинг барча аъзолари сўфийлар эдилар. Ҳаракатнинг ижтимоий мазмуни ва мафкуравий моҳияти бошдан оёқ халқпарварлик эди. Ҳаракат халқ хўжалигини тиклаш, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаракат кенг қулоқ ёйди, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа минтақа ва давлатларнинг маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Хожагон тариқатнинг асосий намояндalари Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Амир Кулол ва бошқалар эдилар.

Тасаввуф тариқатларининг тадқиқотчиларидан бири, таниқли олим Хуррам Баракаев Мовароуннаҳр тасаввуф аҳли намояндalари тарихини ёзиб қолдирган муаррих Фахриддин Али ас-Сафий (вафоти 1532 йил)нинг “Рашаҳоти айнул-ҳаёт” (Ҳаёт булоғидан қатралар) деган асарига таяниб, Хожагонлар силсиласининг 47 нафар вакилини баён қилди [3.54-55].

Хожагон тариқатининг намояндalари мўғуллар ҳукмронлиги давридаёқ зўравонликка қарши курашдилар. XVI аср биринчи ярмининг охири, иккинчи ярмининг бошларида улар раҳбарлигида деҳқонлар, хунармандлар ва қуллар кўзғолони бўлди, у “сарбадорлар» (дор тагидан қочганлар) кўзғолони сифатида тарихдан жой олди. Сарбадорларнинг шиори шундан иборат эдики, агар улар ғолиб чиқсалар, зулм ва зўравонликка барҳам берилиб, озодлик таъминланади, бордию мағлуб бўлсалар, унда дор тагига бориб, осиладилар.

Мусулмон Шарқида “Тасаввуф” (сўфийлик) номи билан машҳур бўлган Хожагон ҳаракати VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида вужудга келди. Сўфийлик ва унинг турли-туман шакл ва кўринишлари ҳақида кўплаб фаразлар мавжуд. Хатто “сўфий” атамаси ҳақида ҳам нуқтаи назарлар кўп [5.134]. XV асрнинг машҳур шоири Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ал-унс мин Хадарат ал-Кудс” (“Муқаддас кўшкдан эсган дўстлик шабадаси”) деган асрида 604 нафар сўфийнинг номини тилга олади. Юқорида қайд қилинганидай, “сўфий” сўзи биринчи марта куфалик Абу Ҳошимга (766 йилда вафот этган) нисбатан қўлланган. “Худо йўли худди инсон жони сингари сон-саноксиздир”, дейдилар сўфийлар. Шу билан бирга улар “Хитойгача борсанг-да, илм изла!” деб ҳам таъкидлайдилар.

XIII-XIV асрларда ижтимоий-фалсафий жабҳада янги ғоялар ва таълимотлар шаклланди. Адабиёт ва санъат арбоблари, файласуфлар аввалги даврларда яратилган ғоявий меросни ўрганиш, шарҳлаш ва уларни тарғиб қилиш билан машғул бўлдилар. XIII асрнинг мутафаккир шоири *Саъдий Шерозий* (1203-1292) узоқ йиллар мобайнида Шарқ мамлакатларига сафар қилди. Бундай сафарлар туфайли Саъдий кўп юртларни кўрди, ҳаётий тажрибаси ортди, ди-

ний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуф адабиётининг ёрқин намояндаси бўлиб етишди. Сафарлар натижаси ўлароқ ўзининг машхур “Гулистон” ва “Бўстон” номли асарларини ёзди, уларда ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва машаққатларини ёритиб берди.

“Саъдий икки тилда ёзиладиган шеър тури – муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси хисобланади. Араб тилини яхши билганлигидан у арабча мисра ва байтларни форсий билан уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган. Кейинчалик форсий-туркий ибора ва мисралар воситасида ширю шакар ёзиш анъанаси пайдо бўлди. Саъдий таржеъбанд жанрини ҳам ривожлантириб, баланд пояга кўтарди. Ундан кейин ўтган шоирлар, хатто Ҳофиз ва Жомий каби шеър устодлари ҳам бу борада унга эргашдилар”[6.160].

XIV аср, эронлик аллома Саид Нафасий таъкидлаганидек, ёлғон ва алдов учига чиққан давр бўлди ва у Эрон ва Марказий Осиё тарихининг алоҳида хусусиятига айланди. Сўфийлар ислом динини тиклашга қаратилган фаолият олиб бордилар. Мўғуллар вайрон қилинган иқтисодиётни тиклаш учун диний эркинликни тан олишга мажбур бўлдилар. Мўғул хонликларида ислом дини бирин-кетин қабул қилина борди. Шу тариқа Ислом Марказий Осиёда яна ҳукмрон дин бўлиб қолди. Иброҳим ҳамда Барзаний сўфий шайхлар бўлиб, ислом динининг қайта тикланишида катта рол ўйнадилар. Сўфий шайхлар билан ортодоксал ислом шайхлари ўртасидаги ғоявий кураш давом этди.

Сўфийлик халқ орасида кенг тарқалди. Бу унинг фалсафий мазмуни содда ва барча учун тушунарлилиги, Худога бўлган меҳр-муҳаббат унинг асосий ғояси эканлиги билан изоҳланади. Оламдаги жонли ва жонсиз табиат мутлақ ҳақиқат - Худонинг жилоланиши, нурланиши, яъни эманацияси туфайли намоён бўлади.

Инсон Аллоҳ томонидан яратилган бўлиб, унинг билан қўшилишга тинмай интилиши лозим. Бунинг учун инсон молу мулкдан, бойликдан воз кечиши, хохиш-истаклардан тийилиши, фикру зикрида Тангри жамолига етишиш истаги жўш уриши керак. Сўфийлар ўз нуқтаи назарини, эътиқодини асослаш мақсадида эротик символика ҳамда илоҳий ишқнинг табиий образларидан фойдаланганлар. Сўфийлар севимли ёр деганда Худони, илоҳий ишқ деганда Тангри билан маънавий қўшилишни, мастлик деганда экстаз (жазава)ни, кулба деганда масжидни тушунганлар.

Бу даврда сўфийлик ҳам, исмойлизм ҳам ўзларининг илк даврдаги нисбатан илғор томонларини йўқотди. Ғоявий кураш икки йўналишда шарҳлаш тарзида борди. Улардан *биринчиси* сўфий назариётчиларининг маънавий меросини мистицизм нуқтаи назаридан талқин қилдилар. Бу мерос, маълумки, диний қобикқа ўралган айрим илғор ғояларни ўз ичига олган эди. Бу даврда сўфий шарҳчиларнинг китоблари қуйидагилар эди:

1. Садриддин ал-Казаруний (вафоти - 1209 йил)нинг “Маънавий камолот босқичларини тушунтириш китоби”;

2. Азиз Ибн Муҳаммад ан-Насафий (1262 йилда вафот этган)нинг “Четлашган мақсад” номли сўфизм доктринасига бағишланган китоби;

3. Абу Закариё Яхё ибн Шарофиддин Нававий (1233-1277)нинг “Риёз ас-солиҳин” (Покиза одамлар боғи) номли мусулмон ахлоқи тўғрисидаги китоби;

4. Хусайн ал-Маданийнинг “Қувноқ ҳикоялар” номли тўплами;

5. Амир Саййид Али Ибн Шаҳоб ал-Ҳамадоний (вафоти 1384 йил)нинг “Намунали хулқ” номли китоби. Унда ғайрихлоқий хатти-харакатларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинади. Хасислик, такаббурлик, ҳасад, мунофиқлик, ўз сўзида турмаслик, очкўзлик ғайрихлоқий ҳаракатларнинг ибтидосидир. Агар инсон ўз қусурларини бартараф қилиб, маънавий қиёфасини ўзгартира олса, унда намунали хулқ шаклланади, саҳийлик, камтарлик, қалби поклик, мардлик, нафсни тия олиш каби сифатларга эга бўла боради. Бунга Муршид (рахбар)га итоат этиш орқали эришилади.

6. Аҳмад Ибн Саҳл ал-Китоб (вафоти 1276 йил)нинг “Ноёб китоб” асари. Ушбу китоб фалсафа, этика, табиий фанлар, мантик, тиббиёт фанларининг таърифи ҳамда уларнинг мусулмон теологияси нуқтаи назаридан тавсифига бағишланган қомусий асардир.

*Иккинчи йўналиш*даги шарҳловчилар маънавий ўтмишни сийқалаштирадиган илоҳиётчиларга қарши курашни давом эттирувчи алломалардан иборат эди. Улар, асосан, Абу Наср

Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа мутафаккирларнинг фалсафий ғоялари софлиги учун курашдилар. Бу даврда Кутбиддин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтаний (вафоти 1364 йил)нинг Ибн Сино асарларига ёзган шарҳлари, Жалолиддин Даванний (вафоти 1502 йил)нинг Ибн Сино ғояларини ортодоксал руҳонийлардан химоя қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Муҳаммад ибн Умар Саъдиддин Тафтазоний (1322-1392 йил) “Таҳзиб ал-мантик ва-л-калом” (Мантик ва каломдаги тузатишлар), “Мақосид ат-толибин” (Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари) ва бошқа асарлари орқали ўзининг фалсафий мактабини яратди. Унинг риторика, теология ва мантикка доир асарлари Шарқда машхур бўлиб кетди. Тафтазоний калом илмини мантикий хулосалар билан бойитди. Инсоннинг ирода эркинлиги – унинг фалсафий қарашларида устувор ғоя бўлган. Аллоҳ бандаларига икки йўлни кўрсатади, улар савоб ишлар қилиб рағбат ёки жазо оладилар. Аллоҳ томонидан кишиларга фақат эзгу ва хайрли юмушлар буюрилган, ножўя ишлар эса инсоннинг ўз иродасига боғлиқ.

Умуман, XIII-XIV асрларда фалсафий адабиёт шарҳлаш, комментария бериш шаклида бўлса-да, соғлом ғоялардан бегона эмас эди. Мунозаралар орқали янги-янги ғоялар илгари сурилар эди. Нақшбандийа тариқатининг аҳоли қатламлари ўртасида тарқалиб боришида *Муҳаммад Порсонинг* хизмати каттадир. Унинг асли исми шарифи Муҳаммад ал-Ҳофизи ал-Бухорий бўлиб, “Порсо” унга берилган нисбатдир. Ривоятга кўра Хожа Муҳаммад биринчи марта Баҳоуддин Нақшбанднинг уйига келиб, унинг эшигини тақиллатади. Оксоч аёл эшикни очиб, салом-алиқдан сўнг Баҳоуддиннинг олдига боради-да, “Қандайдир художўй ва покдомон (яъни порсо) одам ташриф буюрди”, дейди. Хожа Баҳоуддин келиб эшикни очади-да, “Биз сенга “Порсо” деб ном қўйдик, Худонинг ўзи ёрлақасин, исминг жисмингга монанд бўлсин”, дейди ва шу тариқа унга ном беради.

Манбаларда Муҳаммад Порсонинг таваллуд вақти аниқ кўрсатилмаган. “Рашаҳот” номли асар муаллифи Фахриддин Али Сафий (Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли) уни 622 хижрий, яъни 1420 мелодий йилда, 72 ёшда вафот этганлиги ҳақида ёзган. Порсо Шайх Баҳоуддиннинг алоҳида эҳтиромига сазовор бўлган суюкли шогирдидир. Хусайн Воиз Кошифийнинг қайд қилишича, Нақшбанд ҳазратлари “Мен уни (Порсонинг – К.Х.) тарбияладим, унга мистик ҳолатга эришиш ва жазавага тушишни, яъни “Сулук” ва “Чазба”ни ўргатдим”, деган экан. Маълумки, Нақшбандийа тариқатига кўра, “сулук” шундай усулдирки, унга кўра олий мақсадга эришиш жараёнида инсон олдида илоҳий ҳақиқатлар очила боради, “Чазба” усулида эса ҳеч бир воситачисиз олий мақсадга эришилади.

Порсо ўздан кейин катта маънавий мерос қолдирган, асарлари асосан сўфийлик тарихи ва назариясига бағишланган. Порсо асосан нақшбандийлик таълимотининг ўзига хос хусусиятларини тизимга солишга алоҳида эътиборни қаратган. Асосий асарлари “Фасл ал-китоб”, “Рисолаи кудсия”, “Тухфат ус-солиқин” ва б. Айниқса “Фасл ал-китоб” номли асари “ислом алломалари томонидан энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланилган” [2.541], сўфийлик назариясини ишлаб чиқиш, унинг таҳлили, асосий қоида ва тамойилларига бағишланган. Асарда сўфийлик ва калом фалсафасининг Абдурахмон Сулабий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Умар Насафий каби вакилларининг ғоялари ёритилган.

“Кудсия” (Авлиёлик) деган асарида Шайх Баҳоуддиннинг ўз яқинлари, шогирдлари ҳузуридаги фикрлари баён этилган. Ушбу трактат Порсонинг энг кенг тарқалган асари ҳисобланади. Унинг сўзларига кўра, ушбу трактат Хожа Баҳоуддиннинг ноибни Аттор номи билан машхур Хожа Алоуддин Муҳаммад ал-Бухорийнинг кўрсатмаси билан ёзилган. Унда Ҳаққа яқинлашув босқичлари, диний маросимлар, “фано”, “бако” ва бошқалар тўғрисида сўз боради.

“Анис ут-толибин ва идат ус-солиқин” (Ҳақиқатга интилаётган биродар ёки илоҳий йўлдан олға бораётганлар учун озуқа) номли трактат тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисми “Вали” (авлиё) ҳамда “вилоят” (авлиёлар) деган атамаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган. Иккинчи қисмида Баҳоуддин фаолиятининг бошланиши ҳақида гап боради. Учинчи қисмда тариқат асосчисининг билишнинг мистик йўли ҳақидаги фикрлари келтирилади. Тўртинчи қисм улуғ Шайхнинг илоҳий кароматлари ва мўъжизаларига бағишланган.

Мовароуннаҳр бутун дунё сўфийлик тарихида бир йўла тўрт буюк тариқатнинг маскани бўлди. Бу тариқатларнинг ҳар бири шарқона маънавият шаклланишида, ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёни ҳар томонлама тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё халқ-

лари маънавий тараққиётидаги ўрнини ҳолисона аниқлаш ва баҳолаш билан Мовароуннаҳр халқлари тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси // "Халқ сўзи", 2020 йил 25 январь.
2. Ислом. Энциклопедия. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2017.
3. Баракаев Х. Тасаввуф. – Самарқанд: Суғдиён, 1997.
4. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Сухравардий // Буюк юрт алломалари / тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: "O'zbekiston" NMIU, 2016.
5. Каттаев К. Самарқанднома. – Т.: Mashhur-press, 2017.
6. Очилев Э. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2012.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган тасаввуф фалсафаси, унинг асосий тариқатлари, намояндалари, ғоявий-фалсафий манбалари, ушбу таълимотнинг маънавий баркамолликка эришишга қаратилган устувор ғоялари ҳақида мушоҳада юритилади. Шарқ халқлари маънавий ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган ҳамда минтақада ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган тасаввуф (сўфийлик) таълимотининг маънавий тарбиядаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида хулосалар баён қилинади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается философия суфизма, широко распространенного в Центральной Азии в период раннего средневековья, его основные течения, представители, идейно-философские истоки, приоритетные идеи, направленные на достижение духовного совершенства человека. Делаются выводы о роли и значении учения суфизма в процессе духовного воспитания, которое занимало важное место в духовной жизни народов Востока и оказало всестороннее воздействие на развитие общественно-философской мысли в регионе.

SUMMARY

This article examines the philosophy of Sufism, which was widespread in Central Asia in the early Middle Ages, its main trends, representatives, ideological and philosophical origins, priority ideas aimed at achieving spiritual perfection of man. Conclusions are made about the role and significance of the teachings of Sufism in the process of spiritual education, which occupied an important place in the spiritual life of the peoples of the East and had a comprehensive impact on the development of socio-philosophical thought in the region.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Қудратов А.М. (Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси)

Таянч сўз ва иборалар: *волонтёрлик, кўнгиллилик, кўнгил иши, Бирлашган миллатлар ташиклоти, декларация, концепция, ихтиёрийлик, эзулик, инсонпарварлик.*

Ключевые слова: *волонтёрство, добровольчество, добрые дела, ООН, декларация, концепция, свобода, доброта, человечность.*

Key words: *volunteering, volunteering, deeds of the soul, UN, declaration, concept, freedom, kindness, humanity.*

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсангиз, волонтёрлик ҳаракати ҳам нақадар узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўласиз. Бизга маълумки, инсоният тарихи ранг-барангдир. Яъни инсоният ўз бошидан кўплаб ижтимоий инқилоблар, қуроли можаролар ва урушларни ўтказганлигига қарамай, улар кундалик ҳаётида ўзаро бир-бирларига бегараз ёрдам кўрсатганлиги борасидаги кўплаб фактларга бой саҳифаларни учратиш мумкин.

Бир мамлакат ичидаги ижтимоий қатлам вакиллари ўртасида ҳам, турли ирқ, миллат ва мамлакатларнинг аҳолиси ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга қаратил-

ган тинчликпарвар ташкилотлар дунё мамлакатлар ижтимоий ҳаётида эзгу ғояларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаган.

Билишимизча, бугунги кунда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакатада йирик профессионал волонтерлик ташкилотлари мавжуд. Уларга давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилаётгани боис, кўнгиллилар сектори мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий бўлагига айланиб бормоқда. Кўнгиллилар ўз фаолияти давомида қатор муҳим ижтимоий хизматларни кўрсатади, улар муайян товарларни ишлаб чиқаради, ўз манбалари ҳисобидан жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини қаноатлантиради, давлат органларининг айрим вазифаларини зиммасига олади ва бу бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон беради. Кўнгиллилик, айниқса, ёшларни жамият ҳаётига фаол киришиш жараёнларига кўмаклашишга, зарур иш тажрибасини тўплашга, меҳнат бозори талаблари бўйича малака ва кўникма ҳосил қилишга, ижтимоий муносабатларда уларнинг фаоллигини оширишга туртки беради[1:2].

2017 йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Ўзбекистон ёшларининг бутунжаҳон ассоциациясини тузди. Бу ассоциациянинг асосий фаолияти кўнгиллилик билан боғлиқдир.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг кўнгиллилар фаолияти ривожланган давлатлардан фарқли томони ушбу фаолиятни амалга оширишни тартибга солувчи қонуннинг йўқлиги эди. Мазкур ижтимоий фаолият тури, фақатгина “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунда қисман ёритилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг миллий базасидаги ҳужжатлар сони 46 мингдан ортиқ бўлиб, 12 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда “волонтер” тушунчаси мавжуд[3:4].

Шу тариқа, мамлакатимизда шундай ҳолат юзага келдики, қонуний асосга эга бўлмасдан туриб кўнгиллилар фаолияти ривожланган. Бундай кўринишдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар турли тоифадаги шахсларга, шунингдек, юртимиз ёшларини мазкур йўналишда давлат сиёсати ва миллий менталитетимизга мос келмайдиган кадриятлар асосида “бирлаштириш”га фаол ҳаракат қилувчи хорижликларга “кенг майдон” яратиб беради.

Ўзбекистонда У-Репорт Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Сиз учун волонтерлик нима?” мавзусида Ёшлар волонтерлик фаолияти ҳақида нимани билишади? Волонтерликни қандай қилиб тушунади? Ёшлар волонтерлик, кўнгилли ҳаракатлар ва ташкилотлар фаолияти тўғрисида қанчалик яхши маълумотга эгалар? Уларга волонтер бўлишлари учун қандай мотивация керак? Каби саволлар асосида ижтимоий сўровнома ўтказган. Ундан кўзланган мақсад волонтерликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва мамлакатимизда волонтерлик фаолиятининг истиқболи ва уни ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаштиришдан иборат бўлган.

Сўровномада бутун мамлакат бўйлаб 4500дан ортиқ респондентлар иштирок этган, уларнинг 38 фоиз - аёллар, қолгани эркеклар бўлишган.

Волонтерлик ҳақида сўровноманинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Респондентларнинг аксарияти (68 фоиз) улар волонтерлик нима эканлигини билишлари-га ишонишади, респондентларнинг 26 фоизи эса бу қандай фаолият эканлигини билишмаган.

2. Респондентларнинг ярмидан кўпи (58 фоиз) волонтерликни "эзгулик учун беғараз меҳнат" билан боғлашган. 14 фоиз "Ватан равнақи учун ёрдам" вариантини танлашган.

3. Респондентларнинг атиги 18 фоизи улар ҳозирда волонтер эканликларини айтишган ва бу вариант барча ёш тоифаларида тенг равишда танланган. Респондентларнинг 1/3 қисми ҳеч қачон волонтер бўлмаган, шу билан бир вақтда 1/4 қисми аввал волонтер бўлишган, сўров иштирокчиларининг 1/5 қисмида волонтер бўлиш истаги бор, лекин буни қандай қилишни билмасликлари аниқланган.

4. Таълим лойиҳалари – волонтерлик фаолиятнинг энг жозибали соҳаси – респондентларнинг 20 фоизи ушбу вариантни танлаганлар. Иккинчи ўринда ёшлар билан ишлаш (17 фоиз).

5. Қизиғи шундаки, таълим соҳасида волонтерлик қилиш 35 ёш ва ундан катта ёшдаги респондентлар учун энг жозибали бўлган.

6. Сўровномада қатнашган ёшларнинг аксарияти (60 фоиз) одамларга ёрдам бериш истаги уларни волонтерлик билан шуғулланишга ундайди, дея эътироф этишган. Иккинчи

энг муҳим рағбатлантирувчи омил - бу ўз-ўзини ривожлантириш истаги (13 фоиз), учинчи ўринда бир жамоанинг қисми бўлиш истаги (11 фоиз).

7. 38 фоиз респондентларнинг фикрига кўра, бугунги кунда ОТМ талабалари кўпроқ волонтер бўлишади дея фикр билдиришган.

8. Респондентларнинг фикрига кўра, жамият муаммоларига бефарқлик (24 фоиз), моддий имкониятларнинг йўқлиги (21 фоиз), волонтерлик ҳақида чекланган маълумотлар (18 фоиз), шунингдек волонтерлик моҳиятини тушунмаслик (14 фоиз) Ўзбекистонда волонтерликни ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардир.

9. Респондентларнинг аксарияти (92 фоиз) Ўзбекистонда волонтерликни ривожлантириш керак, деб ҳисоблашган.

10 Респондентларнинг аксарияти (73 фоиз) жамиятдаги мавжуд муаммоларни волонтерларни жалб қилган ҳолда ҳал қилиш мумкин деб мулоҳаза билдиришган [4:3].

Респондентларнинг аксарияти (68 фоиз) волонтерлик нима эканлигини билишини қайд этган, респондентларнинг 26 фоизи бу қандай фаолият эканлигини билишмайди. Қизлар (73 фоиз) йигитларга (66 фоиз) қараганда волонтерликни тушунишга кўпроқ ишонч билдирганлар. Ёш гуруҳлари орасида 31-34 ёшдаги респондентлар энг кўп "Ҳа" жавобини танлаганлар - бу ушбу тоифадаги барча респондентларнинг 70 фоизни ташкил қилган.

Респондентларнинг ярмидан кўпи (58 фоиз) волонтерликни "эзулик учун беғараз меҳнат" билан боғлашган. 14 фоиз "Ватан равнақи учун ёрдам" вариантини танлашган. Респондентларнинг 8 фоизи буни қисман ҳақ тўланадиган иш деб ҳисоблашган.

Йигитларга (55 фоиз) қараганда қизлар (61 фоиз) кўпроқ волонтерликни беғараз меҳнат деб билишади. Қизиғи шундаки, 15-19 ёшдаги ёшлар бошқа ёш гуруҳларига қараганда волонтерликни кўпроқ ватанпарварлик руҳида қабул қилишади - уларнинг 18 фоиз волонтерлик бу Ватан равнақи учун ёрдам деб ҳисоблашган[5:3].

У-Репортёрлар респондентлардан волонтерлик фаолиятига ундовчи ўзларининг сабабларини ёзишни сўрашганида қуйидаги жавобларни олишган:

1.Жамият учун фойдали бўлиш, дунёқарашни яхшилаш, одамлардаги ишончни тиклаш, кимгадир қувонч бағишлаш, ҳамфикр одамлар гуруҳини топиш.

2.Диний омиллар, савоб, инсонийлик, Аллоҳдан савоб олиш умиди.

3.Сертификат олиш.

4.Шунчаки дунёни яхшироқ қилиш истаги.

5.Меҳрибонлик, инсоний фазилатлар, табиатга, одамларга, жониворларга бўлган муҳаббат.

6.Бу дунёга ва ҳаётга онгли муносабат.

7.Вақтни бой бермаслик ва бошқаларга мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ўргатиш.

8.Тажриба орттириш, янги одамлар билан танишиш истаги.

9."Резюмедаги бир қатор", яъни волонтерлик кўпинча турли хил таълим мақсадларида яхши резюме учун одамларга керак бўлади (ишга ва университетга кириш учун резюмедаги маълумотни тўлдириш учун).

10.Атроф-муҳитга ёрдам бериш ва табиатни ҳимоя қилиш истаги.

11.Ватанпарварлик туйғуси ва ўз ватанининг ривожланишига ёрдам бериш истаги.

12.Жамиятда нотўғри йўлда юрган одамларга ёрдам бериш, ҳаётдаги яхши нарсалар билан бўлишиш, бир-бирлари билан муносабатларда илиқлик яратиш.

13.Бошқаларга керак эканлигини ҳис қилиш туйғуси

14.Жамиятни яхши томонга ўзгартириш ва бу дунёни яхшироқ жойга айлантириш истаги.

15.Волонтерлик фаолияти орқали етакчилик фазилатларини ва бошқа кўникмаларни ривожлантириш истаги, масалан, оммавий нутқда нотиклик, ўз фикрларини моҳирона ифода этиш ва бошқалар[6:4].

У-Репортёрларнинг фикрига кўра, жамият муаммоларига бефарқлик (24 фоиз), моддий имкониятларнинг йўқлиги (21 фоиз), волонтерлик ҳақида чекланган маълумотлар (18 фоиз),

шунингдек волонтерлик моҳиятини тушунмаслик (14 фоиз) Ўзбекистонда волонтерликни ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардир.

Шунда эркаклар (24 фоиз) учун моддий имкониятлар етишмаслиги мамлакатда волонтерликни ривожлантиришга халақит берадиган асосий омиллардан бири деб айтилган бўлса, аёлларнинг (25 фоиз) фикрига кўра асосий тўсиқлардан одамларнинг ижтимоий муаммоларга бефарқлиги деб ҳисоблашар экан. Катта ёш гуруҳидаги респондентлар чекланган моддий имкониятлар ва одамларнинг ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлишларини волонтерлик билан шуғулланишга халақит бераётган асосий омиллар сифатида таъкидлаганлар.

Респондентларнинг 4 фоизи Ўзбекистонда волонтерлик фаолиятни ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқлар тўғрисида ўз фикрларини айтганлар:

1.Оилавий сабаблар: баъзида ота-оналар ўз фарзандларига волонтерлик мақсадида турли шаҳарларга боришга рухсат бермайдилар, бошқача қилиб айтганда, ота-оналарнинг волонтерлик ҳақида хабардорлиги йўқлиги туфайли қўллаб-қувватламайдилар.

2.Хайрия ташкилотларини ташкил этишдаги қийинчиликлар, волонтерлар/кўнгиллилар гуруҳларининг бўлиниши, шунингдек, бундай ташкилотларнинг чекланган молиявий (грант / хомийлик) ёрдами.

3.Волонтерларга эътиборнинг етишмаслиги ва ҳукумат органлари томонидан кўнгиллиларига ёрдам берилмаслиги.

4.Ўзбекистонда ушбу масалаларни тартибга солувчи волонтерлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг йўқлиги.

5.ОТМда ўқиш учун вақт етишмаслиги, шунингдек, ўқишдан кейин ҳақ тўланадиган ишда ишлаш кераклиги.

6.Аҳоли маданиятининг паст даражаси.

7.Ихтиёрий ва мажбурий меҳнат ўртасидаги фарқ ва чегарани аниқлашдаги қийинчиликлар.

Волонтерликни ривожлантириш тўсиқлари ҳақида у-репортёрлар фикри:

-Асосан кўнгиллилар гуруҳининг тарқалиши билан боғлиқ жуда кўп муаммолар мавжуд, бирлик йўқ. Кўп жиҳатдан, ёшлар тажрибага эга эмаслар. Одамлар билан билим ва мулоқот қобилияти ёки ўзини тута билиш.

-Волонтерлик фаолиятига ҳомийлик зарур: озиқ-овқат ва ветеринарлар, ҳайвонлар учун бошпаналарда, уйсизлар учун озиқ-овқат ва ҳоказо. Ҳозир ҳамма ғамхўр фуқаролар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Кўпчилик волонтер/кўнгилли бўлиш нималигини билишмайди. Улар ким ва улар нима қилмоқдалар? Бу ишсиз одамлар ёки мажбуран талабалар эканлигига ишонилади. Одамлар кўп нарсаларни пайқамайдилар ва агар улар сезсалар, каерга мурожаат қилишни ва ҳамфикрларни топишни билишмайди ёки қўрқишади. Албатта, қонунни қабул қилиш бу яхши нарса, лекин одамлар тушуниб, билиб олишларидан кейинг қонунни қабул қилиш керак.

-Менинг билишимча, волонтерларнинг асосий қисми талабалар, ҳозир эса университетда ўта қаттиқ тартиб ўрнатилганки, касал бўлсанг ҳам дарсга келиб, давомат учун ўтиришинг керак. Мустақил ривожланиш учун имконият етишмайди. Талабаларга танбех беравермасдан, уларга ҳам эркин фаолият учун бироз шароит яратиб бериш керак[7:5].

Биз биламизки, волонтер – бу бошқалар тўғрисида ўйловчи, уларнинг бахт-саодати, манфаати учун фидокорона хизмат қилувчи, шу билан биргаликда ихтиёрий, беминнат, беғараз, ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, у Сиз каби фаол, қувноқ, оқ кўнгил, меҳрибон, эътиборли, мактаб ўқувчиси, талаба, ёки оддий ишчи бўлиши мумкин, яъни ундай инсон (волонтер)лар учун “ёрдам” сўзи нафақат бебаҳо, балки алоҳида маъно ҳамда аҳамиятга эгадир.

Волонтерлар ҳаракатини ташкил қилишдан асосий мақсад аҳолини, айниқса, ёшларни жамият ҳаётига яна ҳам жалб қилиш билан, бағрикенглик, ўзаро ёрдам, ҳурмат, сабр, ўзгалар муаммосига бефарқ бўлмаслик, дахлдорлик ҳисси ва бошқа фазилатларни ривожлантириш орқали, фуқаролик жамиятини барпо қилиш - бош вазифа қилиб белгиланган. Айнан шунинг учун бутун дунё беғараз волонтерликни тарғиб қилмоқда.

Волонтёрликка кириш эса, истаган одамнинг ўз индивидуал ҳаракатидан бошланади: масалан, текинга, яхшилик учун қабрларни озода сақлаб, тозалаб юриш, меъморчилик обидаларини таъмирлаш, қурувчиларга, қарияларга ёки имконияти чекланганларга ёрдам бериш ва бошқ. Албатта, булар савоб иш учун қилинган ёрдам бўлиши мумкин, лекин волонтёрлик шундай кичик ишлардан бошланади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги пайтларда волонтёрлик қайта фаоллашмоқда, бошпанасиз қолган ҳайвонларни ҳимоя қилувчилар сафи ортомқда, айниқса, атроф-муҳит ва она табиатни асраш, дарахтлар кесилишининг олдини олиш, ён-атрофни ҳар хил чиқиндилардан тозалаш масалаларида кўнгиллиларимизнинг ҳаракатларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бугунги кунда волонтёрликка энг тез ривожланаётган ва оммалашаётган ижтимоий ҳаракат десак, хато қилмаган бўламиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 6 ноябрда ўтказилган навбатдаги йиғилишида “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бир йўла уч ўқишда қабул қилинди. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган ва 2019 йил 3 декабрдан кучга кирган. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида парламент қўйи палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган[8:5].

Қонун бир йўла уч ўқишда қабул қилингани бежиз эмас. Зеро, қонун лойиҳаси устида қарийб ярим йил иш олиб борилди. Парламент қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталари йиғилишларида ойлаб муҳокамадан ўтказилди. Депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, такомиллаштирилгач, ялпи мажлисга олиб чиқилган.

Қонун бир қатор муҳим жиҳатларни қамраб олган. Хусусан, мазкур ҳужжат кўнгиллилик фаолиятининг шакл ва усулларини жорий қилиш (кўнгиллилар ташкилотларини тузиш, кўнгиллилик дастурларини шакллантириш орқали)ни, кўнгиллилик фаолиятини амалга оширувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни назарда тутди. Шунингдек, унда Адлия вазирлигининг кўнгиллилар фаолиятини рўйхатга олиш реестрини жорий қилиш ва уни мунтазам янгилаб бориши белгиланмоқда. Бундан ташқари, «кўнгиллилик шартномаси»ни амалиётга жорий қилиш кўзда тутилган.

Волонтёрлар — юрт хизматига бел боғлаган ҳақиқий ватанпарварлардир. Мамлакатимизда хорижий давлатлардаги каби волонтёрлик турли миллий ва халқаро тадбирларни ўтказишда кенг учрайди. Масалан, хайрия тадбирлари ва акциялар ўтказилади. Спорт мусобақалари, йирик ижтимоий-сиёсий оммавий тадбирлар, хусусан, сайловларни ташкил қилишда ҳам кўнгиллиларнинг фаол иштироки кузатилади.

Кўнгиллилик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини янада чуқур қарор топтиришга, бу фаолият билан шуғулланаётган барча фуқарога тенг ҳуқуқий шароит яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда қадимдан волонтёрлик (кўнгиллилик) ҳаракати мавжуд бўлган. Лекин шу вақтга қадар бу масала умуман ҳуқуқий тартибга солинмаган эди. Бу эса, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг энг асосий сабаби бўлди. Шу туфайли, қонундан кўзланган мақсад ҳам юртимизда кўнгиллилар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, волонтёрлик фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишни таъминлаш ҳамда ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://parliament.gov.uz/uz/events/other/29115/>
2. <https://uza.uz/oz/politics/akmal-saidov-volontyerlik-faoliyati-t-risida-gi-onun-bizga-n-07-11-2019>.
3. <https://uza.uz/oz/politics/akmal-saidov-volontyerlik-faoliyati-t-risida-gi-onun-bizga-n-07-11-2019>.
4. “Сиз учун волонтёрлик нима?” <https://uzbekistan.ureport.in/story/495/>
5. “Сиз учун волонтёрлик нима?” <https://uzbekistan.ureport.in/story/495/>

6. <https://uzbekistan.ureport.in/story/495/>

7. <https://uzbekistan.ureport.in/story/495/>

8. Ўзбекистон Республикасининг Волонтерлик фаолияти тўғрисидаги қонуни. <https://lex.uz/docs/4623999>

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш истикболлари, муаммо ва ечимлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда волонтерлик ҳаракатидан кўзланган мақсад, унинг ҳуқуқий асослари, амалга ошириш шакллари, жамиятдаги асосий вазифалари очиқ берилган. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда волонтерлик ҳаракатининг ўзига хос ўрни борлиги кўрсатиб берилган. Шу билан бирга мамлакатимизда волонтерлик фаолиятига оид ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижалари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье научно анализируются перспективы, проблемы и пути развития волонтерского движения в Узбекистане. В статье также раскрывается цель волонтерского движения в Узбекистане, его правовая основа, формы реализации, основные задачи в обществе. Было отмечено, что волонтерское движение играет особую роль в становлении и развитии гражданского общества в Узбекистане. При этом были проанализированы результаты опросов общественного мнения о волонтерстве в нашей стране.

RESUME

The article scientifically analyzes the prospects, problems and ways of development of the volunteer movement in Uzbekistan. The article also reveals the purpose of the volunteer movement in Uzbekistan, its legal basis, forms of implementation, the main tasks in society. It was noted that the volunteer movement plays a special role in the formation and development of civil society in Uzbekistan. At the same time, the results of public opinion polls on volunteering in our country were analyzed.

Наишра фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ФОРМИРОВАНИЕ ДУХА НАЦИОНАЛЬНОЙ И РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Каноатова Ф. (ҚарГУ)

Ключивые слова: *право, свобода, идея, идеология, национальность, толерантность, религия, преподавание, убеждение, честность и чистота, сострадание, братство.*

Таянч сўз ва иборалар: *ҳуқуқлар, эркинлик, гоя, мафкура, миллат, бағрикенглик, дин, таълимот, эътиқод, ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, биродарлик.*

Keywords: *rights, freedom, idea, ideology, nationality, tolerance, religion, teaching, beliefs, honesty and purity, compassion, fraternity.*

С достижением независимости перед общественно-гуманитарными науками были поставлены такие цели, как полное устранение последствий старой идеологии, предотвращение возникновения идеологического вакуума, защита от вторжения чуждых идей, формирование новой идеологии, соответствующей интересам нашего народа и общества.

Идеология - это создание идей, которые отражают потребности, цели, стремления и принципы определенной социальной группы, социального слоя, нации, государства, людей и общества.

Человеческое мышление создает разные идеи, взгляды, теории и учения в восприятии реальности. Но любое мнение, взгляды или точка зрения, которые создает мнение, не может быть идеей. Только самые сильные и самые мощные взгляды могут стать идеями.

В западной научной литературе используются понятия «идея» и «идеология».

Термин идеология (Idea- идея, концепция, logia - доктрина) относится к доктрине идей и используется в двух значениях:

- знания о формировании, значении идей.
- система методов, средств, факторов для достижения определенной идеи.

Как продукт мышления, идея возникает в процессе изучения и познания окружающего мира. Все формы общественного сознания; наука, религия, философия, искусство, этика, политика и право - создают, опираются и развивают конкретные идеи. В каком-то смысле каждая ветвь сознания имеет свои идеи.

В зависимости от содержания и формы идеи можно разделить на несколько типов.

- научные идеи;
- философские идеи;
- религиозные идеи;
- художественные идеи;
- социальные и политические идеи;
- национальные идеи;
- общечеловеческие идеи и тд.

Короче говоря, история человечества - это непрерывный процесс взаимосвязанности идей и появления их идеологий и практик.

Национальная идея. Национальная идея отражает фундаментальные интересы всех наций и народов, проживающих в Узбекистане, мечты и чаяния нашего народа на протяжении веков, а также идеи благородных целей. Это социальная идея, которая воплощает прошлое, настоящее и будущее нации и представляет ее основные интересы и цели.

Появление конкретной идеи как национальной напрямую связано с прошлым и нынешним состоянием нации. В конце концов, основываясь на этих двух принципах, он может правильно представлять цели и задачи, которые страна должна достичь в краткосрочной или долгосрочной перспективе. В этом смысле любая национальная идея имеет универсальную сущность. Но есть и идеи, которые имеют особое значение для конкретной нации или человечества. Например, если идея «национального примирения» имеет жизненно важное значение для разрушенного войной государства, то идея «выгодного сотрудничества» одинаково важна для всех стран.

Все страны мира делятся на 2 группы по национальному составу. Страны первой группы являются моноэтническим (с населением одной национальности), а второй - полиэтническим.

Идея межэтнического согласия является универсальной ценностью, которая определяет национальное развитие регионов и государств, в которых живут разные народы, и служит гарантией мира и стабильности.

Принятие 16 ноября 1995 года Декларации ЮНЕСКО (специализированного учреждения ООН по науке, образованию и культуре) о принципах толерантности является ярким примером этого [3.1]. Устав Организации Объединенных Наций гласит: "Мы, народы Объединенных Наций, преисполненные решимости избавить грядущие поколения от бедствий войны... вновь утвердить веру в основные права человека, в достоинство и ценность человеческой личности ... и в этих целях проявлять толерантность и жить вместе, в мире друг с другом, как добрые соседи" [2.1]

Организация Объединенных Наций объявляет 16 ноября каждого года Днем солидарности. Декларация также подчеркивает свободу совести. В статье 1 толерантность определяется как богатая и разнообразная культура мира, в котором мы живем, уважение, принятие и правильное понимание форм и методов проявления человеческой идентичности и свободы совести и убеждений.

“Толерантность означает уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира, наших форм самовыражения и способов проявлений человеческой индивидуальности. Ей способствуют знания, открытость, общение и свобода мысли, совести и убеждений. Толерантность - это гармония в многообразии. Это не только моральный долг, но и политическая и правовая потребность. Толерантность – это добродетель, которая делает возможным достижение мира и способствует замене культуры войны культурой мира” [2,1]

Толерантность является неотъемлемой частью духовности и культуры узбекского народа. В нашей стране особое внимание уделяется не только социально-экономической и политической сферам, но и дальнейшему укреплению дружбы между различными национальностями и этническими группами, живущими на нашей земле, и установлению принципов религиозной терпимости.

Как известно, Узбекистан является государством второй группы, то есть это - многонациональная страна. Сегодня в Узбекистане проживают более 136 национальностей и этнических групп. Узбеки составляют 80% населения. У каждой нации есть свои ценности и общие интересы. В многонациональной стране, такой как Узбекистан, гармонизация интересов разных народов и обеспечение гармонии между ними является одним из ключевых факторов развития. Вот почему наша страна уделяет этому вопросу большое внимание с первых дней независимости.

В статье 8 Конституции Республики Узбекистан четко говорится, что «житель Узбекистана, независимо от его национальности, является гражданином Республики Узбекистан». В Конституции говорится, что «Республика Узбекистан обеспечивает уважение языков, обычаев и традиций всех национальностей и этнических групп, проживающих на ее территории, и создает условия для их развития»[1.4].

В этой связи многое делается в нашей повседневной жизни. В настоящее время в стране насчитывается около 150 национально-культурных центров, созданных представителями 27 национальностей. Телерадиопередачи транслируются на 10 языках. Газеты в нашей стране также печатаются на разных языках. Среднее и высшее образование доступно на 7 языках.

Межнациональное согласие - залог мира и стабильности в обществе. Идея религиозной терпимости означает, что люди с различными религиозными убеждениями живут и работают вместе на одной земле, на своей родине, за свои благородные идеи и стремления.

В то же время это отражается на реформах во всех сферах жизни Узбекистана. В частности, пятое направление «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» является примером особого внимания, уделяемого Президентом и правительством страны универсальным задачам, поставленным в международных документах.

Кроме того, инициатива Президента Шавката Мирзиёева о принятии специальной резолюции «Просвещение и религиозная толерантность» на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года привлекла внимание международного сообщества. Следует отметить, что этот документ нацелен на обеспечение права на образование для всех, содействие искоренению невежества и, прежде всего, обеспечению терпимости и взаимного уважения, а также свободы вероисповедания[4.1].

Все религии в мире основаны на идеях добра, мира и дружбы. Это побуждает людей быть честными и чистыми, сострадательными и терпимыми. С незапамятных времен на нашей родине жили бок о бок представители ислама, христианства, иудаизма, буддизма. Присутствие мечетей, церквей и синагог в крупных городах, а также тот факт, что люди разных национальностей и религий могут свободно исповедовать свою религию, тому подтверждение. А тот факт, что между ними не было религиозных конфликтов в самые трудные периоды нашей истории, свидетельствует о том, что наш народ накопил большой опыт межконфессиональной терпимости.

С первых дней независимости открылась прекрасная возможность для духовной и религиозной свободы в Узбекистане. Наше молодое государство радикально изменило свое отношение к религии, поскольку она является неотъемлемой частью духовной и культурной жизни. Глава государства определил новое отношение к религии по принципу «секуляризм - не атеизм». В 1998 году был принят Закон «О свободе совести и религиозных организациях» в новой редакции с правовым регулированием государственных и религиозных отношений[4.1].

В статье 31 Конституции Республики Узбекистан говорится, что «Свобода совести гарантируется всем. Каждый человек имеет право исповедовать или не исповедовать какую-либо религию. Не допускается принудительное насаждение религиозных взглядов». [1.17].

Межкультурная гармония и религиозная толерантность, прежде всего, формирование гармонично развитого поколения, воспитанного на богатом историческом и духовном наследии, национальных ценностях, обычаях и традициях, с национальной гордостью и глобальным мировоззрением, основываются на универсальных ценностях, современных технологиях и научных достижениях.

Одной из важнейших задач для каждого из нас, особенно для молодого поколения, является обеспечение процветания страны, эффективное использование возможностей и осознание любых угроз нашему миру и процветанию.

Образование и деятельность политических партий и общественных движений, а также филиалов и отделений религиозных партий, созданных за пределами республики, не допускаются в Республике Узбекистан. Запрещаются проповеди, а также любой другой вид миссионерской деятельности. В частности, указано, что лица, виновные в нарушении этого правила, могут быть привлечены к ответственности.

Таким образом, развитие общества, счастье и процветание людей неразрывно связаны с укреплением межнациональной и межрелигиозной гармонии. Как признал глава нашего государства, «в Узбекистане много богатств, но наше самое большое богатство и высшая ценность - это мир, межнациональная дружба и сотрудничество, царящие в нашем обществе».

Литература

1. Конституция Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 2019/ – С. 79.
2. Устав Организации Объединенных Наций - <https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html>
3. Декларация ЮНЕСКО о принципах толерантности. 1995.- <https://sptsarov.ru/index.php/shag-k-tolerantnosti/>
4. Закон Республики Узбекистан "О свободе совести и религиозных организациях" - <https://www.Lex.uz>
5. Государственная программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах - <https://www.Lex.uz>
6. Речь Президента Ш.Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года // Народное слово. 20 сентября, 2017 г.

РЕЗЮМЕ

Идеология - это создание идей, которые отражают потребности, цели, стремления и принципы определенной социальной группы, социального слоя, нации, государства, людей и общества.

Человеческое мышление создает разные идеи, взгляды, теории и учения в восприятии реальности. Но любое мнение, взгляды или точка зрения, которые создает мнение, не может быть идеей. Только самые сильные и самые мощные взгляды могут стать идеями.

Идея религиозной терпимости означает, что люди с различными религиозными убеждениями живут и работают вместе на одной земле, на своей родине, за свои благородные цели и стремления.

РЕЗЮМЕ

Инсон онги бошқа тирик мавжудотлардан ўз эътиқоди ва ижодий ҳаракатлари билан ажралиб туради. Фалсафанинг қадимги тамойилларидан бири бу тил ва тафаккурнинг бирлигидир.

Мафкура - бу маълум бир ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, одамлар ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсадлари, интилишлари ва тамойилларини ақс эттирувчи ғояларни яратиш.

Миллатлараро тотувлик ғояси турли халқлар яшайдиган минтақалар ва давлатларнинг миллий ривожланишини белгилайдиган ва тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиладиган умуминсоний кадриятдир.

Дунёдаги барча динлар эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик ва дўстлик хусусиятларига таянади.

SUMMARY

The human mind differs from all other living beings in its beliefs and creative efforts. One of the oldest principles of philosophy is the unity of language and thinking.

Ideology is the creation of ideas that reflect the needs, goals, aspirations and principles of a particular social group, the social layer, nation, state, people and society.

The idea of interethnic harmony is a universal value that determines the national development of the regions and states in which different peoples live and serves as a guarantee of peace and stability.

All religions in the world are based on the ideas of good and rely on the traits of good, peace and friendship.

Рекомендовано к печати доц. А.Эркаевым

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ГЛОБАЛ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Тилавов Ў.Ғ. (ЎзМУ)

Таянч сўз ва иборалар: “учинчи дунё” мамлакатлари, экологик барқарор тараққиёт манфаатлари, конформистик муносабатдаги давлатлар, юқори экологик техника.

Ключевые слова: страны «третьего мира», интересы экологически устойчивого развития, страны с конформистским подходом, высокие экологические технологии.

Key words: countries of the "third world", interests of environmentally sustainable development, countries with a conformist approach, high environmental technologies.

Кириш. Ҳозирги дунёда глобал барқарор тараққиётнинг асосий омили, “учинчи дунё” мамлакатларида (географик ўрни, геосиёсий стратегик мақомидан қатъи назар), миллий иқтисодий ривожланиш мақсадларини глобал экологик барқарор тараққиёт манфаатлари билан уйғунлаштиришга эришишдан иборат. Лекин маълум объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга кўра, уларнинг глобал экологик барқарор тараққиётни таъминлаш жараёнидаги иштирок фаоллиги ва функционал ўрнини турли мезонлар билан баҳолаш мумкин, яъни айрим давлатлар ўз маъмурий ҳудудларига ривожланган давлатларнинг (қайта ишлаш технологик жараёни мураккаблашиб ва доимий қимматлашиб кетиши натижасида) экологик хавфсизликка жиддий таҳдид бўлган захарли саноат ва маиший чиқиндиларини жойлаштиришга рухсат бериб ёки халқаро трансмиллий ташкилотлар томонидан захарли моддаларни атмосферага чиқариш учун белгиланган квоталарини сотишлари эвазига фойда оладиган давлатлар бўлиб, уларни *экологик барқарор тараққиётга конформистик муносабатдаги давлатлар*, деб аташ мумкин;

бошқа тоифадаги мамлакатлар миллий табиий ресурсларни, фойдали қазилма бойликларни қидириб топиш ва уларни ишга тушириш ваколатини индустриал ривожланган давлатлар тасарруфига бериш билан муайян даражада иқтисодий ҳаёт шароитларини яхшилашга эришади. Лекин бу билан маҳаллий, миллий ва минтақавий экологик вазият барқарорлигини издан чиқаришларининг асосий сабаблари: давлатларнинг доимий қимматлашиб бораётган “фан сиғими” юқори экологик техника ва инновацион технологиялардан (асосан, арзон ишчи кучи ҳисобига) воз кечишлари; янги, экологик самарадор ва энергетик тежамкор технологиялар қийматининг асосий капитал таркибида доимий ўсиб бориши; юқори малакали, илмий салоҳиятли мутахассисларни жалб қилиш кўпроқ чиқим талаб қиладиган давлатларни экологик эҳтиёжларини қондиришга нисбатан *иқтисодий меркантил-утилитар манфаатлари устувор давлатлар*, деб аташ ўринли;

баъзи давлатлар ўзларининг конституцион миллий суверенитетлик ҳуқуқини рўқач қилиб (шунингдек, халқаро экологик ва гуманитар ҳуқуқнинг ожиз томонларидан фойдаланиб), минтақада асрлар давомида турғун биосфера экологик мувозанатни шакллантирган ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда фойдаланиб келинаётган трансчегаравий табиий ресурслардан (хусусан, табиий сув манбаларидан), фақат ўзларининг (асосан, утилитар-иқтисодий) миллий манфаатларига мос, лекин минтақа ва глобал экологик барқарорлигига зид турли техник-технологик хавфли корхоналар ва ирригация-мелиорация иншоотларини қуришлари минтақавий (хатто глобал) экологик барқарорликка путур еташишдан ташқари, давлатлараро ижтимоий-сиёсий муносабатларни кескинлаштирувчи асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Бу давлатларни *экологик этноэгоистик, эгоцентристик давлатлар* сирасига киритиш жоиз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Жаҳон социалистик тизими ва собиқ СССР тугатилиб, Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг минтақавий экологик муаммоларга муносабатини Ўзбекистон ва бошқа давлатлар экологик сиёсий фаолиятини юқорида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайдиган бўлсак, бизнинг назаримизда, бу давлатларда (хусусан, Ўзбекистон мустақиллиги тарихининг биринчи босқичида) “экологик миллий суверенитет” сиёсатига муносабат масаласида кескин табақаланиш (ҳатто зиддиятлар) кўзга ташланади. 2017 йилдан кейинги босқичида эса бу сиёсатнинг минтақавий ва глобал экологик барқарор тараққиётга нисбатан **давлатлар сиёсий муносабатларининг толерантлашиши, ижтимоий шерикчиликнинг кучайиши тенденцияси** кузатилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, давлатлар миллий экологик суверенитет феноменининг ҳуқуқий асосларини БМТ даражасида халқаро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларни глобал барқарорлаштириш контекстида қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Чунки юқорида кўрсатилган муносабатлар тизими давлатларнинг экологик суверенитетлиги масаласидаги халқаро келишув шартномаларини конкретлаштиради ва низоларни (хусусан, трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш ёки атмосфера, ер ва сув ифлосланишининг олдини олиш ҳақидаги давлатлараро келишув-шартномалар билан бошқаришни) тартибга солиши билан глобал барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунёдаги 260 дан ортиқ трансчегаравий дарёларнинг: 70 таси – Европада, 53 таси – Осиёда, 39 таси – Шимолий ва Марказий Америкада, 38 таси – Жанубий Америкада, 60 таси – Африкада бўлиб, уларнинг 155 таси – икки мамлакат, 100 дан ортиғи – уч ёки ундан кўпроқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтади ва Ер сайёрасининг 40 фоизи аҳолиси эҳтиёжларини қондиради. Лекин ичимлик суви танқислиги турли давлатлараро, миллатлараро ва динлараро можаролар билан уйғунлашиб глобал барқарор тараққиётга таҳдидларни кучайтирмоқда[1].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Халқаро сув ресурсларидан фойдаланиш соҳаси нуфузли экспертлари хулосаларига кўра, планетамизда кейинги 50 йилда ичимлик сувига бўлган эҳтиёж (аҳоли сони ошиши ва экин майдонлари кенгайишига мутаносиб тарзда) уч баробар ортиб, стратегик ресурсга айланаётганини ва халқаро сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар глобал барқарор тараққиётга жиддий хавф туғдириши тобора аниқ бўлиб бормоқда. Яъни жаҳон футурологларининг башоратига кўра, яқин 20-25 йил ичида ичимлик ҳамда суғориш мақсадида ишлатиладиган сув танқислиги глобал муаммога айланиб, ҳозирги энергетика захираларига эҳтиёжни қондириш билан бир тартибда турадиган халқаро низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Бу муаммоларнинг демократик-гуманистик тамойиллар асосида конструктив ва рационал ечими, трансчегаравий табиий ресурслардан ҳамкорликда фойдаланувчи давлатлар **экологик суверенитетлик** мақомини, масъулиятини, мажбуриятини халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва умуминсоний маънавий-ахлоқий нормалар асосида қайта кўриб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Яъни ҳар бир давлатнинг экологик суверенитетлик масъулияти ва мажбуриятига умуминсоний-глобал барқарор тараққиёт манфаатлари устуворлиги контекстида ёндашиб:

Биринчидан – ўз маъмурий ҳудудида трансчегаравий ресурслар таъминоти ва атмосфера мусаффолиги билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, экологик вазият кескинлашувига қарши адекват чоралар кўриши, яъни ресурсларидан камчиқит ва чиқитсиз фойдаланиш усулларида фойдаланиш технологиясини жорий қилишни, давлат сиёсати даражасида кун тартибига қўйиши зарур.

Иккинчидан – турли минтақаларда табиат муҳофазаси, трансчегаравий ресурслардан толерантлик тамойилига асосан ҳамкорликда фойдаланиш, экологик миллий суверенитет масалаларида вужудга келган давлатлараро зиддиятларни “халқ дипломатияси” ва сиёсий консенсус-муроса йўли билан ҳал этишда БМТ шафелигидаги халқаро келишувлар, истисносиз муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан – сув ресурсларига талаб юқори минтақаларда: қишлоқ хўжалиги экинлари майдонини оптималлаштириш, халқ хўжалиги ва маиший ҳаётда сувдан тежамкор технологияга асосан фойдаланиш, вужудга келган инқирозли санитария-эпидемиологик вазиятни соғломлаштиришга оид халқаро чора-тадбирларни экологик суверенитетлик соҳасидаги ҳамкорлик сифтида эътироф этиш керак.

Тўртинчидан – ҳозирги глобаллашув шароитида жамиятлар характери, ижтимоий-сиёсий тараққиёт даражаларини, фан, техника кашфиётлари аҳамиятини, технологик жараёнлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари таркибида экологик кўрсаткичларнинг устуворлашув қонуниятини, шу соҳада суверенлик муаммосига халқаро муносабатларни тубдан ўзгартиришни тақозо қилади.

Бешинчидан – айрим давлатларнинг халқаро сиёсий муносабатларида миллий мустақиллик ва “суверенитетлик эйфорияси” асосида шаклланган **эгоцентризм** стереотипи, ҳудудий экологик низоларни кескинлаштиришда муҳим субъектив омил бўлиб, уларни ўзаро муроСага келтиришда халқаро эътироф этилган мутасадди сиёсий ташкилотлар ва оммавий институтлар иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Олтинчидан – дунё харитасида сиёсий гегемонликка даъвогар айрим давлатларнинг муайян минтақаларда (очиқчасига ёки ниқобланган тарзда), экологик низоларни кескинлаштириш ҳаракатлари миллий стратегик манфаатларини мутлақлаштиришлари ёки “ноқулай”, “бебош” давлатларга сиёсий босим кўрсатиш: имконияти, механизми, усули, воқеаси сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Еттинчидан – замонавий уруш назариётчиларининг ҳулосаларига кўра, ҳозирги: терроризм, сепаратизм, экстремизм, этноэгоизм ҳодисалари глобаллашувида, умуман ҳар қандай антигуманитик, ғайриинсоний воситалардан, хусусан, экологик агрессия ва экспансия усулидан фойдаланиш муҳим стратегик аҳамиятга ва самарадорликка эга имконият ҳисобланади[2].

Жамиятнинг барқарор экологик тараққиётни таъминлашда, умуман сиёсий устқурма элементлари, хусусан, экологик партиялар алоҳида аҳамиятга эга. Яъни экологик партиялар аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш, ресурсларидан оқилона фойдаланиш эҳтиёжини ва заруриятини англаш асосида тузилган ижтимоий ҳаракатнинг сиёсийлашган шакли бўлиб, оммани табиатни муҳофаза қилишга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга оммавий сафарбар қиладиган кишилар ижтимоий бирлигининг, **жамият экологик элитасининг** онгли уюшган, сиёсий жиҳатдан ташкиллашган, устави ва дастурига эга ташкилоти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, экологик партияларнинг вужудга келиши объектив ҳодиса, лекин жамият барқарор ривожланишига, кишилар онгига таъсир қилиш имконияти нуқтаи назардан субъектив омилдир.

Жамият тарихий тараққиётининг юксак интеллектуал салоҳиятга, фан, техника ва инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши: **бир томондан**, инсоннинг табиат устидан “ҳукмронлиги” мустаҳкамлашуви ва жамият иқтисодий тараққиётга олиб келиши, иқтисодий омиллар детерминантлигини мутлақлаштирувчи таълимотларга асос бўлган. **Иккинчи томондан**, бу ҳодиса инсоннинг **табиатдан бегоналашуви** ва шахс **экологик маргиналлашуви**га – маънавий-ахлоқий қашшоқлашувига асосий сабаб бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса қилиб айтганда, инсониятнинг қайта тикланмайдиган табиий ресурслар тугаб бориши, глобал иқлим ўзгариши, техноген ҳалокатлар такрорланиш тенденциялари даврийлиги кучайиши ва бошқа хавф-хатарлар экологик инқирозлар билан боғлиқлигини англаб, амалий ҳаракатлар бошланганлиги ҳам ҳақиқат. Зеро, инсониятнинг табиатга антропоген таъсири натижасида вужудга келган муаммолар “экологик ҳалокатлар – инсоннинг табиатга нисбатан **гуманистик муносабат инқирози (таъкид бизники – Т.Ў.)** оқибати”[3], деб унинг сабабларини маънавий-ахлоқий асослардан кидирмоқда. XX аср ўрталаридан бошлаб экологик муаммолар глобаллашуви ва кескинлашувининг фалсафий тушунчалари, категориал аппарати мазмун-моҳиятини, **Ҳазрати инсон** (homo sapiens) ҳаёти ва фаолиятини **экологик гуманизм** тамойили контекстида қайта кўриб чиқилишини тақозо қилмоқда. Чунки бу ҳодисани ўрганадиган интег-

ратив фанларнинг парадигмаларидаги ўзгаришлар – дунё геологик манзараси ўзгаришлари барқарорлигида инсон омили устуворлиги билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулбоқиев А. Муроса йўли // Хуррият, 2012 йил 3-октябрь. 5-бет.
2. Boot M. The Evolution of Irregular War. "Foreign Affairs" <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=136234374003/03/2013>
3. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2012, – Б. 91.

РЕЗЮМЕ

Мақолада глобал барқарор тараккиётнинг асосий омили, “учинчи дунё” мамлакатларида (географик ўрни, геосиёсий стратегик мақомидан қатъи назар), миллий иқтисодий ривожланиш мақсадларини глобал экологик барқарор тараккиёт манфаатлари билан уйғунлаштиришнинг асосий йўллари, турли экологик муаммоларнинг демократик-гуманистик тамойиллар асосида конструктив ва рационал ечими, трансчегаравий табиий ресурслардан ҳамкорликда фойдаланувчи давлатлар муаммоларини ҳал қилиш йўллари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются основные факторы глобального устойчивого развития в странах «третьего мира» (независимо от географического положения, геополитического стратегического статуса), основные способы сочетания целей национального экономического развития с интересами глобального экологически устойчивого развития, конструктивного и рационального решения различных экологических проблем на основе демократических и гуманистических принципов. Проанализированы пути решения проблем стран, совместно использующих трансграничные природные ресурсы.

SUMMARY

The main factors of global sustainable development in the Third World countries (regardless of geographic location, geopolitical strategic status), the main ways of combining national economic development goals with the interests of global environmentally sustainable development, constructive and rational solution of various environmental problems based on democratic and humanistic principles. The ways of solving the problems of the countries sharing transboundary natural resources are analyzed.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

БЕҚАРОРЛИК ЎЗГАРУВЧАН ТАБИЙ ВА МАДАНИЙ ШАРОИТЛАРГА МОСЛАШИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ СИФАТИДА

Ашурова С. (ҚарДУ)

Калит сўзлар: *органик фалсафа, тизим, беқарорлик, пассионарлик, аттракция, ривожланиш, оммавий маданият, этник гуруҳ, жараён.*

Ключевые слова: *органическая философия, система, нестабильность, пассионарность, аттракция, развитие, массовая культура, этнос, процесс.*

Keyword: *organic philosophy, the system, instability, passion, attraction, development, popular culture, ethnic group, process.*

Жамиятнинг беқарорлик даври маданий анъаналарнинг йўқолиши билан характерланади: янги мавжудлик босқичига ўтиш, шунингдек, собиқ этник гуруҳнинг ўлими ёки янги консорциум (ҳаётни ташкил этишнинг янги анъаналари) туғилиши. Беқарорликнинг энг хавфли кўриниши-этник гуруҳнинг сунъий қариши ва унинг табиий эмас, балки инсон томонидан яратилган омиллар туфайли ўлимидир. Шу муносабат билан беқарорликни фақат эски ва янги (диалектик ёндашув) ўртасидаги кураш деб эмас, балки ҳаёт анъаналарининг емирилиши, биосфера ва антропосферанинг емирилиш шартлари деб қараш керак¹. Беқарорликни мафкуравий ва маданий жиҳатдан бартараф этиш, замонавий "маданиятли" шахс

¹Сурин, А.В. Устойчивое развитие с позиции междисциплинарности / материалы 14-й Международной конференции Государственное управление в XXI веке: сборник / Коллектив авторов. – М.: КДУ, Университетская книга, 2017. – С. 751–752.

шакилланиши учун турли фанларнинг ютуқлари, ақл, тасаввур ва тажрибани бирлаштирмасдан эришиш мумкин эмас.

"Беқарорлик" тушунчаси нафақат фанга, балки замонавий инсон дунёкарашига асосан постмодернизм фалсафаси орқали кенг кириб келди. ХХІ аср бошларида инсон борлигининг беқарорлик муаммоси миллий ёки этник ўзликни йўқотиш, келажакни башорат қила олмаслик ва глобал экологик ва гуманитар фалокат хавфи билан боғлиқ. Бутун инсониятнинг барқарор мавжудлиги, узоқ вақт давомида ижтимоий-иқтисодий ва биологик-географик ресурсларни кенгайтирилган шаклда такрор ишлаб чиқаришни, шунингдек, маданият ва табиий муҳит ўртасидаги мувозанатни сақлашни назарда тутди. 1960 ва 1970-йилларда барқарор ривожланиш ғояси пайдо бўлди ва у бошида экологик мазмунда ишлатилди¹.

Шу сабабли, 1987 йилда Атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича халқаро комиссия қуйидаги таърифни таклиф қилди: "Барқарор ривожланиш - бу ҳозирги замон эҳтиёжларини қондирадиган, лекин келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратадиган тараққиётдир"². Экологик нуқтаи назарида беқарорлик - инсоният ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, яшаш шароитининг йўқолиши, табиий ресурсларнинг емирилиши ва келажак авлодларнинг яшаш имконсизлиги, яъни антропосферанинг ўлими сифатида қаралади. Инсон техник фаолиятининг ва табиий жараёнларнинг фарқланиш сабабларини тушуниш учун эса органик оламнинг моҳиятини очиб бериш керак. Масалан, Г. Дриш ва И. Мечников нуқтаи назаридан тирик табиатдаги беқарорлик - касаллик ҳолати, тартибсизлик ва ҳаёт жараёнларининг бузилиш оқибатидир³. Органик фалсафа эса тирик организмни ўзига хос биогеокимёвий шароитда фаолият кўрсатадиган мувофиқлаштирилган қисмлар билан биологик ажралмас тузилма сифатида таърифлашни таклиф этади.

Биогеокимёвий шароитлардан ташқари инсон ва жамият борлиғи маданият билан ҳам узвий боғлиқ. Шунинг учун, "организм" сўзига "географик индивидуум" атамаси жуда яқин, Масалан, ХХ асрнинг 20-30- йилларида "географик индивидуум" деб биологик хусусиятлари, шунингдек, географик тавсифи билан тўлдирилган атроф-муҳитдан иборат ягона организм сифатида ҳаракат қиладиган халқ, этник гуруҳ акс эттирилган. Шу муносабат билан беқарорлик жамиятнинг муайян биогеокимёвий ва маданий муҳитга мослашиш қобилиятини йўқотишидир, бу классик евразийликда "худудий макон" деб номланган. Органик фалсафада беқарорлик – ички ва ташқи боғлиқликнинг бузилиши сифатида кўриладиган касаллик сифатида қаралган. Этник гуруҳ учун ташқи изчиллик унинг "худудий макон" билан узвий алоқасида намоён бўлади.

Ҳалокатлар (табиий офатлар, табиатга инсоннинг таъсири) ёки "худудий маконни"ни йўқотиш (кўчириш) этник гуруҳни вақт синовидан ўтган анъаналарни, урганиб қолган ҳаётни ташкил этишдан маҳрум қиладди. Шу билан бирга, "худудий макон" – бир томондан ўсимлик, ҳайвонот ва минераллар олами ўртасидаги генетик абадий боғланишлар, иккинчи томондан инсон, унинг ҳаёти ва ҳатто маънавий дунёси асосида вужудга келадиган ижтимоий организм (социум) ҳаёти учун шарт-шароитлар мажмуидир⁴. Органик фалсафа нуқтаи назаридан "худудий макон"нинг инсон томонидан йўқ қилиниши муҳожирлар туфайли ёки бу худудга мутлақо алоқаси бўлмаган халқнинг маданий таъсири остида, масалан, миллий маданиятларни бирлаштириш ва ноёб табиий ландшафтларни йўқ қилишга ҳисса қўшадиган европалаштиришдир.

Инсониятнинг биосферадаги беқарорлиги тирик табиатдаги номутаносибликка олиб келади. Масалан, В. И. Вернадский биосфера ҳақидаги таълимотини яратиш чоғида тирик организмларни нафақат ҳозирги вақтда, балки ўтмишда ҳам ер сайёрасининг энг муҳим ўзгарувчан кучи деб ҳисоблаган.

¹Коптелова, Т.И. Логика органического как основа методологии изучения устойчивого экономического развития Философия хозяйства. 2016. – № 1. – С. 173-174.

²Наше общее будущее: доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию (МКОСР): пер. с англ. – М., 1989.

³Мечников И.И. Этюды о природе человека. – М.: Изд-во Академии наук СССР, 1961. – С. 17-20.

⁴Савицкий, П.Н. Континент Евразия. – М.: Аграф, 1997. – 464 с.

Органик фалсафада ҳаётга ўзининг махсус биогеокимёвий контекстида ривожландиган, унинг хилма-хиллигини таъминлайдиган энергетик ҳодиса сифатида қаралади. Ҳаёт индивидуал ва шу билан бирга, у ҳар доим бошқа ҳаётларнинг мувофиқлаштирилган мавжудлиги натижасида пайдо бўлади. В. И. Вернадскийнинг фикрига кўра, онгли фаолияти туфайли инсон хаос ёки уйғунлик катализатори вазифасини бажаради. Л. Н. Гумилев инсон ҳаётида бундай беқарорлик қандай содир бўлишини қуйидагича таърифлайди. Гумилёвнинг этногенез назариясида этнос биогеокимёвий яхлитлик, пассионарликка асосланган энергетик ёпик тизим сифатида қаралади. Пассионарлик (лотинча *passion* - "эҳтирос" дан) - биосферанинг тирик моддаси биокимёвий энергиясининг ортиқчалиги бўлиб, инсон нерв системасининг мутациясига сабаб бўлади. Шу билан бирга пассионарлик, энергиянинг сақланиш қонунига бўйсунди ва одамларнинг хатти-ҳаракати орқали турли шаклларга айланади. Гумилев фикрича пассионарлик орқали ҳар қандай организм ҳаёти билан боғлиқ бўлган (туғилиш, улғайиш, етилиш, қариш ва ўлим) ҳодисаларни ўз ичига олган жараён деб ҳисоб-лашга имкон беради. Шу билан бирга этнос биогеокимёвий омилларнинг тасодифий комби-нацияси махсули эмас, чунки у "элементар схема"га асосланган: уйғониш, юксалиш, инерция жараёни ва парчаланиш" ¹. Лекин у ўз назариясида тирик табиат қонунларидан, инсон онгининг моҳиятидан мустақил равишда, муайян муҳитни назарда тутувчи "аттрактивлик" тушунчасидан ҳам фойдаланади. Атракция (лотинча «*tractio*»дан - жалб қилиш, жозибадорлик) — инсоннинг ҳақиқат, гўзаллик, адолат каби абадий маънавий ғояларга бўлган интилиши. Беқарорлик ҳолати пассионарликнинг сўниши ва аттрактивликнинг йўқолиши билан боғлиқ этник гуруҳ ҳаётидаги сўнгги босқичларга пайдо бўлади. Шу билан бирга атракцион фақат индивидуал кобилият эмас, балки жамоа уйғунлик ва изчилликни таъминловчи ўзаро тортишув шартли сифатида ҳам тушуниш мумкин. Атракция ёки жалб этиш доимо миллий маданият тизимида амалга ошади. Инсон ва этник гуруҳ ўзларининг миметик ва атрактив табиати туфайли яратади, ўзгаради ва бир вақтда ўзликни сақлаб қолади. Электроника билан қуролланган замонавий инсон вақт ва маконни (интернет коммуникациялар) енга олади, лекин шу билан бирга вақт ва макон ҳақида етарли тасаввурни йўқотади ҳамда ўз танаси биоритмлари билан тўқнаш келади. Бундай вазиятда келажакни кўришни истамаслик ва ишончсизлик Л. Н. Гумилёвнинг этногенез назариясига кўра, этник гуруҳ ҳаётининг сўнгги босқичини ифодалайди. Масалан, замонавий европа жамиятининг ахлоқ даражаси пастлиги натижасида эртанги кунни башорат қила олмаётган улкан халқ гуруҳлари борлиги ҳеч ким учун сир эмас. Бундай одамлар ўзларининг чекланмаган ҳис-туйғулар ва бир лаҳзали ҳирс қулига айланганлар. Л. Н. Гумилев этник гуруҳ ҳаётидаги сўнгги даврларни "гомеостаз" ва "мемориал" босқичи деб атайди. "Гомеостаз" даврида этнос пассив бўлиб, у ҳали "инерция" босқичида кўп миқдорда тўпланган маънавий анъаналар ва маданий ёдгорликларни қисман сақлаб қолади. "Гомеостаз" тўлиқ парчаланишдан олдин этник гуруҳнинг қисқа муддатли, нисбатан барқарор ҳолати деб ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга шахс ва жамиятни ўзига хос маданий, тарихий ва табиий манзара билан мувофиқлаштириш имконини аста-секин йўқота бошлайди. Ахлоқий координаталар тизими бу ерда шахснинг эгоизми билан белгиланади ва табиатдан, дунёдан ажралиш даражаси вазифасини бажаради. Халқнинг маънавий тарқоқлиги ва ахлоқий беқарорлик этнос (тизим яхлитлиги) ўрнига алоҳида кишилар гуруҳлари ёки яқка шахслар тарих майдонида қолганда янада ортади. Улар ҳали ҳам парчаланган этник гуруҳларнинг санъат асарлари ва анъаналари, кадриятларини сақлаб туришлари мумкин, лекин Л. Н. Гумилев бундай ҳолатга "мемориал" босқичи номини берди. Олимнинг фикрича, "мемориал" босқичи этник гуруҳ вафоти арафасидир. Бу давр эса замонавий тараққий этган дунёнинг кўплаб халқлари учун хосдир.

Органик фалсафа инсон ва жамиятнинг барқарор мавжудлиги ва ривожланиши қонунларини шакллантиришга ёрдам беради:

1) ўз-ўзини ривожлантириш қонуни - ҳаёт анъаналарини ижодий қабул қилади ва у ҳар доим бутунлик ҳаётнинг ажралмас хусусияти бўлганлиги сабабли яхлитлик билан бошланади;

¹Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2001. – 241 б.

2) хилма-хиллик қонуни - тўлик, барқарор ҳаёт ҳар доим янги турларнинг пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратади;

3) келишувчанлик қонуни - яхлитлик қисмлар олдин пайдо бўлади, лекин ҳар бир қисм мавҳум шаклида регенерация эҳтимолининг узоқ вақт сақланиб туриши мумкинлиги сабабли бутунликни яратиши имконига эга;

4) Г. Дриш томонидан таклиф қилинган экстенсивлик қонуни - организмларнинг индивидуал ривожланиши экстенсив индивидуал ривожланишга олиб келади;

5) Икки детерминация қонуни - бир вақтнинг ўзида ўтмиш (сабаб) ва келажак (мақсад) намоиш бўлиши ва бунда мақсад детерминацияси бирламчи эканлиги.

Хулоса қиладиган бўлсак, органик фалсафа беқарорлик ҳодисасини қайта кўриб чиқишга ёрдам беради. Масалан, Г. Дриш, И.И. Мечников фикрича, беқарорлик ҳаётнинг бузилиши (касаллик), деградация ва депопуляция, табиатда нотўғри муомалада бўлиш, экологик тизимни йўқ қилишдир. Л. Н Гумилёв нуқтаи назарида, беқарорлик - ташқи аралашув ёки "оқилона эгоизм" ғалаба қозонган ғоявий қарама-қарши тузумнинг шаклланишида табиий равишда юзага келган ёки сунъий равишда қўзғалган этник тизимнинг парчаланиш ҳолати. Янги этник маданиятларнинг туғилиши эҳтимоли мавжуд экан, этник гуруҳларнинг табиий қариши ва ўлими инсоният учун хавфли эмас. Антропосферанинг хилма-хиллигини камайтириш, табиий жараёнларнинг мос келмаслиги ва табиий ландшафтларнинг емирилиши сунъий ўлимга олиб келади. Этник маданиятларнинг глобал ҳалокати ва ягона техносферанинг тарқалиши бутун инсониятни ҳалок қилиши мумкин. Бу эса беқарорликнинг энг хавфли тури ҳисобланади.

Органик фалсафа замонавий жамият беқарорлигининг қуйидаги салбий оқибатларини англашга ёрдам беради:

1) оммавий маданиятнинг тарқалиши ва ҳаётни ташкил этишнинг этник анъаналари йўқ қилиниши;

2) ноаниқ рефлексларнинг ривожланиши ва унинг табиий психофизик ҳолатининг бузилиши туфайли инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қоплаш;

3) истеъдодни ажратиш қобилиятининг йўқолиши;

4) оммавий маданият таъсири натижасида шахснинг ижодий қобилиятининг йўқолиши;

5) инсонпарварликни нигилизм билан алмаштириш ва пессимистик дунёқарашнинг шаклланиши;

6) замонавий инсонда индивидуаллик, эгоизм, шафқатсизлик, дангасалик, истеъмомчилик истаги каби характер хислатларининг шаклланиши;

7) Индивидуал ва оммавий онгга таъсир ўтказилиши;

8) Экологик номутаносиблик — инсон фаолиятининг табиатга таъсири¹.

Демак, органик фалсафа нуқтаи назаридан, замонавий инсон учун мавжуд беқарорлик ҳолатини қуйидагилар асосида бартараф этиш мумкин:

1) глобал унификация ва технологияларни қўллашни рад этиш;

2) турли муаммоларни ҳал қилишда кўп вариантли ечимлар топиш ва аниқ ахлоқий кадриятлар;

3) табиий ресурсларни истеъмом қилиш жараёнлари, уларни такрор ишлаб чиқаришнинг техник имкониятлари билан мувозанатлаш;

Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар инсон бекорлигига ва аснода жамият беқарорлигига олиб келиши мумкин. Демак, ҳаётини ахлоқий кўрсатмалар органик яхлитликни ўзгарувчан табиий ва маданий шароитларга мослаштириш имкониятини яратади, шахс ва бутун жамоа мавжудлигининг барқарорлигини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Коптелова Т.И. Феномен неустойчивости существования современного человека в парадигме органической философии: понимание и преодоление // Философская мысль. – 2019. – № 5.

¹Коптелова Т.И. Технология создания кумира (медиахаризма в парадигме органической философии) // Философия хозяйства? 2019. – № 1. – С. 32

2. Ельчанинов В.А., Панарин В.И., Паршиков В.И., Ушакова Е.В. Антропосоциальное наследование как научная и образовательная проблема в условиях информатизации и цифровизации / В.А. Ельчанинов, В.И. Панарин, В.И. Паршиков, Е.В. Ушакова. Профессиональное образование в современном мире? 2019. Т. 9. – № 1.

3. Сурин А.В. Устойчивое развитие с позиции междисциплинарности // Государственное управление Российской Федерации: вызовы и перспективы: Материалы 14-й Международной конференции Государственное управление в XXI веке: сборник / Коллектив авторов. – М.: КДУ, Университетская книга, 2017.

4. Дриш Г. Витализм. Его история и система/ – М.: Наука, 1915.

5. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М.: Айрис-Пресс, 2004.

6. Мечников И.И. Этюды о природе человека. – М.: Изд-во Академии наук СССР, 1961.

7. Коптелова Т.И. Логика органического. Наука для жизни или жизнь для науки?: монография / Новгород: Гладкова О.В., 2015.

8. Савицкий П.Н. Континент Евразия. – М.: Аграф, 1997.

9. Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2001.

10. Коптелова Т.И. Картина живого мира в парадигме органической философии // Философская мысль. 2018. – № 11.

11. Гумилёв Л.Н. Конец и вновь начало: Популярные лекции по народоведению. – М.: Рольф, 2001.

12. Коптелова Т.И. Технология создания кумира (медиахаризма в парадигме органической философии) // Философия хозяйства. 2019. № 1.

РЕЗЮМЕ

Мақолада органик фалсафа қонуниятлари, олимлар назариялари, ғоялари орқали беқарорликни жамият ва этник гуруҳларга таъсири, беқарорликнинг олдини олиш учун амалга оширилиши бўйича таклифлар ифода этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается влияние неустойчивости на общество и этнические группы в разрезе органической философии, Рассмотрены теории, идеи ученых, сформулированы предложения по борьбе с неустойчивостью.

SUMMARU

The article examines the impact of instability on society and ethnic groups in the context of organic philosophy, examines the theories and ideas of scientists, and formulates proposals to combat instability.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА НИСБАТАН САНКЦИЯВИЙ СИЁСАТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ

Файзуллаев С.А. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси)

Таянч сўз ва иборалар: *иқтисодий санкциялар, ядро дастури, санкция режими, сиёсий иқтисодий босим, бир томонлама санкциялар.*

Ключевые слова: *экономические санкции, ядерная программа, режим санкций, политико-экономическое давление, односторонние санкции.*

Keywords: *economic sanctions, nuclear program, sanctions regime, political economic pressure, unilateral sanctions.*

Сўнгги йилларда етакчи мамлакатлар томонидан иқтисодий санкциялар ташқи сиёсат соҳасида куч ишлатишга алтернатив ёки кўшимча восита сифатида халқаро майдонда ўз сиёсий позицияларини мустаҳкамлашда кенг қўлланилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган АҚШ ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сўнгги ўнги йилликда жуда таранглашиб бораётганини кўришимиз мумкин. Эроннинг нефть захиралари устидан назорат, АҚШнинг Техронга сиёсий аралашуви, Эроннинг ядровий кучга эга бўлиш истаги ва ҳар икки мамлакатнинг Яқин Шарқдаги манфаатлари учун кураш халқаро майдонда дунё ҳамжамияти хавфсизлигига раҳна солмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “...минг афсуски, дунёнинг турли

минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳам айна ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланмоқда”.[1:322] Шундай экан, бундай шароитда икки қарама-қарши позицияга эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим масалалардан биридир.

Келинг, замонавий халқаро муносабатларда Эронга нисбатан санкциявий сиёсатнинг генезисини кўриб чиқамиз. Эронга қарши санкцияларнинг биринчи эпизоди 1950 йилларнинг бошларида Эрон нефт маҳсулотларига бойкот эълон қилиниши билан бошланган. Бунинг сабаби Англия-Эрон нефт компаниясини Эрон ҳукумати томонидан миллийлаштирилиши эди. Буюк Британиядан ташқари, Қўшма Штатлар бойкотга кўшилди, аммо санкциялар қисқа вақт давомида амалда бўлди. Эронга қарши санкцияларнинг асосий даври одатда икки босқичга бўлинади: биринчи босқич – Америка Қўшма Штатлари томонидан 1979 йилдан 2005 йилгача бўлган бир томонлама санкциялар даври, иккинчиси 2006 йилда бошланган ва ҳозирги кунгача давом этаётган кўп томонлама санкциялар даври. 1980 ва 1990 йилларда АҚШ санкцияларининг мақсади Эронни террорчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлашни тўхтатишга мажбур қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатнинг Яқин Шарқдаги стратегик кучини ўсишини чеклаш эди. 1980 йилларда киритилган санкциялар орасида: АҚШ банкларидаги Эрон активларини музлатиб қўйиш, халқаро ташкилотларнинг Эронга қарз бериш, қуроли сотиш ва ҳарбий ёрдам кўрсатишни тақиқлаш (1984), АҚШ ва Эрон ўртасидаги ҳар қандай савдони тақиқлаш (1987) кўзда тутилган эди. Бироқ Эронга товарларни учинчи давлатлар орқали сотишга рухсат берилган. 1990 йилларда санкциялар режими кучайиб, нафақат АҚШ резидентлари, балки Эроннинг энергетика соҳасига 20 миллион доллардан кўпроқ сармоя киритган учинчи давлатлар фуқаролари ва ташкилотлари учун қаттиқ чораларни кўришни бошлади. 1996 йилда Эрон ва Ливия санкциялари тўғрисидаги қонун (Iran and Libya Sanctions Act) экстерриториал таъсирга эга бўлган биринчи ўрнатилган санкциялар бўлди.[2]

2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Қўшма Штатлар санкциялар мақсадини ўзгартирди ва Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб эълон қилди.[3]

Эроннинг ядровий дастури доирасини фақат фуқаролик мақсадларида ишлатиладиган ядровий тадқиқотлар билан чеклаш АҚШ учун устувор вазифага айланди. Янги санкциялар Эрон банкларини фалаж қилди. Шунингдек, улар Эроннинг ядровий ривожланиш билан шуғулланувчи шахслари ва ташкилотларига қарши қаратилган эди.

Таъкидлаш керакки, бир томонлама санкцияларни қўллашнинг бутун даври нафақат оммавий ахборот воситаларида, балки давлатларнинг юқори мартабали амалдорлари даража-сида ҳам амалга оширилган шафқатсиз "ахборот уруши" билан ўтди.¹

Эронга қарши кўп томонлама санкциялар БМТнинг АҚШ сиёсатига қўшилгандан кейингина 2006 йилда жорий этилган. Ядро дастурини амалга оширишга қарши курашишга қаратилган энг жиддий ва кенг қамровли санкциялар чоралари фақат 2010 йилдан бошланган.

Агар 2006 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда қабул қилинган (№1696, 1737, 1803, 1835) БМТ Хавфсизлик Кенгазининг резолюциялари Эронга нисбатан фақат чекловчи чоралар ва ядровий ривожланиш соҳасида Халқаро Атом Энергияси агентлиги билан ҳамкорликка қўйиладиган талабларни ўз ичига олган бўлса, 2010 йилдаги №1929-сонли резолюция Эроннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатган ва мамлакат учун жиддий оқибатларга олиб келган санкцияларнинг кенг рўйхатини тақдим этди.

Эронга қарши яна бир муҳим қадам санкциялар режимини қўллаб-қувватлашда фаол рол ўйнаган Европа Иттифоқининг резолюциялари эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

¹ Мисол учун, АҚШ президенти Жорж Буш 2002 йил январда Конгрессдаги нутқида терроризмни қўллаб-қувватловчи ташқи режимларга жиддий таҳдид солиб, Шимолий Корея, Эрон ва Ироқни потенциал таҳдид сифатида ажратди. У бундай халқларни "дунёнинг тинчлигига таҳдид солувчи ёвузлик ўқи" деб эълон қилди. Кейинчалик у "Душман мавжуд ва унга қарши туриш керак" деб кўшимча қилди (манба: <https://legacy.npr.org/news/specials/sou/2002/020129.bushunion.html>), Исроилнинг юқори раҳбарлари Эронни Гитлер даврдан бери Исроил учун "энг катта таҳдид" деб таъкидладилар (манба: <https://www.theguardian.com/world/2006/apr/25/iran.israel>).

Хавфсизлик Кенгашининг №1737-сонли резолюциясини қабул қилиниб, аъзо давлатларга Эронга таъсир ўтказиш учун қўшимча чоралар кўришга рухсат берилиши билан Европа Иттифоқи БМТ санкциялари доирасини сезиларли даражада кенгайтирди.

Хавфсизлик Кенгаши Эрон масаласида қабул қилган ҳар бир резолюция учун Европа Иттифоқи Кенгаши Эронга сотилиши тақиқланган технологияларнинг батафсил рўйхатини тузиш, Эроннинг молия ва банк ташкилотларига чекловлар киритиш ва Эроннинг газ ва нефтни сотишига эмбарго жорий этиш орқали мақсадли санкциялар рўйхатини кенгайтириш билан жавоб берди. 2012 йил январ ойида қабул қилинган ушбу сўнгги чоралар (Европа Иттифоқи Кенгашининг ЕС №2012/35/CFSP қарори) Эрон иқтисодиётига жиддий зарар етказди.

2013 йил 24 ноябрда Эрон ва P5 + 1 мамлакатлари (Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия) ўртасида биринчи муваффақиятли музокаралар бўлиб ўтди, бу Эроннинг ядро дастуридан воз кечишини ва санкциялар режимининг заифлашувини таъминлайдиган Қўшма Ҳаракатлар Режасини тузиш билан якунланди (JPOA). 2015 йил 2 апрелда худди шу иштирокчилар ўртасида қўшимча музокаралар олиб борилгандан сўнг Биргаликдаги кенг қамровли ҳаракатлар режаси (JCPOA) тузилди. Ушбу келишув Эронга қарши санкцияларни бекор қилмайди ёки тўхтатиб қўймайди. Бироқ, янги режа келажакда тўхтатилиши ва пировардида санкцияларнинг бекор қилиниши, МАГАТЭ томонидан Эроннинг ядро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши шарт эди. 2016 йил январ ойида МАГАТЭ Эроннинг Режага мувофиқ асосий келишувларга риоя қилиши тўғрисида ўз хулосасини эълон қилди. Бунинг ортидан Европа Иттифоқи ва АҚШ санкцияларни қисман олиб ташлади. Бироқ, иккинчиси бошқа сабаб билан Эроннинг ракета операцияларини амалга ошириши муносабати билан дарҳол янги санкцияларни киритди.

Эронга қарши санкцияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб, кўпгина тадқиқотчилар уларни муваффақиятсиз ва самарасиз мисоллар сифатида таснифлашади. Бундай тадқиқотлардан бири Петерсон халқаро иқтисодий институти (Вашингтон) жамоаси томонидан амалга оширилиб, санкциялар самарадорлигини давлатнинг хулқ-атворини ўзгартириш мақсадига эришиш сифатида тушунишга асосланган.[4:753] Тадқиқотчилар таъкидлашларича, кўп вақт давомида санкциялар чекланган таъсир кўрсатди, чунки АҚШ Эронга нисбатан олиб борган сиёсатини халқаро майдон кўллаб-қувватлай олмади. 2005 йилдан кейин вазият ўзгарди. Буюк Британия, Франция ва Германиядаги Эроннинг ядро фаолияти билан боғлиқ хавотирлар Европа Иттифоқининг санкциялар сиёсатини кучайтиришга ёрдам берди. Эроннинг ядро соҳасидаги фаолияти БМТда кўриб чиқилди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг №1929 резолюцияси, ЕИнинг бир қатор қарорлари ва АҚШдаги CISADA конунчилик актлари Эрон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган санкцияларнинг янада кучайишига олиб келди. Умуман олганда, ҳатто бундай қаттиқ санкциялар сиёсати Эрон иқтисодиётининг ёқилғи-энергетика сектори барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши учун бир неча йил керак бўлди. Эроннинг ядровий дастуридан бутунлай воз кечиш мақсадига эришилмади. Кўпгина тадқиқотчилар таъкидлаш мумкин бўлган минимал муваффақият санкцияларнинг иқтисодиётга салбий таъсири билан боғлиқ эди, аммо сиёсий мақсадларга эришилмади.[5]

АҚШ Конгрессидаги мунтазам маърузаларининг бирида Эрон бўйича нуфузли эксперт Кенетт Катзман шундай хулосага келди: “Санкцияларнинг самарадорлигини баҳолаш бизнинг мақсадимизга боғлиқ. АҚШ расмийлари санкциялар Эроннинг ядровий дастурига содиқлигини ўзгартиришдаги асосий мақсадларига эриша олмаганини тан олишади. Шунга қарамай, аксарият экспертлар, айниқса АҚШ ва ЕИ санкциялари Эроннинг Марказий банкига ва Эроннинг нефт экспортига қарши қаратилган, Эрон иқтисодиётини заифлаштириш мақсадига мос келади, деган фикрга қўшилади”.

Санкцияларнинг иқтисодий таъсирини ёритишга келсак, бир қатор изоҳлар берилиши керак. Санкцияларни кўллаш оқибатлари санкциялар кўлланилган мамлакатнинг ўзига хос ташқи ва ички шароитларига боғлиқ. Буларга иқтисодиётнинг ҳажми, мамлакат импорт ва экспорт қиладиган товарлар ва хизматлар турлари, глобал муҳит, мамлакат иқтисодиётининг тузилиши, географик хусусиятлари ва бошқалар қиради. [6:41]

Эронга келсак, иқтисодий таъсирларнинг ишончли баҳоланиши бир қатор кўшимча қийинчиликлар билан боғлиқ, бу биринчи навбатда санкцияларнинг кўп компонентли хусусияти ва санкциялар режимининг доимий ўзгариши ҳамда Эрон иқтисодиётининг янги чекловларга доимий мослашиши билан боғлиқ. Яна бир муаммо - таҳлил қилинаётган маълумотларнинг сифати ва манбалари, чунки Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Эрон ҳукумати маълумотлари бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилади ва тўлиқ эмас. Петерсон институти тадқиқотчилари гуруҳи Эрон иқтисодиёти учун санкцияларнинг "нархини" куйидаги якуний ҳисоб-китобларни тақдим этадилар. 1984 йилдан 2005 йилгача АҚШнинг бир томонлама санкциялари даврида санкцияларнинг ўртача йиллик қиймати (иқтисодиётга етказилган зарар) 80 миллион долларни, 2006 йилдан 2012 йилгача бўлган санкциялар даврида бу кўрсаткич йилига 5,7 миллиард долларни ташкил этади. Европа Иттифоқи ва БМТ томонидан 2012 йилдан бери чоралар кучайганлигини ҳисобга олган ҳолда, санкциялар натижасида етказилган зарар ҳар йили 18 миллиард долларга баҳоланмоқда. [7:753]

Бундай баҳолар Эронга санкциялар олиб келадиган улкан зарар ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Ушбу рақамларнинг кўламини тушуниш ва баҳолаш учун 1980 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда Эрон иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари динамикасига мурожаат қиламиз.

1-расм.



Изоҳ: Манба: Жаҳон банкининг халқаро валюта фонди.

Юқоридаги 1-расмдаги маълумотлар асосида кўришимиз мумкинки, Эрон иқтисодиёти учун энг қийин давр 1980 йилдан 1995 йилгача бўлган давр эди, бу даврда кўрсаткичларда кескин силжишлар бўлган. Эрон-Ироқ уруши (1980-1989) экстремал сиёсий беқарорликка олиб келди, бу муқаррар равишда иқтисодий соҳага таъсир кўрсатди. Аммо 1995 йилдан кейин ва 2006 йилгача Эрон барқарор иқтисодий кўрсаткичларни, шу жумладан, ЯИМ ўсишини намойиш этди. Ушбу кўрсаткичлар АҚШнинг бир томонлама санкциялари Эрон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмаганлиги ҳақидаги далилни тасдиқлайди. Эрон салбий таъсирлардан қочишга муваффақ бўлди, чунки: 1) санкциялар чекланган, секторга оид ва муҳим нефт қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш секторига таъсир қилмаган; 2) фақат АҚШ маҳсулотларини Эронга олиб кириш чекланган эди, шундан сўнг Эрон бошқа импортчилар билан ишлашни бошлади ва Америка томонидан ишлаб чиқарилган зарур маҳсулотларни (масалан, қурол) учинчи мамлакатлар орқали сотиб олиши мумкин эди.

Жаҳон ҳамжамияти АҚШ сиёсатида қўшилганида ва кўп томонлама санкциялар жорий қилинганда вазият ўзгарган. Биринчи кескин салбий иқтисодий таъсирлар 2006 йил бошида сезилиб турди, аммо улар тезда йўқолди. Эрон санкцияларнинг салбий таъсирини юмшатиш учун иқтисодий сиёсатнинг барча воситаларини муваффақиятли ишлатишга ҳаракат қилди. Энг муҳими, экспорт-импорт сиёсатидаги ўзгаришлар, биринчи навбатда, асосий шериклар рўйхатини қайта кўриб чиқиш лозим эди.

**2002 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда Эроннинг асосий импортёрлари бўлган
10 та мамлакатларнинг динамикаси (минг АҚШ доллари)**

№	2002 йил		2006 йил		2010 йил		2014 йил	
1	Тайвань	6236,5	Япония	15109,8	Тайвань	36469,0	Хитой	9240,5
2	Япония	5076,4	Тайвань	14199,2	Ироқ	4610,6	Ироқ	6140,3
3	Италия	1884,4	Италия	6739,7	Хитой	4450,4	БАА	3673,5
4	БАА	805,5	Франция	4393,0	БАА	3484,4	Афғонистон	2386,3
5	Франция	734,7	БАА	1858,8	Ҳиндистон	1673,4	Ҳиндистон	2153,9
6	Голландия	292,1	Ироқ	1809,4	Афғонистон	1305,7	Туркия	1909,1
7	Германия	280,4	Хитой	992,6	Туркия	828,8	Туркменистон	944,5
8	Озарбайжон	249,9	Ҳиндистон	895,4	Покистон	540,4	Покистон	837,1
9	Хитой	187,9	Афғонистон	503,1	Индонезия	503,7	Миср	595,3
10	Ироқ	184,1	Германия	462,0	Япония	493,7	Гонконг	517,8
Йилига умумий экспорт ҳажми		28186,0		63247,0		83785,0		73874,2


Изоҳ: Манба: БМТнинг Халқаро савдо бўйича статистик маълумотлар базаси.
(UN COMTRADE)

2012 йил ёзида АҚШ ва Европа Иттифоқининг мураккаб санкциялари қўлланилиши туфайли нефтдан экспортнинг умумий тушуми бир неча йил ичида 60 фоизга камайди. Вазият жаҳон бозорида нефт нархларининг беқарорлиги туфайли кескинлашди.

Эронни глобал молиявий тизимдан чиқариб ташлаш ва Эрон банкларини SWIFTдан ажратиш эронлик компанияларни эски “hawala” тизимидан фойдаланишга мажбур қилди, бунинг натижасида молиявий операциялар узокроқ ва қимматга туша бошлади ва эронликларнинг кўплаб товарлар ва хизматларга, шу жумладан, озиқ-овқат ва тиббий хизматларга қиришлари қийинлашди.

Самарасиз молиявий сиёсат нархларнинг кўтарилишига олиб келди, молиявий аҳволни янада ёмонлаштирди. 2010 йил декабр ойида Президент Аҳмадинажод беш йиллик ислохотлар дастурини тақдим этди, бу дастур асосий маҳсулотлар, шу жумладан, энергия учун субсидияларни олиб ташлади. [8] Ҳукумат 2006 йил бюджетининг қарийб 40 фоизини кам таъминланган оилаларга пул маблағлари билан субсидиялар ажратишга сарфлади. Ўрта муддатли истиқболда ушбу чоралар ва ёқилги ҳамда бошқа товарлар нархларининг кўтарилиши саноатга депрессив таъсир кўрсатди ва гиперинфляцияга сабаб бўлди. [9:74]

2-расм.



Изоҳ: Манба: Жаҳон банкининг халқаро валюта фонди.

Беқарор молиявий ҳолат валюта бозорида "қора бозор" нинг ўсишига олиб келди. 2012 йил мартдан 2013 йил мартгача миллий валюта, Эроннинг реал пул маблағи АҚШ долларига

нисбатан қийматининг қарийб 80 фоизини йўқотди. Гарчи 2000 йилдан 2012 йилгача ўртача кўрсаткич 15 фоиздан ошмаган бўлса-да, 2012 йилда инфляция даражаси 40 фоизни ташкил этди. Бироқ 2013 йилда инфляция даражаси 2011 йилдаги кўрсаткичга қайтди – 20 фоиз. 2014 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши қайд этилди (*2-расмга қаранг*).

Санкцияларнинг бошқа салбий оқибатлари қаторида йирик халқаро ўйинчиларнинг Эрон бозоридан чиқиб кетишини кузатиш мумкин: улар ўз бизнесларини ёпиб қўйишди ва Эрон иқтисодиётига тўғридан-тўғри санкцияларга дучор бўлмаган соҳаларда ҳам инвестицияларни тўхтатдилар. Натижада 60 миллиардга баҳоланган ва Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари билан янги савдо ҳамкорлиги қисман қопланган потенциал инвестициялар йўқолди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги халқаро компаниялар, масалан, Ernst&Young, KPMG, Daimler AG, Caterpillar, ENI ва бошқа юзлаб компаниялар рисклар ва бошқа қийинчиликлардан қочиш учун бозорни тарк этдилар.[10] 2010 йил ўрталарига келиб, Total, Royal Dutch Shell, BP, Reliance Industries каби гигантлар Эрон билан ёнилғи қуйиш ишларини тўхтатди. [11:21]

Эрон йирик нефт экспортчиси бўлса-да, у газ импортига жуда боғлиқдир. Импортни таққиллаш натижасида Эронга газ импорти CISADA ҳаракати 2010 йилда кучга киргунга қадар кунига 120 минг баррелдан тушди, у кучга киргандан кейин 30 минг баррелгача кўтарилди.

Иқтисодий санкциялар Эрон фуқароларининг аҳволига салбий таъсир кўрсатди. 2014 йилда ишсизлик даражаси тахминан 15 фоизни ташкил этди ва Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичга айланди. Фармацевтика саноати зарур материалларни олиб киришга эҳтиёж сезди. 2012 йилда АҚШ ва Европадан илғор дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналар импорти 30 фоизга камайди. Бу беморларда, айниқса жиддий ва сурункали касалликларга чалинган беморларда акс этади. Соғлиқни сақлаш ходимлари мамлакатда ўлимнинг кўпайиши тиббий буюмлар билан таъминланмаганлиги билан боғлиқ деган хулосага келишди.¹

Суялтирилган газни олиб киришни чеклаш, ўз ишлаб чиқаришни ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Эронда ҳаво сифати паст газ ишлаб чиқариш стандартларининг таъсири туфайли ёмонлашди. 2013 йилда Эрон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ нафас олиш, юрак ва саратон касалликлари кўпайганлигини маълум қилди. [12]

Бундай хавотирли маълумотларга қарамай, Вашингтонда Халқаро Валюта Жамғармаси йиғилишида Эрон Ислом Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири Али Тайибни 2014 йилда мамлакатдаги иқтисодий вазият яхшиланганини таъкидлади. Хусусан, инфляция 2013 йил сентябрдаги 40 фоиздан сентябрда 21 фоизга тушди, шунингдек, 2014 йилда пасайишда давом этди.

Эроннинг халқаро ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш Эрон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши эди. Узоқ вақт давомида Эрон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилиб, АҚШнинг келишмовчилигига қарамай, ушбу ташкилотга кузатувчи сифатида қўшилди. Аммо бу Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан яқинлашиш учун илғор иқтисодий амалиётларни ривожлантиришга ёрдам берди. [15:139]

Таъкидлаш керакки, санкциялар ва уларни бартараф этиш истаги натижасида кўплаб иқтисодий операциялар "яширинча" ўтди. Тадқиқотчилар таъкидлашича, Эрон бизнесни "сохта компаниялари" ва норасмий банк механизмлари орқали амалга ошира бошлади.[16]

Хулоса қилиб айтиши мумкинки, узоқ муддатли санкциялар интизомий омилга айланди ва умуман олганда, мамлакатнинг иқтисодий аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Эрон иқтисодиёти доимо гиперинфляция, юқори ишсизлик ва тизимсиз ислохотлардан азият чекди. Санкцияларнинг юқори даражаси ҳукуматни янада мувозанатли қарорлар қабул қилишга ўргатди. Халқаро кредит банклари муассасаларининг маблағларидан фойдалана олмаслик бюджет интизомини мустаҳкамлашга ва бюджетнинг харажатлар қисми устидан қаттиқ назорат ўрнатилишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

¹ Бу ҳақида Эрон Тиббиёт фанлари академияси президенти Сейид Ризо Маранди БМТ Бош қотиби Пан Ги Мунга йўллаган мактубида айтиб ўтди. [Iranian patients, victims of US sanctions / Judiciary of the Islamic republic of Iran high council for human rights. – 26.11.2012. URL: <http://en.human-rights-iran.ir/news-19970.aspx>]

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 322 бет.
- 2.H.R.3107 - Iran and Libya Sanctions Act of 1996. URL: <https://www.congress.gov>.
- 3.Договор о нераспространении ядерного оружия от 12 июня 1968 года / UN treaty series. – Vol. 729–13. URL: <http://www.un.org>.
- 4.Economic sanctions reconsidered: History and current policy / Hufbauer G.C., Schott J.J., Elliott K.A., Oegg B. – 3rd ed. – Washington, D.C.: Peterson institute for international economics, 1985. – 753 p.
- 5.Katzman K.Irans sanctions / Congressional research service. 2015. URL: <http://www.parstimes.com>.
- 6.Measuring vulnerability to U.S. foreign economic sanctions / Askari H., Forrer J., Yang J., Hachem T. // Business economics. – 2005. – April. – P. 41–54.
- 7.Economic sanctions reconsidered: History and current policy / Hufbauer G.C., Schott J.J., Elliott K.A., Oegg B. – 3rd ed. – Washington, D.C.: Peterson institute for international economics, 1985. – 753 p.
- 8.Harris K. The politics of subsidy reform in Iran // Middle East research and information project. – 2010. – MER254. URL: <http://www.merip.org>.
- 9.Habibi N. The economics legacy of Mahmoud Ahmadinejad // Crow center for middle East studies. Middle East brief 74. – 2013. – June. URL: <http://www.brandeis.edu>.
- 10.Sanctions related to Iran // The White House official press release. Fact sheet: 31.07.2012. URL: <http://www.whitehouse.gov>
- 12.O’Sullivan M.L. Iran and the great sanctions debate // The Washington quarterly. – Washington, D.C., 2010. P. 7–21. URL: <http://belfercenter.ksg.harvard.edu>
- 13.Davidson K.A. Tehran Pollution Crisis 2012: Thousands dead in Iran's capital as government warns to stay indoors // The Huffington post. 2013. URL: <http://www.huffingtonpost.com>.
- 14.Халқаро валюта жамғармасининг веб-сайтидаги нутқ матни. URL: <http://www.imf.org>.
- 15.Katzman K. Irans sanctions / Congressional research service. 2015. URL: <http://www.parstimes.com>.
- 16.Bahgat G. Iran and the United States: Reconcilable differences? // Iranian studies. – 2008. – Vol. 41, № 2. – P. 139–154.
- 17.Khajepour B., Marashi R., Parsi T. The trouble with sanctions // The Cairo review of global affairs. – 21.07.2014. –URL: <http://www.thecaireview.com>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф томонидан жаҳон сиёсатининг замонавий воқеликларини инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда етакчи мамлакатлар, хусусан, АҚШ томонидан Эрон Ислом Республикасига киритилган санкцияларнинг моҳияти ва сабаблари, санкция шароитида томонларнинг сиёсий позициялари ҳамда санкцияларнинг Эрон иқтисодиётига келтирган салбий оқибатлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются характер и причины санкций, введенных против Исламской Республики Иран ведущими странами, в частности США, в последние годы с учетом текущих реалий мировой политики, политической позиции сторон и негативного влияния санкций на экономику Ирана.

SUMMARY

The article analyzes the nature and reasons for the sanctions imposed against the Islamic Republic of Iran by leading countries, in particular the United States, in recent years, taking into account the current realities of world politics, the political position of the parties and the negative impact of sanctions on the Iranian economy.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ТАФАККУРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: КРЕАТИВ ТАФАККУР

Мусаев У.С. (Тошкент Гиббиёт академияси Урганч филиали)

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур, креативлик, кретив тафаккур, кретив инсон, инновация, инновацион тафаккур, фикр, эгилувчанлик, онг, фан, таълим, тарбия, мантиқ.

Ключевые слова: мышление, творчество, творческое мышление, творческая личность, новаторство, новаторское мышление, мышление, гибкость, разум, наука, образование, воспитание, логика.

Key words: thinking, creativity, creative thinking, creative personality, innovation, innovative thinking, thinking, flexibility, reason, science, education, upbringing, logic.

Глобаллашаётган дунёда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, жисмонан ва руҳан соғлом, теран фикрли, онги ва тафаккури юксак бўлиб шаклланишига ҳам боғлиқ. Мустақилликдан кейин кўплаб соҳаларда янгиликлар киритилди ва амалиётга татбиқ этилди. Шундай экан, халқимиз, айнан ёшларимизнинг онгини янги ғоялар, муқобил ечимлар ва имкониятларнинг ноёб ва серқирра шаклини тарбиялаш, таркиб топтириш долзарб масалалардан биридир. Тафаккур, тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари ва креатив тафаккурни тадқиқ этиш нима учун керак? Айнан шу саволга ушбу мақолада жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Қисқача қилиб айтиладиган бўлсак, қандай фикр билдиришини олдиндан айтиб бўлмайдиган, оригинал ва ноёб ҳозирги замон кишисидан бир қадам олдинда юрадиган инсонни тарбиялаш учун ҳам креатив тафаккурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ҳозирги замон талаби.

Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари ҳамда креатив тафаккурнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳар бир инсонда аввало уларнинг фикрлаш фаолиятининг турли-туманлиги, характери ва мотивацияси турлари ва шакллариининг нисбатлари турлича шаклланганлиги, турли хил вазифалар бажариш ва муаммоларни ечиш услубларидаги фарқларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади, бу эса мантиқ илми ва фалсафа, психология фанлари тизимининг долзарб мавзуларнинг бири сифатида тадқиқ этилади. Мантиқ илми тафаккурнинг мазмуни, тузилиши, шакллари ва унинг ифодаланиш усуллариини тадқиқ этади. “Тафаккурда мазмун ва шакл, чинлик ва тўғрилиқ ҳар доим узвий боғлиқликда мавжуддир”¹. Мазмун ва шакл муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тафаккур мазмундорлиги унинг давомийлиги, таркибан серқирралиги, бойлиги, жозибадорлиги ва бўёқдорлиги билан ифодаланса, шакли эса тузилиши жиҳатидан тўғрилиги, морфологияси ва қўлланилиш кетма-кетлигининг тўғрилигига боғлиқ. Ифодаланаётган фикрларнинг воқеликка мослиги унинг чинлиги аломатидир.

Шунинг учун ҳам инсонлардаги индивидуал хусусиятлар турлича бўлганлиги билан фарқлидир. Ҳар бир инсоннинг индивидуаллиги ўзига хос бўлиб, бир-бирларига қисман ўхшаши мумкин, аммо умумий мосликни касб этмайди. “Ҳамма нарсалар ва инсонлар индивидуал лаззатланишга асосланади”². Ҳар бир инсон ички мени билан бир-биридан фарқлаиб туради, яна бир исботи сифатида бармоқ излари, ҳеч бир инсоннинг бармоқ излари бир-бириникига ўхшамайди.

Инсон табиатига хос бўлган фикрлаш ва қарашларнинг турли-туманлиги, лаёқат ва қизиқишларининг кучли ёки кучсиз эканлигига қараб индивидуал хусусиятларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

Тафаккурнинг мустақиллиги ва янгилиги. Буни қисқача таърифлайдиган бўлсак, инсон ўзига бирон бир вазифа юклатилганда ёки бирон муаммо ва камчиликни бартараф этишда, муаммо ва вазифани бажаришда умумий фикр, мулоҳазалардан ташқари шахсий мустақил фикрнинг мавжудлиги ва мустақил фикрларининг доимо доминанталиги билан боғлиқ, янгилиги, муаммо ва вазифа юзасидан ўз олдига янги саволни, янги вазифани қўя билиш, янги

¹ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. –Т: Ўқитувчи, 1993. – Б. 22.

² Гуннар Скирбекк, Нилс Гильс. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 150.

инновацион қарашларга эга бўлиши, сўнгра уни ўз кучи билан мустақил тарзда ҳал эта олиш кўникмасига айтилади. Бу жараёнда мантикий тафаккурнинг ижодий (креативлиги) қобилияти айнан шу, шунга ўхшаш жараёнларда шаклланади ва намоён бўлади.

Тафаккурнинг эгилувчан ва чидамлилиги. Тафаккурнинг эгилувчанлиги ва чидамлилиги турли хил вазиятлар, муаммоларга дуч келинганида, уларга мослашган ҳолда вазият ва муаммони ҳал этиш усулини (режасини) уларга мослаб вазият ва ҳолатдан чиқа олиш, агар муаммони ҳал этиш жараёнида келиб чиқаётган ва дастлаб бошданок эътиборга олиш имкони бўлмаган шароитларини қондирмаган ҳолларда режа ва ечим усулларини ўзгартира олиш кўникмасига ҳамда турли хил вазият ва муаммоларга дуч келинганида уларга таслим бўлмасдан вазиятга мослашган ҳолда уни бартараф этиш ва бартараф этиш усулларини топа олиш қобилиятига айтилади. А. И. Шчербаков инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сирасига собитқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилиқ, уринчоқлик ва тиришқоқлик, дадиллик ва қатъиятлилик, чидамлилиқ ва ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлилиқларни киритади¹.

Тафаккурнинг тезкорлиги ва аниқлиги. Инсон онги ва мантикий тафаккурининг тезкорлиги айниқса, инсон қисқа муддатда муҳим, аниқ ва тўғри қарор қабул қилиши зарур бўлган ҳолларда (масалан, жанг, бахтсиз ҳодиса вақтида) жуда зарур тафаккур операцияси ҳисобланади. Шунингдек, тафаккур тезкорлиги ва аниқлиги мактаб ўқувчиларидан тортиб барча инсонларга керак ва зарур бўладиган онг(тафаккур) операцияси ҳамдир. Ўқувчиларни янги бўлган масалани ҳисоблаш учун доскага чақирилганида, улар довдираб, эсанкираб қолмасдан тез ва аниқ усуллар билан ҳисоблаб чиқаришлари бунга оддий мисол бўла олади. Агарда улар довдираб, саросимага тушиб қолиб, биладиган масала ва саволларга ҳам жавоб бера олмасалар, демак, улардаги тезкор ва аниқлик касб этувчи тафаккури йўқ деб бўлмайди, у ҳали мукамал шаклга эга бўлмаган деб ҳисобланади. Ушбу салбий ҳиссиётлар тафаккурини тўсиб исқанжада ушлаб туради; хаёл ҳам жуда секин ишлай бошлайди ва кўпинча бунда тафаккурнинг самарадорлик коэффициенти тушиб кетади, аммо тинч ва осуда, якка ва индивидуал шароитда (уйда ёки очик табиат кўйнида) айнан шу ўқувчилар бу каби ва ундан ҳам қийинроқ бўлган масалаларни осонлик билан ҳал этадилар. Фикрни секинлаштирувчи ҳиссиётлар ва ҳолатлар натижасида бу каби кескин равишда секинлашув кўпинча имтиҳонларда ҳам намоён бўлади. Бошқа баъзи ўқувчиларда эса имтиҳон вақтидаги ҳаяжон ва асабийлашиш тафаккурни секинлаштирмайди, аксинча, тезлаштириб юборади. Бунда улар одатий, тинч шароитдагидан кўра юқорироқ натижаларга эришишлари мумкин.

Тафаккурнинг юқорида санаб ўтилган барча хусусиятлари унинг асосий жиҳати билан боғлиқ бўлиб ундан ташқари ҳам кўплаб индивидуал хусусиятларни келтириш мумкин. Индивидуал тафаккур аҳамияти, ҳар қандай, оддийми ёки мураккаб, одатийми ёки ноодатий фикрлар ва қарашлар тафаккурнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг алоҳида шахсий хусусиятларидан қатъи назар аҳамиятли нарсани асосли ва исботланган барча янги умумий жиҳатларга мустақил равишда кела олишидир. Инсон тафаккури ишлаганда (фикрлаганда) у алоҳида у ёки бу факт, далил ёки ҳодисанинг, ҳаттоки у ёрқин, қизиқарли, янги ва қутилмаган бўлишидан қатъи назар, қайд қилиш билан чегараланиб қолмайди. Шахснинг тафаккури тадрижий жараён сифатида зарурат тарзида илгарилаб, ўсиб, такомиллашиб боради, қайта-қайта дуч келган муаммо ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб боради ҳамда у ёки бу даражада ўхшаш бўлган ҳодисалар бир-биридан ташқи жиҳатдан қанчалик фарқ қилмасин, уларга дуч келганда эсанкираб ўзини йўқотиб қўймайди. Қисқа қилиб айтганда, оптималлик, яъни универсаллик касб этиб боради. Буни тафаккурнинг креативлашиш жараёни дейиш мумкин.

Когнитив тафаккур ҳақида фикр юритувчи олимлар фикрига кўра “Инсон ахборотни фаол акс эттирувчи организм бўлиб, ахборотларни алгоритм ва стратегияларни анализ – синтезини фикран акс эттириш ёрдамида системалаштириш асносида ёдда сақлайди”. Шу тариқа когнитив тафаккурда ахборотни қайта ишлаш ҳамда узатилиши ва жавоб беришгача бўлган жараён моҳияти ўрганилди. Ижодий тафаккурда рус олими И.А.Понамарёв ўзига хос

¹ Ғозиев Э. Умумий психология. ЎзМУ “Университет”, 2002. – Б. 228.

усуллар билан ёндашиб тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда “Илмда инсон ва машина “тафаккури” фарқларини кўрсатади¹. Машина фақат модел ва белгилар орқали усулга эга бўлиб, берилган ва киритилган амаллар ёки буйруқларни бажаради ҳамда ҳар қандай вазиятда ҳам улардан четлашмайди, инсон эса амалий ёки назарий, ижодий ёки тасодифий муаммоларда ақли ва ўзига (виждони)га таянади ва шуниси билан машинадан фарқ қилади”. Мазкур ёндошув моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак ҳар қандай ақилли машина ҳам ўзича фикр юрита олмайди. Моҳият эътибори билан машина инсон тафаккурининг фақат бир жиҳатини – формал мантикий фикрлашнинггина амалга оширади, ваҳоланки, инсоннинг фикрлаш жараёни амалда ирода, эмоциялар, интуиция, орзу, фантазия ва ҳоказолардир. Инсон ички дунёсининг бойлиги унинг ижтимоий алоқалари бойлиги ва серкирралигининг маҳсули ҳисобланади². Инсоннинг тафаккур олами баъзи жиҳатларда хатоликларга йўл қўйса-да, машинадан устун ҳисобланади, яна бир исботи шундаки, инсонга хос ижодий тафаккур маҳсулидир машина. Машинада эса бундай тафаккурнинг ўзи йўқ, схемалашган ва қолипга солинган амаллар ва буйруқларни ўзи ичига олади.

Янада соддароқ қилиб “креативлик”, “креатив тафаккур”, “креатив тафаккурнинг моҳияти” (креативлик тушунчаси) нима эканлигини ва “креатив инсон” ким, унда қандай хислатлар мавжуд ёки қандай хислатлар мавжуд бўлиши керак эканлигини тушунтирадиган бўлсак, креативлик – бу янгидан-янги фикрлар, янгидан-янги кашфиётлар ва ноодатий ёки одатий вақтда ўз даврида оригиналликни касб этувчи ғояларни яратиш ва топиш, жамиятда тафаккур учун қабул қилинган қолип ва формаларидан четлашган ҳолда ўз олдида турган вазибаларни ностандарт усулларда ижобий, муваффақиятли ҳал этиш, ҳал этилмаган тақдирда ҳам ҳар сафар янгича ғоялар ва ёндашувлар билан ечишга уриниш қобилиятига айтилади. Бу дегани ўзига юклатилган вазифа ва ечимини топиши керак бўлган муаммоларни бошқа бурчак остида кўриш ва уларни ўзига хос тарзда ҳал этишдан иборатдир. Креатив тафаккур – бу жўшқин, фантазион табиатга эга бўлган севиш ва севилиш, яратувчанлик, ижодкорликни биринчи ўринга кўтарувчи тафаккур шаклидир.

Креатив тафаккурни инновацион тафаккурга ҳам қиёслашимиз мумкин. Файласуф олим Ш.Қўшоқов инновацион тафаккур ҳақида шундай фикрлар билдирган: “инновацион тафаккур инсоннинг ўсиб ва такомиллашиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар ва қадриятларни ихтисослашган жамоалар ва корхоналарда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга қаратилган ижодий тафаккурдир”³.

Креативлик – бу олдиндан айтиб бўлмайдиган, оригинал ва ноёб нарсаларни тасаввур қилиш қобилиятидир. Бу ифодали, ҳаяжонли ва ижодий бўлиши керак. Бу инсон ҳар қандай шароитда ҳам қанчалик яхши фикрлай олишининг кўзгусидир. Демак, креативлик кўпроқ тафаккурда кечадиган руҳий когнитив жараён бўлса, инновация эса унинг татбиқи ва натижасидир. Креативлик назария десак, инновация эса унинг амалиётидир. Ноодатий фикрловчи креатив тафаккур эгалари ўз тақдирларини рўёбга чиқариш йўлида ўзига хос услублари билан тинимсиз равишда изланадилар⁴.

Креатив инсон бўлиш оғир ва машаққатли тадрижий фаолият меваси ҳисобланади. Креативлик, креатив тафаккурга эга бўлган инсон бу дунёда бошқаларга нисбатан маълум имкониятлар ва устунликларга эга бўлади. Масалан, жамоадошларидан ижодий ва ижобий хислатлар билан устун бўлиш, нисбатан қизиқарли маслакдош ва суҳбатдош бўлиш (эгоистлик, нафс, мол-дунё, суҳбатда зерикарлик ва уятчанлик – креатив шахсларга хос бўлмаган хусусиятлар ҳисобланади), мураккаб ҳаётий вазиятларда қутилмаган қарорлар қабул қила олиш қобилиятига эга бўлади. Яна бир креатив одамларга хос хислатлардан бири атрофдаги-

¹ WWW.LOGIK.ru

² Шермухамедова Н. Фалсафа. Ўқув-услубий мажмуа. –Т: Ношир, 2012. – Б. 305.

³ Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2010. – Б. 17.

⁴ Тереза М. Амабайл. Креативное мышление в бизнесе / Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. Серия «Классика Harvard Business Review»), 2006. – С. 13.

ларга нисбатан мурасали ва сабрли бўлиш, ахир ҳар бир инсон дунёни ўзича қаричлайди, деб тасаввур қиладилар.

Ҳаёт фаолиятида муваффақият қозонган инсонларнинг таржимаи ҳоли ва тарихларини тадқиқ этар экансиз, креатив тафаккур ва креативлик имкониятлар чўққисига ҳар қандай ёшда ва ҳар қандай шароитларда эришиш мумкин, деган хулосага келишингиз турган гап. Креатив тафаккур шахсларнинг уч турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчилари ўспиринлик вақтигача бўлган даврида ўзининг ижодкорлик чўққисига чиқиши мумкин, кимлардир ўзларининг ижодкорлик фазилатларининг барчасини 20-30 ёшидаёқ тўлиқ намоён қила оладилар, бошқалари эса жуда секин етиладилар, уларнинг энг олий ижодлари ва ғоялари ҳаётининг иккинчи ярмига тўғри келади, яъни етуклик даврида. Бошқалари эса ўзларининг креатив кашфиётчилик қобилиятларини юзага чиқармай сўндириб юборишади. Хулоса қилиб айтганда, тафаккурнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва креатив тафаккур турини ёритиб бериш билан биргаликда, мураккаб, чалкаш вазиятда мавжуд маълумотларни ички нутқда муҳокама қилиш тафаккурга ёрдам беришини, оддий тафаккур учун ишлаб чиқилган вазиятларда ички нутқда муҳокама қилиш тафаккурни секинлаштириши, тез фикрлашни ўзлаштираётган барча кишиларни юқорида келтирилган метод ва усуллардан фойдаланилса, мантиқий тафаккурлашни сайқаллашга ёрдам бериш билан бир қаторда нафақат уни ривожлантиришга, балки унинг аниқлиги ва оптималлигини ошириб боришга хизмат қилади.

Инсон ўзида ижодий қобилиятларни, креатив тафаккурни ва креативликни ҳар қандай ёшда ҳам ривожлантириши мумкин эканлигини кўрсатади. Бироқ бизларнинг кўпчилигимиз ўзимиздаги ижодий истеъдодни тан олишга тайёр эмасмизми, тайёр бўлсак ҳам, дангасалик, лоқайдлик иллатлари домига тушиб ундан халос бўла олмаимиз, ваҳоланки, креатив тафаккур ва ижодкорлик кўплаб инсонларга хос тушунчадир. Ушбу қобилиятлар инсоннинг ўзи томонидан етарли равишда баҳоланмайди ёки эътиборга олинмайди, бор қобилиятлар ривожлантирилмайди, ўз устида ишламаслиги оқибатида ўзини ўртамиёна инсон, деб ҳисоблайди. Бунинг оқибатида ўз-ўзининг қобиғига ўралиб қолиб, потенциал имкониятлари ва ижодкорлик қобилиятининг бора-бора йўқолиб кетишига сабабчи бўлади. Креатив инсонга хос сифатларни ўзингизда шакллантиришни хоҳлайсизми, унда вақтни кетказмасдан имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни бошланг. Ишонинг – ишонч мўжиза яратади.

Келажаги буюк давлатнинг пойдевори бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлишида унинг ижодий имкониятларини намоён қилишига кенг йўл очиб бериш орқали эришилади. Мазкур соҳада саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келаётган давлатимиз раҳбариятининг асосий мақсади, буюк аждодларимизга муносиб авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т: Ўқитувчи, 1993.
2. Сағдуллаев А.С., Костецкий В.А. Тарих қадимги дунё. –Т: Янгийўл полиграф сервис, 2017.
3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гильс. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Ғозиев Э. Умумий психология. – Тошкент: ЎзМУ “Университет” нашриёти, 2002.
5. WWW. LOGIK.ru
6. Шермухамедова Н. Фалсафа. Ўқув-услубий мажмуа. –Т: Ношир, 2012.
7. Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2010.
8. Тереза М. Амабайл. Креативное мышление в бизнесе / Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. Серия «Классика Harvard Business Review»), 2006.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари ва креатив тафаккур турли хил нисбатларда солиштириб таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада тафаккурга хос индивидуал хусусиятлар, креатив тафаккур, креативлик, креатив инсон ва креативликка хос хусусиятлар ҳамда олимларнинг қарашлари қисқача ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье сравниваются и анализируются особенности мышления и творческого мышления в разных пропорциях. В статье также кратко описаны индивидуальные особенности мышления, творческого мышления, творческих способностей, творческой личности, а также взгляды ученых на данную проблему.

SUMMARY

This article compares and analyzes the features of thinking and creative thinking in different proportions. The article also briefly describes the individual characteristics of thinking, creative thinking, creativity, creative personality and creativity, as well as the views of scientists.

Наишга фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Улугов А.Х. (Республика Маънавият ва маърифат маркази)

Таянч сўз ва иборалар: *миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, маънавият, тинчлик, глобаллашув, дунё, ислоҳот, хавфсизлик, барқарорлик.*

Ключевые слова: *межнациональное согласие, религиозная терпимость, духовность, мир, глобализация, мир, реформа, безопасность, стабильность.*

Key words: *interethnic harmony, religious tolerance, spirituality, peace, globalization, peace, reform, security, stability.*

Глобаллашув жараёнларининг тобора авж олиши тинчлик, барқарорликни сақлашда дунё афкор оммасидан мунтазам огоҳлик борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янги талаб ва илгари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кучайган бир шароитда яшашига тўғри келмоқда. Дунё миқёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Бундай мураккаб шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё миқёсида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу борда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳолатига бўлган ижобий муносабат мамлакатимиз тараққиётида янги даврнинг бошланишига замин яратди. Халқимизга хос бўлган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш муҳитининг ҳукм суриши фуқароларимизни, хусусан, ёш авлодни она Ватанга фидойи ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида мазкур омиллар Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони-га биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида белгиланган хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, давлатимиз мустақиллиги ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамкорлини таъминлашни тақозо этади. Айнан мазкур омиллар дунёда глобал миқёсда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш орқали Юрт равнақи ва Ватан тараққиёти учун замин яратади. Диёримизда азалдан зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик ҳамда ислом дини вакиллари ўзаро иноқ ва тинч-тотувликда истиқомат қилишган. Хусусан, юртимиздаги маданият марказлари ҳисобланган кўплаб шаҳарларда масжид, черков, синагоғлар фаолият кўрсатган. Ушбу муқаддас масканларда турли динга мансуб миллат ва элатлар ўзларининг диний маросимларини эмин-эркин адо этишган. Бинобарин, мазкур ҳолатни ҳозирги вақтда юртимизда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, мазкур фармонда жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ўзаро иноқ, тотувликда яшаб келмоқда. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, мазкур конфессияларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб бориляпти. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланмоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий- маданий марказ етакчи роль ўйнаяпти. Улар ўз маданияти, тили, ҳунармандчилигини ривожлантириб, бир-бирини ўзаро бойитишга, кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, 34 та дўстлик жамияти муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, дўстлик ва бирдамлик муҳитининг ҳукм суриши ўз навбатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Республикада хотиржамлик, тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонлик муҳитининг ҳукм суришидан барча дин вакиллари бирдек манфаатдор. Ўз навбатида, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмақлашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Бу ҳақда фикр юритганда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “...хозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мurosасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда”, – дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Айниқса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муносабатларининг таъминланиши, аввало, динлараро зиддиятларнинг олдини олиш орқали турли дин вакиллари ўртасидада ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратмоқда. Мазкур омил юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига бевосита хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда Давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ҳукумат сиёсатининг ижобий самараси сифатида мамлакатимизда барча диний конфессия вакиллари ўзининг диний анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этаётганлиги фикримизни ёрқин тасдиғидир. Бу ҳақда немис евангель-лютеран черкови марҳум епископи Корней

Вибе: “жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-мурувват, эзгулик муҳити тинчлик ва осудалик, фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда”,- дея алоҳида таъкидлаб ўтади. Ўз навбатида К.Вибе ўз фикрида юз йилдан буён немис евангель-лютеран черкови вакиллариини Ўзбекистон заминида эмин-эркин яшаб келаётганлигини ўз ибодатларини, расм-русумларини адо этишда Давлатимиз томонидан диний соҳа ва диндорларга қаратилаётган эътибордан ғоят мамнун эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бу борада Давлатимиз раҳбариятига катта миннатдорчилик билдирамиз, дея ўзининг самимий фикрларини айтиб ўтган эди.

Бугунги оқилона сиёсатнинг ижобий самараси ўлароқ, мамлакатимизда барча диний конфессия вакиллари ўз диний анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этаётганини айтишимиз мумкин.

Ўз навбатида ушбу ижобий фикрлар Германия Республикасининг Ўзбекистондаги фавкуллода ва мухтор элчисининг сиёсий-ижтимоий масалалар бўйича референти Ренате Ленер томонидан ҳам айтиб ўтилган. Ренате Ленер: “Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий соҳаларда биз ўйлагандан кўра анча илгарилаб кетган, кўплаб бошқа Шарқ мамлакатларига ҳақиқий маънода ўрناق бўла оладиган, демократик давлат эканига гувоҳ бўлдим. Конференция диний бағрикенглик мавзусига бағишлангани мени қувонтирди. Бу ерда турли дин вакиллари – католик, православ, мусулмон, яҳудийлар бир-бирлари билан худди яқин қариндош, биродарлардек мулоқот қилаётганларини кўриб, Ўзбекистоннинг диний соҳада олиб бораётган сиёсати тўғри ва адолатли эканига амалда гувоҳ бўлдим. Мен олдин ҳам расмий ташриф билан мусулмон давлатларида бўлганман. Лекин турли дин вакиллариини эркин ва хотиржам ҳолатда, худди Ўзбекистондагидек хурсанд юрганларини кўрмаганман”,-дея таъкидлаши, айниқса, диққатга сазовордир. Шунингдек, мазкур конференция ҳақида Италия “Христианлар ва мусулмонлар цивилизация асрида” динлараро мулоқот маркази директори Мария Лаура Конте: “Мен Ўзбекистондаги тинчлик ва тотувликнинг бош сабабини топгандайман. Бу ҳам бўлса, мамлакатингиздаги тинчлик ва тотувликни давлат ва халқ бирдек хоҳлаганидир. Мени конференцияга таклиф қилиб, шундай бетакрор ва ажойиб юрт билан яқиндан танишиш имконини берганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман”,- дея алоҳида таъкидлайди. Ўз навбатида, мазкур конференцияда қатнашган Ватикан давлатининг Россиядаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси, архиепископ И.Юркович мамлакатимизда конфессиялараро мулоқат ва диний бағрикенглик борасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсат ижобий таассурот уйғотганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу ҳақда И.Юркович: “Ўзбекистонда диний ташкилотларга кўрсатилаётган эъзоз, уларнинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини ўз кўзимиз билан кўриб, шохид бўлдик. Ана шундай ҳамоҳанглик натижасидагина, яъни давлат ва диний ташкилотлар икки томонлама бир бирини қўллаб-қувватлашлари натижасидагина фаровонликка эришиш мумкин бўлади. Бу ҳаракатни эса Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин”,- дея ўзининг ижобий фикрларини айтиб ўтади. Бу ҳақда фикр юритган Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин. Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз”,- деган сўзлари замирида нақадар катта ҳақиқат мужассам эканлигини таъкидлаш уринлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўз маърузаларида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзабр муаммоларини бартараф этиш борасида давлатимиз томонидан амалга ошириб келинаётган ташаббусларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу соҳадаги ташаббус ва илғор ғоялар бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан дунё миқёсида ҳам илгари сурилмоқда. Ҳозирги нозик ва айни пайтда, ўта мураккаб шароитда миллатлараро

тотувлик ва конфессиялараро ҳамкорликни таъминлашда маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳолатга грифтор этувчи экстремизм, халқаро терроризм ва мутаассибликка қарши курашда маърифатни тарғиб этиш ғояси бугунги кунда дунё миқёсда бош мавзуга айланиб улгурди. 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани, уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганини, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этишини алоҳида таъкидлаган эди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилар экан: “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган... Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазибаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартни айнан шунда мужассам, деб биламиз”, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда Юртимизнинг бу соҳада олиб бораётган ислохотлари дунё миқёсида ўзга мамлакатларга намуна бўлаётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** номли махсус резолюция қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мазкур резолюцияни қабул қилиниши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Бу ҳақда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Хелена Фрейзер томонидан билдирилган фикр эътиборга моликдир. Бу ҳақда Хелена Фрейзер: “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив таклиф, яъни дунёда мавжуд барча динларга нисбатан маънавий бағрикенглик маданиятини кучайтиришга доир ғояни қўллаб-қувватладилар. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш тамойилини ҳам олға сурган ҳолда, глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир”, - дея таъкидалаши айниқса, Юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар юксак даражада эканлигини яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзини миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Буни барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори маънавият, маърифатга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда жаҳолатга қарши курашда маърифат билан курашиш борасида улкан ишлар қиланилаётганлиги айниқса диққатга сазовардир. Бу борада, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятларининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда муқаддас Ислом дини кадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантиришга замин яратмоқда. Айниқса мазкур соҳада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида юртимизда таълим, илм-фан, маданият ва маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, кадрлашга бўлаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак тарзда эътироф этилаётганлиги айниқса эътиборга моликдир. Зеро, бу эса юртимиздаги тинчлик ва осуда ҳаётни таъминлаш борасида қилинаётган ишлар мунтазаам сергир, огоҳ ва хушёр бўлиш борасида янада жиддий фикрлашни тақоза этади.

Хулоса қилиб айтганда давлатимиз рахбари Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир, – дея бежиз таъкидламаган. Зеро, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро тотувлик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик таъминланиши аввало, жамиятимизда эзгу ғоялар ва инсоний фазилатларни камол топтириш орқали юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суришида муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони.

2. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони .

4. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. Халқ сўзи 2017 йил 25 январ. №18.

5. Бағрикенглик- тинчлик ва тараққиётнинг муҳим омили. Маърифат.2014 йил 15 ноябр. №92 (8741).

6. Мансур Мусаев. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик халқимизга хос азалий фазилатдир. Янги Ўзбекистон газетаси. № 142 (142), 2020 йил 31 июль, жума. Б-5.

7. “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови”. 12 news.uz.

8. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. Халқ сўзи 2017 йил 25 январ. №18.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади.

10. Дунё эътироф этган ташаббус.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш тараққиёт омили эканлиги ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг тобора авж олиши тинчлик, барқарорликни сақлашда дунё афкор оmmasидан мунтазам огоҳлик борасида жиддий фикрлашни тақоза этиши тўғрисидаги фикрлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится научный анализ идеи о том, что обеспечение межнационального согласия и религиозной толерантности является фактором развития. В статье также обсуждается тот факт, что сегодняшняя эскалация глобализации требует серьезного подхода со стороны мирового сообщества к сохранению мира и стабильности.

SUMMARY

The article provides a scientific analysis of the idea that ensuring interethnic harmony and religious tolerance is a development factor. The article also discusses the fact that today's escalation of globalization requires serious thinking on the part of the world community to maintain peace and stability.

Нашрга фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган

ЭКОЭСТЕТИК ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ РЕГУЛЯТИВ ИМКОНИАТЛАРИ

Ниязов С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *экоэстетик тафаккур, регуляция, объектив ва субъектив омиллар, индивидуаллик, экология, гўзаллик, нафосат, эстетика, глобаллашув, бошқарув, бадиий образ, дунёни эстетик ўзлаштириш.*

Ключевые слова: *экоэстетическое мышление, регуляция, объективные и субъективные факторы, индивидуальность, экология, красота, прекрасное, эстетика, глобализация, управление, художественный образ, эстетическое освоение мира.*

Key words: *eco aesthetic thinking, regulatory, objective and subjective factors, individually, ecology, beauty, aesthetics, globalization, rule, artistic, aesthetic learning of the world.*

Жамият экологик онги ва маданияти асосида табиатга эстетик муносабатни шакллантириш мураккаб ижтимоий жараён ҳисобланади. Бунда бир томондан, биосфера табиий экологик мувозанатни тиклашга доир тарихий тажрибаларни умумлаштириб, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш амалий фаолиятини ташкиллаштириш, иккинчи томондан, табиатга маънавий-эстетик муносабатни реалистик бадиий образларда ифодалаш ва уни оммага етказиб бериш усул-воситаларидан ижодий фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлган экоэстетик тафаккурни шакллантириш ва унинг регулятив имкониятларидан оқилона фойдаланиш муаммоларининг фалсафий таҳлилини амалга оширамиз.

Экологик воқеликни эстетик идрок қилиш ва бадиий ифодалашдан иборат маънавий ходисаси, табиат муҳофазасининг энг умумий ва объектив қонуниятларини намоён қилади. Бу қонуният, ўз навбатида, “табиат-жамият-инсон-санъат” тизими муносабати йўналишларининг экологик ёки антиэкологик характери билан белгилаб бериши билан санъатнинг экологик борлиққа таъсиридаги субъектив омил мақомини, вужудга келишининг объективлигини ҳамда, функцияларининг яхлитлигини ифодалайди.

Шахс экологик онги ва маданиятининг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришга таъсири, уларнинг барча соҳалари учун универсаллигини, мақсадга мувофиқлигини, имконияти реаллигини таъминлайди. Уларнинг функционал ролини аниқлаш учун бир томондан, эстетиканинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига таъсир йўналишларини, иккинчи томондан, экоэстетик кадриятларни яратиш усулларини ва воситаларини такомиллаштиришни назарда тутати.

Умуман, экологик муаммоларга оптимистик, пессимистик, скептик, реалистик, фаталистик ва бошқа ёндашувлар санъат асарларида, фалсафий қарашларда ҳилма-хил муносабатларни келтириб чиқарган. Бу масала ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тагорнинг “Адабиётнинг мазмуни” номи мақоласида умумлаштирилиб, “ташқи дунё бизнинг онгимизга таъсир қилиб, унда бошқа дунёни вужудга келтиради. Бу дунё ташқи дунёда ҳосил бўлган бўёқлар, образлар, товушлар ва бошқаларга лиқ тўла бўлиш билан бирга, бизнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тушунчаларимиз ҳам, кўркиш, ажабланишларимиз ҳам, қайғу ва шодликларимиз ҳам у билан чамбарчас боғлиқ, унинг турли-туман ташқи ифодаси маънавий дунёмиздаги хазинамизга боғлиқдир [1;36]”, деб таъкидлаган эди.

Табиатдаги уйғунлик, табиат гўзаллиги, унга эстетик муносабатни ифодалаш моҳиятини ҳам, мазмунини ҳам, шакллари ҳам, усул-воситаларини ҳам белгилаб беради. Чунки экологик онг ва маданиятнинг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришдаги функционал роли объектив воқеликни эмоционал-ҳиссий акс эттириши билан боғлиқ ҳолда ижтимоий характер касб этади. “Бу ҳодисани бадиий адабиёт ёки монументал санъат мисолида аниқлаштирадиган бўлсак, улар – инсон томонидан табиат ва нарсаларнинг ижодий ўзлаштириб, идеаллаштирилган ҳамда “моддийлашган” образлар шаклидаги объективлашган инсон руҳидир [1;36]”.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, табиатдаги уйғунлик, экологик мувозанат санъатнинг доимий ифодалаш ва бадиий ўзгартириш объекти, предмети бўлиб келган. Яъни ижодкор томонидан объектни бадиий “ўзгартириш”, қайта яратиш – санъат эстетик функциясининг

билвоситалигини кўрсатиб туради. Лекин шахснинг экологик онги ва маданияти асосида табиатга эстетик таъсир жараёнида табиатга эстетик муносабатни шакллантиришдаги роли бевоситалиги, унинг эстетик онг билан зарурий, объектив алоқадорлигини изоҳлашга асос бўлади.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиқиб ва умумлаштириб айтганда, табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда экологик онгнинг функционал аҳамияти, биринчидан, шахс, ижтимоий бирликлар ва жамиятнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий-тарихий амалиётини бадиий образларда ифодалашга маънавий асос бўлади, иккинчидан, табиатга эстетик муносабат йўналишларининг ривожланиш қонуниятларини, тенденциясини ва истиқбол мўлжалларини белгилаб беради, учинчидан, шахс экоэстетик фаолиятини рационаллаштирувчи, конструктивлаштирувчи мафкуравий усуллар ва воситаларни яратади; тўртинчидан, табиатга эстетик муносабат тарихида яратилган бадиий ижод намуналари тажрибаларини умумлаштириб, тизимлаштириб келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Бундан ташқари, табиатга эстетик муносабат натижасида шаклланган ҳозирги экологик онг ва маданият даражаси, унинг тарихий тараққиёти жараёнида ўзлаштирилган тажрибаларининг янги сифатий даражасидир.

Табиатга эстетик муносабатнинг регулятив функцияси, табиатни муҳофаза қилиш орқали инсоният ҳаётини ва келажакини сақлаб қолишга йўналтирилган маънавий-руҳий салоҳиятни, интеллектуал потенциални “моддийлаштириш” ҳамда реаллаштиришдан иборат имкониятдир. Бундан ташқари, “экологик онг ва маданият ҳам, уларни эстетик “реаллаштириш” фаолияти ҳам, ушбу фаолиятнинг усул-воситалари ҳам, ижтимоий амалиётнинг динамик ривожланиш қонуниятларига бўйсунди [2;132]”. Яъни, шахснинг экоэстетик йўналишдаги ижтимоий-тарихий фаолияти, моҳияти ва функционал аҳамиятига кўра, инсоният ҳаётини, инсоният цивилизацияси истиқболларини таъминлаш эҳтиёжини қондириш заруриятидан келиб чиққанлиги учун ҳам объектив ҳодиса ҳисобланади.

Бу объектив қонуниятнинг амал қилиши, инсон тафаккур тарзи, инсон омилининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Лекин ҳар қандай вазиятда ва ҳолатда ҳам, унинг объективлиги субъективлик жиҳатларини истисно қилмайди, аксинча тақозо қилади. Бундан ташқари, муайян тарихий даврда, айниқса, экологик муаммолар кескинлашуви ва глобаллашуви шароитида шахс экологик онги ва маданиятига асосланган ҳар қандай фаолият, шу жумладан, табиатга эстетик муносабат ҳам инсониятнинг табиат муҳофазасини оқилона ташкиллаштиришга хизмат қилишини асослаш яхлит, тизимли тадқиқотларга муҳтож.

Бундан ташқари, шахс экологик онгининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини, табиатга эстетик муносабатни шакллантириш орқали ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишдан иборат регулятив функциясини: 1) табиатга эстетик муносабат экологик амалиётни идеаллаштирилган бадиий образларда акс эттиришнинг усуллари ва воситаларини такомиллаштириш; 2) экология тарихида яратилган тарихий меросни, ижтимоий-экологик тажрибаларни бадиий образларда умумлаштириш; 3) экологик эстетик кадриятларни саралаш, аъналарини сақлаб, ижодий ривжлантириб, янада такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун экологик онг ва маданиятни “эстетик борлиққа” кўчиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини уйғунлаштирувчи имкониятларни қидириб топиш ҳамда реаллаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

Бу вазифаларни амалга оширишда асосий муаммо, фикримизча, экологик онг ва маданиятнинг эстетик тафаккур усул ва воситалари ривожланишини таъминлайдиган инсон омили интеллектуал потенциали, мақомини, характерини реалликка мос ўзгартиришдан иборат. Зеро, ҳозирги давр фалсафаси ва экоэстетикага доир махсус адабиётларда инсон томонидан табиатни бадиий образларда ўзгартириш ва ўзлаштириш жараёнини муайян экологик маконда ўз-ўзини шахс сифатида англаш имконияти тарзида эътироф этилиши ҳам тасодифий эмас.

Табиатга эстетик муносабат, жамият маданиятининг таркибий қисми сифатида, экологик ахборотни унинг субъектлари томонидан объектларига етказиб бериш эҳтиёжига асосланади. Бунда узатилаётган ахборот мазмунан ҳамда шаклан экологик борлиқнинг мавжудлик ҳолатига ва ривожланиш тенденциясига мутаносиблиги алоҳида аҳамиятга эга.

Умуман, “шахс экологик онги ва маданиятининг табиатга эстетик муносабат характери ва йўналишларига таъсири жараёнида бадиий ахборот, санъат жанрлари ва турларининг махсус функционал йўналишлари ва хусусиятлари шаклланади [3;45]”. Уларнинг экологик воқеликка мутаносиблигини белгилайдиган универсал мезон инсоннинг табиатга эстетик муносабатини бадиий образларда, санъат асарларида ҳиссий-эмоционал ифодалаш ва уни узатиш усуллари, воситалари самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, шахс экологик онги ва маданияти феноменининг табиатга эстетик муносабати бир томондан индивидуал характерга эга бўлиб, ижтимоий-экологик моҳиятини бадиий образларда ифодалайди ва махсус усуллар, воситалар орқали маънавий ҳаёт соҳаларига айлантиради. Иккинчи томондан эса, шахс экологик онги, маданияти, эстетик тажриба асосида, дунёнинг экологик манзарасини “бадиий ўзгартириши” билан, унинг функционал аҳамиятини намоён қилади ва асосий вазифаларини белгилаб беради.

“Шахс экологик онг ва маданиятининг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришига таъсири мураккаб диалектик жараён бўлиб, инсониятнинг табиатни муҳофаза қилиш тарихий тажрибасини умумлаштирувчи бадиий образларда намоён бўлади [4;46]”. Унда бадиий образларнинг реал экологик воқеликка мутаносиблиги, унинг нисбий мустақиллигини инкор қилмайди, аксинча объект ва субъектнинг функционал уйғунлигини намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, экологик онг ва маданиятнинг эстетикалашуви бошқа ижтимоий онг шакллари ҳам табиатни муҳофаза қилиш мақсад-манфаатлари доирасида бирлаштиради. Ўз навбатида, экологик борлиқни эстетик идрок қилишнинг устуворлашуви қонуният мақомига эга бўлиб, келажакда ҳам ўз мавқеини йўқотмайди.

Экологик онг даражаларининг табиатга эстетик муносабатни шакллантириш мақсади, имконияти, воситалари ва натижаси ўртасида диалектик зиддият мавжуд, яъни табиатга эстетик муносабат натижасида экологик вазиятни, муаммони бадиий образларда нисбатан мукамал акс эттириши мумкин, лекин экологик онгнинг барча қирраларини тўлиқ акс эттириб бўлмайди. Чунки экологик онгнинг индивидуаллиги аниқ шахс фаолияти билан боғлиқ бўлганлигидан ижтимоийлик чегаралари ғоят нисбий, ўзгарувчан ва шартлидир.

Экологик онгнинг шахс эстетик тажрибаси субъектига ва объектига, маданият шаклига айланиши жараёнида консерватив – эскилик билан прогрессив – янгилик, реал воқелик билан бадиий ҳақиқат илмий назария билан ижтимоий амалиёт ўртасидаги зиддият доимийдир. Шу билан бирга, шахс экологик онг ва маданиятини эстетик усул-воситалар, бадиий адабиёт жанрлари ва санъат шакллари билан оммага трансформация қилиш орқали онгда шаклланган психологик ақидаларни ўзгартириш муайян вақтни тақозо қилади.

Жамият экологик борлиғидаги ушбу кўрсатилган зиддиятларни бартараф қилиш зарурияти экологик онг ва маданиятнинг нафақат табиатга эстетик муносабатини шакллантиришига, балки унинг бошқа маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий асосларини ривожлантиришига ҳам боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, “экологик онг ва маданиятнинг ижтимоий онг шакллари интеграциялаштирувчи имкониятини, айнан унинг ўзини ривожлантирувчи имконияти тарзида олиб қараш лозим [5;16]”. Чунки экологик онг эстетикалашуви кучайиши билан, бошқа ижтимоий онг шакллари экологиялашувининг янги йўналишлари, масалан, экологик-ҳуқуқий онг, экологик-иқтисодий онг, экологик-сиёсий онг ва бошқа онг шакллари ва уларнинг институционал тизими пайдо бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, экологик онг ва маданиятни эстетик воситалар орқали ифодалашга таъсир кўрсатувчи субъектив омилларнинг яхлитлигини, тизимлигини таъминлаб беради. Зеро, экологик онг индивидуаллиги ва ижтимоийлигини, экологик маданиятнинг моддийлиги ва маънавийлигини ифодалашда бадиий-эстетик образлар ҳам, техника, технология, дизайн эстетикаси ҳам ижтимоий онг шакллари экологиялашувини баҳолашда муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки инсоннинг табиатни муҳофаза қилиши билан боғлиқ эмоционал-рухий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қондирмайдиган эстетик кадриятлар ҳар қандай ижтимоий онг ва фаолиятдан узоқдир. Шунинг учун ҳам табиатга эстетик муносабат натижасини ижтимоий онг шакллари экологиялашиш йўналишида таҳлил қилиш дунёнинг экологик манзараси ҳақида нисбатан тўлиқ тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай фан ва ижтимоий онг “дунё экологик манзараси ҳақидаги илмий таълимотлари умумийликни ифодалайди. Пировард-натижада уларнинг интеграциялашуви дунёнинг яхлит экологик манзарасини яратади [6;49]”.

Бу тизим элементлари ўртасидаги функционал мувофиқликни таъминлаш экоэстетик кадриятлар объектини танлаш, адекват усул ва воситаларини аниқлаш, методологик плюрализмга асосланиш, ривожланиш тенденциясини ва истиқболларини белгилаш каби манфаатлардан келиб чиқади. Аниқроқ қилиб айтганда, экологик онгнинг эстетикалашуви табиатнинг бадиий образларини яратиш эҳтиёжи ва уни ўзлаштириш имкониятлари билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Ўз навбатида, бундай боғлиқлик, умуман дунё экологик манзарасининг яхлитлигини, хусусан унинг глобал экоэстетик мақсадга мувофиқ эканлигини таъминлайди.

Жамиятнинг табиатга эстетик муносабат эҳтиёжлари ва манфаатлари экологик онг ва маданият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи мотиви ва асосий ҳаракатлантирувчи механизми ҳисобланади. Шунга кўра, шахс экологик онги ва маданиятининг табиатга эстетик муносабатни белгилаш имконияти ҳар қандай тарихий даврда жамият томонидан белгилаб берилган аниқ вазибаларни бажаришга хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам, унинг вазибалари экологик муаммоларнинг устувор йўналишларига мос тарзда турли даврларда турлича талқин қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида, экологик борлиққа эстетик муносабат, моҳияти ва характериға кўра, шахс экологик фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дунё экологик манзарасинининг харитасини, воқелик характерини белгилашда экоэстетик тафаккур табиатга эстетик муносабат ривожланиш тарихи ва унинг даврлари учун асосий мезон ва кўрсаткичдир. Бундан ташқари экологик онг ва маданиятнинг табиатга эстетик муносабатни шакллантириш имкониятлари, уни ифодалаш усулларини, воситаларини ҳам қамраб олади. Табиатга эстетик муносабат билан экологик онг ва маданият ривожланиш даражаси ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд бўлиб, бири иккинчисининг ривожланишини рағбатлантиради. Экологик онгнинг бошқа ижтимоий онг шаклларини интеграциялаштирувчи потенциали табиатга эстетик муносабатни функционал жиҳатдан универсаллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Шарқ, 2008. –368 б.
2. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. – Тошкент: Chashma print, 2008. –160 б.
3. Айматов А.Қ. Шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онгнинг роли. – Самарқанд, 2019. – 245 б.
4. Мамашокиров С. Роль социально-политических факторов в формировании экологической активности и ответственности: Автореф. дисс. ... док. филос. наук. –Ташкент, 1997. –56 с.
5. Усмонов Э. Экологик муносабатларнинг глобаллашуви // Тафаккур. –Тошкент, 2009. – №4. – Б. 15-17.
6. Қосимов А. Табиат, жамият ва руҳият уйғунлиги // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 38-57.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшларда экоэстетик тафаккурни шакллантиришнинг регулятив имкониятлари фалсафий таҳлил қилинган. Бунда экоэстетик тафаккур ходисаси, уни шакллантирувчи объектив ва субъектив омиллар, бундан ташқари экоэстетик тафаккурнинг индивидуаллик жиҳатлари очиб берилган. Мақоладаги энг муҳим жиҳатлардан бири унда экоэстетик тафаккурнинг дунёда содир бўлаётган глобал экологик муаммоларни ҳал этишдаги регулятив, бошқарув имкониятлари ва ушбу имкониятлардан фойдаланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье осуществляется философский анализ формирования экоэстетического мышления и его регулятивные возможности. Изучается экоэстетическое мышление как социально-философское явление, а также объективные и субъективные факторы которые формируют экоэстетическое мышление. Кроме того, раскрываются индивидуальные аспекты экоэстетического мышления. Один из важных моментов - в статье анализировались регулятивные возможности экоэстетического мышления в решении глобальных экологических проблем.

SUMMARY

The article provides a philosophical analysis of the formation of eco aesthetic thinking and its regulatory capabilities. Eco-aesthetic thinking is studied as a social philosophical phenomenon. As well as objective and subjective factors form eco aesthetic thinking. In addition, individual aspects of eco aesthetic thinking are revealed. One of the important points in the article analyzes the regulatory capabilities of eco aesthetic thinking in solving global environmental issues.

Наишга фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Джамиев Б. (ТДПУ)

Таянч сўз ва иборалар: *мустақиллик, сиёсий партиялар, парламент, кўппартиявийлик, қонунчилик палатаси, демократия, демократик тизим, жамият, фуқаролик жамияти, сайловлар, сайловчи, технология, сиёсий маданият.*

Ключевые слова: *независимость, политические партии, парламент, многопартийность, законодательная палата, демократия, демократическая система, общество, гражданское общество, выборы, избиратели, технология, политическая культура.*

Key words: *independence, political parties, parliament, multi-party system, legislative chamber, democracy, democratic system, society, civil society, elections, voters, technology, political culture.*

Демократик мамлакатларда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорларининг қабул қилинишида тобора муҳим омилга айланди. Қолаверса, сиёсий партиялар тизимининг мавжудлиги – демократик тизимлар ривожланишининг зарурий механизмларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашганда сиёсий партиялар бевосита давлат органлари тизимига кирмайди ва бевосита давлат ишларида иштирок этмайди. Лекин шу билан бирга сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига дахлдор институт эканлиги ҳозирги даврда ўз исботини топган. Шунинг боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Бир фикрни такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан: олиб бораётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир” [1: 2], – деб таъкидлайди.

Жамият ҳаётида қонунийлик мезонлари тўлиқ жорий этиб борилиши давлатнинг фаолиятида ўз аксини топиши ва доимо мустаҳкамланиб борилишини тақозо этади. Айнан шу мақсадларга мос ҳолда Ўзбекистонда ислохотларнинг муҳим йўналишлари этиб ҳокимиятни бўлиниш тамойилини амалга оширишни таъминлаш, жамият сиёсий тизимида парламентни ривожлантириш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш каби масалалар белгилаб олинган. Бу йўлда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси асосида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Кўп партиявийлик – демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий конституциявий принципларидан бири, сиёсий ва мафкуравий плюларизмни анча умумий бўлган принципнинг ифодаси ҳисобланади. Кўп партиявийлик принципи ҳуқуқий жиҳатдан давлат фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва кафолатлашини англатади. Кўп партиялилик принципи ваколатли давлат органларининг миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий муросасизликни, қонуний давлат ҳокимият органларини куч ишлатиб ағдаришни тарғиб қиладиган ёки бошқа йўсинда амалда бўлиб турган қонунчиликни бузадиган сиёсий партияларни қонунда белгиланган тартибда таъқиқлаши ва тарқатиб юборишни мустасно қилмайди [2:5].

Қонунчилик палатасида барча сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳ вакилларининг бўлиши, улар ўз фракция ва гуруҳини тузиш имкониятига эга экани турли фикрлилик, баҳс-

мунозара асосида фаолият юритиш, ишчанлик муҳити шаклланаётганидан далолат беради. Депутатларнинг 18,3 фоизини юристлар, 21,7 фоизини иқтисодчилар ташкил этиши, парламентда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, кишлок хўжалиги, фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари ва тадбиркорларнинг бўлиши, бир сўз билан айтганда, Қонунчилик палатаси аҳоли кенг қатламларини қамраб олгани унинг аҳоли турли қатламлари манфаатларини тенг ифода этишини кўрсатади. Бу эса қонунларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Парламентдаги депутатларнинг 20 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, депутатлар миллий таркибининг ранг-баранглиги мамлакатда аҳоли турли гуруҳ ва қатламлари манфаатларининг қонуний тарзда рўёбга чиқишига имкон яратади. “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сайловлар тўғрисида”ги Қонунга ҳам, хусусан, 2019 йил 8 январда Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этилди.

Мамлакатимизда ҳокимиятнинг қонунчилик ва вакиллик органларини шакллантириш ишида сиёсий партияларнинг роли сезиларли ортиб бормоқда. Уларга бир вақтнинг ўзида сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш борасидаги сайлов қонунчилигининг талабларини бажариш бўйича катта масъулият юклатилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати ва Олий Мажлис Сенати аъзоси мақоми тўғрисида”ги Қонун 9-моддасининг биринчи бандида: “Депутат ўз округи сайловчилари, уни депутатликка номзодини кўрсатган сиёсий партия билан алоқада бўлади, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифодалайди”, деб кўрсатилган. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари каби жамиятнинг институти эканлиги эътироф этилиши билан бирга уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги конституциявий меъёрлар билан белгилаб қўйилди. Умуман олганда, Ўзбекистон қонунчилигида демократик принциплар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг ўз фаолиятини амалга оширишлари учун ҳуқуқий асослар яратиб берилди.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига биноан, «давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради». Шунингдек, сиёсий ҳаётда биринчи марта қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди: Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш[3: 12].

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири – сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиб бериш, шунингдек, ҳуқуқий давлат фуқаролари плюралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шакллантиришдир. Шу мақсадларда қонуннинг 13-моддасида Олий Мажлисдаги партия фракцияларининг эркин фаолият юритишлари, уларнинг ҳозирги давр илғор мамлакатларидаги меъёрлар талабларига мувофиқ жамиятнинг сиёсий ривожланишига ҳисса қўша олиш даражасига кўтарилишларининг ҳуқуқий жиҳатлардан таъминлашга асос солинди: “Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади”[4:74].

Маълумки, сиёсий партиянинг ташкилот сифатидаги нуфузини таъминлаб бериш манбаи – бу унинг куйи ташкилотлари ва аъзоларининг фаоллигидир. Партия аъзоларини фаоллаштирувчи омил эса партиянинг амалий фаолиятида ва унинг дастурий ҳужжатларида оддий аъзоларнинг манфаатлари нечоғлик инобатга олинганлиги билан ўлчанади. Партияларнинг энг асосий функцияларидан яна бири бу – нафақат ўз аъзолари ва таянч базаси бўлган ижтимоий қатламнинг манфаатларини ифодалаш, балки уларнинг ўз манфаатларини англаш даражасига эришишига ҳам кўмаклашишдир.

Зеро, “Сиёсий партияларнинг халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш ва шакллантиришдаги фаоллиги уларнинг сиёсий маданиятни эгаллашига бевосита боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатдики, партияга аъзолик киши ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ягона кўрсаткичи бўла олмайди, чунки сиёсий маданият “маълум бир ижтимоий қадриятлардан келиб чиқадиган фикрлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, ишонч-эътиқодлар, хатти-ҳаракатларнинг диалектик уйғунлиги билан боғлиқдир”. Шунинг учун шахснинг сиёсий маданиятни эгаллаши фақат дунёқарашлардангина иборат эмас, балки ён-атрофга реал муносабат ҳамдир”[5:171].

Ҳеч бир шахсда сиёсий манфаатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бунинг учун шахс билан партия ўртасида домий тарзда мулоқот ва муносабат бўлиши, шахснинг жамоат ташкилотларидаги иштироки, шахс фаоллиги учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилиши талаб этилади. Ҳар бир шахснинг партия ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши учун мазкур ташкилотларда унинг ўз манфаатларини ифодаланиши ва амалга ошишига ишонч руҳияти шаклланиши талаб этилади. Бошқача айтганда, ҳар бир партиянинг куйи ташкилотлари сайлов округларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ва ёшлар ўртасида узлуксиз ва муттасил равишда сайловчилар манфаатлари ва орзу-истакларига уйғун бўлган дастурий вазифаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ва рўёбга чиқариш натижасидагина сайловчилар эътиборини ўзига жалб эта олиши мумкин.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади[6:2], – деб ўта танқидий, бироқ адолатли фикрни билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фикрлари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, “Бугунги кунда, – дейди, давлатимиз раҳбари, – сиёсий партиялар фракциялари ва депутатларнинг қонун ташаббускорлиги бўйича фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Мисол учун, 2015-2017 йилларда парламентимиз томонидан 55 та қонун қабул қилинган бўлса, фракциялар томонидан билдирилган ташаббуслар асосида қабул қилинган биронта ҳам қонун йўқ. Биронта ҳам! Шунинг ўзи сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига берилган баҳо эмасми? Ёки 2017 йилда киритилган 46 та қонун лойиҳасидан фақат 9 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган, холос”.¹

Дарҳақиқат, янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуси депутатларнинг тўғридан-тўғри бирламчи вазифаларидан биридир. Замон талаблари, жамиятимиз шарт-шароитлари, аҳолимиз туб эҳтиёжларининг мазмунидан келиб чиққан қонун лойиҳалари борасида ташаббуслар сиёсий партиялар фракциялари вакиллари томонидан мунтазам равишда илгари сурилиши зарур.

Парламентимиз партиялари аъзолари томонидан йўл қўйилаётган лоқайдлик ва масъулиятсизлик мамлакатимизда демократик жамиятни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишига ҳам Президентимиз эътиборни қаратди. “Бундай лоқайдлик, табиийки, шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замондан орқада қолишга олиб келади ва бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 13июль.

зарур ўзгартиш ва кўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдадан холи бўлмайди”, – деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.¹

Парламентаризм ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда куйидаги хулосаларни баён этиш мумкин:

Биринчидан, парламентаризмнинг ривожланиб бориши сиёсий партиялар ўртасида соғлом сиёсий рақобатни вужудга келтиради. Бу эса жамиятимизда сайлов эркинлиги, сўз эркинлиги, овозларни ҳалолик билан санаш, ижтимоий фикрдан баҳраманд бўлиш, ижтимоий манфаатлар интеграцияси ҳамда эркин, демократик сайловларда сиёсий кучлар рақобати каби қатъий тизимларнинг шаклланишига замин яратади.

Иккинчидан, демократиянинг энг муҳим тамойили – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва химоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиш бериш – парламентаризм самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

Учинчидан, сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий куч ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатда сиёсий партиялар фаол ҳаракатда бўлмас экан, у ерда демократия қоидалари ишламайди, бу эса жамият ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Халқ сўзи, 2017 йил 13июль.
2. Седов Л.А.О чем вещают голоса избирателей? // Общественные науки и современность, 2004. – № 5.
3. Сиёсий партиялар тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997, 12-модда.
- Кирғизбоев М. Партология курсидан ўқув қўлланма. – Т., 2006. – 74 б.
5. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти, 2003. –171 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017, 13июль.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнларидаги ўрни масалалари таҳлил этилган. Шу билан бирга ушбу мақолада фуқаролик жамиятининг муҳим тизими бўлган сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиш, шунингдек, ҳуқуқий давлатда фуқаролари плюралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шакллантиришга оид фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган. Умуман кўппартиявийлик тизими демократик жамиятлар учун асосий атрибут ва муҳим омил эканлиги кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется важность развития многопартийной системы в Узбекистане и ее роль в процессе демократизации общества. В то же время в данной статье предлагается создать правовую основу для свободного выражения различных взглядов в политических институтах и политических процессах, важной системы гражданского общества и формирования государств, граждане которых способны к плюралистическому мышлению. Было показано, что многопартийная система в целом является ключевым атрибутом и важным фактором для демократических обществ.

SUMMARY

The article analyzes the importance of developing a multi-party system in Uzbekistan and its role in the process of democratization of society. At the same time, this article proposes to create a legal basis for the free expression of various views in political institutions and political processes, an important system of civil society and the formation of individuals whose citizens are capable of pluralistic thinking in a state of law. It has been shown that a multi-party system as a whole is a key attribute and an important factor for democratic societies.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 13июль.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нуриддинов Н.А. (ФарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *давлат, миллий, мафкура, демократия, сиёсат, адолат, полис, антик, зоя, Салон, Платон.*

Ключевые слова: *государство, нация, идеология, демократия, политика, справедливость, полиция, антиквариат, идея, Салон, Платон.*

Key words: *state, nation, ideology, democracy, politics, justice, police, antiques, idea, Solon, Platon.*

Ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва шаклланиши масаласида олимлар турли гуруҳларга бўлиниб фикр юритадилар. Биринчи гуруҳ тарафдорлари энг аввало, полис (антик шаҳар-давлат) тузилишининг, унинг ҳокимияти ва қонунларининг адолатлилиги, давлатнинг ҳар хил органлари ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши, давлат ва фуқаронинг ўзаро муносабатларини ташкил этишда полис турмушида қонуннинг ролини белгилаб берувчи бошқарувнинг тўғри ва нотўғри шакллари фарқлаш, ҳуқуқ ва қонуннинг ўзаро муносабати, бошқарувнинг ҳар хил шакллари таснифи ва тавсифи мезони бўлган қонунийликнинг аҳамияти ва бошқалар ҳақида фикр юритишни афзал деб биладилар. Бу масала, аввало, ўзига шундай жиҳатларни қамраб олади: полиснинг (антик давлат-шаҳри) адолатли шароити, ҳуқуқ ва қонуни; давлатнинг турли органларга ваколатини донолик билан тақсимлаш, бошқарувнинг тўғри ва нотўғри шакллари ажрата билиш, полис ҳаётида давлат ва фуқароларнинг ўзаро муносабатини ташкиллаштиришда қонуннинг ҳал қилувчи роли, ҳуқуқ ва давлатнинг ўзаро алоқаси, қонунчилик аҳамияти бошқарувнинг турли характеристика ва классификацияси критерийси сифатидаги аҳамияти ва ҳ.к. Иккинчи гуруҳ вакиллари фикрига кўра, қадимданок ҳуқуқ ва ҳуқуматнинг ўзаро алоқаси, ўзаро тобелиги ва мослашган ўзаро ҳаракатни ўрнатиш қурилмасининг принцип ва шакллари излаш бошланган.

Инсоннинг табиий (туғилган пайтидан бошлаб ва ажралмас) ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги таълимот муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу файласуфларнинг, энг аввало, инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги таълимоти ҳуқуқий давлатчилик ҳақидаги кейинги назарий тасаввурларгагина эмас, балки конституциявий қонунчиликка ва давлат-ҳуқуқ амалиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу таъсир, масалан, Англиянинг конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларида, АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларацияси ва АҚШнинг 1787 йилги Конституциясида, Франциянинг 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида ёрқин намоён бўлди. Жумладан, АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларациясида «барча одамлар тенг яратилганлиги ва уларнинг барчасига парвардигор томонидан ажралмас баъзи ҳуқуқлар берилган»лиги, «ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш ўшалар сирасидан» эканлиги биринчи бор расман-давлат миқёсида эътироф этилди ва мустаҳкамланди. Франциянинг 1789 йилги Декларациясининг 16-моддасида бундай дейилади: «Ҳуқуқ қафолатлари таъминланмаган ва ҳокимият бўлинмаган жамият Конституцияга эга бўлмайди»¹. 5-моддасида: «Қонун фақат жамият учун зарарли бўлган қилмишларни тақиқлашга ҳақлидир. Қонун билан тақиқланмаган барча нарсага йўл қўйилади ва ҳеч ким қонунда кўрсатилмаганни қилишга мажбур этилиши мумкин эмас»². Мазкур ҳуқуқий принцип биринчи марта ушбу Декларацияда мустаҳкамланган.

Ҳуқуқ ва давлатнинг тарихан ривожланадиган шакл тузилмаларини (оммавий ҳокимиятнинг, яъни ҳуқуқий давлатнинг тегишли ҳуқуқий шакли сифатида) типларга ажраташ ҳар хил мезонлар асосида олиб борилиши мумкин. Ҳуқуқ ва давлатни одамлар эркинлигининг зарур шакллари сифатида, эркин индивидни эса ҳуқуқ субъекти ва давлат (давлат ҳокимияти) субъекти сифатида либертар-юримдик тушуниш ва талқин қилиш нуктаи назаридан одамларни ҳуқуқ ва давлат (давлат ҳокимияти) субъектлари сифатида эътироф этишнинг ҳар хил тарихий шакллари белгилаб берадиган мезонлар (асослар) бўйича типларга ажратиш прин-

¹ Боботов С. В. Гарантии независимости судебной власти во Франции // Судебная власть: надежды и реальность. Сборник научных статей. – М.: Манускрипт, 1993. – С. 143–149.

² Қаранг: Правовое государство: реальность, мечты, будущее. – СПб. Алетейя.-Университет МВД РФ, 1999. – 246 с.

ципиал аҳамиятга эга. Бунда мазкур типология доирасида барча типдаги давлатлар шакли, яъни ҳар қандай давлат - ҳуқуқнинг тегишли типи ривожланганлигига кўра ҳуқуқий давлат эканлиги назарда тутилади. Шундай экан, бу жиҳатдан гап ҳуқуқий давлатнинг (ривожланиш даражаси турлича бўлган ҳуқуқий давлатларнинг) ҳар хил тарихий шаклларини типологиялаш ҳақида боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳуқуқ ва давлатнинг бундай табақавий типиди ҳар бир киши айнан муайян табақа аъзоси сифатида ҳуқуқ субъекти ва давлат субъекти ҳисобланади. Одамларнинг ҳуқуқ субъекти ва давлат субъекти эканлиги шароитида ички табақавий тенглиги табақаларо тенгсизлик - ҳар хил табақалар ва уларнинг аъзоларининг давлат-ҳуқуқий мақомлари тенг эмаслиги билан қўшилиб кетади.

Феодализмнинг бартараф этилиши билан бирга табақавий тузум ўрнига Янги замонда ҳуқуқ ва давлатнинг индивидуалистик (индивидуал-сиёсий, индивидуал-фуқаровий) типи юзага келди. Давлат ва ҳуқуқнинг ушбу типиди инсон янги, кенгроқ ва айни вақтда, индивидлардан иборат янада майдалашган миллат маъносида ўз мезони ва аҳамиятини йўқотган муайян этнос ёки табақанинг аъзоси сифатида эмас, балки мустақил сиёсий индивид (алоҳида фуқаро сифатида) ҳуқуқ ва давлат субъекти ҳисобланади. Ҳуқуқий ва сиёсий ҳамжамиятда аъзолик асосларининг ҳуқуқ ва давлат субъектлари сифатида бундай индивидуаллаштирилиши ўрта асрлар феодализми инқирози ва табақавий бўлиниш бартараф этилиши, хусусий ва оммавий-сиёсий ҳаёт соҳаларининг аста-секин алоҳидалашуви жараёнида юз берди.

Ҳуқуқнинг замонавий (ҳозирги вақтда реал-тарихий жиҳатдан охирги) типи ҳамда конституциявий жиҳатдан тегишли равишда расманлаштирилган либерал-демократик ҳуқуқий давлат (яъни ҳозирги маънодаги давлат) - бу икки хил: табиий-ҳуқуқий ва позитив-ҳуқуқий қисмларни ўзида қамраб олувчи аралаш (комбинацияланган) тип¹. Дарҳақиқат, ҳуқуқ ва ҳуқуқий давлатнинг мазкур замонавий типини шартли равишда табиий-позитив (ёки гуманитар-сиёсий) тип деб аташ мумкин, чунки у ўзида давлат ва ҳуқуққа бир-бирига анъанавий зид икки асос – табиий ҳуқуқий ва позитив-ҳуқуқий ёндашувларнинг муайян давлат-ҳуқуқий яхлитлиги (бир давлатда мустақамланган ва амал қилувчи ҳуқуқнинг ягона тизими шаклида) кўринишида прагматик сиёсий келишув ва бирликда мавжуд бўлиш натижасини ифодалайди.

Мазкур типнинг муҳим янгилигини белгилаб берувчи табиий (табиий-ҳуқуқий, гуманитар) таркиби шундан иборатки, бунда инсоннинг муайян табиий ҳуқуқлари ва эркинлиги биринчи марта давлат тартибиди мустақамланади (расман-ҳукми санкцияланади ва позитивлаштирилади), ҳуқуқ ва эркинликларга юридик (давлат-мажбурлаш) куч бахш этилади ва уларнинг амал қилувчи ягона позитив ҳуқуқнинг бошқа барча манбалари олдида устуворлиги эътироф этилади². Инсоннинг конституциявий мустақамланган табиий ҳуқуқ ва эркинликлари мазкур тип доирасида давлат учун мажбурийдир. У бутун позитив ҳуқуқнинг ва давлатнинг ҳуқуқий характерини белгилаб беради.

Фуқаро-инсоннинг ҳуқуқлари бу ўринда нофуқаро-инсон (хорижий шахс, фуқаролиги бўлмаган шахс) ҳуқуқларига нисбатан давлат-ҳуқуқий имтиёзларни ифодалайди³. Бизнинг назаримизда, бундай имтиёзлар эркин одамларнинг айнан мазкур аниқ жами ҳаётининг муайян усули ва шакли сифатида ҳар бир давлат ва ҳуқуқнинг индивидуал характери билан изоҳланади. Эркин одамларнинг тарихан белгиланган муайян сиёсий-ҳуқуқий ҳамжамиятга тегишлилиги уларни алоҳида оммавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъектлари сифатида белгилаб беради ва даражасини аниқлайди. Барча давлатларнинг (уларнинг ҳуқуқий тизимларининг) бундай индивидуаллиги ички ва ташқи муносабатларда давлатнинг суверенитетига ҳам асос бўлади.

Умуман, ҳуқуқ ва давлатнинг замонавий табиий-позитив типи, амалий ва назарий тусдаги муайян фазилатлари ва камчиликлари билан биргаликда, табиий ва позитив ҳуқуқ ўртасидаги, юснатурализм ва легазм ўртасидаги муайян муросани ифодалайди. Бизнинг назаримизда, ҳуқуқ ва давлатнинг қайд этиб ўтилган этник, табақавий, индивидуал-сиёсий ва табиий-позитив типлари ўзида инсон эркинлигининг қадимги даврдан ҳозирги давргача

¹ Чичерин Б.Н. Философия права. Изд. 2-е, испр. М. Либроком, 2010. – 344 с.

² Малахов В.П. Философия права. – М.: ЮНИТИ, 2007. – 336 с.

³ Иконникова Г.И., Ляшенко В.П. Философия права. – М.: Гардарики, 2007. – 303 с.

бўлган ривожланишидаги тарихан бир-бири билан алмашадиган шакллари ва босқичларини ифодалайди. Дарҳақиқат, эркинлик тараққиётининг давом этиши келажақда эркинликнинг норматив-ҳуқуқий ва институциявий-ҳукмрон ташкил этилишининг янги шакллари, ҳуқуқ ва давлатнинг янги типларини келтириб чиқаради.

Ҳуқуқий давлат асосида фуқароларни давлат томонидан диктатура ва ўзбошимчаликдан чегаралашга, индивидуал эркинлик, шахснинг яшашга, хавфсизликка, эркинликка, хусусий мулкка фундаментал ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Бу принциплар қуйидаги ҳужжатларда мавжуд:

1215 й. “Буюк эркинликлар хартияси” (Англия)

1789 й. “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” (Франция)

1776 й. “АҚШ мустақиллиги декларацияси”

Ҳуқуқий давлат ғояси дастлаб антик даврда пайдо бўлган. Қадимги юнон файласуфларидан Афлотун ва Арастулар ўз давридаёқ қаерда адолатли қонунлар ҳукмронлик қилса, ўша жойда давлатчилик мавжуд бўлиши мумкинлигини қайд этганлар. Бироқ қадимги Юнонистонда ҳуқуқий давлат ғояси амалга оширилмаган, чунки ҳуқуқ ҳукмронлиги бўлмаган. Масалан юнон халқ йиғини ҳар қандай қарор қабул қилиши, ҳатто бирор бир фуқарони ихтиёрий сабабларга кўра, ўлимга ҳукм қилиши ҳам мумкин эди¹. Дастлаб ҳуқуқий давлат принциплари Қадимги Римда амалга оширилган. Республика даврида у ерда кучли ва мустақил суд ҳукми ўрнатилган, қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланган. Қатор тадқиқотчилар Римнинг юксалиши ва кучи айнан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг таъминланиши сабабли бўлган, унинг таназзулга учраши эса бу институтларнинг пасайиши билан боғлиқ эканлигини тахмин қиладилар. Шу билан бирга, Қадимги Римда ўша вақтларда ҳуқуқий давлат тўлиқ ҳажмда бўлган деб бўлмайди: ҳуқуқий қафолатлар кул ва фуқаролиги бўлмаганларга жорий этилмаган, суд ҳукмининг амалга оширилиши ҳам унчалик самарали келмаган, яъни императорлар қонундан устун турган.

Қадимги Римда ҳуқуқий давлат (институт сифатида) милодий III асрда инқирозга учраган, бироқ ҳуқуқ устуворлиги сақлаб қолинган. Европада (Шарқ давлатларидан фарқли) бутун Ўрта асрлар давомида бошқа ўзаро муносабатлар, қондаси бўйича ёзма қонун ёки келишувлар сифатида расмийлаштирилган². Рим давридан қолган баъзи ҳуқуқий низомлар ўз кучини йўқотмаган бўлиб, бошлиқлар уларни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмасдилар. Янги даврда ҳуқуқ ҳукмронлиги концепциясининг шаклланиши вужудга келаётган фуқаролик давлат ва деспот давлатга номзодлик қилаётган – мутлақ феодал давлат ўртасидаги келишмовчиликлар сабабли келиб чиққан. Янги давр ҳуқуқий назариясининг маъноси – ўсиб бораётган хусусий жабҳаларга давлатнинг ўзбошимча аралашувини чегаралаш бўйича турли қарашлар шаклланган. Бундай ғояларни ишлаб чиқишда Ж. Локк ва Шарл Луи Монтескье (XVII-XVIII асрлар) каби файласуфлар етакчилик қилганлар. Жумладан, Локкнинг ҳуқуқ ҳукмронлиги ғояси, қонун табиий ҳуқуқларга мос ҳолда устуворлик қиладиган, бегоналаштириб бўлмайдиган табиий қонунларни ва индивид эркинлигини тан оладиган, ҳуқуматлар бўлинишини амалга оширадиган давлат тимсолида намоён бўлади³. Файласуф фикрича, қонун ҳуқуқий бўлиши мумкин, у эркинликни сақловчи ва оширувчи бўлсагина аҳамиятлидир.

Ҳуқуқий давлатнинг алоҳида принциплари Литва князлиги “Мақом”ида алоҳида ўринга эга бўлган (1588 й.). Мақомнинг муаллифи ва фаол иштирокчиси канцлер Лев Сапега (1557-1633 й.) давлатда одамлар эмас, қонунлар ҳукмронлик қилиши керак, деб ҳисоблаган. Мақомлар давлат бошқарувини: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судларга бўлган⁴.

Ҳуқуқий давлат принциплари амалиётда АҚШнинг пайдо бўлиши чоғида амалга оширилган. Америкача тажриба шуниси билан қизиқки, биринчилардан бўлиб инсоният тари-

¹ Қаранг: Смоленский М. Б. Правовая культура: опыт социокультурного анализа: Монография – Ростов-на-Дону: Изд. СКНЦ ВШ, 2002. – 224 с.

² Қаранг: Хропанюк Н. В. Теория государства и права. – М. Изд.: Интерстиль. 2000. – 384 с.

³ Қаранг: Коваленко А. И. Теория государства и права. – М.: ИНФРА, 2004. – 430 с.

⁴ Қаранг: Гурвич Г. Д. Философия и социология права. Избранные сочинения. – СПб. ИД СПбГУ, изд-во юридического факультета СПбГУ. 2004. – 848 с.

хида ҳуқуқий давлат ҳаётга англанди ва мақсадга йўналтирилган шаклда татбиқ этилаётган эди, шунингдек, инсон эркинлиги кафолатининг самарали механизми таъминланган эди. Бундан маълум бўладики, ҳуқуқий давлат узоқ тарихга эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Масалан, “Ҳуқуқий давлат”-тушунчаси кеч XIX асрда немис ҳуқуқий адабиётларида (К.Т.Велькер, Р.фон Маль ва ҳ.к. ишларида) қайд этилган бўлса-да, кейинчалик бу тушунча инқилобдан олдинги Россияда ҳам кенг тарқалган. Яъни ҳуқуқий давлат ғояси Б.Н. Чичерин, Б.А. Кистяковский, П.И.Новгородцев, И.А.Покровский, В.М. Гессен, Н.И.Палиенколарнинг қарашларида ўз ифодасини топган¹. Бироқ инглиз тилидаги адабиётларда мазкур тушунча қўлланилмайди, унинг эквиваленти маълум маънода “ҳуқуқни бошқариш” (rule of law) деган маънони билдиради. Аммо биз учун бу тушунчанинг пайдо бўлиши тарихи эмас, балки унинг мазмуни муҳимдир.

Умуман олганда, ҳуқуқий давлат тўғрисидаги қарашлар ривож диалектик характерга эга бўлган. Яъни бир давлат учун маъқул топилган бошқарувнинг ҳуқуқий тизими бошқаси учун тўғри келмаган. Ҳатто баъзи ҳолларда инкор этилган. Ҳуқуқий давлат борасидаги тизимли концептуал ёндашувлар асосан XVIII ва XIX асрларда шаклланган. Ҳуқуқий давлат тизимида ҳокимият учга ажратилади - қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти. Зеро, бу принципларга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди. Шу маънода, мустақиллик одамларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш ва кенг имкониятга эга бўлишига йўл очди. Шу йўналишда одамларнинг индивидуал равишда камолотга, фаровонликка, тўқинликка интилиш хусусиятлари ҳам айнан ҳуқуқий давлатда эркин намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлатнинг институционал структурасини ташкил қилган элементлар функцияларини яхши йўлга қўйиш учун тўртта асосий масалага эътиборни қаратиш лозим:

- 1) қонунчилик соҳасини янада такомиллаштириш;
- 2) халқаро ҳуқуқий нормаларни мунтазам жорий этиш;
- 3) қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш;
- 4) маҳаллий қонунларнинг амалий характерини янада кучайтириш.

Давлатнинг ҳуқуқий тизими ҳуқуқий давлат омилларида ўз аксини топади. Ҳуқуқий давлат омиллари хилма-хилдир. Уларга куйидагилар киради: давлат – универсал сиёсий ва суверен ташкилот бўлиб, унинг тузилиши, яъни давлат ҳокимияти, давлат хизмати, ҳуқуқ, унинг қонунлар кўринишидаги меъёрий асослари, қонун ости актлари, баъзи шартномалар ва ҳуқуқий муносабатлар, юридик эркинлик ва бурчлар, ваколатлар ва ҳ.к.

К.В.Извеков таъкидлашича, “Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий ҳодисалари фақат ўзига хос бўлган мазмун-моҳиятга ҳамда кундалик ҳаётда ўз қўлланилиш соҳасига эга”². Шу жиҳатдан ҳам давлатнинг ҳуқуқий функцияси ҳуқуқий давлатга бевосита алоқадордир. Давлат ҳуқуқий аҳамият касб этиб бориши учун унинг тизимидаги ҳамма нарса муҳим: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари даражасини таъминловчи умумий тизимлар, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, миллий қонунчиликнинг ривожланиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

МДХ давлатларининг ҳуқуқий тизимлари айни вақтда ташкилий жараёнларни бошдан кечирмоқда. Шу сабабли ҳуқуқий давлатни таъминлашда ҳуқуқий меъёрлар сифатида Конституция ва қонунлар билан бирга, бошқа меъёрий ҳужжатлар, жумладан, ижроия ҳокимиятнинг фармон ва қарорларидан ҳам фойдаланилади. Юқоридаги фикрлар моҳиятидан келиб чиқилса, ҳуқуқий давлат институционал структураси ва уларнинг функцияларини белгилашда ташқи бошқарув тузилмаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга молик бўлмоқда. Масалан, ташқи ҳуқуқий алоқалар тобора мустақамланиб боришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, демократик ҳуқуқий давлатда асосан куйидагилар устувор аҳамият касб этади:

1. Толерантлик – ўзгаларнинг турли сиёсий, ахлоқий, диний, маданий позицияларидан келиб чиққан фикри, хатти-ҳаракатига нисбатан сабр. Шу билан бирга бу умуман бефарқ-

¹ Малахов В. П. Философия права. – М.: Академический проект, 2002. – 448 с.

² Қаранг: Извеков К.В. Правовое государство – гарант безопасности личности (социально-философский анализ): дис. ... канд. филос. наук. – Тверь, 2006. – 137 с.

ликни билдирмайди. Масалан, зўравонликка, адолатсизликка, террорга ва ҳоказоларга чидаш мумкин эмас. Толерантлик ўзганинг фикрини (бўлмасдан, ёқтирмаётганини намойиш қилмай) эшитиш, ўзганинг фикрига ҳурмат билан (устидан кулмай, ёмон кўрмай) муносабатда бўлиш, “охирги ҳақиқат”ни, тўғри позицияни топишга уринмаслик. Бу, шунингдек, шахсиятга хужум қилмай мулоқот қилиш қобилияти ҳамдир.

2. Консенсус – бу энг муҳим масалалар бўйича мурося топишга интилиш демақдир. Жамиятда турли қизиқишга эга одамлар умумий одоб қоидаларини қабул қилишади. Масалан қотиллик, талон-тарож қилмаслик, кичикларни хафа қилиб шу билан ўз кучини кўрсатмаслик керак, фақат ўзини ўйламаслик керак, ҳамма хавф остида қолганда консенсус бирор бир муаммога умумий нуқтаи назар топиш (ҳеч бўлмаганда қабул қилинган қарорга нисбатан розилик топишга эришиш, масалан овоз бериш билан), баҳсли масалаларни ечишга барча қизиққанларни жалб қилишга интилиш ҳам зарур.

3. Компромисс – қарама-қарши фикрли, йўналишли, позицияли томонларнинг, ўзаро ён бериш билан амалга ошириладиган келишув. Компромисс умумий муаммо учун ўзининг баъзи қизиқишларини четга суриш қобилияти ҳамдир. Баъзилар бир томон ютса, бошқа томон, албатта, мағлуб бўлиши керак, деб ўйлайди. Одатда компромисслар ўзаро мулоқотда ёрқин намоён бўлади, чунки кўпчилик тушунади, бусиз олдинга юришни давом эттиришнинг иложи йўқ. Компромисс муаммони ечишни, вазиятни таҳлил қилишни, кичик ютқазиларнинг орқасида катта ғалабани кўра билишни, ўз мақсадларига эриши учун ҳар қандай йўлдан бормасликни назарда тутди. Масалан, болалар ва уларнинг ота-оналари доимий жанжалларни четлаб ўтиш учун бир-бирига ён беради. Умуман олганда, жамиятда шундай принципларнинг мавжудлиги демократик жамият ҳақида гапиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, ҳуқуқий давлатнинг бир нечта таърифлари мавжуд. Масалан, қайси давлатнинг ҳаракати ҳуқуқ билан чегараланган, аввало, Конституция билан, суверен халқнинг иродасига бўйсундирилган ва индивидуал эркинликни ва бошқа шахс ҳуқуқий асосларини сақлашга чақирилган тузум ҳукмрон бўлсагина, биз бундай давлатни ҳуқуқий давлат деймиз.

Ҳуқуқий давлат – бутун фаолияти жараёнида ҳуқуққа бўйсунадиган, маълум қонуний чегаралар доирасида фаолият олиб боровчи ва ўз фуқароларининг ҳимоясини таъминловчи давлатдир. Бундай давлатда ишлаб чиқилган қонунлар, Т.Гоббс айтганидек, “Инсон нима қилиши кераклиги ва нима қилмаслиги кераклигини белгилайди”¹.

Ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ ҳукмрон, инсоннинг табиий ҳуқуқлари руҳида тушуниладиган, туғилганидан ақлли ва эркин мавжудот бўлган ҳар бир индивидга хос. Бу ҳуқуқлар давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан бузилмаслиги керак. Локк ҳам бундай давлатни таърифлар экан “бу давлатда одамлар ўртасида тенглик ҳолати қарор топиши билан биргаликда, ҳатто ҳокимият ва бутун юридикция ҳам ўзаро тенглик тамойилига амал қилдилар”², – деб кўрсатади.

Демократик ҳуқуқий давлат ривожланган давлатнинг алоҳида концепцияси ва конструкциясидир. Унинг пайдо бўлиши ва қарор топиши ижтимоий-тарихий жиҳатдан буржуа либерал-демократик тузумнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, буржуа фуқаролик жамияти ва оммавий ҳокимиятни ташкил этишнинг буржуача конституциявий-ҳуқуқий шакллари шаклланиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат деганда, моҳият эътибори билан конституциявий расманлаштирилган либерал-демократик ҳуқуқий давлат назарда тутилади.

Ҳозирги тушунчадаги бундай ҳуқуқий давлатнинг фарқли белгиларига камида қуйидагилар тегишлидир:

- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг конституциявий эътироф этилиши ва ҳимоя қилиниши (одатда, инсоннинг туғилганидан бошлаб умумэътироф этилган му-

¹ Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – М.: Издательство: Мысль, 2001. – 56 с.

² Стретерн П. Локк за 90 минут. – М.: Издательство: ООО "Издательство АСТ", 2005. – 84 с.

айян ажралмас асосий ҳуқуқлари ҳамда фуқаронинг кенг ҳуқуқлари доираси мустаҳкамланиши шаклида);

- амалдаги ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий қонуннинг устунлиги принципнинг конституциявий мустаҳкамланиши;

- суверен давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига ажратилиши принципи асосида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши.

Мазкур аломатлар мазмунига замонавий ҳуқуқий давлатнинг, ўзаро боғлиқ уч таркибий қисми (назария ва амалиёт элементи): гуманитар-ҳуқуқий (инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари), норматив-ҳуқуқий (амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий мустаҳкамланиши шаклида ҳуқуқ ҳукмронлик қилиши) ва институционал-ҳуқуқий қисми (ҳокимиятларни ажратиш ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тизими, шу жумладан, уларнинг бир-бирини ўзаро тийиши ва бир-бирига посангилиги) мувофиқ келади.

Ҳуқуқий давлат принципларига эришиш жуда ҳам қийин ҳисобланса-да, унга бўлган интилиш жамиятда муайян тартиботни таъминлашда муҳим ўринни эгаллайди. Ҳуқуқий давлат принципларига Европа мамлакатларида, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван, Чили кабиларда нисбатан тўлароқ амал қилиб келинади. Ижтимоий-ҳуқуқий тажриба шуни кўрсатадики, мамлакат ривожига фақат ҳуқуқий давлат унсурлари амалга оширилишини таъминлашдан иборат бўлибгина қолмайди, балки иқтисодий янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Аксарият олимларнинг фикрича, ҳуқуқий давлатни қуришни тўлалигича амалга ошириб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий давлатнинг баъзи принциплари динамик хусусиятга эга бўлиб бориши, унинг амалиётида парадокслар юзага келишига сабабчи бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари:

1. Халқ ҳукуматнинг ягона манбаси сифатида тан олинishi. Шу билан Қонунлар фақат халқ томонидан вакил қилинган компетентли органлар томонидан қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилишича, мамлакатимиздаги кўп миллатли халқ суверенитет ва бошқарувнинг ягона манбаси ҳисобланади. Шунинг учун давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ овози (референдум) билан ҳал қилинади ва унинг қарори ҳеч ким томонидан ўзгартирилмайди. Масалан, Конституция фақат шу йўл билан қабул қилиниши мумкин.

2. Ҳуқуқ устуворлиги, қонунлар жамиятнинг адолат ҳақидаги тушунчаларига тўла мос келиши ва ўрнатилган муолажа билан қабул қилиниши лозимлигини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократия асосларини белгилайди, шунинг учун бошқа қонунлар унга қарама-қарши бўлмаслиги керак, бу айрим моддалар билан мустаҳкамланган. Агар парламент Конституцияни бузувчи қонун қабул қилса, ҳар қандай ташкилот ёки фуқаро махсус орган – Конституцион Судга мурожаат қилиши мумкин. Қонун устуворлиги, давлатнинг қонун билан “боғланганлиги”дир. Барча давлат органлари, мансабдор шахслар, ижтимоий бирлашмалар, фуқаролар ўз хатти-ҳаракатида қонун талабларига риоя қилишлари шарт. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқларини тан олиш, Конституциянинг аксарият моддаларида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланади дейилган, уни тан олиш, риоя қилиш ва ҳимоялаш эса – давлат мажбуриятидир. Конституциянинг айрим боблари инсон ҳуқуқларига бағишланган, унинг таркибини янги Асосий Қонун (Конституция)ни қабул қилишсиз ўзгартириб бўлмайди.

Ҳуқуқий давлатда инсон, қонун тақиқланмаган хоҳлаган ишини қилиши мумкин, давлат эса қонунлаштирилган нарсаларни қилишга руҳсат беради. Шунинг учун ҳам барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”¹ дейилган. Ҳуқуқий давлатда бу жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Масалан Қад. Афинадаги демократия ҳақида гапирсак

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 6.

унда нафақат қуллар, ҳатто аёллар ҳам ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаганини биламиз. АҚШда қора танли аҳоли ва аёллар XX аср бошларидагина сайловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Жанубий Африка Республикасида узоқ йиллар давомида апартеид режими ҳукм сурган, яъни фуқароларнинг имтиёзли (оқ танли) ва ҳуқуқсиз (қора танли) ларга ажратиш устувор бўлган.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, демократик ҳуқуқий давлат тизимининг структуравий-функционал хусусиятлари ўзаро алоқадорликда жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда қатор институционал ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, эски тоталитар тузимдаги давлат органлари фаолиятига чек қўйиш ва янги институционал давлат тузилмаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда миллий қонунчиликнинг ривожланиши муҳим амалий тадбир ҳисобланади. Шунингдек, халқаро ҳуқуқий муносабатларни миллий манфаатлар асосида ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

учинчидан, янги институционал структураларнинг вужудга келиши, фақат мамлакат ичида эмас, балки халқаро муносабатларда ҳамда ҳуқуқий давлатни таъминлаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада демократик ҳуқуқий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва шаклланиши масаласини олимлар томонидан ўрганилиши борасидаги фикрлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются взгляды на демократическое правовое государство и его особенности. В статье также отражены взгляды ученых на создание и формирование правового государства.

SUMMARY

This article analyzes the views on the democratic legal state and its features. The article also reflects the views of scientists on the creation and formation of the legal state.

Наишра фалс. ф.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Сафаров У.Т. (Республика маънавият ва маърифат маркази)

Калит сўзлар: *глобаллашув, Трансформация, трансформациялашув, маънавият, мафкура, иммунитет, таълим, тарбия.*

Ключевые слова: *глобализация, трансформация, трансформирование духовность, идеология, иммунитет, образование, воспитание.*

Key words: *globalization, transformation, transformation, spirituality, ideology, immunity, education, upbringing.*

Глобаллашув ва маданий жараёнлар трансформацияси бир бирига боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо этадиган тушунчалар ҳисобланади. Глобаллашув атамасига мурожаат қиладиган бўлсак, дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. Ушбу мақолада Глобаллашув иқтисодий тушунча сифатида, яъни – трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёни” [1:24], деб эътироф этилади. Глобаллашув тушунчасига ана шу пайдан бошлаб то ҳозиргача турлича қарашлар давом этиб келмоқда.

Шу ўринда трансформация тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, трансформация [лот. *transformatio* – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш (генетикада)] – хужайрага ёт ДНК кириши натижасида унинг ирсий хусусиятлари ўзгариши”[2]; прокри-

отларда генетик материал алмашилиши усулларидан бири”[3]. Ушбу тушунчалардан маълумки, трансформация тушунчаси бу биринчи навбатда генетик ва биологик тушунча ҳисобланади. Информацион жамиятда ахборотнинг кенг қўламда ишлатиши, унга талабнинг кескин ошиши барчанинг глобал ахборот маконига бирлашувига олиб келади. Ушбу бирлашув ўз навбатида жамият ҳаётини, хусусан маданий жараёнларни ўзгартиради. Мана шу ўринда трансформация термини ишлатиш, бизнингча, маъқул. Хусусан, маданий жараёнлар трансформацияси бу – инқилоб ёки катта ўзгариш эмас. Бу мавжуд маданиятнинг бошқа бир маданиятни кўринмас унсурлари натижасида мунтазам ўзгариб бориши жараёни ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу тушунча генетик, биологик тушунча ҳисобланиб, маълум бир вирусни организмга кириб ичидан ушбу организмни ўзгартиради. Лекин ташқарида ушбу ўзгариш сезилмади. Глобаллашув жараёнлари биринчи навбатда маданий жараёнлар трансформацияси учун замин яратади ва жамиятда маданиятлар алмашилиши секинлик билан рўй бера бошлайди.

Шу ўринда жараён тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, жараён – бирон нарса-нинг ривожланишида ҳодиса, ҳолатларнинг бирин-кетин алмашилиши, жараён – бир натижага эришиш учун бўладиган кетма-кет ҳаракатлар мажмуи. Маданий жараён тушунчаси ўзида илм-фан, санъат, маданиятни ўзида акс эттиради.

Ушбу жараёнларда миллий қадрият ва миллий-маънавий меросни юксалтириш орқали маданиятни асслигини, миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш имкони бўлади. Глобаллашув ва трансформация жараёнлари мутлақо янги маъно-мазмундаги ҳўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. Таъкидлаш лозимки, глобаллашув ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг интенсивлашуви билан бевосита боғлиқ ҳолатда юзага келадиган жараён ҳисобланади. Бу - ижтимоий ривожланишнинг янги босқичидир ва унинг пайдо бўлиши фан ва техника ютуқлари туфайлигина мумкин бўлди. У инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган кўпдан-кўп теран ўзгаришлардан таркиб топади. Ушбу ўзгаришлар ўзида маданий жараёнлар трансформациясини акс эттиради.

Абдурахим Эркаев глобаллашув ва унинг юзага келиши ҳақида қуйидаги фикрни илгари суради: глобаллашув – жаҳон тараққиётининг асосий тенденцияларидан биридир. Савдо ва ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий алоқаларнинг дунё миқёсида ғоят кучайиши, тезлашиши глобаллашувнинг вужудга келишига замин яратди. Глобаллашув – иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг ҳаддан ташқари интенсивлашуви, энг янги ахборот технологиялари ва умуман ахборотнинг жаҳон миқёсида шиддат билан тарқалиши, халқаро стандартлашув ва маиший турмушда, истеъмолда, шу жумладан, номоддий истеъмолда умумий қолип ҳамда андозаларнинг пайдо бўлишидир [4:11].

Глобаллашувнинг ижобий томони – у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очадиган бўлса, салбий томони эса - кўп минг майда, қоқоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русмлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда [5:70].

Файласуф олим Абдувоҳид Очилдиевнинг “Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар” рисоласида ҳам ушбу тушунчага ўзига хос тарзда ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Унда муаллиф “Глобаллашув” тушунчасига “энг умумий маънода глобаллашув бир томондан, муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзининг қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатади [6:64], деган фикрни илгари сурган.

Глобаллашув жараёни тамомила янги жараён эмас. Илм-фан, иқтисодий соҳа, алоқа – коммуникация тармоқларида янги воситаларнинг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграциялар, халқаро алоқалар ва алмашувларнинг тиғизлашиши мамлакатлар

ва халқларнинг бир-бирларидан ажралган ҳолда ҳаёт кечиришларига чек қўйилди. Глобаллашувнинг муҳим жиҳати-ҳозирги кунда халқаро муносабатларни бошқариб боришнинг оламшумул тизимлари яратилмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Олимлар олиб борган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан илмий фаразга кўра глобаллашув ижобий жиҳатларга ҳам эга бўлиб, ўзида мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга жиддий асос яратади; бозорнинг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига сабаб бўлувчи халқаро рақобатни вужудга келтиради; глобал миқёсда ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви, замонавий технологияларнинг кенг тарқалиши ҳамда дунё миқёсида инновацияларни киритишга қаратилган рақобат босими натижасида кузатиладиган иш самардорлигининг ошишига олиб келади. Лекин глобаллашув ўзида ижобий натижалар билан бирга зиддиятлари, яъни салбий натижаларни ҳам мужассам этади.

Илмий адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозиргача глобаллашувнинг иқтисодий омилларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳақиқатда иқтисодий омил асосий аҳамиятга эга, аммо бу омил ягона эмас. У ижтимоий ҳаёт ва давлатнинг барча моддий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Глобализациянинг асосий омили халқаро меҳнат тақсимотини кучайтиради, натижада транспорт ва алоқаларнинг нархи мунтазам пасайиб боради. Айниқса, ахборот воситалари соҳасидаги инкилобни вужудга келтиради.

Глобаллашув - давлатларнинг ва сиёсий ҳамжамиятларнинг табиатини ҳам ўзгартирувчи жараён ҳисобланади. Замонавий дунёда уни ажратиб турувчи ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, миллий хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган мамлакат ичидаги ва мамлакатлараро зиддиятлардан қатъи назар, бир томондан, глобал таҳдидлар ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятининг барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғлиқликлари шароитида ўсиб бораётган глобаллашувнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий оқибатлари акс этмоқда.

Глобаллашув ривожланган мамлакатлар билан энди тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик ўрнини, иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган мамлакатларнинг дунё сиёсатини белгилаб берувчи куч даражасига кўтарилиши, уларнинг ўз маънавият, маданият ва ахлоқларини оммавий маданиятнинг негизига айлантириш борасида олиб бораётган амалий ҳаракатларини ҳам ифодалайди.

Глобаллашув маданий жараёнларнинг трансформациялашувига сабаб бўлади. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаетган таъсирида ҳам янги-янги имкониятлари намоён бўлмоқда. Глобаллашув тушунчаси ўзида маданий жараёнларнинг трансформациялашувини яратувчи ўзига хослик сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур мавзуни тадқиқ этиш жараёнида илмий манбаларда, соҳа олимларининг қарашларида бир жиҳат илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, ахборотлашган жамият ва глобаллашув жараёнлари хусусида сўз юритилади. Лекин қатор тадқиқотларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, маданий жараёнларнинг трансформациялашуви тушунчасининг намоён бўлиши хусусидаги қарашлар мавжуд эмаслигини диққатни ўзига тортади. Тўғри, трансформация тушунчаси юқорида таъкидлаганимиздек, кўпроқ биологик, генетик тушунча деб айтишимиз мумкин. Ушбу тушунчани маданий жараёнлар билан боғлаш ҳозирги кунда янгиликлардан бири десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Маданий жараёнларнинг трансформациялашуви биринчи навбатда жамиятнинг маънавий соҳасига катта таъсир этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки миллий-маънавий тафаккур, миллий-маънавий салоҳият жамият тараққиётини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъмин-

лашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан биридир. Мана шундай мафкуравий хуружлар ҳаракатида бўлган айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг қўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг миллий табиати, маданий жараёнларига, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгу шуурига сингдиришга интиломқдалар. Бу ҳол айниқса, эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъаналарига ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап. Миллий мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганлигидан кейин жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини эътиборга олишимиз шарт.

Маданий жараёнлар трансформациялашувида “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий бузуқлик, зўравонлик ҳамда қатор салбий ғояларни тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини йўқ қилишга қаратилган хатарли таҳдидлар юрт тараққиёти ва ватан равнақини ўйлаган ҳар бир фуқарони ташвишга солади.

АҚШлик таниқли сиёсатшунос Патрик Бьюкенен (“Ғарбнинг ўлими” асари муаллифи)нинг таъбири билан айтганда, Ғарб давлатларининг аксариятида “беланчакдан кўра тобутга эҳтиёж кўпроқ”. Ўн минглаб ёш америкалик аёллар бола туғишни истамас экан, ушбу мамлакатда муҳожирлар сони кўпайиб боришини тадқиқотчилар алоҳида таъкидлаганлар. Демографик инқироз оила–никоҳ муносабатларининг инқирозига – худбинлик-индивидуализм каби салбий иллатлар тантанасига сабаб бўлмоқда [7:73]. Эгоцентризм ўтакетган худбинлик бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликдир. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозирда уларнинг олди олинмаса, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир”.

Париждаги сиёсий тадқиқотлар институтининг профессори А.Валладао Францияда чоп этилган “Ижтимоий фикр” журналидаги мақоласида таъкидлашича, турли халқ ва миллатлар синтези негизида шаклланган америка жамиятининг маданий қадриятлари ўзга мамлакатлар қабул қилиши учун осон кечади. Қолаверса, ушбу давлат маданий маҳсулот ишлаб чиқариш индустриясининг (кино, видеофильмлар, шоу бизнес ва х.к.) бозор шароитига мослашувчанлиги унинг деярли бутун дунёда шерик ва ҳамкорини топишга имкон яратди. Ҳозирда турли мамлакатларда намоиш этилаётган кино ҳамда видеофильмларнинг тўртдан уч қисми Америка маҳсулоти экани ҳам шундан далолат беради [8:29]. Мафкуравий таҳдид ёки мафкуравий тажовузнинг “маънавият” ниқоби остидаги бундай хуружлари ҳар қандай ёш, мустақил давлатларнинг барқарор тараққиётига путур етказади. Экспорт қилинаётган Америкача маданият ёки маънавиятнинг салбий оқибатлари нафақат мустақилликни эндигина қўлга киритган давлатларда, балки Американинг ўзида ҳам жиддий кузатилмоқда. Бу салбий иллат эканлиги борасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор маърузаларида таъкидланган. Хусусан, “телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида ғарбга таклид сезилиб турадиган, очик-сочик кийинган ёшларни кўриб, нахотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши” [9:202].

Ёшларимиз маънавий онгини, мафкуравий иммунитетини янада юксалтириш бугунги куннинг долзарб ва муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Уни юксалтириш нафақат биргина таълим маскани, биргина ташкилот, балки миллат иши бўлгандагина натижадорлиги кўзга ташланади, десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Бу эса биринчи навбатда глобаллашув жараёнларида, маданий жараёнларнинг трансформациялашуви жараёнларида муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, миллий мафкуравий иммунитет ҳар қандай трансформациялашув жараёнларида муносиб ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари. Тафаккур // Ж. 1-сон, 2004. – Б. 24.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/трансформация>.
3. [https://kartaslov.ru/ значение-слова/трансформация](https://kartaslov.ru/значение-слова/трансформация)
4. Эркаев.А. Глобаллашув: ахборот хуружи ва оммавий маданият // Тафаккур. 2008, 4-сон. – Б. 11.
5. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2006. – 70 б.
6. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009. – 64 б.
7. Бьюкенен П. Смерть Запада. – М.: Аст, 2004. – С. 73.
8. Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари // Тафаккур, 2004, 1-сон. – Б. 29.
9. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 202 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада глобаллашув, трансформация, маданий жараёнлар трансформациялашуви тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Мақолада маданий жараёнларнинг трансформациялашувида ёшлар маънавияти, ёшлар маънавиятини юксалтиришда мафкуравий иммунитет, глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда олимларнинг қарашлари қисқача ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется специфика концепций глобализации, трансформации, трансформирования культурных процессов. Кратко описывается духовность молодежи при трансформировании культурных процессов, роль идеологического иммунитета в повышении уровня духовности молодежи, взгляды ученых на особенности глобализации.

SUMMARY

The article examines the specificity of the concepts of globalization, transformation, transformation of cultural processes. The article briefly describes the spirituality of youth in the transformation of cultural processes, ideological immunity in improving the spirituality of youth, the peculiarities of globalization and the views of scientists.

Наширға фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИ

Хантов Э.Б. (МТМРМҚТМОИ)

Таянч сўз ва иборалар: жамият, маънавият, Ҳаракатлар стратегияси, маънавий таҳдид, хатар, мафкуравий таҳдид, иммунитет, маънавий тарбия.

Ключевые слова: общество, духовность, Стратегия действий, моральная угроза, опасность, идеологическая угроза, иммунитет, духовное воспитание.

Key words: society, spirituality, Action strategy, moral hazard, danger, ideological threat, immunity, spiritual education.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳар бир жамият тарихида муайян бурилиш давлари бўлиши ва унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун ниҳоятда муҳим стратегик мақсадлар ва муайян давлатга хос устувор тамойилларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланишидан иборат умумбашарий қонуниятнинг ўзига хос тарзда намоён бўлаётганини яққол исботламоқда.

Бу жиҳатдан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг асарлари, фикр-мулоҳазалари ва маърузалари, айниқса “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси, Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаларининг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини чуқур ўрганиш зарурати бугунги ҳаёт ҳақиқатини ва ҳозирги давр талабларини англаш заруратининг залвари ниҳоятда катта ва кўлами нақадар кенглигидан далолат беради.

Президентимиз асарларида кўрсатилган устувор тамойиллар ва белгиланган чоратadbирлар бутун инсониятнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун эканлиги кўплаб халқаро экспертлар томонидан ҳам қайд этилаётгани бежиз эмас. Айни пайтда, бу

манбалар нафақат юртимиз келажаги учун, балки бутун жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалар учун ҳам таъсир кучи ва ўз ўрнига эга бўлган миллий тараққиёт дастурларини тайёрлашнинг муҳим асосларидан бири сифатида эътироф этилаётганинг сабаби ҳам ана шундалиги шубҳасиз.

Шу билан бирга, кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”, “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорлари[1] ҳамда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” [2], “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”[3], “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ҳам жамият ривожини ва маънавий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим назарий ва методологик асосларини белгилайдиган таянч ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Бугунги дунёда ўзлигини англаган, муштарак мақсадларда бир ёқадан бош чиқариш, мақсад-муддаолари бир-бирига мос, юрт шаъни устун, ягона мақсаддаги маданиятга эга халқларнинг ривожланиш тарихи барқарор ва истиқболли бўлиши ўтган давр тарих тажрибаларида ўзининг исботини топган. Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”[4] – деган фикри айни шу ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб айнан ана шундай асосли манбанинг шаклланиши асло тасодиф эмас, балки бу жараён халқимиз ва давлатимиз тараққиётининг зарурий ва тарихий ҳосиласидир. Чунки, ҳар қандай давлатнинг тараққиёт мезонлари муайян халқнинг барча соҳалардаги ҳаёти, моддий ва маънавий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, бутун дунёда глобаллашув жараёнлари тиғизлашган бугунги кунда, эзуликка хизмат қиладиган турли бунёдкор ғоялар билан бирга, инсоният ҳаётини бузадиган хилма-хил вайронкор ғоялар ҳам тарқалмоқда ва уларнинг мазмуни тинимсиз янги-ланиб, кўлами жадал кенгайиб бормоқда. Аксарият олимлар бундай глобаллашув жараёнини теварак-атрофимизни ва онг-шууримизни ўргимчак тўри мисол ўраб олган ахборот технологияларининг кенг тарқалиши билан боғлашаётгани ҳам бежиз эмас.

Мазкур соҳадаги хатарлар маънавиятга қаратилган таҳдидлар бўлиб, улар аввало тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашга қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар мажмуидан иборатлиги сир эмас.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетаётган тиғиз жараёнда хилма-хил тарзда намоён бўлаётган мафкуравий таҳдидлар узлуксиз бўлаётганини, уларнинг маълум турмуш тарзини, кадриятлар тизимини бузишга ҳаракатлар давом этаётганини ҳатто оддий инсонлар ҳам сезмоқда.

Ана шу таҳдидларни англаган ҳолда, мамлакатимиз ёшларининг ривожланган давлатлар ёшлари каби замонавий билим олишларига, дунё маданияти ва маънавиятининг сарчаш-

маларидан баҳраманд бўлишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, бугунги ахборот хуружлари авж олган даврда ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи, минг йиллар давомида юксак кадриятга айланган, меҳр-оқибат, ибодат-ҳаё, каттага ҳурмат – кичикка иззат каби анъаналаримиздан ёшларни оғдирувчи айрим нохуш ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда.[5]

Бутун дунё давлатлари қатори, бизнинг мамлакатимизда ҳам, ҳозирги глобаллашув шароитида ахборотнинг тез суръатлар билан ўсиши, ахборот технологиялари соҳасининг шиддат билан ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш даражасининг ортиб бораётгани билан боғлиқ жараёнлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига ниҳоятда катта таъсир кўрсатмоқда.

Айнан ана шу омилнинг аҳамияти ортиб бориши мазкур жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш баробарида миллий ахборот тизимларини янада такомиллаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга катта аҳамият қаратилишига сабаб бўлди.

Бугунги дунёда кечаётган мураккаб ўзгаришлар шароитида мамлакатимизга четдан кириб келаётган ва муқаррар тарзда салбий характерга эга бўлган маънавий соҳадаги хуружлар ва турлича мафкуравий таҳдидлар хавфини ўз вақтида бартараф этиш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида миллий анъана ва кадриятларни емирувчи, аҳоли, айниқса, ёшларни ахлоқсизлик ғоялари сари эргаштирувчи, уларнинг маънавий онгига ёмон таъсир кўрсатувчи бундай хавф-хатарларнинг салбий таъсири тобора кучайиб бормоқда.

Ушбу йўналишдаги хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг амалий йўналишларини шакллантириш ва оптимал механизминини ишлаб чиқишга нисбатан эҳтиёж ортиб, бу борадаги самарали ишланмаларга талаб кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3022-сонли, 2017 йил 28 июлда «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ–3160-сон қарорлари ана шу соҳадаги долзарб вазифалар ва уларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаб берган муҳим ҳужжатлардир.

Бугунги кундаги ислохотлар жараёнида халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек: “Инсон манфаатлари-ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламда ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. “...Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди”[6]. Шу сабабдан ҳам кейинги йилларда юртимизда халқ билан мулоқот ва бунда инсон манфаатларига алоҳида эътибор қаратиш бу борадаги энг долзарб ва устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Бу жиҳатдан юртимизда ёшларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини миллий кадриятлар асосида шакллантириш, баъзи давлатлар ҳаётида салбий аҳамият касб этаётган оммавий маданиятнинг келажак авлод тарбиясига путур етказиш ҳолатларига қарши курашиш, уларни турли мафкуравий хуружлар таъсирига тушиб қолмайдиган комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани асло бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қа-

ратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи билдирилгани асло бежиз эмас[7].

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда мавзуга оид бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳам мафкуравий таҳдидларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу масалада ҳамisha оғоҳ ва хушёр турмасак, мафкуравий хуружлар, уяли алоқа воситалари ва интернет тизими орқали менталитетимизга мутлақо ёт мафкуралар ёшларимиз қалби ва онгига сингиши ва улар дунёқарашини ва онгини заҳарлаши, одоб-ахлоқ, ибо, орномус, шарм-ҳаё, ифбат-андиша каби фазилатларни нурсизлантириши, кўп мингйиллик миллий кадриятларимизга путур етказиши эҳтимоли янада кучайиб кетиши тайин.

Худди шундай, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишнинг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Ушбу ҳужжатлар бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиши мумкинлигидан бизни оғоҳлантиради, албатта. Ўз навбатида бу узлуксиз давом этаётган ва глобаллашаётган дунёнинг таркибий қисмига айланиб қолган бундай хатарли мафкуралар ва таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш заруратга айланганидан далолат беради[8].

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар аҳоли, айниқса, ёшларни миллий маданият ва кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, уларни турли ахборот-ресурс марказларига, маданий-тарихий ёдгорлик масканларига, театр ва кўргазмаларга жалб этиш, баркамол авлодни билимли, соғлом ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун муҳим асослар сифатида хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар бугунги глобаллашаётган дунёдаги мафкуравий хатарларни ўз вақтида англайдиган бўлсин, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргансин, ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олсин, миллий манфаатлардан адашмасин. Бу жиҳатдан буюк маърифат-парвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”[9], деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарблик касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, албатта.

Хуллас, бугунги глобаллашув даврида жамият ҳаётининг барча соҳалари такомиллашиб бораётгани, бу жараённинг тобора кенгайиб, янги жабҳаларни забт этаётгани ҳозирги даврнинг устувор тенденциясига айланди. Бундай шароитда инсоннинг маънавий қиёфасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, айниқса ёшларни турли таҳдидлардан самарали ҳимоялаш учун маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйиш, уларда ушбу соҳага доир тушунчаларни шакллантириш масалаларининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ёшларнинг маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришда халқимизнинг бой миллий-маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали усуллар ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлашда жамиятнинг умумий маданиятини кўтариш, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, ушбу соҳадаги ишларнинг тизимли ташкил этилиши эса, бу борадаги амалиёт талабларига жавоб бериш, мамлакатимизнинг бугунги куни ва халқимиз келажаги учун демократик тафаккур, замонавий дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган юксак маънавиятли ёш авлодни шакллантиришда барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юкланганидан далолат беради, албатта.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 31 июль.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
3. «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 6 июль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeev-ning-oliy-25-01-2020>
5. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни -<https://lex.uz/docs/4013413>
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2019. –Б.114.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. –Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.
8. Шухрат Отакулов “Негосударственные некоммерческие организации и демократизация жизни общества” ст 123 журнал Проблемы современной науки и образования [HTTPS://WWW.SCIENCEPROBLEMS.RU](https://www.scienceproblems.ru)
9. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/uygonish/762-asar.html>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада миллий давлатчилигимиз ҳамда халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун зарур бўлган, маънавий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим манбалари, устувор йўналишлар ва долзарб вазибалари ҳақида фикр юритилган. Жамиятни янгилашда маънавийга қаратилган таҳдидларнинг назарий ва методологик асослари таянч ҳужжатлар билан асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются важные источники, устойчивые направления и актуальные задачи борьбы с духовными угрозами, которые необходимы на современном этапе развития нашей национальной государственности и нашего народа, теоретические и методологические основы борьбы против угроз духовности в условиях модернизации общества, обоснование их соответствующими государственными документами.

SUMMARY

This article discusses important sources, sustainable directions and urgent tasks of combating spiritual threats that are necessary at the present stage of development of our national statehood and our people. Theoretical and methodological foundations of the fight against threats of spirituality in the context of modernization of society, the rationale for the relevant state documents.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Мўминов Ж.М. (ТАТУ Фарғона филиали)

Таянч сўз ва иборалар: давлат, жамият, фуқаролик жамияти, жамоатчилик фикри, сиёсий коммуникация, матбуот, китоб, афишалар, радио, телевидение.

Ключевые слова: государство, общество, гражданское общество, общественное мнение, политическая коммуникация, пресса, книга, плакаты, радио, телевидение.

Keywords: state, society, civil society, public opinion, political communication, press, book, posters, radio, television.

XX асрнинг ўрталарига келиб дунё миқёсидаги илғор демократик давлатларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Фуқаролик жамияти тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиши ғояси мужассам бўлган. Хусусан, бу иқтисодий соҳада хусусий мулкка эга бўлиш, сиёсий соҳада сиёсий ҳаётда иштирок эта олиш, ҳуқуқий соҳада тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий соҳада уюшмаларга бирлашиш, диний соҳада – виждон эркинлиги, маданий соҳада – маданий хилма-хиллик, миллатлараро ва ирқлараро муносабатларда – миллатлар, ирқларнинг тенглиги ва толерант муносабатда бўлиши, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги, мафкуравий соҳада – ғоявий хилма-хиллик, плюрализм, миграция соҳасида – инсоннинг яшаш жойини эркин танлаш, руҳий соҳада – инсон ҳурфикрлиги ва фикрларнинг тенг ҳуқуқли рақобати асосида ривожланиши орқали амалга ошади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти – бу жамулжам ҳолда, цивилизация типи – бозор иқтисодиёти ва демократияни белгиловчи муҳим омиллар узвий боғлиқ бўлган ҳозирги инсоний яшаш усулининг шартли номидир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда «бутун жаҳонда иқтисодий ва маданий маконнинг пайдо бўлишига ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келиши..., умумжаҳон ягона ахборот алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шакли юзага келишига олиб боради»[1:75].

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўз хоҳиш-истаклари, муштарак манфаатлари асосида муайян ташкилотлар, бирлашмалар ва иттифоқларга бирлашуви оқибатида давлатдан мустақил равишда фаолият юритувчи кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг нуфузи ортиб боради. Мазкур институтлар эса давлат ва жамият ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради. Яъни, айнан фуқаролик жамияти институтларининг ўз-ўзини бошқарув механизми ва ҳуқуқий ваколатларининг ўзгариши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари механизми ва ҳуқуқий ваколатларида ҳам таркибий ўзгаришларини вужудга келтиради. Шунинг билан бир қаторда “Фуқаролик жамиятини барпо этишда мамлакатимизда инсон манфаатларини ифода этишга қаратилган миллий қонунчилик асосида кучли ижтимоий сиёсат юритиш орқали фуқаролар фаровонлигининг таъминланиши, турли аҳоли ва ижтимоий қатламлар манфаатларини жамиятда ифода ва ҳимоя этишга қодир бўлган туб ислохотларнинг амалга оширилиши, халқ фаровонлигини изчиллик билан ошириб бориши натижаси ўлароқ жамиятнинг ижтимоий барқарорлик асосида тараққий этиб бориши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар туғилади” [2:25-26].

Бизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни, унинг негизида эса фуқаролик жамиятини шакллантиришдек буюк мақсадлар билан яшамокда. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда»¹. Айни шу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари дастур ва лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 17,7 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шунинг билан бир қаторда 2018 йилда давлат томонидан ННТ ва

¹ Қаранг: Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши: сиёсий фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 342.

ОАВларининг 280 та дастур ва лойиҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишда мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институти иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди [4]. Шунинг учун ҳам М.Қирғизбоев «Мамлакатда туб сиёсий ислохотларни, жумладан, жамият ҳаётини шунингдек, ҳар томонлама эркинлаштиришни оғишмай амалга ошириш, қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий стратегик мақсадга айланади»¹. деган бўлса, Г.Г.Жамалова «Фуқаролик жамиятининг институтлари – сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш ва нодавлат, жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуасини ташкил қилади»,² деб таъкидлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислохотларнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони ва у билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллашти-ришнинг устувор йўналишлари» деб номланган биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кейинги беш йилликда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида белгиланган. [7] Бизнинг назаримизда, фуқаролик жамияти шароитида давлат-жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасини белгиловчи, маҳаллий ҳокимият органлари эркинлигининг меъёрини аниқлаб берувчи, улар билан ўзаро муносабатларини демократик тамойиллар асосида ташкил этувчи институт вазифасини ўтамоғи лозим. Ф.Х.Рахимов «фуқаролик жамияти» тушунчаси фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги, фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашлари, сўз эркинлиги, ошкораликнинг ва ўзини ўзи бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлиги каби бир қанча муҳим талабларни ўз ичига олишини эътироф этади[8:8]. Худди шундай К.Норматов ҳам «Фуқаролик жамияти – бу фуқароларнинг фикр эркинлиги, яъни фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги» деб ҳисоблайди. [9:9] «Фуқаролик жамияти» тушунчаси фуқаро ва давлат, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар уйғунлигига асосланган ҳуқуқий жамият тизимини қамраб олади. Айни шу маънода А.Х.Саидов ва У.Т.Таджиханов, «...фуқаролик жамияти – тенг ҳуқуқли инсонларнинг, яқка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга қўмақлашадиган жамоат институтларининг тизимидир», деб таъкидлаганлар. [4:238]

1994 йилда муаллифлар жамоаси раҳбари А.А. Миголатъев илмий таҳрири остида чиққан «Политология луғати»да сиёсий-коммуникацион жараённинг функционал томонини очиб берувчи таъриф келтирилган: «Сиёсий коммуникация (лотинча коммунисатио сўздан олинган) – сиёсий жараённи тизимлаштирувчи ва унга янги маъно берувчи, жамоатчилик фикрини шакллантириб, фуқароларнинг талаб ва манфаатлари ҳисобига сиёсий ижтимоийлаштирадиган жараёндир»[5:97]. Сиёсий коммуникация тушунчасининг шунга ўхшаш таърифи 1998 йилда нашр қилинган А. В. Миронов ва П. А. Цыганков таҳрири остидаги «Замонавий политология» луғатида берилган [6:Б.19]. «Сиёсий коммуникацияда, – инглиз-америкача «Сиёсий таҳлил луғати» муаллифлари белгилаганидек, – ёзилган ёки талаффуз этилган сўз билан ишланади, бироқ у шунингдек, исталган белги, рамз ёхуд сигнал ёрдамида амалга ошади, унинг воситасида моҳияти тушунилади. Шу тариқа, коммуникацияга рамзий ҳужжатлар – масалан армияга юборилиш ҳақидаги хатнинг ёқилиши, сайловларда иштирок, сиёсий қотиллик ёки бутун дунё бўйлаб саёҳатга кемаларни жўнатилишини киритиш мумкин.

¹ Рахимов Ф.Х. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти.– Тошкент: Адолат, 2001.– Б. 8.

² Норматов К. Фуқаролик жамияти ривожланишининг конституциявий асослари // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2012. - №4(4). - Б.9.

Сиёсий коммуникация катта қисмини оммавий коммуникацияга ихтисослашган муассаса ва институтлар, ҳукматга тегишли ахборот агентликлари ёки сиёсий партиялар ташкил этади. Шунга қарамасдан, у юзма-юз суҳбатдан то миллий қонун чиқарувчи палаталардаги муҳокамагача исталган ижтимоий мулоқотда аниқланади»[7:11].

Структуравий ва функционал ёндашув сиёсий коммуникацияни муайян яхлитлик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизим сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Тизим сифатида сиёсий коммуникация тузилишини яхлит ҳолда таҳлил қилиш тадқиқотчини уларнинг қисмлари ва коммуникацияларини ўрнатишга ёрдам беради. У қуйидаги бир неча кетма-кет процедураларни ўз ичига олади: а) тизим таркибини тушунтириш (қайси элементлардан ва қуйи тизимлардан иборатлиги); б) тизим қисмлари (элементлар ва қуйи тизимлар ўртасидаги) ўртасидаги муносабатларни аниқлаш; с) тизимнинг мураккаблик даражасини аниқлаш (таркибий даражалар ва таркибий иерархиянинг мавжудлиги); д) ушбу тизимни бошқа тизимлар билан таққослаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Сиёсий коммуникация етарлича тўлиқ талқини Р.-Ж. Шварценберг томонидан таклиф этилган. У бу тушунчани қуйидагича таърифлайди: «бир сиёсий тизимдан бошқасига ва сиёсий ҳамда ижтимоий тизимлар ўртасида кўчиб юривчи сиёсий ахборотни узатиш жараёни бўлиб, барча босқичларда индивид ҳамда гуруҳлар ўртасида ахборот алмашинуви узлуксиз жараёни амалга ошади»[8:7]. Хориж муаллифларининг асарларида сиёсий коммуникациянинг асосий учта усули ажратилади: босма (матбуот, китоб, афишалар) ва электрон (радио, телевидение ва ҳ.з.) оммавий ахборот воситалари ёрдамидаги коммуникация; ташкилотлар, хусусан, бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилувчи сиёсий партиялар ва босим гуруҳлари ёрдамидаги коммуникация; норасмий алоқалар ёрдамидаги коммуникация. Бироқ бу усуллар қаторига, шунингдек, алоҳида коммуникатив ҳолат ва ҳаракатлар – сайловлар, референдумлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин[9:19].

Сиёсий коммуникация фақат оғзаки таъсир ўтказиш ёки рамзлар ва белгилар орқали ишонтириш эмас, балки ҳокимиятни ўзини намоён қилиш имкониятидир. Сиёсий коммуникация сиёсий ахборотларнинг узатилишининг давомий жараёнидир, бу жараёнда ахборотлар сиёсий матнлар сиёсий тизимнинг турли элементлари, шунингдек сиёсий ва ижтимоий тизимлар ўртасида тарқалади. Сиёсий коммуникация сиёсий ахборотни узатиш жараёнидир, у орқали сиёсий тизимнинг бир қисмидан бошқасига ахборот тарқалади. Сиёсий коммуникация тузилишида таркибий / идеал элементни ва расмий / материални (каналлар, воситалар) ажратиш кўрсатиш мумкин. Сиёсий коммуникация, бошқа каби, коммуникатор, хабар, канал ёки узатиш воситасини, ва ниҳоят, қабул қилувчини ўз ичига олади. Шу боисдан ҳам К.Дойч сиёсий коммуникацияни «давлат бошқарувининг асаб тизими» деб атади, «сиёсий хабарни сиёсий хулқ-атворни белгиловчи омил»[10: 25]. деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда илмий адабиётларда сиёсий коммуникациянинг кўплаб таърифлари мавжуд. Жумладан, бугунги кунда баъзи олимлар сиёсий коммуникация тушунчасига «сиёсий тизимнинг турли элементлари, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий тизимлар ўртасида ахборот айланувчи сиёсий ахборотни узатиш жараёни» сифатида қарашни таклиф қилишмоқда. Ахборот алмашинувининг узлуксиз жараёни шахслар ўртасида ҳам, сиёсий бошқарув субъектлари ўртасида ҳам ўзаро келишувга эришиш учун ҳам сиёсий коммуникация имкониятларидан фойланилади. Бу эса коммуникация давлатнинг бошқарув воситаларидан бири бўлиши мумкинлигига далолат қилади. Шу боисдан ҳам сиёсий коммуникациянинг ўзига хос хусусияти нафақат маълумотларнинг айланиши, балки сиёсий субъектлар - фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар, сиёсий институтларнинг ўзларининг фаолиятини самарали амалга ошириш, ҳокимиятни эгаллаш, ушлаб туриш ёки ўз мақсад ва мафаатларини биргаликдаги амалга ошириш воситаси эканлигида ёрқин намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам «Ғарбда - деб ёзади Ф.Мусаев, – индивид жамоага, давлат ва жамиятга қарши чиқиши, уларни рад этувчи ғояларни илгари суриши мумкин, лекин Шарқда бундай ҳаракатлар такаббурилик, коммуитар анъана ва манфаатларни менсимаслик сифатида қабул қилинади»[11:17].

Умуман олганда, бугунги кунда сиёсий коммуникация таркибий элементлар ва сиёсий институтлар турли хил рол ва функцияларга эга бўлган сиёсий субъектларнинг хатти-ҳара-

катларини аниқлайдиган ахборотни яратиш, олиш ва қайта ишлаш воситаси сифатида белгиланмоқда. Худди шундай тарзда, давлат ахборотнинг ихтисослашган ва асосий бўлмаган истеъмолчилари ўртасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қиладиган тил шаклларида фойдаланиши керак. Бундан ташқари, расмийлаштирилган сиёсий коммуникацияларнинг пайдо бўлиши жамият томонидан ахборотнинг маъносини аниқ ўзлаштиришга ёрдам берадиган лингвистик шаклларни ўз ичига қамраб олади. Шу билан бирга, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари ўз нутқларида миллий тилнинг лингвистик ва семантик имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ж.-М. Коттрэ фикрича, коммуникациянинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни инсон организми қон айланиши билан таққосланиши мумкин. Худди шундай уни «ҳаётий куч манбаи» ёки «она сути» деб аташ мумкин, чунки сиёсий коммуникация жамиятнинг турли қатламларини боғлаб, уларни бир бутун бўлиб фаолият юритишига кўмаклашадиган керакли субстанциядир [12:9].

Хуллас, сиёсий фаолиятнинг ўзига хос «коммуникацион ўлчови» бор ёки аниқроғи, сиёсий коммуникация сиёсатчиларнинг бир-бирига ва ижтимоий муҳитга (жамиятга) ахборот таъсирини акс эттирувчи махсус коммуникация ҳолати мавжуд. Жамиятда ҳокимият, ҳокимиятни бошқариш муносабатлари сиёсий коммуникациясиз мавжуд бўлолмайди. Сиёсий коммуникация сиёсий элитанинг оммага бир томонлама, тўғридан-тўғри информацион таъсири билан чекланиб қолмай, балки ахборот узатишнинг турли хил норасмий жараёнларини ўз ичига қамраб олади. Бизнинг назаримизда сиёсий коммуникациянинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар билан алоҳида ажралиб туради. Биринчидан, сиёсий коммуникация ихтисослашган соҳадир. Чунки сиёсий коммуникация ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳаси – жамиятнинг сиёсий тизими ичида мавжуд бўлиб, унинг самарали ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Сиёсий коммуникация асосида сиёсий тизим ва унинг элементлари ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилади. Ҳукмрон элита фойдасига жамоатчилик фикрини бундай бошқариш мавжуд сиёсий тизимни сақлаш ва мустақкамлаш ва ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун зарурдир. Шундай қилиб, сиёсий коммуникацияда вертикал, пастга йўналтирилган коммуникация жараёни устунлик қилади. Бу ҳолатни биз сайлов кампанияларида, сиёсий элитанинг телевизион мурожаатларида, сиёсий шиорлар ва бошқа шу каби жараёнларда кузатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Юлдашева Ф. Методологические проблемы процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: 2008. – № 2. – Б. 75.
2. Саитқосимов А.И. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари: фалсафа фанлари доктори (ДсС) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 25-26.
3. Жамалова Г.Ф. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг сиёсий масалалари: сиёсий фан. Номзоди. дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 181.
4. Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 238.
5. Политологический словарь. / Научн. ред., рук. авт. колл. А. А. Мигولاتьев, сост. В. А. Варывдин: В 2 ч. М., 1994. Ч. 1. – С. 97.
6. Зарубежная политология: Словарь-справочник. / Под ред. А. В. Миронова, П. А. Цыганкова. М., 1998. – С. 19.
7. The Dictionary of Political Analysis / eds.: J. C. Plano, R. E. Riggs H. S. Robin. ABC – Clio. Santa Barbara. USA – Great Britain, 1982. – P. 11.
8. Шварценберг Р.Ж. Политическая социология: В 3 ч. – М., 1992. – Ч. 1. – Б. 17.
9. Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – М., 1992. – Ч. 1. – Б. 19.
10. Deutsch K.W. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. – London, 1963. – R. 25.
11. Мусаев Ф. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фалсафа фани. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент., 2008. – 17 б.
12. Cotteret J.-M. Gouvernants et gouvernes: La communication politique. – P, 1973. – R. 9.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий коммуникацияларнинг ўрни сиёсий фанлар нуқтаи-назаридан атрафлича таҳлил қилинган. Шунингдек, унда сиёсий коммуникация асосида сиёсий тизим ва унинг элементлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиши илмий жиҳатдан асосланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье с политической точки зрения проводится анализ роли политических коммуникаций в формировании гражданского общества, а также научно обосновывается важность установления политической коммуникации между политическими системами и её элементами.

SUMMARY

From the political point of view, this article analyzes the role of political communications in the formation of civil society. And also, the importance of establishing political communication between political systems and its elements is scientifically substantiated.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ОҒЗАКИ МУЛОҚОТ АКТИДА ДИКТУМГА СУБЪЕКТ
МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Сапарбаева Г.М. (УрДУ)

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур, тил, нутқ, пресуппозиция, мулоқот, белги, лингвистик, нуқтаи назар.

Ключевые слова: мышление, язык, речь, пресуппозиция, общение, характер, лингвистика, перспектива.

Keywords: thinking, language, speech, presupposition, communication, character, linguistic, perspective.

Матн тилшунослигида грамматик жиҳатдан мурожаат эллипсис ва алмаштириш бир-биридан тубдан фарқ қилишига қарамасдан, улар оғзаки мулоқот актида қайсидир маънода мулоқотдаги жумлалар орасидаги ўзаро муносабатга қараб мослашиш хусусиятига эга эканлигини ҳамда мулоқот мазмунига сезиларли таъсири мавжудлигини эътироф этмоқ ўринлидир. Коммуникатив лингвистика нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш лозимки, боғловчиларнинг грамматик, хусусан, гап тузилишига кўра таҳлили етарлича маълумот беролмаслигини инобатга олиб, боғловчиларни гапдан каттароқ лингвистик бирликлар, яъни матн ёки контекст доирасида таҳлил қилишни таклиф қилади. Улар маъно жиҳатдан мулоқотнинг дастлабки ва навбатдаги қисмига мурожаат қилиши ҳамда мулоқот мазмунини йўналтириши мумкин, деган фикрни инглиз олими Винтер¹ билдирган. Масалан, сабаб - оқибат муносабатини ифодаловчи боғловчилар:

1. *У теварак-атрофдагиларга мутлақо бефарқ бўлиб қолди, оқибатда ким дўст, ким душман эканлигига ақли етмай қолди.*

2. *У теварак- атрофдагиларга мутлақо бефарқ бўлиб қолди, охир- оқибатда ким дўст, ким душман эканлигига ақли етмай қолди.*

3. *У теварак- атрофдагиларга мутлақо бефарқлиги сабаб, ким дўст, ким душман эканлигига ақли етмай қолди.*

4. *Ким дўст, ким душман эканлигига ақли етмай қолишига сабаб, теварак-атрофдагиларга мутлақо бефарқлигидан бўлди.*

Мулоқот акти сўзловчисининг танлови билан оқибатда боғловчиси шунинг учун, шу сабабли, натижасида, натижада каби эквивалентлар билан алмаштирилган ҳолда қўлланилиши ҳам мумкиндир. Биз бу ўринда маълумот ёки хабарни қандай усулда етказиш борасидаги танловнинг асосий мезонини тема ва рема масаласи муҳокамасида кўриб чиқишимиз мумкин.

Юқорида санаб ўтилган сабаб-оқибат эргашган қўшма гапининг турли шаклларида тема ва ремага муносабат турлича бўлиши натижасида оғзаки мулоқот акти тузилишида боғловчини эквивалент билан алмаштириш содир бўлади, деган тахмин ҳақиқатга яқиндир.

Машҳур инглиз олими Халлидей мулоқотда боғловчи муносабатлар ҳамда кундалик мулоқотда кўп қўлланиладиган боғловчи сўзларни қуйидаги турларга ажратган.² Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот акти боғловчиларини, асосан, катта уч гуруҳга ҳамда ўз навбатида олти кичик гуруҳларга ажратади.

1. Аниқлаштирувчи (изоҳловчи (*бошқача қилиб айтганда*), ойдинлаштирувчи (*ёки, аксинча, қўшимча равишда*))

2. Кенгайтирувчи (тўлдирувчи (*ва, шунингдек*), ўзгартирувчи (*муқобил равишда, акс ҳолда*))

¹ Winter Yoad. A Unified Semantic Treatment of Singular NP Coordination, Linguistics and Philosophy Vol. 19: 1996. – P. 337–391.

² Halliday. Introduction to Functional Grammar: 4th edition, Birmingham, 2014. – P. 263.

3. Кучайтирувчи (Вақтинчалик (кейин, илгари таъкидланганидек, айтиб ўтилганидек, юкорида санаб ўтилганидек), сабаб - шартли (натихада, шундай қилиб, шундай бўлган тақдирда)

Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актида хабар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ушбу боғловчилардан моси танланади, масалан:

1. У ҳам ақлли, ҳам келишган, - тўлдирувчи боғлама.

2. “Бу ерда ўн йил яшаб, бу ҳақида ҳеч ҳам эшитмабман, *тавба!*” жумласини

3. “Бу ерда ўн йил яшаганман, *лекин* эшитмабман” жумласи билан алмаштирса бўлади.

4. “Полтава” 1828-йилда Пушкин томонидан ёзилган¹ *ёки аксинча*, Пушкин “Полтава”ни 1828-йилда ёзган, жумлалари бир хил мазмунга эга. (*ёки аксинча – ойдинлаштирувчи боғлама*)

5. Бугун сиз уйдаги ишлардан биров чалғиб, ўзингиз ёқтирган машғулоти билан шуғулландинг. *Шунингдек*, табиат қўйнида дам олишни ҳам унутманг! (*Шунингдек-тўлдирувчи боғлама*)²

6. Пандемия шароитида республикамизнинг ОТМларида кундузги таълимга *муқобил равишда* онлайн таълим амалга оширилмоқда.

7. *Илгари таъкидлаб ўтганимиздек* - бу зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир, *кейин* бошқа масала ҳақида гаплашамиз. (вақтинчалик)

8. Бу ҳолда сиздан тўлов ҳақи ундирилади ва, албатта, қўшимча фоизлар билан. (сабаб-шартли)

Оғзаки мулоқот акти таҳлили давомида *ва, аммо, лекин, бироқ, шундай қилиб, энди, кейин, эса, каби* боғловчилари нафақат сўзларни ва жумлаларни боғлаш учун, балки бир мулоқот актини бошқа сўзловчи нутқ актига боғлаш учун сўзловчиларнинг гап аввалида ёки сўзловчи томонидан илгарироқ айтилган бир жумлага мурожаат қилинганда, бир мавзудан бошқасига ўтишда сўзловчи муносабати мулоқот мазмунига боғловчи воситалар сифатида қўлланилади.

Оғзаки мулоқот акти борасида жаҳон тилшунослигида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Кўпинча ушбу тадқиқотлар турли ёшдаги инсонлар орасидаги мулоқот актининг лексик таҳлиliga бағишланган тадқиқотлардир. Хусусан, боғловчилар борасида бир қанча фикрлар билдирган. Масалан, *чунки* боғловчиси ҳақида фикр юритилиб, унинг деярли барча тилларда сабаб-натиха муносабатини ифодаловчи восита сифатида қўлланилишидан ташқари, мулоқот акти белгиси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин эканлигини исботлашга ҳаракат қилинган. Ушбу назарияни ўзбек тили мисолида ҳам таҳлил қилишимиз мумкин, масалан:

-*Буниси сифатлироқ экан, ҳали биз бундан кўп фойдаланишимиз керак бўлади* жумласига мулоқот акти белгиси сифатида “Шунисини оламиз, чунки...” боғловчили сўз бирикмаси киритилса, мулоқот вазиятида амалга ошириляётган иш-ҳаракат (харид)га аниқлик киритилади.

Замонавий социолингвистик³ назарияларга кўра *чунки* сўзи, одатда, бажарилган иш-ҳаракатга, мулоқот акти орқали далил киритиш ёки “ўзини оқлаш” учун ишлатилади. Боғловчилар борасида билдирилган бундай фикрлар турли-туманлигининг сабаби ҳам оғзаки мулоқот актининг контекстуал хусусиятларига боғлиқ. Оғзаки мулоқот акти жонли суҳбатда сўзловчи томонидан танланган сўз онгли фаолият, тафаккур маҳсули бўлиб, унинг замирида сўзловчининг истак - хоҳиши, фикри ва тингловчига, объектга, воқеа - ҳодисага муносабати акс этади. Оғзаки мулоқот акти сўз, сўз бирикмалари ҳамда жумлаларнинг сўзловчи учун аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда сўзловчи ва тингловчини мулоқотга чорлаган объект ва мулоқот акти орқали билдирилган муносабат хусусиятини очиб бериш, оғзаки мулоқот актининг ўзига хос хусусиятини унинг ёзма матндан фарқи сифатида ифодалайди.

Демак, инсонлар кундалик ижтимоий муносабатдаги оғзаки мулоқотда шунчаки нутқ аппаратини машқ қилдириш учун гапирмайдилар. Умуман олганда, оғзаки мулоқот акти

¹ G`afforov A. Ingliz tili grammatikasi. – Toshkent: Turon-Iqbol, 2012. –B. 106.

² МҮ5 канали: Puls 1141. Televideniye dasturi maslahati.

³ E. Murray.William B. Starr. The Structure of Communicative Acts, June 6, 2019: e-article. http://williamstarr.net/research/the_structure_of_communicative_acts.pdf

орқали тингловчига бирон-бир хабар ёки истак юзасидан мурожаатни етказишни назарда тутадилар. Оғзаки мулоқот актида тингловчи ушбу етказилган маълумотни тушуниб қабул қилганда ва унга жавоб актини бажаргандагина мулоқот акти ўз мақсадига эришади. Сўзловчининг истаги қисман унинг нутқида акс этади, қисман лексик бирликларда, қисман грамматик воситаларда, қисман имо-ишора ва кинемаларда, қисман мулоқот вазияти ва сабабида намоён бўлади. Прагматикага оид тадқиқотларда шу кунгача алоҳида тур сифатида тадқиқ қилинган нутқ акти типлари, жумладан, локуция, иллокуция ва перлокуция акт типлари ҳар бири муайян бир вазифани бажариб, оғзаки мулоқот актининг исталган бир типда ўзаро бирлашиб дискурс яратади.

Оғзаки мулоқот акти таркибидаги нутқий акт типлари вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади:

умуман олганда, нутқий акт вазифаси сўзловчининг тингловчига дискурста етказмоқчи бўлган хабар ёки мурожаатини талаффуз орқали етказилишини таъминлайди;

локуция акти орқали сўзловчи муайян контекстда тингловчига объект ҳақида гапириб унга таъриф ва тавсиф беради ва шу орқали мулоқот дискурси яралади, тингловчига мурожаат амалга оширилиб хабар етказилади;

иллокуция акти орқали сўзловчи мулоқотда объект ҳақида муайян мақсадда гапириб нутқий фаолиятни амалга оширади ва ўз навбатида унга жавоб актини кутади;

перлокуция акти орқали сўзловчи тингловчига дарак, сўроқ ва буйруқ шаклида ўз мурожаати, саволи, истаги, тилаги, фикри, мулоҳазаси, ҳукми, қарорини ўтказди ва мулоқотга чорлайди.

Ушбу акт типлари вазифасининг уйғунлигини инобатга олган ҳолда мулоқот актининг тадқиқ қилиниши хусусан, оғзаки мулоқот актининг лексик-грамматик хусусиятларини аниқлаш тилшуносликнинг структур ва прагматик сатҳдаги тадқиқот натижаларига таянган ҳолда ўзбек тилидаги коммуникатив тилшунослик назарияларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, оғзаки мулоқот актининг грамматик хусусиятларини аниқлаш унинг муайян тамойил ва қонуниятларга асосланганлигини кўрсатади. Умуман олганда оғзаки мулоқот акти инсоннинг мулоқот вазиятидаги ҳулқ атвори ифодасидир. Оғзаки мулоқот актининг индивидуал ёки ижтимоий гуруҳга хос хусусиятлари, аввало, унинг лексик бирликларида, қолаверса, унинг грамматик структурасида акс этади. Бунда мулоқотдаги тилнинг парадигматик хусусияти унинг синтагматик хусусиятидан устун келади. Яъни мулоқотдаги тил ўзининг белгилар системаси билан сегмент ва юқори сегмент фонетик бирликлар ёрдамида, энг асосийси когнитив онг таъсирида мулоқот вазиятида нутқий фаолият, оғзаки мулоқот акти сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. E. Murray. William B. Starr. The Structure of Communicative Acts, June 6, 2019: http://william-starr.net/research/the_structure_of_communicative_acts.pdf
2. G`afforov A. Ingliz tili grammatikasi. Toshkent: Turon-Iqbol, 2012. – B. 106.
3. Halliday. Introduction to Functional Grammar: 4th edition, Birmingham, 2014. – P. 263.
4. MY5 канали: Puls 1141. Televideniye dasturi maslahati.
5. Winter Yoad. A Unified Semantic Treatment of Singular NP Coordination, Linguistics and Philosophy Vol. 19: 1996. – P. 337–391.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инсонлар ижтимоий муносабатларида фойдаланиладиган мулоқот тили тадқиқининг назарий асослари, жаҳон тилшунослигида оғзаки мулоқот тили, тил ва нутқ масалаларининг муҳокамаси, замонавий тилшунослик соҳаларининг оғзаки мулоқот тили борасидаги қарашларининг мазмун моҳияти ва тадқиқот мақсади ифодаланган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны теоретические основы изучения разговорного языка, используемого в человеческих социальных отношениях, обсуждение разговорного языка в мировой лингвистике, проблемы языка и речи, содержание и цель взглядов современной лингвистики о коммуникативной функции языка.

SUMMARY

This article reveals the theoretical foundations of the study of spoken language used in human social relations, the discussion of spoken language in world linguistics, language and speech, the content and purpose of the views of modern linguistics on the communicative function of the language.

Наишга ф.ф.д. Б.Бахриддинова тавсия этган

МИКРОКОМПАРАТИВИСТИКАДА ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАЛҚИНИ

Халлиева Г.И. (ЎзДЖТУ)

Таянч сўз ва иборалар: *компаративистика, макрокомпаративистика, микрокомпаративистика, қиёсий-тарихий адабиётшунослик, эдицион тадқиқ, ўзбек мумтоз адабиёти, тарихий поэтика, анъана, ворислик, тадрижийлик, ўзаро таъсир, адабий алоқа, новаторлик, сюжет, мотив.*

Ключевые слова: *компаративистика, макрокомпаративистика, микрокомпаративистика, сравнительно-историческая литература, редакционные исследования, узбекская классическая литература, историческая поэтика, традиция, наследование, эволюция, взаимодействие, литературное отношение, инновация, сюжет, мотив.*

Keywords: *comparative, comparativistics, macrocomparativistics, microcomparativistics, comparative - historic literature, editorial research, Uzbek classic literature, historical poetics, tradition, inheritance, evolution, interaction, literary connections, innovation, plot, motive.*

Кириш. Компаративистика (лот.comparativus – қиёсий) турли хил жараёнларнинг қиёсий ўрганилишига асосланган фан йўналиши бўлиб, бошқа соҳалар қаторида қиёсий-тарихий адабиётшуносликни, тарихий поэтикани ҳам қамраб олади. Рус олимаси М.Г.Богаткина ўз мақоласида замонавий компаративистика илмий методологияси қиёсий-тарихий мактаб анъаналарига асосланганлиги ва матнни ўрганишнинг қиёсий методлари мажмуасидан иборатлиги ҳақидаги фикрни билдиради¹.

Асосий қисм. Шарқ миллий адабиётлари поэтикасини, ўзбек мумтоз адабиёти эстетик моҳиятини жаҳон адабий жараёнининг умумий тенденциялари миқёсида ўрганиш **тарихий поэтика** тараққиётида муҳим қадам бўлди, турли адабиётлардаги фактларни қиёслаш адабий жараён ривожланишининг умумий қонуниятларини белгилаб берди.

Бадий асарларни қиёсан ўрганиш жиҳатдан компаративистика иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. Макрокомпаративистика – генетик жиҳатдан боғланмаган турли миллат доирасидаги адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (*масалан: Шекспир ва А.Навоий ижоди*).

2. Микрокомпаративистика – бир миллатга ёки худудга (регион) мансуб адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (*масалан: А.Қаҳҳор ва Ў.Ҳошимов, А.Яссавий ва Махтумқули ижоди сингари*)

Адабиётшунос олимларнинг илмий ишларини қиёсан ўрганиш ҳам макро ёки микрокомпаративистика объекти бўлиши мумкин. Микрокомпаративистика бир илмий мактаб доирасидаги олимларнинг тадқиқотларини, макрокомпаративистика ҳар хил илмий мактабларни ўрганишга асосланади. Масалан, рус шарқшунослари илмий фаолиятининг қиёсан тадқиқи микрокомпаративистика нуқтаи назаридан текширилса, рус-ўзбек олимлари илмий ижодининг қиёси макрокомпаративистикани ташкил қилади. Буларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти бўлиб, ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Микрокомпаративистика қиёсий адабиётшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири бўлиб, ўзбек мумтоз адабиёти микрокомпаративистика нуқтаи назаридан деярли текширилмаган. Рус олими Н.И.Пруцков ўзининг компаративистик изланишларида бу каби тадқиқотларнинг адабиётшуносликдаги ўрнини алоҳида таъкидлайди². Н.И.Конрад қиёсий этюдлар

¹ Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. – Казань, 2004. – С. 303.

² Эдиционная практика и проблемы текстологии. Сборник (ред.Журав-лева Т.Ю.) –М.:РГГУ, 2006. – С. 3.

нафақат қиёсий адабиётшунослик, балки миллий адабиёт тарихи учун муҳимлигини қайд қилади¹.

Компаративистиканинг, қолаверса, микрокомпаративистиканинг илк куртаклари XIX аср охири XX аср бошларига бориб тақалади. А.Н.Веселовский (1838–1906) рус академ адабиётшунослигида қиёсий-тарихий мактабнинг асосчиси ва ёркин намояндаси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ҳар хил адабиётларнинг умумий томонларини ва дунё адабиётидаги ўрнини давр, замон, жаҳон контекстида аниқлашга қаратилди². Дастлабки тадқиқотларидаёқ олим масалага тарихийлик принципи асосида ёндашган. Масалан, 1859 йилда немис олими Г.Флотонинг «Илоҳий комедия» ҳақидаги мақоласига такризида: «Ёзувчини замондан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин, Данте ижодий мероси фақат Дантеники эмас, бунда даврнинг ҳам ролини англаш жоиз»,–дея олимнинг қарашларини танқид қилади³. Унинг назарида адабиёт тарихи ижтимоий фикр, маданият ва фан тарихидир, шоир шахсиятини эса маълум тарихий шароит шакллантиради, шоирнинг индивидуаллик, шахсий ташаббус даражасини аниқлаш учун, даставвал унинг ижоди нима билан қуролланганлиги тарихини кузатишимиз керак бўлади.

А.Н.Веселовский турли адабиётларнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилиш баробарида дунё адабиётини бир бутун эстетик жараён сифатида ўрганадиган тарихий поэтиканинг асосларини яратиб берди⁴. Олимнинг фикрича, тарихий поэтика этнография, фольклоршунослик ва адабиётшунослик тўплаган улкан материалнинг қиёсий-тарихий умумлашмасидир. Тарихий поэтиканинг асосий шарти адабий-бадий (литературно–художественное) жараённинг тадрижини ўрганишдан иборат. Бу поэтика турида анъана, ворислик, тадрижийлик, ўзаро таъсир, адабий алоқа, новаторлик, сюжет ва мотив чорраҳалари каби кўплаб тушунчаларга изоҳ топиш мумкин.

Макон ва замон нуқтаи назаридан қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятларни 4 та гуруҳга ажратиш мумкин. Бу жиҳатдан бир макон ва бир замонда, бир макон ва ҳар хил замонда, бир замон ва ҳар хил маконда, ҳар хил макон ва замонда яшаб ижод этган олимларнинг илмий фаолиятини қиёсан ўрганиш имконияти мавжуд (15).

Бу ўринда биз айрим рус олимларининг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича илмий изланишларини кўриб чиқамиз.

Адабиётшунослик тарихидан маълумки, Е.Э.Бертельснинг «Лисон ут-тайр» борасидаги қарашлари рус олимаси А.Н.Малехова тадқиқотларида муваффақият билан давом эттирилган⁵.

Микрокомпаративистика нуқтаи назаридан Е.Э.Бертельс (1890-1957) ва А.Н.Малехова (1938-2009) **бир макон, ҳар хил замонда** яшаб ижод этган олимлардир. Уларнинг айнан бир асар бўйича илмий изланишлари қиёсан ўрганишни, фикрлар тадрижи ва тақомилини кўрсатишни, қолаверса, фарқ ва умумийликни аниқлашни тақозо қилди. Ҳар иккала шарқшуносликнинг илмий қарашларини қиёсан ўрганиш асосида шундай хулосаларга келинди:

1. Е.Э.Бертельс (1928) ва А.Н.Малехова (1978) тадқиқотларида герменевтик таълимот мувозанати бузилмаган, матн моҳияти ўткинчи ғоя ва мафкуравий манфаатлар учун қурбон қилинмаган. Е.Э.Бертельснинг 40-йиллардаги тадқиқотлари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки қатағон сиёсати олимни давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур қилган; Ҳар иккала шарқшуносликнинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуфга алоқаси, Фоний тахаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранаислиги хусусидаги фикрлари деярли ҳамоҳанг. Масалан, Навоий ва тасаввуф масаласида Е.Э.Бертельс шоирнинг тасаввуф таълимотини чуқур билгани, аммо сўфий амалиётчи бўлмаганини қайд қилади. (*«Он воспринял всю моральную сторону суфизма, поставил введи идеала его конечные цели, но суфием практиком он не*

¹ Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои «Лисан-ат-тайр» («Язык птиц»): поэтика композиционных и образных средств: автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Т., 1978. – 26 с.

² Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в восточных литературах // Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1961. Вып. –№ 59. – С.86–97.

³ Академические школы в русском литературоведении. – М.: Наука, 1975. – 211 с.

⁴ Жирмунский В.М. Историческая поэтика А.Н.Веселовского и ее источники. –Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1939. Вып. –№3. –С. 5.

⁵ Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои Язык птиц // Алишер Навои. Язык птиц. –СПб.: Наука, 2007. – С. 202.

стал»)¹. А.Н.Малехова ҳам тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди. (Суфизм как философия был основной частью его образованности, для Навоий суфизм не цель, а средство, т.е. система знаний, призванная служить познанию, осмыслению действительности)².

2. Е.Э.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашади. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-маданий контекстда, майда унсурларига таҳлил қилади, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички ком-позицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологияси тадқиқига қаратади.

3. Ҳар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Қарашлардаги эволюция «Лисон ут-тайр» достонини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини кўрсатади.

Баъзи ўринларда айнан бир масалага турлича қараш, турли манбалар билан қиёслашни кўриш мумкин. В.М.Жирмунский (1891-1971) ва Н.И.Конрад (1891-1970) **бир макон ва бир замонда** яшаб ижод қилган, қиёсий адабиётшунослик методологияси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли рус олимларидир. Уларнинг компаративистика бўйича назарий хулосалари кўп жиҳатдан мос келади, аммо «Алишер Навоий ва Ренессанс» масаласида турлича қараш, парадигмалар тўқнашувини кўриш мумкин³.

В.М.Жирмунский	Н.И.Конрад
Улуғбек давридаги Самарқанд, Навоий давридаги Ҳирот, Бокаччо ва Петрарка даври Италия шаҳарларини эслатади.	Навоийнинг ренессанс оламида гуманизм устувор
Худди Данте ва Иоахим Дю Белле каби Навоий ўз она тилининг ҳимоячиси бўлди.	Антик дунёнинг барча машҳур файласуфларини шоир асарларида учратиш мумкин
“Фарҳод ва Ширин”даги уйғонишга хос гуманизм ва барча мотивлар Ўрта аср рицарлик романларида машҳур эди.	Навоий “Хамса” сида “Мажор” ва “Минор” уйғун
Қоран, Моний, Шопур каби идеал образлар Италия ренессансининг Челлини, Лука дель Роббиа, Леонардо да Винчига ўхшайди.	Тристан ва Изольда, Мастер ва Маргарита - Ғарб Лайли ва Мажнуни
Навоийнинг кўп қиррали фаолияти Уйғониш даври “Ғарб титанлари” билан ҳамоҳангдир.	Навоий барча халқлар шоири, умумий интеллектуал бойлигимиз.

Олимларнинг мақолаларидаги юқоридаги фикрлардан англашиладики, Н.И.Конрад «Лайли ва Мажнун» асаридаги эпизодларни Ғарб адабиётидаги Тристан ва Изольда, Мастер ва Маргарита билан қиёсласа, В.М.Жирмунский Навоий қарашларини Данте, Леонардо да Винчи, Петрарка қарашлари билан таққослайди. Н.И.Конрад Навоий ижодидаги универсалликка эътибор қаратиб, Навоий барча халқлар шоири, деган хулосага келади. В.М.Жирмунский Навоий «уйғониш даври Ғарб титанлари» билан ҳамфикр экани ҳақидаги ғояни илгари суради. Ҳар иккала мақолада ҳам Ренессанс умумий майдон сифатида кўрсатилган, аммо В.М.Жирмунский Ғарбнинг маданият, маънавият, илм-фан жабҳасидаги ютуқлари Шарқникидан устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилади, Н.И.Конрад Шарқ маънавияти ва маданияти ўзининг қадим чашмаларига эга бўлгани, бу борада Ғарбга эҳтиёж сезмаганини қайд қилади. Н.И.Конрад фикрига монанд хулосаларни М.Арипов, В.В.Бартольд, А.А.Гаджиев тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин⁴. Бизнингча, Н.И.Конрадининг халқлараро тенгликка асосланган концепцияси масалага ойдинлик киритади (... «ни у кого нет право считать

¹ Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критической изданий классических памятников литератур народов Ближнего и среднего Востока // Избранные труды. Т.5. –М.: Изд. вос. лит. – С. 319–320.

² Пруцков Н.И. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. – Л., Наука.1974. –203с.

³ Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – 462 с.

⁴ Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критической изданий классических памятников литератур народов Ближнего и среднего Востока // Избранные труды. Т.5. –М.: Изд. вос. лит. – С. 376.

себя народом особым, превосходящем всех других, мания величия у нации столь же ложна, вредна и просто смешна, как и мания величия у отдельного человека»¹. Н.И.Конрад тўғри таъкидлаганидек, адабий алоқалар натижасида чинакам асарлар бошқа халқларнинг адабиёт оламига тез кириб боради ва қайсидир даражада уларнинг ҳам маънавий мулкига айланади. Бунда таржима сўзсиз асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Демак, Навоий, Бобур ва ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа улуғ мутафаккирлари ижоди жаҳон халқларининг ҳам умумий интеллектуал мулки ҳисобланади.

Хулоса: Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланишида учта омил муҳим роль ўйнади: ўзбек маърифатчилик адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши, маданиятлараро диалог, яъни рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари, XX аср боши даврий матбуоти, дастлабки илмий муассаса ва жамиятлар фаолияти ўзбек мумтоз адабиётининг оммалашувига ёрдам берди.

Ижтимоий фанлар тарихида қандай характерда бўлишидан қатъи назар, рус шарқшунослиги майдонга келди. Соҳа спецификаси, олим ва илм манфаати, илм ва сиёсат муносабатини ўрганиш тарихий воқелик моҳиятини равшанлаштирди. Баъзан рус шарқшуносларининг холис илмий қарашлари ўзбек адабиётшунослари учун таянч манба вазифасини ҳам бажарди. Аммо туркий маданиятга қизиқиш ортида чоризмнинг сиёсий манфаатлари, Туркистонни батамом ўз қўли остига олиш, унинг барча моддий бойликларидан фойдаланиш, миллатни ўзига қарам қилиш мақсадлари борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Эдицион (лот. editio – нашр) тадқиқ мумтоз манбаларни илмий-текстологик тайёргарлик асосида нашр қилиш методикаси ва техникаси демакдир². Эдицион фаолият таҳрир, таҳлил, талқин, таржима, қиёс, баҳо каби жараёнларни ўз ичига олади. Рус илмида эдицион назария классик асарларни оммалаштириш ва муаллиф ижодий биографияси билан таништириш эҳтиёжи туфайли XVIII аср охирида шаклланган.

М.Розанов, А.Н.Веселовский, Б.В.Томашевский, Н.И.Конрад, В.М.Жирмунский, А.Николина, В.Хализев, Ю.Лотман, А.Голубева каби олимларнинг бадиий матн таҳлиliga оид назарий фикрлари нафақат рус шарқшунослари, балки барча филологлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Хуллас, рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи масаласи микрокомпаративистика нуқтаи назаридан ўрганилиши мумкин бўлган мавзу бўлиб, бу борадаги илмий изланишлар фанга янги маълумотлар бериш билан бирга, миллий адабиётимизнинг ўзига хос томонларини аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 223 б.
2. Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критического издания классических памятников литератур народов Ближнего и среднего Востока // Избранные труды. Т.5. – М.: Изд. вос. лит. – С. 376-382.
3. Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. – Казань, 2004. – С. 302–304.
4. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.
5. Жирмунский В.М. Историческая поэтика А.Н.Веселовского и ее источники. – Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1939. Вып. – №3. – С.3–19.
6. Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в восточных литературах // Ученые записки ЛГУ. Сер. филол. наук. 1961. Вып. – №59. – С.86–97.
7. Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – М.: Наука, 1978. – 462 с.
8. Конрад Н.И. Неопубликованные работы. Письма. – М.: Российская политическая энциклопедия, 1996. – 543 с.
9. Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои «Лисан-ат-тайр» («Язык птиц»): поэтика композиционных и образных средств: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1978. – 26 с.

¹ Конрад Н.И. Неопубликованные работы. Письма. – М.: Российская политическая энциклопедия, 1996. – 32 с.

² Ҳаққулов И.Ч. Шахсият ва шеърят. – Т.: ТДПУ, 2014. – Б. 85.

10. Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои Язык птиц // Алишер Навои. Язык птиц. –СПб.: Наука, 2007. – С.267–329.

11. Пруцков Н.И. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. – Л., Наука.1974. –203 с.

12. Эдиционная практика и проблемы текстологии. Сборник (ред. Журавлева Т.Ю.) –М.: РГГУ, 2006. –141 с.

13. Ҳаққулов И.Ч. Шахсият ва шеърят. – Т.: ТДПУ, 2014. –113 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қиёсий адабиётшуносликка оид ўтмиш ва замонавий назарий адабиётларни узок йиллар давомида ўрганиш натижасида рус шарқшуносларининг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича излашнилари микрокомпаративистика объекти экани таҳлил қилинган. Ўзбек адабиётшунослигида компаративистиканинг бу долзарб ва янги йўналиши хусусида илмий тадқиқот олиб борилмаган, унинг назарий асослари қиёсий йўналишдаги илмий ишларга ҳали тўлиқ татбиқ қилинмаган. XX асрнинг биринчи ярмига қадар рус адабиётшунослигида мифологик, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, психологик, ижтимоий-фалсафий, семиотик йўналишдаги академик илмий мактаблар шакллланган ва ривожланган. Табиийки, бу илмий мактаблар эришган ютуқлар ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқига ҳам татбиқ этилган. XX аср рус шарқшунослигидаги фундаментал ишлар эдицион тадқиқ натижаси экани аниқланди.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется тот факт, что результаты многолетних исследований русскими востоковедами узбекской классической литературы являются объектом микрокомпаративистики. В узбекском литературоведении научные исследования по этому актуальному и новому направлению компаративистики не проводились, его теоретические основы еще не были в полной мере применены к научной работе в данном направлении. До первой половины XX века в русском литературоведении формировались и развивались академические научные школы мифологического, культурно-исторического, сравнительно-типологического, психологического, социально-философского, семиотического направлений. Естественно, достижения этих научных школ были применены для изучения узбекской классической литературы. Фундаментальные работы по русскому востоковедению двадцатого века были признаны результатом эдиционных исследований.

SUMMARY

The article analyzes the fact that the study of Russian classical literature by Uzbek orientalists as a result of many years of studying past and present theoretical literature on comparative literature is an object of micro comparative. There are no scientific studies in Uzbek literature on this relevant and new area of comparative research, the theoretical foundations of which are not yet fully applicable to comparative research. Until the first half of the twentieth century, there were formed and developed academic schools of mythological, cultural-historical, comparative-typological, psychological, socio-philosophical, semiotic schools in Russian literature. Naturally, the achievements of these scientific schools were applied to study Uzbek classical literature. The fundamental work on twentieth-century Russian Oriental studies was recognized as the result of editorial research.

Наширға ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

«ҚИЁМАТ» РОМАНИДА ПАРАЛЛЕЛ ХРОНОТОПНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўраева Б.Б. (ЎЗДЖТУ)

Таянч сўз ва иборалар: *хронотоп, микроолам, макроолам, параллел замон, амебей композиция, мотив, сюжет чизиги, композицион қурилиши, Чингиз Айтматов, роман.*

Ключевые слова: *хронотоп, микромир, макромир, параллельное время, композиция амебей, мотив, сюжетная линия, композиционная конструкция, Чингиз Айтматов, роман.*

Key words: *chronotope, microworld, macroworld, parallel time, amebey composition, motif, plot line, compositional construction, Chingiz Aitmatov, novel.*

Кириш. Маълумки, хронотоп бадиий матнда муаллифнинг турли-туман воситалари ёрдамида акс эттирилади. Адабий асарда воқеа дақиқалар, кунлар, ҳафталар орқали (масалан, кундалиқлар кўринишида), яъни кетма-кетликда, санама-сана тартибга солинган ва қисм-

ларга ажратилган ҳолда баён этилиши мумкин, бу эса воқеа-ҳодисаларнинг давомлиги ёки ишончилиги ва асослилиги ҳақида тасаввур уйғотади.

Бадий замонни ифода этишнинг бошқа кўринишида муаллиф дискрет (алоҳида парчаларга ажратилган, узуқ-юлуқ) замондан фойдаланиб, яхлит замон оқимидан «бўшлиқлар» ўтказиб юборилган ҳолда энг муҳим, сюжет жиҳатидан зарур лаҳзалар танлаб олинади. Бу вазифани асарда ҳикоя қилувчи бажаради, у вақтни «чўзиши» ёки аксинча, «қисқартириши», орқага қайтариши, осонлик билан бир замондан бошқасига ўтиши ёхуд параллел замонларни ва турли маконларда бир пайтда юз бераётган ҳодисаларни тасвирлаши мумкин. Баъзан турли вақт «оқимлари» «қўшничилик қилади»¹. Замонлар алмашинуви натижасида воқеалар турли маконларда кечади. Чингиз Айтматовнинг ўзига хос бадий маҳорати шундаки, унинг романлари амёбей композиция² асосида қурилган.

Асосий қисм. «Қиёмат» романида олти ёндош хронотоп – Акбара ва Тошчайнар микроолам хронотопи; гиёҳванд чопарлар, сайғоқ овловчилар ва Авдий Каллистратов макроолам хронотопи; грузин халқининг жўмард йигити Гурам Жўҳадзе бошлиқ йигитлар ва уларни йўқотиш ҳақида топшириқ олган чекист Сандро макроолам хронотопи; Исо Масих ва Понтий Пилат макроолам хронотопи; Авдий ва Исо Масих микроолам хронотопи; Бўстон ва Бозорбой микроолам хронотопи асар воқеалари кўламини кенгайтириш, инсон ва табиат муносабатларини параллел йўсинда тасвирлаш, характерлар руҳиятидаги турфаликни таъминлаш, композицион яхлитликка эришиш каби бадий-эстетик вазифаларни бажарган. Акбара ва Тошчайнар хронотопи роман сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи асосий сюжет чизиғи ҳисобланади. «Мустақил сюжет чизиқлари асарнинг мантикий занжирини ташкил қилади: бўрилар, гиёҳвандлар, Авдий Каллистратов, Олтовлон ва еттинчи, Понтий Пилат ва Исо, Бўстон ва Бозорбой»³.

Авдий Пушкин музейида булғор ибодат кўшиқларини тинглаганда беғубор болалик дамларини, ота-онасини эслайди, чин дилдан севишни истаган, аммо уни ҳали учратиб улгурмаган суюкли инсони ёнида бўлишини хоҳлайди, қалбан ва руҳан бирдам ўн нафар кўшиқчинини ўзига оға-ини каби яқинлигини ҳис қилади. Елкадошлик, биродарлик хисси бир вақтлар ўқиган «Олтовлон ва еттинчи» грузин ҳикоясини ёдига солади. Ватан ҳимояси йўлида жонини тиккан Гурам Жўҳадзе ва омон қолган олти нафар сафдоши видалашув кечасида биргина хоин Сандро қўлида ҳалок бўладилар. Ёзувчи Гурам Жўҳадзе ва Сандро макроолам хронотопини Авдий микроолам хронотопига контраст ҳолда қўллайди. Авдий нашаванд чопарлар ва сайғоқ овловчиларни ёлғиз ўзи жиний йўлдан қайтармоқ истагида барбод бўлса, олти нафар жасур ва паҳлавон йигитлар биргина хоин туфайли ҳаётдан кўз юмадилар. Ёзувчи қанчалар азоб-уқубатлар, қийинчиликлар билан эришилган, Ригведа, муножотлар, сеҳр-жодулар, ромлар, дуолар, ҳамду наътлар, шомонлар, асрлар бўйи қанча-қанчалаб илтижолар, ибодатлар, дуолар кўкка ёғилиб, мушкулликлар ичида туғилган одамийликни биргина тубан кимса ҳам ёки ёвуз мақсад бирлаштирган ҳар хил тўда вакиллари ҳам поймол қилишини, қиёмат қойим бўлишини Гурам Жўҳадзе ва Сандро макроолами ҳамда Авдий микроолами орқали ифодалаган.

Романда микроолам хронотопининг моҳият-мазмуни асосан Акбара, Исо Масих, Понтий Пилат, Авдий ва Бўстон монологларида очилади. Қаҳрамонларнинг кечинма ва ўй-хаёллари бевосита ўз тилидан баён этилгани боис микроолам тасвирининг таъсирчанлиги ошган. «Монологизм, – деб ёзади М.Бахтин, – муайян чегарада ўзидан ташқаридаги ва ўзи билан яшашга тенг ҳуқуқли бўлган онгни, яъни бошқа «мен(сен)»ни рад қилади. Монологик муносабатда (соф ҳолда) бошқа фақат онг объекти сифатидагина мавжуд бўлади, бошқа жиҳат

¹ Павельева А.К. Концепции, формы и свойства художественного времени в литературном произведении. – С. 139. <http://journals.hnpu.edu.ua>

² Амёбей композиция – (*gr. amidaios* – ўзаро сўзидан). Бадий асарнинг параллелизмга, бирор асосий қисмлари ёки образларининг такрорланишига асосланган қурилиши. Амёбей композиция дастлаб қадимги грек адабиётида юзага келган// О'раева Д. Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug'ati. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – В. 10.

³ Жусупова А.А. Концепция личности в романе «Плаха» Ч. Айтматова// Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2010. – № 3 (7). – С. 66. ISSN 1997-2911. www.gramota.net/materials/2/2010/3/18.html

билан эмас. Ундан дунёда менинг фикримни ўзгартириши мумкин бўлган жавобни кутмайдилар. Монолог бошқасиз яшай олади. Монолог ҳар доим сўнгги ҳал қилувчи сўз бўлишга даъвогар»¹.

Исо Масих юзасидан синедрион² ҳукмини тасдиқлашни очикдан-очик талаб қилаётган муфтилар муфтиси Кайафа ва хотинининг ўзингиз ва наслларингиз бошини маломатга қўйманг қабилидаги хати таъсирида пайдо бўлган Понтий Пилат руҳиятидаги зиддият, пўртана (микроолам) ички монолог шаклида келтирилади. Ички сезим ва хат таъсирида Исога раҳми келган прокурор уни фикрларидан воз кечишга ундайди: «*Шу тобда нималарни ўйлаётган экан бу одам? Ҳойнаҳой, ичида қаттиқ афсус чекаётгандир? Тўқиб чиқарган галати гап-сўзлари ўз бошига етганлигини балки тушуниб қолгандир? Лекин негадир улардан воз кечолмади. Ўз тузогига илинди. Ана энди, қутулиб кўр-чи: ҳамма-ҳамма учун – бутун замин у замона, бутун бани башар учун – битта Худо. Битта имон. Ҳамма-ҳамма учун битта Адолат Салтанати. У нимага шама қиляпти? ...Лекин юрагида нималар яширинган, Худо билади – кўзлаган ишларини кўринг, фақат буюк ақл эгасигина бунақа режа тузишга қодир. Унга қараган одам сира шундай деб ўйламайди!*»³.

«*Исо пайгамбар ҳозирги замон кишиларига дилимдаги муқаддас гапларимни айтиши имкониятини яратди. Шунинг учун камина, ўз ижодимда унга тўқнаш келдим. Нима учун бош қаҳрамон қилиб Авдий Каллистратовни танлаганимнинг боиси ҳам шунда*»⁴.

Авдий монологда эса тақдирида юз бериши муқаррар фалокатларга ишора қилинади: «*Мен шак, гумон кучлари устун келган замонда тугилдим. У шубҳалар ўз навбатида яна янги шубҳаларни вужудга келтирди. Мен ана шу жараённинг мевасиман. Мени бир томон кўкрагимдан итариб, четга суриб қўйди, иккинчи томон эса, мени бутун мураккабликларим билан ўзига қабул қилишни истамайди. Нима ҳам қилардик, тарих менга ўхшаганлардан қасдини олади, уларни эрмакка айлантиради...*»⁵. Нашаванд чопарлар ва сайғоқ овловчи ароқхўрлар учун Авдий ҳаёти, онгу шуури, ғоялари эрмакка айланади.

Ердаги жонзотлардан нажот ололмаган Акбара ойдаги Бўри Онага нола қилади: «*Ё бўрилар худоси Бўри Она, ўзинг кўр ҳолимни, совуқ тоғларда толеи шўр ва забун бўлиб ўтирган мен Акбарангман! Ҳолим ёмон бўлди! Фарёдларим қулоғингга етиб боряптими? Аччиқ-аччиқ кўзёш тўққанларим, нолаларимни эшитяпсанми? Ичим оғриқдан ёниб кетяпти, эмчакларим сутга тўлди, кимни эмизаман энди, кимни боқаман энди? Болаларимдан айрилиб қолдим. Ў, қани ахир улар? Нима бўлди уларга? Бу ёққа туш, Бўри Она, ёнимга туш, ёлвораман, қўшилишиб йиғлайлик, қўшилишиб нола қилайлик. Ў, ёнимга туш, туша қол, сени ўзим тугилган юртга бошлаб борайин, бўриларга яшаиш учун жой қолмаган чўлларимни кўрсатайин. Ў, туш, мана шу тошлоқ тоғларга туш, бу ерларда ҳам энди бизга жой йўқ, бизга ўзи ҳеч қайда бошпана қолмади шекилли...Агар тушмайдиган бўлсанг, ё Бўри Она, унда мен афтодани, болаларидан жудо Акбарангни ўз ёнингга ол!*»⁶. Акбара монологи орқали ҳайвонот оламининг бугунги кундаги таназзули, ҳаётлари қиёматга айлангани, уларнинг яшаши, насл қолдириши учун тинч макон қолмагани ўткир драматизм асосида тасвирланган. «Туркий халқлар реалистик насри, хусусан, Ч.Айтматов романларида ҳам бўри тимсоли яратилган. Айниқса, Акбара ва Тошчайнар образлари диққатни тортади. Адиб романида гарчи реалистик бўёқлар қуюқ бўлса-да, ёзувчининг айнан бўри тимсолини танлашига боис, бўри тотеми билан боғлиқ туркий халқлар мифологиясидир»⁷.

¹ Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., 1979. – С.318.

² Синедрион – Иерусалим (Қадимий Иудея)даги Олий суд, сиёсий вазифаларни амалга оширувчи ташкилот.

³ Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 86.

⁴ Айтматов Ч. Ё ҳаёт, ё мамот. //Ёшлик журналы, 1986. – № 10. – Б. 64.

⁵ Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 34.

⁶ Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 160.

⁷ Давронова Ш.Ғ. Истиклол даври ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур// Вухоро davlat universiteti ilmiy axboroti, 2019. – № 4 (76). – Б. 197.

Романнинг биринчи ва иккинчи қисмларида инсон ва жамият муносабатлари акс эттирилгани учун макроолам хронотопи устувор. Учинчи қисмда эса руҳий изтироблар асосий ўрин эгаллаган. Акбара ва Тошчайнар, Бўстон ва Гулимхон микрооламлари айрилик, фарзандини йўқотиш мотиви асосида параллелизм ҳосил қилган. Табиатнинг ёзилмаган қонуниятлари – жонзотларнинг яқинлари учун ўч олишини билган Бўстон Бозорбойни ҳар қанча огоҳлантирмасин, пинагини бузмайди. Разолат ва тубанликни касб қилган Бозорбой (бўри болаларини олиб қочган Бозорбой Бўстоннинг қўтонида жон сақлаган эди) Акбара ва Тошчайнар Бўстоннинг тинчини бузишгаётганидан ҳатто хурсанд бўлади, ёвузликнинг иккинчи учи ўз ҳаётига зомин бўлишини ҳаёлига келтирмайди:

– Балки сен билан анов бўричалар тўғрисида гаплашиб олсакмикин, Бўстон, – деб Бозорбой қовоғини уюб, бошини силкиди.

– Сен билан буни гаплашиб бўлганмиз. Чўзишининг нима кераги бор?

– Менимча, керакмас. Менга ҳалал берма. Овқатимни ейману чиқиб кетаман.

– Қаерга шошяпсан, итвачча? – Бозорбой шаҳд туриб, энгашиди-да, газабдан ўзгариб кетган бетини Бўстонга яқинлаштирди. – Қаерга шошяпсан, аблаҳ? Сен билан ҳали бўрилар тўғрисида гаплашиб олмадик. Сен ахир директорнинг кабинетидеги мажлисда ҳамманинг ўртасида мени извогар дебсан, мен туфайли бўрилар қутуриб қўйларни бўғизлаётган эмиш. Извогар нима дегани, мени билмайди деб ўйлайсанми? Сенингча, мен фашист, фақат сен ичимизда виждонли, ҳалол экансан-да?

Бўстон ҳам ўрнидан сакраб турди. Энди икков юзма-юз келдилар.

– Тилингни тийиброқ юр, – бўш келмай деди Бўстон. – Сени фашист деганим йўқ. Билганимда айтардим. Сен извогар, аҳмоқ, ичи қора одамсан, бу – тўғри. Буни сенга илгариям айтганман, ҳозир ҳам айтаман. Лекин менга осилмай, жойингга қайтсанг, ўзингга яхши бўлади.

– Сен менга ақл ўргатма, қаерда бўлишим, нима қилишимни ўзим яхши биламан! – ҳаддан ташқари қаҳрга минди Бозорбой. – Менга хўжайин эмассан. Тупурдим сенга. Майли, сенингча извогар бўлай, сен-чи, сен ўзинг кимсан? Одамлар сенинг кимлигингни билмайди дейсанми? Эрназарни ўлдирдинг. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди, деб юрибсанми ҳали? Сен, аблаҳ, Эрназар тириклигида унинг хотини билан дон олишгансан, хотининг ўлишини билгансан. ... Яна партия аъзоси эмиш! Сени партиядан бўйнингга уриб ҳайдаш керак. Ўргилдим сендақа илгор, стахановчидан! Сени суд қилиш керак!¹

Бўстон ва Бозорбой диалогидида конфликтни юзага келтирган ҳодиса бўри болаларини инига қайтариш, Акбара ва Тошчайнарни Бўстоннинг қўтони атрофидан кетказиш эди. Кўролмаслик, хусуматдан фиғони фалак Бозорбой қилмишини (Бозорбой бўри болаларини ўғирлаб, Бўстоннинг қўтонида жон сақлаган, ортидан қувиб келган Акбара ва Тошчайнар болаларини шу ерда деб ўйлашиб, кечаю кундуз қўтон атрофида изғиб, хавф солишарди) тан олмасдан, Бўстонни ҳукуматга қарши иш қилишда айблаб, партия мажлисида пўстагини қоқиш таҳдидини қилади. Бозорбой биргина бўри болаларини эмас, балки Бўстоннинг кенжатоғи Кенжашни ҳам барбод қилишини англаб етмасди. Диалог орқали Бўстон ва Бозорбой микроолам хронотопининг мазмун-моҳияти очилган. Зеро, «диалогизм, аввало, инсонни, унинг моҳияти ва бутун борлигини тушуниш ва тушунтириш учун зарур фалсафий категориядир»².

Сюжетнинг уч асосий чизиги – Акбара ва Тошчайнар; Авдий Каллистратов; Бўстон ва Бозорбой замон ва маконда турлича олти хронотопни туташтиради. Параллел хронотоплар бир-бирини умумбашарий ғоялар билан тўлдирган ҳолда замонлароша ўтмишга ҳаракат қилади, воқелик бир макондан бошқасига кўчирилади. Параллел хронотопда воқелик бир минг тўққиз юз эллик йил ўтмишга юз тутиб, макон саҳро, кўл, тоғ ва шаҳарларга кўчса-да, Акбара ва Тошчайнар микроолам хронотопи барчасини туташтирувчи «занжир» вазифасини ўтайди. Қиёматнинг турли шаклларда қойим бўлиши – динсизлик, гиёҳвандлик, ароқхўрлик,

¹ Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 175-176.

² Руднева А.А. Теория литературы. – М.: Флинта-Наука, 2010. – С. 46.

ахлоқсизлик, табиатни топташ каби ғоялар тасвирида олти хронотоп ёндош келтирилади. «Асар икки мингинчи йилнинг боши билан икки мингинчи йилнинг охирини туташтиргандай бўлди, Айтматов имон учун икки минг йиллик курашнинг мазмунини шу кичик асарга жойлаштириб беролди. Ҳамма халқларнинг ўз авдийлари, ўз бўстонлари, ўз исолари, ўз акбаралари, ўз кўчқорбоевлари, ўз бозорбойлари бор. Ҳамма халқларнинг маданий тарихлари марказида имон учун кураш туради. Имон жаҳондаги барча халқларнинг тарихларини бирибирига яқинлаштиради. Имон учун кураш – умуминсоний ғоядир. ...Романда тасвирланган улуғ Мўйинқумдаги қирғин ва кувгин мана шу имонсизлик туфайли рўй беради. Имонсиз муносабатлар туфайли она табиат оромсиз бўлиб қолди. Одамзоднинг заминдан, шу сув, ҳаводан ўзга паноҳи йўқ. Бизнинг замонамизга келиб ана шу паноҳ хавф остида қолди. ...Қаранг, Акбара билан Тошчайнар қандай паноҳсиз. Авдий паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз. Ҳамма нарса гўё омонат. Ҳамма нарса гўё тубсиз зулмат чоҳ оғзига келиб қолган. ...Ҳамма нарса романда безовта титроқ ва ҳаросонлик ичида»¹.

Область бошқармасидаги ақлли устаси фарангларнинг таклифига биноан Мўйинқум гўшт захираларини «ҳаракатга келтириш» воқеаси Мўйинқум жонзотлари учун ҳақиқий қиёматнинг қойим бўлиши билан баравар эди. Бундай ваҳшийликдан қайтаришга ожиз Авдий қанчалик уринмасин қўлидан ҳеч бир иш келмас, Обер Кандалов бошлиқ арокхўрларнинг ғазабини келтирарди, холос. Кузовда эртага жўнатиш учун қолдирилган ўнлаб сайғоқ тўшлари орасида қўллари худди асир олингандай боғлаб қўйилган Авдийнинг ўй-хаёллари, Худога интилиш ва унинг висолига етиш йўли инсонга муҳаббат орқали намоён бўлишини Инга сиймосида кўргандай ҳис қиларди. Ёзувчи қаҳрамон характерини ифодалашда контраст усулини қўллайди, яъни ўлими олдида севиклиси Инга ҳақидаги ширин хаёлларга ғарқ бўлган Авдийнинг қалб кечинмалари, хотиралари асосида вақт дарёсининг чексизлигидан фойдаланиб, асар воқеаларини тасвирлайди. Асарда бадиий замон бир хил кечмайди, дам олдинга, дам ортга ҳаракатланади, эслаш усули устувор бўлгани боис Авдий ўтмишига назар солинади. Ёзувчининг ўзи асарда шундай эътироф этган: «*Яна агар тақдир ва тақдирлар хусусида, бошқа ҳодисаларни келтириб чиқарадиган турли-туман ҳол-аҳволлар хусусида сўзлайдиган бўлсак, унда айтишимиз керакки, буларнинг бари анча илғари бошланган ва бу ерлардан анча олис ерларда бошланган эди...*»². Халқали замон сайғоқ овловчи арокхўрлар, нашаванд чопарлар ва Авдий сюжет чизиғининг ибтидо ва интиҳо нуқталарида туташади, яъни воқеа ибтидосида қўл-оёғи тушовланган Авдий шу сюжет чизиғи якунида Обер Кандалов томонидан «суд қилинади» ва чўл ўртасидаги тик ёғочга боғлаб ташланади. Авдий руҳияти, қалб эврилишларининг таъсирчанлигини Исо Масих ва Понтий Пилат макроолам хронотопи оширади, тамоман айри хронотоплар параллел қўйилади. Замонда турфалик бўлгани боис воқеалар Россия, Туркия чегарасидаги хилват ўрмон, Грузия, Мўйинқум ва Чу чўллари, Қуддуси шариф, Ола Мўнгу довони, Иссиқкўл, Учқудук, Жамбул каби маконларда алмашинади.

Иисус Христос (Исо алайҳиссалом)нинг якка худолик динини тарғиб қилганлиги, илоҳий, инсоний ва тарихий қарашлари учун чормих қилиниши, инсонийлик қиёфасини йўқотган афюнгарларга қарши тенгсиз кураш олиб борган ва янги Худо кашф этмоқчи бўлган диний семинарчи, соф ниятли олижаноб инсон Авдий Каллистратовнинг Мўйинқум даштида ваҳшийларча қатл этиб кетилиши, «Олтовлон ва еттинчи» балладасидаги қўрбоши Гурам Жўҳадзе ва унинг йигитларининг айғоқчи Сандро томонидан қириб ташланиши, виждон азобида қовурилган Сандронинг пировардида ўзини ўзи отиб ташлаши, шунингдек, Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз музлик ўпқонига оти билан ғарқ бўлган бегуноҳ Эрназар қисматида ҳам, кўз қорачиғи – норасида фарзандини олиб қочаётган аламзада бўрини отаман деб, қутилмаганда ўз ўғли Кенжашни бирга қўшиб отиб қўйган Бўстон Ўркунчиевнинг қисматида ҳам, шум ниятда ёвузлик йўлига кирган худбин Бозорбой саргузаштларида ва ниҳоят ўқувчининг

¹ Ғафуров И. Оромсиз дунёда //ингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. – Т.: Noshir, 2008. – Б. 197.

² Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 20.

меҳрига сазовор бўлган Акбара ва Тошчайнарларнинг тақдирида ҳам қиёмат кўпади – ҳамма-хаммаси фожиага учрайдилар¹.

Хулоса. Ижтимоий муаммолар, қарама-қарши кучларнинг зиддияти, ҳар қандай замон ва маконларда қабоҳатни қуритмоқчи бўлганлар тақдирида «чормих қилиниш», «саксовулга осилиш» сингари аччиқ қисматнинг борлигини макроолам хронотопи; характерлар руҳиятининг барча қирраларини аниқлаш, кечинмалар орқали ҳаётнинг турли муаммоларини акс эттириш, персонажлар руҳий оламини ўтмиш билан боғлаш каби адабий-эстетик вазифани микроолам хронотопи бажаради.

Исо Масих ва Понтий Пилат; гиёҳванд чопарлар, нашавандлар ва Авдий; Гурам Жўҳадзе ва Сандро, Бўстон ва Бозорбой хронотоплари монологизм ва диалогизм концепцияси орқали юзага чиққан. Муаллиф «овози» персонажлар «овози»ни чекламаган, балки улар билан диалогик муносабат ўрнатган. Микроолам хронотопининг асосини ички монолог ташкил этган.

Характерлараро конфликт, қаҳрамон ва муҳит конфликтини ички (психологик) конфликт пойдеворида шакллантирилган. Асарда қоришиқ ҳолда, ўзаро узвий алоқада бўлиб, бири иккинчисига ўтган, бири иккинчисини келтириб чиқарган ёки бири иккинчиси орқали ифодаланган. Бу адабий ҳодиса макроолам ва микрооламнинг параллеллигини таъминлаган.

Руҳий тасвирнинг эслаш усули Авдий ва Бўстон характерларининг мазмун-моҳияти, қалб драматизми, руҳий кечинмаларнинг ҳаққоний очилиши ҳамда хронотоп сарҳадларининг кенгайишига замин яратган.

Қаҳрамон микрооламида инсон ва жонзот руҳиятининг изтиробини, дарду алами туш мотиви орқали берилган. Болалари ва Тошчайнаридан мосуво бўлган Акбаранинг тушида бахтиёр онлари, Бўстоннинг тушида Эрназарнинг ҳалокати, муз довоида мангу қолиб кетиши намоён бўлади. Биринчи тушда эришиб бўлмайдиган орзунинг ҳасратга айланиши, иккинчисидан эса рўй бериши муқаррар фалокатнинг башорати таъбир қилинади.

Роман сюжет чизиклари параллел хронотопни ҳосил қилгани боис сюжет унсурларида ҳам алоҳидалик сезилади. Бу асарнинг яхлит композициясига путур етказмаган. Юқорида таҳлил қилганимиз олти хронотоп амебей композицияси асосида яхлитлик касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 432 б.
2. Айтматов Ч. Ё ҳаёт, ё мамот. //Ёшлик журнали, 1986. – № 10. – Б. 64-67.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. – 416 с.
4. Давронова Ш.Ф. Истиклол даври ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур// Vuxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, 2019. – № 4 (76). – Б. 195-199.
5. Жусупова А.А. Концепция личности в романе «Плаха» Ч.Айтматова// Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2010. – № 3 (7). – С. 66-71. ISSN 1997-2911. www.gramota.net/materials/2/2010/3/18.html
6. Павельева А.К. Концепции, формы и свойства художественного времени в литературном произведении. – С. 133-148. <http://journals.hnpu.edu.ua>
7. Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. – Т.: «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. – 256 б.
8. Руднева А.Я. Теория литературы. – М.: Флинта-Наука, 2010. – С. 46.
9. O'rayeva D. Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug'ati. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – 140 б.
10. Ғафуров И. Оромсиз дунёда. //Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. – Т.: Noshir, 2008. – Б. 197-198.

РЕЗЮМЕ

Мақолада микроолам ва макроолам хронотопларининг хусусиятлари «Қиёмат» романи мисолида илмий-назарий таҳлил қилинган. Жаҳон илмий-назарий тафаккурининг кейинги юз йиллик тараққиётида хронотоп борлиқни акс эттиришнинг поэтик воситаларидан бири ҳамда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг ғоявий концепциясидан келиб чиқиб, сюжетни юзага чиқаришда, композицион қурилишида, реал ҳаётнинг воқелик манзарасини инъикос этишда асос бўлган адабий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда.

¹ Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. – Т.: «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижод уйи, 2011. – Б. 202.

РЕЗЮМЕ

В статье приведен научный и теоретический анализ свойств микромира и макромира на примере романа «Плаха». В последующем развитии научно-теоретического мышления в мире хронотоп считается одним из поэтических средств демонстрации реальности, а также литературным процессом, который является основным для выражения реальности в композиционном построении и иллюстрации сюжета, опираясь на замысел писателя и идеологическую концепцию литературного произведения.

SUMMARY

The article provides a scientific and theoretical analysis of the properties of the microworld and macroworld on the example of the novel «Doomsday». In the following development of the scientific-theoretical thinking in the world, the chronotop is accepted to be one of the poetic means to demonstrate the reality as well as to be a literary process that is basic for the expression of the reality in the compositional construction and illustrate the plot relying on the writer's intention and the ideological conception of the literary work.

Наируга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

ИНГЛИЗ ШОИРИ Ж.Г.БАЙРОН ПОЭЗИЯСИДА ШАРҚОНА ОБРАЗЛАР

Қурбонов П.А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: поэзия, романтизм, метод, мотив, образ, қадрият, озодлик, инқилоб, инсонпарварлик, фожиа, ҳиссиёт, эҳтирос, севги, қаҳрамон, қувгинди, мусофир, муҳожир, исёнкор, ёлғиз, ёвуз.

Ключевая слова: поэзия, романтизм, метод, образ, ценности, свобода, революция, гуманность, трагедия, чувство, страсть, любовь, герой, изгнанник, приезжий, иммигрант, мятежник, одинокий, злой.

Key words: poetry, romanticism, method, character, tradition, freedom, revolution, humanism, tragedy, feelings, passion, love, hero, stranger, emigrant, mutiny, lonely, wicked.

Инглиз романтизм адабиёти ва ижодий методининг вужудга келишини инглиз адиблари Жон Драйденнинг «Аврангзеб» драмаси, кейинроқ эса Байрон, Шелли, «Кўл мактаби» шоирлари Сэмюэль Кольриж, Роберт Саути, Уильям Вордсворт асарлари билан боғлайдилар. Биз ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда, яна шуни айтамызки, инглиз поэзиясида шарқона мотивлар ва образларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганишда уни алоҳида эмас, балки Ғарбий Европада романтизмнинг вужудга келиши билан боғлаб ўрганиш муҳимдир. Европада бир ховуч зодагонлар, олигархлар томонидан халқ шафқатсиз эксплуатация қилиниб, шахс эркинлиги, маънавий қадриятлар таназзулга учраган, буюк француз инқилобининг инсонпарварлик, озодлик, барча инсонларнинг тенглиги ва биродарлиги идеаллари қадрсизланган бир вақтда ёрқин истеъдод ва ақл-заковат соҳиблари бўлган романтик ёзувчи ва шоирлар бу юксак қадриятларни Шарқдан топишга интиладилар. Улар ўз асарларида Шарқдаги кучли шахслар, қаҳрамонларнинг жамиятда ўзгаришлар қилиши мумкинлигига ишонадилар. Иккинчидан, романтиклар Шарқ ҳаётида севги-садоқатнинг ёрқин намуналарини кўрадилар. Байроннинг барча етук поэмаларида кучли шахсларнинг тақдиридаги фожиалар, севги ҳам замона зўрларига қарши тенгсиз кураш билан боғлиқ эканлиги тасвирланади. Ж. Байроннинг 1809–1811 йилларда Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳати, Усмонли турк империясига қарам бўлган турли шаҳарлардан то Константинополгача (Constantinople) қилган саёҳати «Чайльд Ҳаролднинг зиёратлари» (Childe Harold's Pilgrimage. 1809–1817) достонининг дастлабки икки кўшигида ва «Шарқона қиссалари» (The Oriental Tales 1813–1816 йиллар ораси)да акс этади.

Байрон ўзининг «Шарқона қиссалар» (The Oriental tale)и туркумига кирган «Гяур» (The Giaour, 1813), «Абидослик келин», (The Bride of Abydos, 1813), «Қарокчи» (The Corsair, 1814), «Лара» (Lara, 1814), «Коринф қамали» (The Siege of Corinth, 1816), «Паризина» (Parisina, 1816) поэмаларини яратади. Шарқона поэмалардаги бош мавзу шахснинг жамият билан, ўзи яшаётган тузумнинг ноқобил қонунлари билан тўқнашуви жараёнида уларга қарши курашишга интилиши эди. Шарқ поэмаларининг қаҳрамонлари романтик ҳиссиётларга бой, эҳтиросли

қалб эгаларидир. Улар жамият ва мавжуд тузумнинг ноҳақликларига чидай олмайди, уларга қарши курашади, ҳақ йўлида ҳатто қурбон бўладилар. Поэмадаги воқеалар асосан Болқон ҳудудида яшаган халқларнинг Туркия истилосига қарши озодлик кураши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу сабаб поэмалар мазмуни кўп ҳолларда фожеа билан тугайди.

Байроннинг «Шарқ қиссалари» туркумининг биринчи қисмидаги поэмаларда асосий қаҳрамонлар – қувғиндилар, мусофирлар, ўз тупроғидан узоқдаги одамлардир. Ғайридин – италян муҳожирининг унинг таҳаллуси турк тилида «Гяур» (Кофир 1813) дейилади ва ҳақорат сифатида қўлланилади. «Шарқ қиссалари»да шоирнинг адолатсиз жамиятга нисбатан нафрати янада ортиб боради. Асар қаҳрамонлари ҳукмрон жамиятнинг мурасасиз душманларидир. «Гяур» достонининг қаҳрамони Лейла исмли аёлни севади. Аммо Лейланинг рашкчи эри Ҳасан ўз хотинининг Гяур билан севишганидан хабар топиб, уни ўлдиради. Бунга чидай олмаган Гяур Лейла учун Ҳасандан ўч олади. Асар охирида унинг Лейла ишқида азоб чекиб вафот этиши тасвирланади. Байрон қаҳрамонлари эҳтиросли, исёнкор шахслардир. Аммо улар ёлғиз курашчилар. «Корсар» достонининг қаҳрамони Конрад денгиз қароқчиларининг бошлиғи. Конрад жамиятдан безиб, денгиздаги ороллардан бирида яшайди. Унинг мақсади маданий жамиятдан ўч олиш, унга қарши курашишдир. Конрад характери қандай шакллангани, корсар бўлгунга қадар ҳаётида кечган воқеа-ҳодисалар тасвири асарда берилмаган бўлмаса ҳам, билиш осон. Маълумки, дастлаб у султонга бўйсунушда ўта ювош, қўл остидагиларга эса ўта мағрур эди. Унинг бу хислатини одамлар иккиюзламачилик сифатида қабул қилишарди. У меҳрибонликни лаънатлаган ва ёвузлиги илдиз отган кимса эди. Охир-оқибатда у одамларга шундай ёмон муносабатда эдики, тавба қилишни ўзига эп кўрмасди. Конрад ўз ёвузлигини англаган ҳолда бошқаларнинг ҳам ундан ёвузроқ эканлигини биларди.

Аслият:

*He hated men too much to feel remorse,
And thought the voice of wrath a sacred call,
To pay the injures of some on all
He knew himself a villain – but he deem'd
The rest no better than the thing he seeme'd¹*

Байроннинг замондошлари «Корсар»ни (1814) ўқиб, унга кўпчиликни қизиқтирган қуйидаги саволни беришарди: «Нима учун Европанинг тақдирини аҳолиси қароқчиликка мойиллиги билан машҳур бўлган, ўртача ривожланган узоқ Корсикадан чиққан киши ўз қўлига олади?» Маълумки, Кольриж ўз поэмаларида Байрондан олдин Наполеонни «корсикалик» деб атаганди. Англияда ҳам бу таҳаллус кенг қўлланилиб, тахминан «қароқчи» маъносини англатарди. Конрад портретида ўқувчи Бонапарт билан айрим ўхшашликни кўради: ўрта бўй, қалин лабли, буғдойранг юзли, амр қила оладиган, ҳамиша ҳушёр, айна пайтнинг ўзида кутилмаган илтифот ва ҳазил билан одамларни ўзига жалб қила оладиган сирли шахс. Бундан ташқари, айна шу ўхшашлик Наполеон мартабасининг тарихий ва руҳий қонуниятга эгаллигига ишорат қилади. XIX асрнинг биринчи чорагида инглиз адиблари руҳиятида мустамлакаларнинг туб аҳолиси турмушига таъсир этувчи турли-туман тарихий ва миллий шароитларга қизиқиш ортди.

«Гяур» (Кофир, 1813) поэмасида ор-номус, шахсий қасос мотиви асосий ўринни эгаллайди, «Коринф камали»да ҳам қаҳрамон Алп ўч олиш мақсадида греклар душмани бўлмиш турклар томонига ўтади, бошқача қилиб айтганда, ватан хоинига айланади. «Корсар» (1814) поэмаси қаҳрамони Конрад «Лара» поэмасидаги Ларага ўхшайди. Ҳатто танқидчилар уларни турли даврларда яшаган бир шахс, деб ҳисоблашганди. Бироқ Конрадни зулмга қарши нафрат руҳлантирган бўлса, Лара деҳқонлар кўзғолони йўлбошчиси сифатида кўзлаган мақсадга интилади.

«Паризина» (Parizina, 1816) поэмасининг сюжети «Абидослик келин» (1814) сюжетига жуда яқиндир. Кучли феодалнинг ноқонуний ўғли («Абидослик келин»да асраб олинган жиян) отасининг никоҳидаги хотинини севиб қолади. Севишганлар ўлим жазосига ҳукм қи-

¹ Susan J. Wolfson and Petr J. Manning. Lord Byron. Selected poems. The Bride of Abydos. Canto I. Penguin classics, 1995. – P. 258.

линадилар. Қисса воқеалари XV асрда Италияда бўлиб ўтади. Бу ерда худди Туркиядаги каби зўравон феодал тартиб ҳукмрон эди. Фақат «Паризина» қаҳрамони Гуго устидан суд жараёни мавжуд. У отаси ва қариндошлари олдида ўзини оқлаш нутқини сўзлаш ҳуқуқини олади. Бу ҳолат Туркия шароити учун хос эмас. Гуго қувғинди сифатида ўзини қандай ҳис этган бўлса, конунбузарга айланиши мумкинлигини исбот қилади. Қиссада бу нутқ марказий ўринни эгаллайди ва бу туркумдаги асарларда тасвирланган «ноқонуний тақдирлар»га ўзига хос изоҳ вазифасини ўтайди. «Паризина» (Паризод) яратилган даврда Байроннинг Яқин Шарққа саёхати хотиралари ўз янгилигини йўқотган, охириги туркум поэмаларининг юзага келиши Наполеон шон-шуҳратининг сўниши ва унинг инқирози билан мос тушган эди. XIX аср бошларида шоир идеалидаги кучли романтик шахс, яъни одамлар устидан ҳукмронлик қиладиган ноёб қобилият ва малака соҳиби Бонапарт шахси билан чамбарчас боғлиқ эди. Россияга 1812 йилдаги юришлари натижаси ўларок, бу бургутнинг қанотлари қайрилганди. Бироқ, замондошлари назарида Эльбага сургун қилинганда ҳам Наполеон ўз обрў-эътиборини йўқотмайди. Охир-оқибатда 1815 йилда Ватерлоо жангида Наполеон тўла мағлубиятга учрайди. Шу билан бирга, кучли шахс тўғрисидаги жуда кўп инсонларнинг ижобий таассуротлари ҳам маълум даражада ўз қимматини йўқотди. Бу эса ёшлигидан Наполеон Бонапартнинг мухлиси бўлган Байронга жуда оғир руҳий таъсир кўрсатган эди.

1813 йилда Байрон Томас Мурга шундай ёзади: «Шарққа қараб йўналиш олинлар. Оракул-Сталь (француз романтик адибаси Жермена де-Сталь) менга айтди: бу ҳозирги шеърятда бирдан-бир тўғри поэтик йўналишдир. Шимол, Жануб ва Ғарб энди тугади... Шарқ мавзуида Саутининг поэмаларидан бошқа бизда ҳеч нарса йўқ, у ҳам тасвирлашда ўта даҳшатли фожеалар баёнидан фойдаланиб, уларнинг моҳиятини бузиб, бир оз айёрлик қилган. Бу соҳада ҳозирча мен ёзган нарсалар жуда оз, яъни чўлда чанқоқ кондиришдек бир гап. Агар ёзганларим бирор-бир муваффақиятга сабаб бўлса, у шундан далолатки, демак ўқувчи аҳли шарқона мотивларни қабул қилишга тайёр, бу эса сизларга йўл очиб беради». [134;674] Байрон мурожаатининг биринчи қисми кейинроқ машҳур олмон шоири И.В.Гётеннинг «Ғарбу Шарқ девони» (1811) асарида ҳам жаранглайди:

*Тахтлар қулаб не таажжуб,
Хароб Шимол, Маҳғриб, Жануб
Шарққа ҳижрат эрур вожиб,
Унда ишқу маю мутриб
Ҳамда Хизр суви бордир,
Боқий умар сенга ёрдир.²*

Байрон ва Гёте сатрларида Шарқнинг сермахсуллигига Шимол, Жануб ва Ғарб имкониятлари тугаганлиги қарама-қарши қўйилишининг ғоят ўхшашлиги ёндашувлардаги умумийликни таъкидлайди. Гёте илк олмон романтиклари каби бир оз бошқачароқ ғоявий позицияда турса ҳам, Шарқни инсоният тараққиётининг умумий маданий тарихий концепцияси замирида кўриб чиқади. Бундай мурожаат ўша давр Ғарб замонавий маданиятининг инқирозга юз тутган даврида айниқса фойдали бўлиши, янги турмушнинг туғилишига кўмаклашиши мумкин. Бундай концепция қадимги Шарқ маданиятининг айрим унсурларини қабул қилиш, реал ўзлаштириш имкониятларини очади. Улардан фойдаланиш, ўз-ўзидан маълумки, замонавий дунёни бадиий англашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Байрон ижодида шарқона мотивлар маълум бадиий мақсадларга хизмат қилади, аниқроғи оммада катта қизиқиш уйғотувчи оҳорли мавзуга мурожаат қилиш ҳақида гап боради. Масалан, Байрон ижодида Шарқ мавзуси ва шарқона образлардан фойдаланиш, Шарққа баландпарвоз, умумий романтик қизиқиш бўлиб қолмасдан, балки унга мурожаат қилиш шоирнинг ҳаётий дунёқарашига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди. Бироқ Байрон ижодининг илк даврида яратилган «Шарқона қиссалар»ни шоир мероси тадқиқотчилари турлича баҳолайдилар. Масалан, байроншунос олима, профессор Н.Я.Дьяконова шоирнинг «шарқона поэмалари»га қуйидагича муносабат билдиради: «Унга Шарқ поэмалари мажмуи ҳам мос келмади (1813–

² Гёте И.В. Ғарбу Шарқ Девони. Муғаннийнома. Ҳижрат. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2018. – Б. 166.

1816 йиллар). Уларнинг ҳар бири битта қаҳрамонга эга, уларнинг сюжети битта драматик вазиятга олиб келади, у муҳаббат учун курашни аниқлаб келади, шахсий адоват умумийси билан бирлашади («Корсар», «Лара») ва қаҳрамоннинг инсоният билан адовати ўсиб боради. Қаҳрамоннинг қудратли шахсиятини ифодалашга бўйсундирилган муҳаббат, нафрат, адоват, садоқат, композициянинг субъективлиги ҳиссининг иррационализи ва титанизми бутун дунё тартибларига қарши чиқади, Байроннинг аввалги ва кейинги назарий фикр-мулоҳазаларига эътироз билдиради. Шарқона поэмаларда шоирнинг қайғу-ҳасратлари унинг ҳамма нарсалардан норозилиги намоён бўлади, бу нарса реакция даврида инсонни занжирбанд қилади ва катта ернинг мунофиқлиги ва тубанлигига нафрат уйғотади».³ Поэмаларининг сюжети ва мавзуларида шарқона образлиқдан фойдаланиш Байрон ижодида асосий ўринни эгалласа-да, унинг ижодида шарқона материални ўзлаштиришнинг бошқа усуллари ҳам кўзга ташланади.

«Лара» поэмаси Шарқ мавзуси ривожида шуниси билан қизиқарлики, бу ерда ўз ғазабини эркин муҳитда намоён қиладиган қаҳрамон бехосдан вайронагарчиликнинг бошланишини ва янги антагонистик зиддиятнинг ўчоғини ўзида мужассамлантирувчи кишига айланади.

*And once, as Kaled's answering accents ceased
Rose Lara's hand, and pointed to the East.*¹

Хулоса ўрнида шуниси айтиш жоизки, инглиз шоири Ж.Г. Байрон поэмаларининг сюжети ва мавзуларида шарқона образлиқдан фойдаланиш шоир ижодида асосий ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Susan J. Wolfson and Petr J. Manning. Lord Byron. Selected poems. The Bride of Abydos. Canto I. Penguin classics, 1995. – P. 258.
2. Гёте И.В. Ғарбу Шарқ Девони. Муғаннийнома. Ҳижрат. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2018. – Б. 166.
3. Дьяконова Н.Я. Английский романтизм. Проблема эстетики. – Москва: Наука. 1978. – С. 113-114.
4. Susan J. Wolfson, Pater J. Manning. Lord Byron. Selected Poems. “Lara”. – London. Penguin classics, 1995. – P. 348.
5. Susan J. Wolfson, Pater J. Manning. Lord Byron. Selected Poems. “Corsair”. – London. Penguin classics, 1995. – P. 258.
6. Susan J. Wolfson, Pater J. Manning. Lord Byron. Selected Poems. “The Siege of Corinth”. – London. Penguin classics, 1995. – P. 390.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инглиз шоири Ж.Г. Байроннинг шарқона дostonларида Шарқ ҳаётидаги севги-садоқатнинг ёркин намуналари, кучли шахсларнинг тақдиридаги фожиалар, озодлик учун ва замона зўрларига қарши тенгсиз кураш ҳамда ҳақ йўлида ҳатто қурбон бўлиши билан боғлиқ воқеалар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья рассказывает о теме любви, достоинства, в произведениях английского поэта Дж. Г. Байрона, как человек может пожертвовать даже жизнью ради свободы.

SUMMARY

This article explores eastern epic poems of the English poet G.G. Byron. We can find shining examples of love and loyalty in the eastern life, tragedies in powerful people's fate, struggle for freedom and forceful people of that time and even events about becoming victim for goodness' sake.

Наишра ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

³ Дьяконова Н.Я. Английский романтизм. Проблема эстетики. – Москва: Наука, 1978. – С. 208.

¹ Susan J. Wolfson, Pater J. Manning. Lord Byron. Selected Poems. “Lara”. – London. Penguin classics, 1995. – P. 348.

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Каримов Б.Б. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *жисмоний тарбия ва спорт, соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий сифатлар, ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс, ўқувчи ёшлар.*

Ключевые слова: *физическая культура и спорт, воспитание здорового поколения, духовно-нравственные качества, гармонично развитая во всех отношениях личность, студенческая молодежь.*

Key words: *physical education and sports, upbringing of a healthy generation, spiritual and moral qualities, a harmoniously developed personality in all respects, student youth.*

Жисмоний маданият ва спорт – халқ умумий маданиятининг ажралмас қисми, мамлакат ҳар бир фуқаросининг жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камолга етишишини таъминлашнинг асоси. Ёш авлодни миллий ғоя асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, шубҳасиз, ёшларнинг жисмоний руҳий соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустақамлашни, соғлом турмуш тарзи асосини шакллантиришни ҳам назарда тутати. Ўқувчи ёшларда фаол ҳаётий позиция, ахлоқ, инсонпарварлик ва эзгуликнинг юксак намуналарини тарбиялаш жараёнида жисмоний маданият ва спорт воситалари, шакл ва услубларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши, устувор вазифалардан бири бўлиши зарур.

Ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устуворликларига мос келадиган янги ижтимоий онгни шакллантириш икки асосий омил таъсирида содир бўлади: тўғридан-тўғри ижтимоий амалиёт ва таълим-тарбиянинг аниқ бир мақсадга йўналтирилган жараёни. Ҳар бир инсон фақат таълим, ижтимоий тарбия ва касбий ривожланиш тизимидан ўтиш орқали шахсга айланади. Натижада шахс ижтимоий аҳамиятга эга функцияларни бажариш, ижтимоий ролларни ўзлаштириш, ўз вазифаси ва масъулиятини ижодий жиҳатдан англаб етиш ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатларини ривожлантириш қобилиятига эга бўлганда унинг ижтимоийлашуви содир бўлади. Профессional, кенг қамровли билимга эга, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан бақувват шахс бўлмаса, иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, давлатда ва умуман, жамиятда ҳеч қандай тараққиёт, ривожланиш бўлмайди.

Жисмоний тарбия жараёнида шахсни шакллантиришнинг муваффақияти жисмоний тарбиянинг ўзига хос вазифалари қай даражада муваффақиятли ҳал этилаётгани ва шахсининг баркамол ривожланиш имкониятларидан қай даражада тўлиқ фойдаланилаётгани билан белгиланади. Бундай тарбиявий иш методологиясини фан ўқитувчиси ҳам, синф раҳбари ҳам, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар педагоглари ҳам ва албатта, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, умуман, ҳар қандай тарбиячи билиши зарур.

Жисмоний тарбия жараёнида ўқувчиларда юриш-туриш, хулқ-атворнинг ахлоқий жиҳатлари шаклланади, ирода кучи – қатъиятлилик, кунт-матонат, тиришқоқлик, жасурлик, чидам, сабр-қаноат, ўзини идора қилиш каби сифатлар ривожланади [1].

Жисмоний машқларни, одатда, жамоа билан биргаликда бажаришади. Шунинг учун биргаликдаги ҳаракат фаолияти ва педагогик қўлланмалар ўқувчини жамоада ўзини муносиб тутишга, унинг манфаатларига бўйсунушга, уларни ҳимоя қилишга ўргатишга йўналтирилган бўлиши керак.

Ўйинларда, мусобақаларда рақибга, жамоадаги ўртоғига, ҳакамга нисбатан ўзига хос муносабат шаклланади. Спорт этикаси спорт фаолияти жараёнидаги меъёрлар ва юриш-туриш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ, у боланинг хотирасига ўрнашиб қолади ва кундалик ҳаётга кўчади. Сабот-матонатли бўлиш, камтарлик, одамларга, шу жумладан, ўз рақибларига нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлиш, виждонсизлик билан қилинган иш ва кураш

тушишнинг ноҳалол усулларига тоқат қилмаслик, йўл қўймаслик, меҳнатсеварлик, интизомлилик – жисмоний машқларнинг ҳар қандай дарсида ушбу барча сифатлар тарбияда етакчи роль ўйнаши керак.

Спорт этикаси бўйича суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, китоблар муҳокамасини ўтказиш зарур, уларда спортчиларнинг ватанпарварлик намуналаридан мисоллар келтирилади, спортнинг инсонпарварлиги очиб берилади. Етакчи, илғор спортчилар билан учрашувларнинг фойдаси жуда ҳам катта.

Жисмоний тарбия жараёнида интизомлилик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни ўргатишни назарда тутаяди, улар айрим ҳолатларда анъанавий бўлиши керак (рапорт бериш тартиби, машқлар, ўйинларни ўқитувчи, ҳакамлар ишораси бўйича тўхтатиш ва ҳоказолар). Буйруқларни аниқ бажариш талаб қилинадиган сафда юриш машқлари, янгидан сафга туриш ва шу кабилар ҳам тартиб-интизомга солинади. Сафга туриш, кўриклар – ҳамжиҳатлик ва интизомлиликни текширишнинг кўргазмали намунаси ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказишда тартибга аниқ риоя қилиш, эҳтиёткорлик, жамоа мулкига ва одамларнинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар анъанавий талаблар доирасида тарбияланади (иштирокчиларнинг батартиб формаси, пухта тайёргарлик ва инвентарларни тозалаш, тоза-озодаликка риоя қилиш ва ҳоказолар). Жамоатчилик руҳида тарбиялаш хушмуомалаликни, одоблилик, назокат билан иш тутишни, дўстларига нисбатан эътиборли бўлишни ўз ичига олади. Ушбу меъёрларга риоя қилиш бир қатор қоидалар билан қўллаб-қувватланади. Масалан, ҳар қандай мусобақанинг охирида унинг иштирокчилари, пайдо бўлган ҳис-туйғуларидан қатъи назар, бир-бирларига салом беришлари шарт, қоидаларни тасодифан бузиб қўйган ўқувчи бу ҳақда қўлини кўтариб, хабар бериши лозим. Айниқса, бу ўйин жараёнида ўз манфаатларидан кўра, дўстларига ёрдам қўлини чўзишни устун билишда яққол намоён бўлади. Саёҳат иштирокчиларига қийин вазиятларда бошқаларга қандай ёрдам бериш усулларини, хавфсизлик қоидаларини ўргатишади. Ижтимоий бурч, жамоа олдида масъулият руҳида тарбиялаш жамоа топшириқларини бажариш жараёнида, ўйинлар пайтида янада яққолроқ намоён бўлади, бу ерда ҳамма умумий манфаат йўлида ҳаракат қилади. Жисмоний тарбия жараёнида ўқувчи ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш зарур [2].

Ўқувчи ёшларни мустақкам иродали қилиб тарбиялаш шахснинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўз олдига маълум бир мақсадни қўйган ва унга эришиш учун ҳаракат қилган инсон турли тўсиқларга дуч келади, уларни енгиб ўтиш учун нафақат жисмоний, балки маънавий куч ҳам керак бўлади. Мақсадига эришиш учун кунт-матонат, тиришқоқлик ва тинимсиз меҳнат қилиш зарур.

Ҳаракатларни ўзлаштириш, жисмоний сифатларни тарбиялаш, уларни ривожлантиришга барча мавжуд қийинчиликлар, оғриқларни енгиб, машқларни тинмасдан такрорлаш эвазига эришилади. Агар сиз машғулотларга ижобий муносабатда бўлсангиз, бу қийинчиликлар деярли сезилмайди. Шунинг учун машғулотлар пайтида маълум бир ҳиссий ва ишга нисбатан ижобий кайфиятни яратиш жуда ҳам муҳимдир.

Ёшга ва иш шаклига қараб ҳар сафар машғулотларни қизиқарли қиладиган ва жиддий ҳамда сидқидилдан меҳнат қилишга ўргатадиган усуллар орасидан энг мақбул нисбатларини танлаш керак [3].

Эрталабки бадантарбия машқларини бажаришни одат тусига айлантириш, чиниктирадиган усулларни бажариш ҳар доим яхши кайфият билан ўтказилиши лозим ва уларни оғир мажбурият сифатида эмас, балки худди қизиқарли ўйин сингари бажариш керак. Бола улғайган сари унда жараёнга эмас, балки фаолият натижасига қизиқишини ривожлантириш зарур. Масалан, тушунишни, ҳаракатланиш сифатларини ривожлантириш учун машғулотларда олган кўникмаларининг аҳамиятини баҳолашни, руҳий ҳолатини, ўзининг ҳатти-ҳаракатини бошқаришни ўргатиш. Ўзини бошқара олиш кўникмасидан оладиган қониқиш ҳисси шахснинг ўз мавқеини аниқлаб олишига ёрдам беради. Ўқувчи ёшлар (кўп ҳолларда ўсмирлар ва юқори синф ўқувчилари) кўпинча, асосан улғаяётган ва балоғат ёшига етаётган пайтларида жисмоний тарбия машғулотларини тўхтатиб қўйишади. Қизиқишлари ва эҳтиёж-

лари доираси кенгайиши билан боғлиқ бошқа қатор сабаблар билан биргаликда, бу айрим машқларни бажаришда юзага келадиган қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу айниқса киз болаларда маълум бир ёшда жисмоний ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Бундай қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ўқувчилар ўзларининг жисмоний тайёргарликларини яхшилашнинг реал имкониятларини намоён этишлари, жисмоний тарбия бўйича индивидуал режаларни тақдим этишлари ва ўз-ўзини назорат қилиш кундаликларини юритишга ўрганишлари лозим.

Болаларда турли тўсиқларни енгиб ўтиш малакаларини шакллантириш мақсадида гимнастика ўриндиқлари, зинали пирамида тахталари ва бошқа предметлардан хатлаб ўтиш машқларидан фойдаланиш тавсия этилади. Болалар ўз навбатини узоқ кутиб толикмасликлари учун эмаклаш ва хатлаш ҳаракатларини бир вақтнинг ўзиде иккитадан боланинг бажариши мақсадга мувофиқ бўлади.

Машғулотлар амалиётида кенг миқёсда умумривожлантирувчи машқлар ҳам қўлланилади. Жисмоний машқлар у шуғулланаётган бола организмга ҳар томонлама таъсир кўрсатишидан ташқари, унинг елка, қорин, орқа курак, оёқ мушакларига ҳам таъсир кўрсатади.

Машқларни бажариш шароитлари аста-секин қийинлашади. Баъзи ҳаракат турлари бошқа бир қийинроқ ҳаракатни бажариш учун тайёргарлик босқичи сифатида хизмат қилади. Бу ҳолда машқни бажариш усули ва шартлари ўзгаради.

Шунингдек, машғулотларда бел ва оёқ қафтлари мушакларини мустаҳкамловчи мувозанат функциясини ривожлантирувчи, умуртқа поғонасининг тўғри шаклланишини таъминловчи махсус машқлар ҳам кенг қўлланилади. Бу машқлар коррекцион машқлар деб номланади. Йил давомида такрорланувчи ҳар бир ҳаракат сони нисбатан тенг бўлади. Болалар томонидан қорин билан ётиб бажариладиган машқларнинг коррекцион қиймати катталигини алоҳида белгилаш зарур. Бу машқларнинг барчаси орқа курак ва елка мушакларини мустаҳкамлайди, бошқа турдаги ҳаракатлар қаторида гавдани тўғри тутишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатади. Коррекцион таъсир кучига кўра бу машқлар билан ясси тахтада ва ўриндик бўйлаб қўлда тортишиш машқлари тенглаша олади.

Доимий мўлжал олиш шартларини ўзгартириш орқали ҳаракатларни қийинлаштириш мумкин (тўсиқларни енгиб ўтиш, қўллар билан қўшимча ҳаракат бажариш, бел, елка, бош ҳаракатлари).

Ўзини тута билиш, вазминликни тарбиялаш иродани тарбиялашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу сифатлар жисмоний тарбия машғулотларида фаол ҳаракатларни амалга ошираётганда, айниқса, ўйин ва мусобақалар пайтида ортиқча ҳис-туйғуларни бостиришда намоён бўлади. Ўйин давомида сиз атрофингиздаги одамларга, рақибингизга нисбатан хушмуомалалик билан муносабатда бўлишингиз керак. Бунда сизга мусобақалар, оммавий спорт тадбирлари ташкилотчилари ва ҳакамлари ёрдам беришлари зарур.

Ирода сифатларини шакллантиришда жисмоний тарбия жараёни учун ўзига хос бўлган яна бир гуруҳ, бу – қатъийлик, жасурлик, мардлик, дадиллик. Жасурлик кўркувни енгиб ўтишни талаб этадиган ҳаракатларда шакллантирилади. Қатъийлик вазиятнинг қийинлиги ва муваффақиятсизликка учраши мумкинлигига қарамай қабул қилинган қарорлар ортидан зудлик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Дадиллик шароитлар мураккаблашганда, яъни об-ҳаво ёмонлашганда, шамолга қарши югуришда ва шу кабиларда намоён бўлади. Одатда юзага келган қийинчиликларни енгиш учун ушбу барча фазилатларни бир вақтнинг ўзиде намоён этиш зарур бўлади.

Жисмоний ва меҳнат тарбияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жисмоний тарбия мақсади билан белгиланади, бу ёшларни ижодий самарали меҳнатга кўп томонлама жисмоний тайёргарлигини таъминлашдан иборат. Жисмоний тарбия жараёнида бу боғлиқлик бевосита меҳнатнинг ҳар хил турларида иштирок этиш шаклида амалга оширилади.

Меҳнат тарбиясининг моҳияти, мақсад ва вазифалари шундаки, у ўқувчиларга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англашиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисм-

ларидан бири ҳисобланади. Меҳнат тарбиясини шундай ташкил этиш керакки, инсон меҳнат жараёни ва унинг натижасидан қаноатланишини таркиб топтиришга қўмаклашсин. Меҳнат тарбиясининг пировард мақсади шахс характерининг асосий хислати сифатида унинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини шакллантиришдир.

Дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш машғулот ўтказиладиган жойларни, ўқув жиҳозлари, шахсий спорт кийимлари, пойабзал ва шу кабиларни тайёрлаш ва тозалаш билан боғлиқ. Бу нафақат шахсий, балки жамоавий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган. Ўқувчилар жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган жиҳозларни таъмирлашга, спорт майдончалари ва иншоотларини ободонлаштириш ишларига жалб этилади.

Онгли ва ихтиёрий жисмоний меҳнат талабаларда юклатилган вазифани бажаришга нисбатан масъулият ҳиссини оширади. Жисмоний меҳнат, агар у тўғри ташкил этилган бўлса, жисмоний сифатларни ривожлантиришга ва соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Харакатлантирувчи машқларга ўргатиш жараёни талабаларни махсус билимлар билан бойитади, англаш фаоллигини ривожлантиради. Ҳар қандай машғулот шундай ташкил этилиши керакки, натижада шуғулланувчилар машқларнинг аҳамиятини тушунишсин, нима учун улар бу машқларни бошқача эмас, балки айнан белгиланган тартибда бажаришаётганини англаб етишсин.

Жисмоний тарбия жараёнида олинган махсус билимлар, уларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ёрдамида ҳаракатланиш тажрибасини холис баҳолаш, уни таҳлил қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шуни унутмаслик керакки, жисмоний машқлар билан шуғулланиш ақлий меҳнат давомида ҳосил бўлган толиқишларни енгишда фаол ҳордиқ чиқариш воситаси ҳисобланади, меҳнат қобилиятини тиклашни тезлаштиради. Саломатлик ва тўлақонли жисмоний ривожланиш самарали ўқув фаолияти учун шароит яратишга яхши восита бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний машғулотларда эстетик тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири, бу – спортчиларни юксак ахлоқли инсонлар қилиб тарбиялашдир. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун яратилган ташқи муҳит, табиат қўйнида бўлиш инсоннинг ҳис-туйғулари ва фикрларига ижобий таъсир қилади. Жисмоний тарбияда эстетик туйғуларни ривожлантиришга санъат воситалари – мусиқа, кўшиқ ва рақслардан фойдаланиш ижобий натижа беради. Бу шуғулланувчилар томонидан атроф оламни яхшироқ идрок этиш учун зарур шароит яратиб беради.

Шу тарзда жисмоний маданият ва спорт тарбиявий таъсир қилишда катта салоҳиятга эга, у баркамол ривожланган шахсни шакллантириш омили бўлиб хизмат қилади. У нафақат ушбу соҳанинг мутахассислари, балки ўқитувчилар, раҳбарлар, ташкилотчилар, менежерлар, ота-оналардан жисмонан соғлом ва маънан бой, ҳаётий зарур ва ижтимоий аҳамиятга, ижобий фазилатларга эга ёшларни тарбиялаб вояга етказиш учун жисмоний маданият шакллари, воситалари ва усулларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: Инсан, 2000. – 352 с.
2. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев, 1999. – 318 с.
3. Основы управления подготовкой юных спортсменов / Под общей ред. Проф. М.Я. Набатниковой. – М.: Физкультура и спорт, 1982. – 280 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчи ёшларнинг жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш жараёнида маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, шахснинг гармоник ривожланиши шаклланишида жисмоний тарбиянинг яширин имкониятлари очиб берилган, бу эса жисмоний жиҳатдан соғлом ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлод шаклланишига имконият яратади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования духовно-нравственных качеств личности учащейся молодежи в процессе занятий по физическому воспитанию. В работе раскрыты потенциальные возможности физического воспитания в формировании гармонично развитой личности, что будет способствовать формированию физически здорового и духовно богатого подрастающего поколения.

SUMMARY

In article are considered questions of the shaping spiritual-moral quality to personalities student youth in process occupation on physical education. In work reveal;open potential possibilities of the physical education in shaping to harmonious developed personality that will promote shaping physically sound and spiritual rich growing generations.

Наширга пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган

ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГА К ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА В ЛОГИКЕ ФОРМИРОВАНИЯ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ГРАМОТНОСТИ ОБУЧАЮЩИХСЯ

Сорокин А.А., Половникова А.В. (МГПУ, Россия)

Ключевые слова: *навыки 21 века, подготовка учителей, высшее образование, дополнительное образование, контрольно-измерительные материалы, шейпинг.*

Таянч сўзлар: *XXI аср кўникмалари, ўқитувчиларни тайёрлаш, олий маълумот, кўшимча таълим, назорат ва ўлчаш материаллари, шакллантириши.*

Keywords: *XXI st century skills, teacher training, higher education, additional education, control and measuring materials, formative assessment.*

Вопросы целеполагания современных систем образования сегодня как никогда актуальны, о чём говорит их обсуждение на уровне международного сообщества. В контексте данной проблемы особо часто обращаются к результатам международного исследования PISA, которые для многих стран становятся индикатором для обозначения направлений совершенствования национальных образовательных систем. Россия в данном вопросе – не исключение. Задача, поставленная Президентом Российской Федерации В. В. Путиным в Указе от 07.05.2018 г. № 204 "О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2024 года": "обеспечение глобальной конкурентоспособности российского образования, вхождение Российской Федерации в число 10 ведущих стран мира по качеству общего образования", актуализировала проблему осознания сообществом критериев, которые позволили бы диагностировать состояние качества общего образования и выбрать направление на его существенное повышение.

Почему такой интерес уделяют результатам именно международному исследованию PISA? Инициатором данного исследования изначально выступало не педагогическое сообщество, а Организация экономического сотрудничества и развития (OECD). Возможно, именно этот факт привёл к появлению абсолютно нового подхода к диагностике образовательных результатов [6]. Целью разрабатываемых инструментов диагностики стало выявление уровня функциональной грамотности у 15-летних подростков. Под функциональной грамотностью международное сообщество стало понимать способность применять приобретаемые в течение жизни знания, умения и навыки для решения максимально широкого диапазона жизненных задач в различных сферах человеческой деятельности [3].

Графически функциональную грамотность разработчики материалов Организации экономического сотрудничества и развития предложили представить в виде трёх взаимосвязанных элементов: базовые навыки, компетенции, личностные качества [10].

За прошедшее время данная концепция получила развития в блоке компетентностей появилась новый вид грамотности – компетенция в области решения глобальных проблем.

Представленная ОЭСР концепция не является бесспорной. Идут активные поиски альтернативных моделей описания функциональной грамотности. В 2020 году был опубликован доклад «Универсальные компетенции и новая грамотность: от лозунгов к реальности» [8]. Авторы доклада, рассуждая о структуре функциональной грамотности, выделяют в ней: три базовые компетентности (компетентность мышления, компетентность взаимодействия с дру-

гими и компетентность взаимодействия с собой); универсальную инструментальную грамотность, включающую читательскую, математическую и цифровую грамотности; предметную грамотность, которая может быть представлена гражданской, финансовой, правовой, экологической и др.


Рис. 1

Навыки XXI века [10, с.3].



Рис. 2

Рамка универсальной компетентности и новой грамотности [8, с.59].



Таким образом, формирование функциональной грамотности обучающихся – признанный основной тренд развития образования. Но поставленные амбициозные задачи по переходу к новой модели образования ни в одной из стран не будут решены на практике, если не будет обеспечена соответствующая подготовка педагогических кадров.

Студент бакалавриата по направлению подготовки «Педагогическое образование», который ещё вчера был учеником школы, приходит в университет с определёнными «эталопами» педагогического мастерства. Традиционные опросы первокурсников позволяют констатировать, что:

- более 50% студентов при ответе на вопрос «Был ли в вашей школьной жизни учитель, на которого вы хотели бы быть похожим в будущем?», отвечают не просто утвердительно, а прикладывают к своему ответу описание конкретного учителя и его модель педагогического взаимодействия с учениками;

- около 30% студентов не дают описания конкретной модели педагогического взаимодействия, рисуя некий обобщённый образ «эталонного учителя»;

- ежегодно фиксируется несколько студентов (до 10%), которые пришли в педагогическое образование скорее вопреки той практики, с которой они сталкивались в школах, чтобы доказать, что та модель взаимодействия с учащимися, с которой они столкнулись, абсолютно неприемлема. Так, например, один из студентов, поступивший на профиль «История и обществознание», принял решение поступать в педагогический вуз после того, как учитель выставил ему оценку «неудовлетворительно» за тему «Самопознание».

Таким образом, укоренившиеся в сознании студентов модели взаимодействия учителя с учащимися, могут влиять как позитивно, так и негативно на формирование будущего учителя [7]. Поэтому, зачастую, встаёт задача освободить будущего учителя от груза социального опыта, с которым он сталкивался до поступления в университет.

Перед университетами, в стенах которых готовят будущих педагогов, стоит непростая задача формирования «учителя будущего», который не только передаёт накопленный опыт поколений, решая задачи социализации учащихся, но и сфокусирован на формировании функциональной грамотности учащихся. В логике такой организации педагогического процесса учитель должен быть готов сам учиться, развиваться, меняться вместе со своими учениками[2].

Во многом задать высокую планку качества обучения бакалавров по направлению подготовки «Педагогическое образование» позволяет участие в разнообразных, в том числе федеральных и международных, конкурсах профессионального мастерства[4; 9]. Наиболее массовым и популярным среди студентов является Всероссийская студенческая олимпиада «Я – профессионал». На международном уровне студенты могут заявить себя в чемпионате «WorldSkills». Статусно важным является для выпускных курсов бакалавриата получение сертификата «Московский учитель». Таким образом, существенное расширение образовательного пространства, выход за рамки студенческой аудитории и учебного класса школы, где проходит педагогическая практика студента, позволяет задать качественно иные стандарты подготовки педагогов на современном этапе.

При разработке образовательных программ магистратуры необходимо учитывать ожидания тех, кто приходит учиться на эти программы. Результаты многолетних наблюдений позволяют выявить три группы среди абитуриентов магистратуры:

- выпускники профильного бакалавриата с из ожиданиями качественного методического сопровождения при вхождении в профессию;

- специалисты с непрофильной подготовкой, нацеленные на радикальную смену профессии;

- учителя с большим стажем работы, которые связывают обучение в магистратуре как с обобщением и систематизацией собственного опыта, так и с формированием новых компетенций.

Именно поэтому важно и учитывать разнообразные ожидания обучающихся, и организовывать учебный процесс с учётом возможностей взаимообучения разных категорий магистрантов. В этом плане можно обратить внимание на опыт разработки модульных учебных планов, ориентированных на возможность построения индивидуальных образовательных траекторий студентов магистратуры.

Система дополнительного образования – третья группа программ для педагогов – позволяет решать разнообразные задачи и предъявлять разные форматы организации подготовки и переподготовки педагогических кадров. Учитель имеет возможность выбрать для изучения какую-либо программу, соответствующую его профессиональным интересам, или быть направленным для обучения на какой-либо программе администрацией образовательной организации. Интересен опыт обучения педагогических коллективов целых образовательных организаций. Так, например, курсы повышения квалификации «Формирование функциональ-

ной грамотности обучающихся» ФГБНУ «Институт стратегии развития образования Российской академии образования» рекомендуются для прохождения, как минимум, ядром педагогического коллектива, что обеспечивает эффективное внедрение новых методик в школы.

Предлагаем рассмотреть современные методические приёмы, которые сегодня активно используются в практике подготовки будущих педагогов на уровне бакалавриата и магистратуры, с учётом тех задач, которые решают эти программы.

При обучении студентов-бакалавров важно задать такую образовательную среду, в которой студент мог прикоснуться к педагогическому процессу, попробовать себя в роли участника образовательных отношений. В этом контексте интересен формат предъявления кейсов, в основу которых обычно бывает положена определённая проблемная педагогическая ситуация.

У преподавателя университета есть возможность оценить предложенные студентами бакалавриата сценарии по следующим критериям:

- качество анализа исходной ситуации;
- формулировка проблемы;
- постановка учителем цели;
- соответствие решения сформулированной цели;
- убедительность и аргументированность;
- реалистичность решения;
- практичность, предложенного решения;
- сформулированные педагогические риски;
- грамотность текста;
- лаконичность и ясность текста.

Каждый критерий можно оценить от «0» до «3» баллов.

Студенты прорабатывают кейсы индивидуально, предлагая свои сценарии разрешения проблемной ситуации, после чего студентам предлагается разыграть кейс по ролям. Количество участников при этом, зависит от тех ролей, которые были предложены при описании сценария тем или иным студентом.

Важным элементом обучения бакалавров является знакомство с накопленным педагогическим наследием, разными педагогическими школами. В результате чтения фрагментов монографий, научных статей, учащимся предлагается актуализировать полученную информацию.

Критериями оценивания выполнения данного задания могут быть, например, следующие:

- в выступлении сформулирована проблема;
- выдержан формат предъявления информации в виде выступления;
- в выступлении представлено несколько аспектов темы;
- суждения отражают собственную позицию по проблеме статьи;
- грамотно использованы педагогические термины;
- в выступлении содержится аргументация;
- в выступлении содержатся практические рекомендации;
- выступление структурировано;
- выступление построено стилистически грамотно и лаконично;
- полнота ответов на вопросы однокурсников.

Интересным представляется опыт включения студентов в интерактивные формы организации образовательного процесса. Для бакалавров, обучающихся по направлению «Педагогическое образование» и осваивающих программу по профилю «Обществознание и право», обязательным элементом обучения является участие в проведении правовых квестов. Правовой квест – это история, в основу которой положена некая сюжетная линия правонарушений, выстраиваемая вокруг главных героев. Учащимся предъявляется некая правовая ситуация, в которой они должны разобраться. Для этого организуется «путешествие» по нескольким «станциям», работу которых организуют студенты бакалавриата. Студенты, представляясь

героями сюжета, знакомят школьников с правовыми документами, дают оценку случившимся событиям от имени того героя, которого они играют. Противоречивость рассказанных историй, актуализация правовых документов, способствуют активной включённости учащихся в квест. Сюжетами квестов выступают самые разные истории, например, нарушение права на отпуск несовершеннолетнего работника, нарушение права на образование при поступлении в колледж, решение вопроса о лишении родительских прав и др. [5]. Участие в такого рода мероприятиях позволяет и самим студентам лучше разобраться в содержании школьного правового образования и его потенциала.

Студенты бакалавриата, в большей мере, работают с готовыми образцами заданий, направленными на формирование функциональной грамотности учащихся, а к разработке самостоятельных методических материалов подходят только на этапе подготовки выпускной квалификационной работы. При этом, разрабатываемые материалы скорее являются комплексом заданий, созданных «по образцу». С переходом на программы магистратуры качественно меняется уровень сложности предъявляемых требований к студентам. Акценты смещаются в сторону целостного видения образовательной среды и образовательного процесса, самостоятельной разработки учебно-методических материалов для школы. Учебное задание остаётся главным инструментом в руках педагога. Однако, при этом, задания, которые разрабатывают магистры, уже содержат спецификацию – описание заданий, и носят более комплексный характер, а магистры более чётко определяют педагогический потенциал разрабатываемых материалов в логике формирования функциональной грамотности.

Примером такого рода материалов могут служить задания, которые разрабатываются в виде некоторого информационного кейса и вопросов к нему. Информационная часть кейса содержит набор текстов, представленных в разных форматах. Обязательными элементами являются: фрагмент научно-популярной статьи; графическая информация, представленная диаграммами, графиками и инфографиками; статистическая информация. Педагог, обучающийся в магистратуре, должен продемонстрировать умение разрабатывать задания трёх уровней трудностей. Задания первого уровня трудности (формально-репродуктивного) связаны с простым выявлением информации и её воспроизведением. Задания второго уровня трудности (содержательно-рефлексивного) предполагают анализ, оценку, синтез информации в определённых заданных условиях. Задания третьего уровня трудности (функционального) предполагают самостоятельную, творческую деятельность ученика на основе осмысления всех элементов информационного блока [1].

Решение задачи по формированию функциональной грамотности обучающихся сегодня становится вопросом конкурентоспособности отдельного человека и конкурентоспособности страны в целом. Решение множества амбициозных задач, которые сегодня заявлены в программах национального развития, напрямую можно связывать с качеством подготовки выпускников образовательных организаций. Поэтому система российского образования должна пройти этап модернизации, причём ключевую роль в этом процессе играет подготовка педагогических кадров страны.

Литература

1. Воронцов А.Б., Львовский А.В., Нежнов П.Г. Мониторинг учебно-предметных компетенций школьников (SAM): потенциал и возможности инструментария. – М.: RussianTrainingCenter, 2011. [электронный ресурс] – URL: <http://www.myshared.ru/slide/56856/> (Дата обращения 21.06.2020).
2. Калабухова Г.В., Сорокин А.А., Шаповал В.В., Токарева Е.А. Содержание и формы гуманитарного образования в высшей школе: взгляд современных участников образовательного процесса // Педагогическое образование и наука. 2018. – № 5. – С. 15-27.
3. Ковалёва Г.С. Что такое функциональная грамотность? – М.: ЯндексУчебник, 2020. [электронный ресурс] – URL: https://www.youtube.com/watch?v=dcv8jUk_IKo&t=217s (Дата обращения 21.06.2020).
4. Корчагина Т.В., Половникова А.В., Сорокин А.А. Педагогический потенциал чемпионата WorldSkills в реализации профессиональной подготовки учителей // Применение технологий обучения в педагогическом вузе : Сборник методических материалов. – М.: МГПУ, 2019. – С. 119-127.

5. Право знать! Правовые квесты: Учебно-методическое пособие. Выпуск 1. - М.: Книгодел, 2017. - 130 с.
6. Рябов В.В., Сорокин А.А., Шаповал В.В., Половникова А.В., Нидерман И.А., Басик Н.Ю. Социально-гуманитарное образование в современном образовательном пространстве: реалии и тенденции : Монография. – М.: Книгодел, 2018. – 184 с.
7. Сорокин А.А., Половникова А.В. Современное педагогическое образование: новые подходы к профессиональной подготовке педагогов // Актуальные вопросы гуманитарных наук: теория, методика, практика. К 20-летию кафедры методики преподавания истории, обществознания и права Московского городского педагогического университета : Сборник научных статей. Выпуск VI. / Под ред. А.А. Сорокина. – М.: Книгодел, 2019. – С. 26-34.
8. Универсальные компетентности и новая грамотность: от лозунгов к реальности / под ред. М.С. Добряковой, И.Д. Фрумина; при участии К.А. Баранникова, Н. Зиила, Дж. Мосс, И.М. Реморенко, Я. Хаутамяки. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2020. – 472 с.
9. Фадеев А.С., Чипурных С.И. Роль чемпионата WorldSkills в формировании профессиональных компетенций студентов: опыт участия // Применение технологий обучения в педагогическом вузе : Сборник методических материалов. – М.: МГПУ, 2019. – С. 127-134.
10. New Vision for Education. Unlocking the Potential of Technology. – World Economic Forum. 2015. 30 p. – URL:
11. http://www3.weforum.org/docs/WEFUSA_NewVisionforEducation_Report2015.pdf (Дата обращения 21.06.2020).

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается вопрос подготовки учителя к формированию функциональной грамотности учащихся как одно из направлений современной системы образования. В статье анализируются особенности образовательных программ по направлениям подготовки «Педагогическое образование» в бакалавриате, магистратуре, а также программ дополнительного образования учителей. Авторы статьи уделяют особое внимание роли конкурсов профессионального мастерства в профессиональном развитии учителя, а также актуальным педагогическим технологиям и методам обучения, которые используются при подготовке учителей.

РЕЗЮМЕ

Мақола муаллифлари ўқувчиларни функционал саводхонлигини шакллантириш учун ўқитувчини тайёрлаш масаласини замонавий таълим тизимидаги тенденциялардан бири сифатида кўриб чиқмоқдалар. Мақолада "Педагогик таълим" бакалавр, магистратура мутахассисликлари ва ўқитувчилар учун узлуксиз таълим дастурлари бўйича таълим дастурларининг хусусиятлари таҳлил қилинади. Мақола муаллифлари ўқитувчиларнинг малакасини оширишда касбий маҳорат танловларининг роли, шунингдек, ўқитувчиларни тайёрлашда қўлланиладиган тегишли педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларига алоҳида эътибор қаратадилар.

SUMMARY

The authors of the article consider the issue of preparing a teacher for the formation of functional literacy of students as one of the trends in the modern education system. The article analyzes the features of educational programs in the areas of training "Pedagogical Education" in undergraduate, graduate, and also programs of additional education for teachers. The authors of the article place particular emphasis on the role of professional skill contests in the professional development of a teacher, as well as on relevant pedagogical technologies and teaching methods, which are used in the training of teachers.

Рекомендовано к печати д. пед. н. Р. Шадиевым

ТАЪЛИМНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМИДА ҚўЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухаммедов Ш.М. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: олий таълим, ОТМ, кредит, модуль, талаба, профессор-ўқитувчи, ўқув режаси, дастур.

Ключевые слова: высшее образование, ВУЗ, кредит, модуль, студент, профессор, учебная программа, программа.

Key words: higher education, university, credit, module, student, professor, curriculum, program.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифатини ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласи белгилаб қўйилган.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ- 5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча ОТМ лар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашдан дарак беради.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришнинг таклиф этилиши, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш, олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш, қатор олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш, таълим соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш масалалари шу куннинг долзарб масалалари эканлиги таъкидлаб ўтилган.[3]

Ушбу мурожаатномада биринчи ўринга халқнинг билим даражасини ошириш масаласи қўйилган, бу миллатнинг рақобатбардошлигини кўрсатувчи омил эканлиги таъкидлаб ўтилган. Шу сабабли, табиийки, ушбу ҳужжатда замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий таълим тизимини яратиш муаммоси ҳам ўз аксини топган.

Бизга маълумки, ҳаётда кўп нарсаларнинг ўлчов бирлиги мавжуд. Масалан, вақт ўлчов бирлиги – секунд, узунлик ўлчови – метр, оғирлик– кило, суюқлик –литр, электр кучланиш ўлчови – ампер. Шунда бир савол туғилади: таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги борми? Айтишингиз мумкин, ҳа, олий таълимнинг ўлчов бирликлари бу - бакалавр, магистратура ва докторантура деб. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки унинг босқичлари ҳисобланади. Афсуски, ҳозирда мамлакатимизда олий таълимнинг талабалар прогрессини, уларнинг мутахассис сифатида шаклланишини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлиги мавжуд эмас.

Кредит-модуль тизими, авваламбор, мамлакатимиз олий таълим тизимида таълимнинг амалдагидан кўра анча мукамал, замонавий, лекин ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлигини олиб киради. Унга кўра ОТМ ўқув дастурлари муайян ўқиш натижаларини кўзловчи турли фан ва модулларга бўлинади. Ҳар бир фан ёки модуль эса ундаги ўқиш юкласи миқдорига қараб муайян миқдордаги кредитларда ўз аксини топади. Масалан ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7.5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўқув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши ва тегишли миқдордаги кредитларни тўплагандан сўнг унга бакалавр ёки магистратура даражаси берилиши белгиланади.

Кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестр 30 кредит тўплаб бориши зарур. Бакалавр дастури одатда 4 йил эканлигини ҳисобга олсак, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши керак бўлади.[4]

Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкласини ва талаба бунинг натижасида муайян ўқиш натижаларига эришганлигини билдиради. Яъни, ECTS-(European Credit Transfer and Accumulating System) кредит-модуль тизими таркиби икки зарурий элементдан иборат: а) ўқиш юкламалари ва б)

ўқиш натижалари. Талаба шу элементларни бажаргандагина ўша фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиши мумкин. Кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 академик соатлик ўқиш юкламасига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни қўлга киритиши учун маълум миқдордаги ўқиш юкласини бажариши зарур. Ўқиш юкласи бу талаба муайян ўқиш натижаларига эришишга қаратилган барча тизимли ўқиш машқлари ва ҳаракатларини бажариш учун керак бўладиган вақтдир. Бу дегани юқорида 1 кредит учун белгиланган 25-30 соатлик ўқиш юкласи бу талаба фанни ўрганиш учун сарфлаши кўзда тутилаётган жами ўқиш ҳаракатлар жамланмасидир. Унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, қўйингки, талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади. 1 кредит ўқиш юкласи 25-30 соат оралиғида айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир ОТМ ўзининг ички қоидаларида белгилайди ва бу қоидалар ОТМ веб саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади. Агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150-180 соатлик ўқиш юкласини бажариши керак бўлади ($25 \cdot 6 = 150$; $30 \cdot 6 = 180$). Шундай экан кредит-модуль тизимини жорий этган ОТМларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб туриб, ўқишлари ҳали бошланмасданок ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклиги ҳақида тушунчага эга бўлишлари мумкин. Бу ҳам таълимда шаффофликнинг бир кўринишидир. Амалдаги олий таълим тизимида эса талабалар одатда бундай маълумотга эга бўлмайди.

Кредит-модуль тизимида талаба фанлар ва модуллар бўйича кредитларни қўлга киритиши учун ўқиш юкламаларини бажаришнинг ўзи кифоя қилмайди. У тегишли миқдордаги ўқиш юкламаларини бажаргандан сўнг улар асосида муайян ўқиш натижаларини ҳам кўрсата олиши зарур. Ўқиш натижалари бу- талаба ўқув юкламаларини бажариш натижасида ўрганиши, тушуниши ва қила олиши кутилаётган билим ва кўникма жамланмаси. Кредит-модуль тизимида ҳар бир ўқув дастури (бакалавр, магистратура), фан ёки модуль ўзининг ўқиш натижалари олдиндан аниқ белгилаб олиниши ва ушбу ўқиш натижалари рўйхати талабаларга олдиндан тақдим этилиши зарур. Шунда талабалар муайян ўқув дастури ёки ундаги муайян фанни ўрганиш унга мутахассис сифатида нималар бера олиши ҳақида олдиндан тушунчага эга бўлган ҳолда ўқишни бошлайди. Шунда ўқиш натижалари ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлган талаба ҳам, ўқитувчи ҳам дастур ёки семестр давомида барча имкониятларини шу натижаларга эришишга қаратади. Дастур ёки фан ўқиш натижалари қуйидаги асосий саволга жавоб бера олиши керак: талаба дастурни ёки ундаги муайян фанни тамомлагандан сўнг унда ўрганган билимлари асосида нималар қила олади ёки қила олиши керак? Талаба фанни ўзлаштириши асосида нималар қила олиши кўрсатилиши зарур. Кредит - модул тизимидаги бу талаб олий таълимга амалий ёндашувни шакллантиради.

Талаба ва ўқитувчиларда ушбу умумий ўқиш юкласининг айнан қанча қисми дарс, аудитория соатларига тўғри келади, деган савол туғилиши мумкин. Кредит-модуль қоидалари бу масала бўйича аниқ талаб ёки чегара белгиламаган. Бунга кўп сабабларни келтириш мумкин. Масалан, таълим жараёнлари ёки модуль ҳар доим ҳам ўз таркибига аудитория соатларини қамраб олавермайди. Бунга мисол қилиб ўқув дастуридаги битирув амалиёти, диплом иши ва шу каби ўқиш элементлари ва модулларни келтиришимиз мумкин. Кўриб турганингиздек, бундай ўқиш элементларида аудитория соатлари бўлмайди. Лекин кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган университетлар амалиётини таҳлил қилганимизда, уларнинг аксариятида аудитория соатига эга бўлган фан ва модулларда аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40 фоизга 60 фоиз эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу нисбат бошқача қилиб айтганда 1 : 1.5 тўғри келади. Яъни, талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар 1 соат дарс учун унга дарсдан ташқарида бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълимда кредит-модуль тизими таълимнинг шаффофлигини, объективлигини, вақт нормасини, таълимнинг сифатини халқаро талаблар даражасида таъминлайди. Талабаларнинг мобиллигини, яъни бир ОТМ дан иккинчи ОТМ га ўтиб

ўқишига тўсиқларсиз имконият яратади. Кредит-модуль тизими Ўзбекистонда олий таълимнинг келгуси ривожини белгилайдиган омиллардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2020.

4. Ўринов В. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими”. Асосий тушунчалар ва қоидалар. 10 август 2020.

5. Раҳматов И.И., Мухамедов Ш.М. Олий таълимда кредит-модуль тизимидан фойдаланишнинг илмий асослари // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. 2020, 6-сон.

6. Каххоров С.К, Раҳматов И.И, Мухамедов Ш.М. Особенности построения образовательного процесса на основе модульных технологий обучения в Узбекистане // Вестник науки и образования, научно-методический журнал. – №18. [96]. Ч. 2. сентябрь 2020.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим тизимида қўлланилаётган янги тизим - кредит-модуль тизими ҳақида бўлиб, унда бу тизимнинг афзалликлари, ўзига хос хусусиятлари ва камчиликлари ҳақида таҳлилий фикр юритилади. Европа, АҚШ ва ривожланган давлатларда таълим тизимида қўлланилаётган кредит-модуль тизимлари ҳам таҳлил қилиб борилган, кредит модуль ибораларига таъриф берилган. Бу тизимни Ўзбекистон шароитида қўллашнинг объектив ва субъектив асослари, сабаблари асослаб берилган ва хулоса қисмида муаллифнинг нуктаи назари баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается новая кредитно-модульная система, применяемая в высшей школе. Проанализированы достоинства, особенности и недостатки этой системы. Также были проанализированы системы кредитного модуля, используемые в системе образования в Европе, США и развитых странах, и даны определения терминов кредитный модуль. Приведены объективные и субъективные основания и причины использования данной системы в контексте Узбекистана, а в заключении выражены взгляды авторов.

SUMMARY

The article discusses the new system of credit-module system used in higher education. The advantages, peculiarities and disadvantages of this system are analyzed. Credit-module systems used in the education system in Europe, the United States and developed countries have also been analyzed, and credit-module terms have been defined. The objective and subjective grounds and reasons for the use of this system in the context of Uzbekistan are given, and in the conclusion the views of the authors are expressed.

Нашрга пед. ф. д. Р Шодиев тавсия этган

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ЁШ КЕЛИН-КУЁВ ЎРТАСИДАГИ СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МИЛЛИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Жабборов А. М., Алимарданова Р.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *оила муқаддаслиги, ёш келин-куёв, маданий мерос, соғлом психологик муносабат, оилавий ҳаётга тайёрлаш, инсоний фазилатлар, ибо-ҳаё, севгига садоқат, адолат, гўзаллик, оқиллик, орасталик, ҳурмат-эҳтиром, ўзаро ишонч, оила шаъни ва гурури, ҳамфикрлик, меҳнат-севарлик.*

Ключевые слова: *святость семьи, молодожены, культурное наследие, здоровый психологический настрой, подготовка к семейной жизни, человеческие качества, скромность, преданность, справедливость, красота, мудрость, умеренность, уважение, взаимное доверие, семейная честь и гордость, солидарность, трудолюбие.*

Key words: *family holiness, young bride and groom, cultural heritage, healthy mental attitude, preparation for family life, human qualities, modesty, devotion to love, justice, beauty, wisdom, moderation, respect, mutual trust, family honor and pride, solidarity, hardworking.*

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Дарҳақиқат, оила – ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган. Ота-оналар муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади.

Бизнингча, оила ана шундай вазифаларни амалга ошириш учун инсонпарвар психологиянинг асосий принципини қуйидагича ифодаласа бўлади. Фаровон турмуш ва оилавий бахт-саодатга эришиш учун оиланинг асосини ташкил этувчи эр-хотин зарур инсоний сифат ва фазилатларни эгаллаган, ҳар томонлама баркамол, бахтли-саодатли, фаровон турмушни таъминлашга қодир (тайёр) инсонлар бўлиши керак. Ушбу тамойил эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари муносабатлари учун ҳам ғоят муҳимдир.

Биз тадқиқотларимизда оиланинг инсонга йўналганлиги хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек миллий-маданий муҳитидаги оилавий муносабатларни инсонпарварлаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида қатор изланишларни олиб бордик.

Дастлаб, ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашга хизмат қилувчи миллий-психологик омилларни ўргандик.

Мавзуга доир илмий манбаларни ўрганиш ва миллий-маданий муҳитда олиб борилган тадқиқотларнинг тасдиқлашича, оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашга хизмат қилувчи имкониятлар қатор иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий, шахсий-психологик омилларга бевосита боғлиқлиги (1-жадвалга қаранг) аниқланди.

Тадқиқот учун ўрганилаётган (1 ва 2-жадваллардаги) оилада ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг миллий-психологик аспектларини аниқлаш учун ўтказилган ижтимоий психологик сўровнома (ИПС) саволларига жавоб беришда ёш оилали шахслар (келин-куёвлар) томонидан аҳамиятига (ранг) қараб танланиши (баҳолалиши) айtilди. Танланганлик даражаси (ўрни) 1-ўрин (максимал) дан 5-ўрин (минимал) гача белгиланди. Тадқиқот ўтказилгандан сўнг ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминловчи миллий-психологик аспектларнинг (омилларнинг) аҳамият даражаси (ўрни) ни аниқлаш ва шунга нисбатан фоиз даражасини чиқариш учун биз қуйидаги таҳлил (формула)дан фойдаландик. 1-даражали деб танланган белгилар 5 имкониятга, 2-даражалилар 4 имкониятга, 3-даражалилар 3 имкониятга, 4-даражалилар 2 имкониятга, 5-даражалилар 1 имкониятга эга эканлигини белгиладик.

Аҳамиятига қараб 1-даражали (5 имкониятга эга) деб кўрсатилган белги учун 100 фоиз (энг юқори кўрсаткич) белгиланса, у ҳолда 5-даражали (1 имкониятга эга деб кўрсатилган белги ўзидан-ўзи (100 фоиз:5=20 фоиз) 20 фоизга тенгдир. Агар тадқиқот ўтказилган эр-хотинлар (респондентлар) томонидан оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминловчи омиллардан қайси бири танловда аҳамиятига кўра 1,3 даражани олган бўлса, унда ушбу кўрсаткич 1 даражалидан 0,3 даража пастлигини билдиради. Ёки 5 имкониятдан 0,3 имконият чиқариб ташланади, натижада 4,7 имконият (5-0,3=4,7) юзага келади. Бир имконият 20 фоизга тенг бўлганида 4,7 имконият 94 фоиз (20 фоиз 4,7=94 фоиз) га тенгдир. Бошқа манба ёки белгиларнинг кўрсаткичлари ҳам худди шу тартибда ишлаб чиқилди. 1-жадвалда ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг

миллий-психологик аспекти (омиллари) аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган анкета сўровининг натижалар берилди.

1-жадв.

Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашга хизмат қилувчи миллий-психологик аспекти (муҳим омиллар) ва уларнинг баҳолаши (n=300)

№	Омиллар	Ранг(ўрин) 1,2,3,4,5	фоиз
1.	Оиланинг моддий ва маиший таъминланганлиги	1,30	94 фоиз
2.	Оила аъзоларининг бир-бирларини яхши тушуниши, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши	1,20	96 фоиз
3.	Уй-жой билан таъминланганлик ва мустақил оила сифатида ҳаёт кечириш	2,10	78 фоиз
4.	Фарзанд кўриш ва уни тарбиясига муносабат	1,35	93 фоиз
5.	Оила аъзоларининг онглик ва маънавий-ахлоқий мавқеи	1,40	92 фоиз
6.	Муомала меърига амал қилиш, ўзини тутиш ва юриш-туриш одоби	1,50	90 фоиз
7.	Оиладаги роллар (вазифалар) тақсимоли ва унга масъулият билан ёндашув	2,00	80 фоиз
8.	Жинсий мослик (жинсий қониқош)	2,25	75 фоиз
9.	Қайнота ва қайнонанинг оилани бошқаришга муносабати (иштироки)	3,10	58 фоиз
10.	Қайноға, қайнука, қайнопа ва қайсингилларнинг оилавий муносабатлардаги иштироки	3,75	45 фоиз

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ёш келин-куёвлар оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг миллий-психологик аспектидан "Оила аъзоларининг бир-бирларини яхши тушуниши, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши"ни энг таъсирчан (муҳим) омил деб ҳисоблайдилар (ўринлар йиғиндиси 1,20; 96 фоиз). Дарҳақиқат, шахс психологиясининг таҳлиллари ва ҳулосаларига кўра, шахслик сифат-фазилатлари юксак даражада шаклланган инсонларгина (шу жумладан, оила аъзолари ҳам) бир-бирларини тўғри тушуна оладилар, бир-бирларига ҳамфикр, ҳамжиҳат, ҳамкор, камчиликлар ёки хатоликлар ўтганда кечиримли ва тузата олиш имкониятлари борлиги, сабр-қаноатли, итоатли, кенгашиб иш тутадиган, оилавий муаммолар ечимини тез топиб, оила тотувлиги, фаровонлиги ва равнақи йўлида ишонч билан қатъий, дадил иш кўрадилар. Айниқса, оилавий турмушда бир-бирларини тўғри тушунишга интилиш, маслаҳатлашиб-кенгашиб иш тутиш, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатлилик, эзгу истаклар сари фаоллик ўзбекларга хосдир. Бу сифат ва фазилатларнинг бўлиши ва ўзаро муносабатларда унга эришишга интилиш фақат оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашга хизмат қилади.

Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат ва унга садоқат, иззат-икром, ҳамфикрлилик ва муносабатларнинг самимийлиги оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг энг муҳим асослари бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланган ўзининг оилавий ҳаёти, турмуш тарзи бор. Оилавий турмушда эр билан хотиннинг вазифаси ва бурчларига оид қадриятлар мавжуд.

Оилавий шахсларо соғлом психологик муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар орасида "Оиланинг моддий ва маиший таъминланганлиги" (ўринлар йиғиндиси 1,30; 94 фоиз) ҳам олдинги ўринларда белгиланди. Оиланинг моддий таъминланганлиги - унда иқтисодий-молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва оқилона юритиш ҳисобланади. Оила аъзоларининг унинг даромадларини режали сарфлаши кундалик турмуш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, то кийим-кечак, ҳатто хўжалик асбоб-анжомларигача меъёр билан харид қилиш, тежамкорлик билан фойдаланиш, исрофгарчиликка

йўл кўймаслик оиланинг кейинчалик равақ топиши ва гуллаб яшнаши учун имкон яратади. Моддий таъминотдаги камчиликлар, албатта бориб-бориб оиладаги соғлом психологик муносабатларнинг бузилишига ва оила таназзулига олиб келади.

1-жадвалда шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминловчи яна бир муҳим омил "Оилада фарзанд кўриш ва унинг тарбиясига муносабат" (ўринлар йиғиндиси 1,35; 93 фоиз) деб тан олинди. Ҳақиқатдан ҳам оиланинг асосий вазифаларидан бири - фарзанд кўриб, уни вояга етказиш, авлодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Муқаддас китоб Қуръони каримда ҳам дунёнинг энг катта саодати – фарзанд кўришдир деб ёзилгани бунинг ёрқин далилидир. Оилада фарзанд туғилиши эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қон-қариндошлар орасида меҳр-муҳаббат ҳислари янада мустаҳкамроқ шаклланади. Ўзбек халқи болажон халқ бўлгани учун оилада фарзанд туғилиши биланок унинг тарбияси ва камолоти билан боғлиқ ота-онанинг орзу-хавас ва эзгу ниятлари реал намоён бўла бошлайди ва уларни амалга ошириш учун тинмай изланадилар. Улар оилавий турмушда учраб турадиган майда-чуйда муаммоларга эътибор бермайдилар, ҳатто эр-хотиннинг қатъий тус олган ўзаро муносабатларига оиладаги майда-чуйда муаммоларнинг таъсир кучи сезилмай қолади.

Оила аъзолари (айниқса, ёш эр-хотин) ўртасида кечадиган муомала меъёрига амал қилиш, ўзини тутиш ва юриш-туриш одоби (ўринлар йиғиндиси 1,50; 90 фоиз) оиладаги шахслараро соғлом психологик муносабатларни таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Оиладаги кундалик мулоқот бу ҳаётнинг эҳтиёж сифатида юзага келади. Эр-хотиннинг оиладаги ташкилий, моддий, маънавий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан кечадиган муомала муносабатлари соф ва самимий, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига нисбатан ўзаро ҳурмати, меҳр-муҳаббати ва иффати асосида қурилсагина унда психологик нуқтаи назардан мусаффо маънавий муҳит юзага келади, шахслараро муносабатлар барқарорлиги янада мустаҳкамланади. Эрнинг хотинга, хотиннинг эрга бетакаллуфлиги, бир-бирига кўпол муомаласи, оилавий турмуш билан боғлиқ иқтисодий, ташкилий, тарбиявий ва маънавий кийинчиликларни енгишдаги турли фикрлилик, келиша олмаслик ҳолатлари аста-секин ундаги шахслараро муносабатларнинг бузилишига, яъни оиланинг инқирозига олиб келади.

Эр-хотиннинг оила бошқарувидаги иштироки, роллар (вазифалар) тақсмоти ва унга масъулият билан ёндашув (ўринлар йиғиндиси 2,00; 80 фоиз) муҳим аҳамият касб этиши қайд қилинди. Оилавий муносабатлар маданиятининг такомиллашуви турли ижтимоий тарихий даврларда турлича хусусиятга эга бўлган. У ҳудудий, миллий ва диний ўзига хосликлар таъсирида шаклланган. Бу айтилса, халқимиз ижтимоий тарихининг турли даврларида аёлнинг жамиятда ва оилада тутган ўрнида ҳам яққол намоён бўлади. Оилада аёлнинг ўрни – онанинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Унинг садоқати, озода-орасталиги, ширин муомаласи, меҳр-муҳаббати, ширин таомлар тайёрлаши, меҳмон кутиши, саранжом-саришталиги, кийиниш ва муомала маданияти, маънавий-маданий саводхонлиги, фарзандлар, айтилса қизлар учун намуна мактабидир.


Эрнинг ишбилармонлиги, тadbиркорлиги, меҳнатсеварлиги, режали ва уйлаб иш тутиши, босиқлиги, талабчанлиги, кўп ҳунармандлиги, ҳалоллиги, адолатпарварлиги, оила ва хотинига нисбатан садоқати эрлар учун, айтилса фарзанд учун андоза сифатида ижтимоий тасаввурлар шаклланишига хизмат қилади.

Тадқиқотларимизда янги оиланинг "уй-жой билан таъминланганлик ва мустақил оила сифатида ҳаёт кечириш" (ўринлар йиғиндиси 2,40; 72 фоиз) ҳам унинг барқарорлигини таъминловчи муҳим таркиб эканлиги тан олинганлиги ижтимоий-психологик воқеликдир. Ўзбекларнинг миллий-маданий ва ҳудудий хусусиятларига кўра, ҳар бир оила уй-жой билан таъминланган бўлиши керак. Шу боис, ўзбек оиласида ўғил фарзанд туғилса, ота-она тезда уй-жой қуриш ташвишига тушадилар, чунки улар улғайиб турмуш қурганларида уйли-жойли бўлишлиги оиланинг тўла-тўқис фаолият кўрсатишига, унинг аъзолари эркин ва фаровон турмуш кечиришига асос бўлади.

Шундан сўнг, ўз аҳамиятига кўра, "қайнота ва қайнонанинг оилани бошқаришга муносабати (иштироки)" (ўринлар йиғиндиси 3,10; 58 фоиз) кўрсатилди. Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарига биноан янги оилага ота-онанинг раҳномалиги уни тўла фаолият кўрсатишга яқиндан ёрдам бериши ёки доимий унга ғамхўрлик қилиши анъанага айланган. Бусиз соғлом турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин. Ўзбек оиласига хос бундай хусусиятлар узок йиллар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Бу унинг кўп бўғинлилигидир (бобо, буви, ўғил, келин, неvara, чеваралар бирга яшашидир). Бундай оилаларда болажонлилик, серфарзандлилик, меҳнат тақсимотининг қатъийлиги, оила бюджети унинг аъзолари билан бамаслаҳат ота-она томонидан адолатли бошқарилиши, кичик аъзоларнинг катталарга ҳурмат-эҳтироми, бўйсунуши, итоаткорлиги, унда эркакнинг муҳим рол ўйнаши, ота-онага нисбатан муносабатнинг алоҳида аҳамият касб этиши, аёлларга нисбатан эъзоз, уларни авайлаб-асраш ҳиссининг кучлилиги, оила ғурури ва шаънини ҳимоя қилиш аъзоларнинг бурчига айланиб қолганлиги, туғилиб ўсган жойига алоҳида меҳр-муҳаббат туйғусининг мавжудлиги хосдир. Ўзбеклар миллий-маданий муҳитида кўпроқ "мустикал оила сифатида ҳаёт кечириш" унинг кўп бўғинлилиги шароитлари таъсирида, унда меҳнат тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва унинг муҳитидаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тенгсизликлар (келишмовчиликлар, номутаносибликлар) туфайли содир бўлади ва шу орқали оиладаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини (кўп бўғинли оила учун ҳам, ўзларининг янги оиласи учун ҳам) таъминлашга интиладилар.

2-жадв.

Ёш келин-куёв оиласидаги шахслараро муносабатларда низоларни келтириб чиқарувчи муҳим омилларнинг намоён бўлиш кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида) n=300



- 1 Оила қурилгунча шаклланган тасаввурларнинг янги оила ҳаётига хос реалликка мос келмаслиги
- 2 Феъл-атворнинг мос келмаслиги (гап олмаслик, келишмовчилик, ўз позициясини асослашга уриниш ва бошқ.)
- 3 Фарзандлар тарбиясига муносабати
- 4 Иқтисодий-маиший таъминотдаги камчиликлар
- 5 Оила бюджетини рационал бошқара олмаслик
- 6 Оиладаги вазифалар ва уй ишларининг (роллар) тақсимоти
- 7 Келин-куёв муносабатларига ота-оналарнинг ноўрин ва асоссиз аралашуви
- 8 Оила ҳаётига бошқа бировларнинг аралашуви
- 9 Рашк ва ишончсизлик
- 10 Севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, беписандлик, эътиборсизлик
- 11 Ҳовли-жой ва уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги

- 12 Ота-она ва қариндош-уруғларга бўлган муносабатда қадриятли-меъёрларга амал қилмаслик
- 13 Фарзандсизлик
- 14 Мустақил уй-жойнинг йўқлиги ёки яшаш шароитининг ноқулайлиги
- 15 Дунёқараш ва маслақларнинг номувофиқлиги (қизиқиш, интилиш, тушуниш, англаш, баҳолаш.)
- 16 Ичиш, чекиш ва бошқа муваққат нохуш кайфиятларнинг таъсири
- 17 Жинсий муносабатларда зарур қоидаларга риоя қилмаслик ёки жинсий номослик
- 18 Бошқа арзимаган сабаблар

Шундан сўнг ўз аҳамиятига кўра "қайнака, қайнука, қайнопа ва қайнсингилларнинг оилавий муносабатлардаги иштироки" (ўринлар йиғиндиси 3,75; 45 фоиз) ўрин олди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек оилалари аксарият ҳолатларда кўп бўғинлилиқ хусусиятини сақлаб келаётганлиги учун қайнака, қайнука, қайнопа ва қайнсингиллар оилавий муносабатларда бевосита тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида ундаги ўз вазифа ва бурчлари доирасида иштирок этадилар. Улар оиладаги шахслараро муносабатнинг барқарорлигини таъминлашда (муомала одоби, ундаги меҳнат тақсмоти, вазифа ва бурчни тўғри адо этиш, ўзаро ҳурмат ва эътиборни сақлаш, унинг иқтисодий негизини, маънавий муҳитини сақлаш, ғурури ва шаънини ҳимоя қилиш ва бошқаларда) у ёки бу даражада масъулдирлар. Уларнинг белгиланган меъёрлар даражасида (қоида-тартиблар) функцияларини ўтай олмасликлари ёки хато ва камчиликларга йўл қўйиши оиладаги соғлом турмуш тарзига зид бўлган ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлади.

Ўзбек миллий маданий муҳитида ёш келин-куёвлар ўзларининг реал турмуш тажриба ва тасаввурларига асосланган ҳолда оилавий низоларни келтириб чиқарувчи омилларга атрофлиқла ёйлаб, аниқ баҳо беришлари таклиф этилди (2-жадвалга қаранг).

Ўзбекларда оилавий низоларни келтириб чиқарувчи омилларни илмий жиҳатдан ўрганиш орқали ундаги шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўтказилган анкета сўров натижаларига кўра, феъл-атворнинг мос келмаслиги (гап олмаслик, келишмовчилик, ўз позициясини асослашга уриниш ва бошқ.) (ўринлар йиғиндиси 1,20; 96 фоиз), оила қурилгунча шакланган тасаввурларнинг янги оила ҳаётига хос реалликка мос келмаслиги (1,25; 95 фоиз), оилада фарзандсизлик (1,30; 94 фоиз), эр ва хотин ўртасида севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, беписандлик, эътиборсизлик (1,45; 91 фоиз), оила бюджетини рационал бошқара олмаслик (1,50; 90 фоиз) каби омиллар оилавий низолар келиб чиқишининг энг асосий ва муҳим сабаблари эканлиги қайд этилди.

Эр-хотинлар ўртасида оилавий низолар келиб чиқишида "Ховли-жой ва уй-ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги" (1,70; 86 фоиз), иқтисодий таъминотдаги камчиликлар (1,80; 84 фоиз), рашк ва ишончсизлик (1,80; 84 фоиз), ота-оналарнинг келин-куёв муносабатларига ноўрин ва асоссиз аралашуви (1,95; 81 фоиз), дунёқараш ва маслақларнинг номувофиқлиги (қизиқиш, интилиш, тушуниш, англаш, баҳолаш.) (2,00; 80 фоиз), жинсий муносабатларда зарур қоидаларга риоя қилмаслик ёки жинсий номослик (2,00; 80 фоиз) ҳолатлари ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд эганлар.

Эр-хотинларнинг фикрича, оилада "Болалар тарбиясига – муносабатнинг ҳар хиллиги" (2,35; 73 фоиз), ота-она ва қариндош-уруғларга бўлган муносабатда қадриятли меъёрларга амал қилмаслик (2,50; 70 фоиз), мустақил уй-жойнинг йўқлиги ёки яшаш шароитининг ноқулайлиги (2,55; 69 фоиз), гап олмаслик, ўзаро келишмовчилик (2,60; 68 фоиз), Ичиш, чекиш ва бошқа муваққат нохуш кайфиятларнинг таъсири (2,80; 64 фоиз) ҳам тез-тез оилавий низолар юзага келиши, уларнинг мунтазам кучайиб бориши оилада соғлом психологик муносабатлар йўқолиши ва оила бузилиши респондентлар томонидан эътироф этилди.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, оиладаги эр-хотин ўртасида вазифалар ва уй ишларининг (ролллар) тақсмоти сабабли (3,05; 59 фоиз), оила ҳаётига бошқа бировларнинг аралашуви (3,10; 58 фоиз) ёки бошқа арзимаган сабаблар (4,60; 28 фоиз) билан ҳам у ёки бу дара-

жада низолар келиб чиқади ва бу фарзандлар тарбияси, эр-хотин ўртасида совуқ муносабатлар шаклланишига сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур тадқиқот ўзбек оиласидаги шахслараро муносабатлар моҳиятини ўрганиш ва олдиндан билиш (баҳолаш), инсонпарварлаштириш имкониятларини аниқлаш ҳамда ушбу йўналишда зарур шарт-шароитларни яратиш истиқболларини белгилашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2007. – 192 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

3. Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Танланган асарлар тўплами. 13 т. – Т., 1966. – 244 б.

4. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – 208 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола оилада ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этник асосларига бағишланган бўлиб, унда ўзбекона оилавий турмуш қоидалари, шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эр билан аёл ўртасидаги нозик муносабатлар, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос қадриятли-меъёрий жабҳалари акс этган.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола оилада ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этник асосларига бағишланган бўлиб, унда ўзбекона оилавий турмуш қоидалари, шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эр билан аёл ўртасидаги нозик муносабатлар, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос қадриятли-меъёрий жабҳалари акс этган.

SUMMARY

The article is devoted to the social and ethnic foundations of ensuring healthy psychological relationships of young couples in the family, which reflect the rules of Uzbek family life, the culture of interpersonal relations, childhood maturity, delicate relationships between husband and wife, specific values and norms of preparing young people for family life.

РЕЦЕНЗИЯ

Рецензия на монографию Г. Эгамбердиевой «Популяризация историко-культурного наследия и развитие туризма в Узбекистане»

Сегодня туризм становится важнейшей отраслью экономики Узбекистана, которая способствует не только укреплению ВВП республики, но и пропаганде наших исторических и культурных ценностей. Определение в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы таких задач, как разработка приоритетных направлений развития туризма, организация научно-исследовательских работ по данной отрасли имеет важное значение.

Монография Эгамбердиевой Г. «Популяризация историко-культурного наследия и развитие туризма в Узбекистане» представляет собой законченное исследование, которое состоит из введения, четырех глав, заключения.

В первой главе «Предпосылки и факторы развития туризма в Узбекистане» выделяются основные этапы реформирования сферы туризма, дается сравнительный анализ туристической индустрии до и после независимости, рассматриваются основные указы и постановления, принятые в период независимости.

Вторая глава «Сотрудничество Узбекистана с международными организациями в сфере туризма» посвящена изучению сотрудничества с такими международными организациями как ЮНВТО и ЮНЕСКО. Подробно рассматриваются проводимые в республике под эгидой ЮНЕСКО и ЮНВТО конференции, мероприятия, фестивали, юбилейные даты. Особое внимание уделено популяризации и сохранению историко-культурного наследия на территории Узбекистана. Интересной является описанная в монографии разработка «Страновой программы по развитию туризма в Узбекистане», подписанной между Узбекистаном и ЮНВТО в ходе встречи председателя Государственного комитета по развитию туризма Абдулазизом Абдухакимовым и председателем ЮНВТО З. Пололикашвили, где были обсуждены гранты по повышению квалификации и подготовке кадров в сфере туризма в Узбекистане. Также исследованы вопросы совершенствования внутреннего туризма с использованием зарубежного опыта на примере таких стран, как Китай, Индия, Франция и Германия.

В третьей главе «Великий Шелковый путь как ключевой бренд развития туризма в Узбекистане» выявлены особенности туристических маршрутов на Шелковом пути, а также дается анализ ряда международных конференций, посвященных турпродукту «Шелковый путь».

Четвертая глава «Новые туристические направления в сфере туризма в Узбекистане в годы независимости» рассматриваются наиболее яркие и быстро развивающиеся направления современного туризма, такие как экологический, гастрономический, медицинский, этнокультурный, паломнический туризм.

На основе краткого обзора каждого из направлений автором делается вывод о том, что для того, чтобы развивать новые виды туризма, необходимо предлагать туры, разрабатывать маршруты, необходимо исследовать, выявлять факторы, способствующие его развитию, определять бренды, способные привлечь туристов. Сделан акцент на то, что в современной ситуации четко и быстро проявляются реальные изменения личности туриста, потребляющего турпродукт разного вида. При этом представление уникального продукта на туристическом рынке, создание развитой инфраструктуры, актуальных туристических маршрутов способствует привлечению капитала, регион и страна в целом становятся более привлекательными в инвестиционном плане. А значит, растут капиталовложения, что способствует увеличению ВВП Узбекистана. Туризм во всех его разновидностях становится неотъемлемой частью экономики государства, чему способствуют постоянно и быстро меняющиеся социально-экономические условия страны.

Результаты выполненных исследований демонстрируют их актуальность и своевременность для науки и образования в Узбекистане.

Помимо широкого обзора информационных источников (с 1959 по 2020 гг.) и доступного изложения материала, в монографии:

- рассмотрены пути реформирования нормативно-правовой базы в сфере туризма
- изучены вопросы развития туризма в его не только экономическом, но и социокультурном аспектах.
- проведен анализ зарубежного опыта развития туризма
- подведены итоги и даны рекомендации для дальнейшего прогресса туристической индустрии в Узбекистане

В целом, работа отражает научные взгляды на современное состояние обозначенных проблем. Данное издание могут использовать студенты различных уровней высших учебных заведений (бакалавры, специалисты и магистры), аспиранты и преподаватели, слушатели курсов профессиональной подготовки и переподготовки, повышения квалификации, а также социологи, педагоги, экономисты, менеджеры и другие специалисты.

Юнусова Х.Э., доктор исторических наук, профессор.



СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ТАРҒИБОТЧИСИ ПРОФЕССОР ШОНИЁЗ ҚУРБОНОВ 80 ЁШДА

Жонажон диёримизда шундай кишилар борки, ўзининг бутун умрини илму фанга, эгаллаган илмини ёшларга ўргатишга, тинимсиз меҳнат қилиб, келажак учун муносиб кадрлар тайёрлашга бағишлайди. Биологиянинг одам ва ҳайвонлар физиологияси соҳасида фан доктори илмий даражасини олган мутахассислар мамлакатимизда кўп эмас. Ана шу кам сонли олимлар орасида Қарши давлат университети профессори Шониёз Қурбоновнинг ўз ўрни бор. Шониёз Қурбонов Республикамизда одам ва ҳайвонлар физиологияси, спорт физиологияси, шунингдек, овқатланиш ва овқат ҳазм қилиш физиологияси ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлардан биридир. Оқилона овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўлида ўз илмий қарашлари ва ғоялари билан Республикамиз миқёсида танилган олим 20 дан ошиқ монография, дарсликлар, оммабоп рисоалар чоп қилдирган.

Ш.Қурбонов ярим асрдан кўпроқ давом этиб келатган илмий-педагогик фаолияти давомида минглаб талабаларга сабоқ бериб, уларнинг аксариятининг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, у кишининг раҳбарлигида 5 нафар фан номзоди, ўн бешдан ортиқ фан магистрлари тайёрланди. Фарзанди - биология фанлари номзоди, доцент Абдулазиз Қурбонов ота изидан бориб, соғлом турмуш тарзи бўйича илмий ва илмий-услубий ишлар олиб бормоқда.

Ҳозирги кунга қадар домланинг “Овқатланиш физиологиясининг асослари” (2000 йил), “Жисмоний машқларнинг физиологик асослари” (2003 йил), “Овқатланиш маданияти” (2005 йил), “Болалар ва ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси” (2006 йил) “Одам физиологияси” (2007 йил), “Ovqat hazm qilish va ovqatlanish fiziologiyasi” (2013 йил), “То‘ғ‘ри ovqatlanish qoidalari” (2014 йил), “Кексалар ва қарияларда тўғри овқатланиш” (2016 йил), “Соғлом овқатланиш физиологияси” (2018), “Олий нерв фаолияти физиологияси” (2020) каби китоблари ўқувчилар қўлига бориб теккан.

Юқорида санаб ўтилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг аксарияти таълим муассасаларида ўқитилиб келинмоқда. Хусусан, “Жисмоний машқларнинг физиологик асослари” (2003) китоби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча олий ўқув юртлардаги жисмоний тарбия йўналиши талабаларига ягона дарслик сифатида қабул қилинган. Шунингдек, домланинг “Ovqat hazm qilish va ovqatlanish fiziologiyasi” асари физиология соҳаси магистрантларнинг асосий ўқув дарслиги ҳисобланади.

Ш.Қурбоновнинг сермашаққат меҳнатлари ва изланишлари натижасида овқатланиш физиологияси бўйича бунёд бўлган 300 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ишларидан ўқувчилар, талабалар, магистрлар ва кенг китобхонлар жамоаси фойдаланиб келмоқдалар.

Домланинг “Соғлом овқатланиш физиологияси” китоби ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланган аҳоли орасида соғлом овқатланишни тарғибот қилиш, унга асосланиб умр гузаронлик қилинса, инсоннинг узоқ ва сермазмун ҳаёт кечириши, касалликларнинг олди олиниши ҳамда кўпгина иқтисодий масалаларнинг ҳал бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Шониёз Қурбонов 1971–1978 йилларда жисмоний тарбия факультети декани, 1983–1993 йилларда Қарши давлат университети ўқув ишлари проректори, 1994–2010 йилларда кафедра мудури лавозимларида, бир неча йиллардан бери университет жамоатчилик кенгашининг раиси сифатида ҳам фаол ишлаб келмоқда.

Юқоридагилар билан бир вақтда, домла овқатланиш физиологияси бўйича фанда эришилаётган ютуқларни оммага тарқатиш йўлида Республика миқёсида тарғибот ишларини ҳормай-толмай олиб бормоқда. Жумладан, унинг бу соҳадаги суҳбатлари ва мақолалари Республика телевидениесининг “Академ соат”, “Сихат-саломатлик” кўрсатувларида ҳамда “Халқ сўзи”, “Жамият”, “Янги Ўзбекистон”, “Шифо-инфо”, “Ишонч”, “Қашқадарё” газеталари саҳифаларида ҳам тез-тез эълон қилиб борилмоқда. Шунингдек, домланинг кўплаб мақолалари “Фан ва турмуш”, “Sihat-salomatlik”, “Экология хабарномаси” журналларида чоп қилинмоқда.

У киши билан суҳбатлашганимизда: “...ҳали кўп ниятларим бор. Барчамизнинг мустаҳкам соғлигимиз учун зарур бўлган жисмоний ҳаракат ва тўғри овқатланишнинг моҳияти ва аҳамияти борасида илмий ва илмий оммабоп китоблар ёзиш умидидаман”, – дейди.

Ш.Қурбонов ўзи туғилиб ўсган мактабда бир неча бор ўқувчилар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг биология соҳасига қизиқишларини орттирмоқда. Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилояти Косон туманидан университет ва институтларнинг биология факультетлари, тиббиёт институтларига ўқишга кираётган ёшлар кўпчилиқни ташкил қилади.

Бугунги кунда чинакам устоз даражасига етган Турон Фанлари Академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор Шониёз Қурбоновнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақиқатан ҳам барчамизга ибрат намунаси бўлса арзийди. Домлани муборак ёши билан қизгин табриклар, узоқ умр, фан ва таълим-тарбия йўлида чарчамасдан соғ-саломат меҳнат қилиб юришларини тилаб қоламиз.

Таҳририят

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳихлар:	Д.Шодмонова Ё.Ҳамраева Б.Турсунбоев
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 07.12.2020 йилда берилди.
Босишга 21.12.2020 йилда рухсат этилди.
26.06.2020 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/¹⁶.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 52.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071